**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**“Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” кафедраси**

**Доц. О.М.Мадалиев**

# СУД СТАТИСТИКАСИ ФАНИДАН

**Маъруза матни**

**Т а с д и қ л а н д и**

“Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” кафедрасининг 2010 йил 26 августдаги 1-сонли Мажлиқс баённомаси билан

**Тошкент 2010-2011 ўқув йили**

## 1-БОБ: Суд статистикасининг умумий тушунчаси ва тарихи. Суд статистикасининг предмети ва усуллари.

***Режа:***

**1. Статистика атамаси, тушунчаси, статистика фанининг предмети, ўрганиш объектлари;**

**2. Статистика фанининг асосий тармоқлари, умумий назарий статистика, ижтимоий статистика, статистиканинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи, статистиканинг предмети;**

**3. Ўзбекистонда статистиканинг вужудга келиши ва ривожланиши;**

**4. Суд статистикасининг умумий ва тармоқлараро ривожланиши. Жаҳон криминалистик статистикасининг вужудга келиши, статистик маълумотларни таққослашда БМТ нинг роли;**

**5. Суд статистикасининг фан сифатида ривожланиши;**

**6. Суд статистикасининг юридик фан ва амалиёт учун аҳамияти. Суд статистикаси тармоқлари;**

**7. Амалий ва илмий ишларда статистиканинг аҳамияти.**

### 1. Статистика атамаси, тушунчаси, статистика фанининг предмети, ўрганиш объектлари

“Статистика”- лотинча, status – сўзидан олинган бўлиб, “аҳвол”, “ҳолат” деган мазмунни билдиради. Шу сўз илдизидан stato– “давлат”, statista - “давлат билимдони” деган сўзлар келиб чиққан[1].

Шунингдек, “statistica”- давлат тўғрисида муайян билим, маълумотлар йиғиндиси деган мазмунни билдиради.

Статистика-биринчидан, жамиятдаги ижтимоий ишлаб чиқаришни миқдор кўрсатгичларини, уларни ўзгариши ва ривожланишини ўрганувчи, қайта ишловчи – фандир. Иккинчидан, оммавий кўриниш-ҳодисотларнинг миқдор ҳисобидир. Учинчидан, математик статистика – илмий –амалий хулосалар қилиш ва тегишинча фойдаланиш учун математик услуб билан тизимлаштиришга бағишланган математиканинг бир бўлимидир. Тўртинчидан, демографик статистика- аҳоли жойлашишининг, ҳаракатининг (бир яшаш жойидан иккинчи жойга кўчиб юриши), таркибининг (қандай миллат, қандай ирқ, қанча эркак, қанча аёл, қанча вояга етган, қанча вояга етмаган, қанчаси нафақа ёшида ва ҳ.к.з.) , миқдорининг (аҳолини сон жиҳатдан ўсиши, туғилиши ва ўлиш динамикаси) даражасига оид маълумотларни статистик услуб билан таҳлил қилиш билан шуғулланувчи статистика соҳаси ҳисобланади.

Статистик кузатув–орқали жамиятдаги оммавий кўринишлар, ҳолатлар ҳақида аниқ маълумотлар тўпланади. Масалан, аҳолини рўйҳатдан ўтказиш орқали, инсонларнинг кўпайиши, туғилиши ва ўлими динамикаси, жамиятда

[1]

қайси ёшдаги шахслар қанча фоизни ташкил этаётганлиги, уларни қайси манзилларда қанча миқдорда яшаётганлиги аниқланади. Албатта бу маълумотлардан аҳолини керакли бўлган истеъмол моллари, озиқ-овқат билан таъминлаш, транспорт воситаларини қатновини йўлга қўйиш, иш жойи билан ,яшаш жойи билан таъминлаш ва керакли маданий ва маиший хизматлар кўрсатиш масалаларини ўз вақтида тўғри ҳал қилиш учун, жиноятчилик ҳақидаги маълумотлардан эса, жиноятчиликка қарши кураш борасида кенг фойдаланилади.

“Статистика- деган эди таниқли француз давлат арбоби ва тарихчиси А.Тъер (1797-1877) – бу ўзинг билмаган нарсалар ҳақида аниқ маълумот бериш санъатидир”.

Ёзувчи Б. Дизраэли (1804-1881) “Ҳаётда қоида бўйича кимда кўп маълумот бўлса, ўша кўпроқ ютуққа эришади” –деган эди. Ҳамда унинг ўзи томонидан яна, “Ёлғоннинг учта тури мавжуд: уйдирма, сурбетларча уйдирма ва статистика” деб таъкидланган.

Америка иқтисодчиси ва статисти У.К.Митчел (1874-1948)нинг таъкидлашича, “Статистика–мен ва менга ўхшаган ҳар қандай иқтисодчи (пресс қилиб) брикет ҳосил қилиш учун жипслаштирадиган-пояча(солома)дир”.

**Статистика тушунчаси** ҳақида минглаб олимларнинг унданда кўпроқ бўлган фикр-мулоҳазалари ва ўзларининг берган таърифлари мавжуддир. Бу тушунча ва фикр-мулоҳаза, ўҳшатиш ва таърифларни жуда ҳам узоқ муддат тўҳтовсиз давом эттириш мумкин. Бизнинг фикримизча, **“Статистика – бу жамият ҳаётининг диагностикасидир”**. Инсон касаллиги ва уни даъволаш ҳақида, унинг фақатгина ташқи туришига қарабгина, ҳеч қандай текширувсиз ва таҳлилсиз, асоссиз равишда фикр билдириш эмас, балки инсонни бутун мавжуд аъзоларини фан-техниканинг энг илғор технологиялари ёрдамида батафсил текшириб, турли услублар билан ягона ва аниқ бир хулосага келиш учун чуқур таҳлилни амалга ошириш ва уни касаллигини бехато равишда аниқлаш ва албатта даъво чорасини белгилашнинг энг тўғри йўлини кўрсатиб бериш медицина диагностикасининг вазифаси бўлса, статистика – жамият ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги динамикани бехато айтиб бера олади. Унинг ёрдамида жамиятимиздаги ҳар қандай сиёсий, ижтимоий-иқтисодий бўҳтонларни содир бўлиши мумкинлигини олдиндан билишимиз, жамиятимиз ривожланиши учун ундаги касаллик қандай тарзда ва қандай шаклда ва қайси бир бўлагида пайдо бўлаётганлиги, уни даъволаш учун қандай чоралар қабул қилиниши зарурияти пайдо бўлганлигини, ижтимоий мунособатларни тартибга солиш учун вужудга келган зарурият нималардан иборат эканлигини, қандай қонунлар қабул қилиниши кераклиги, қайси мунособатларимизни ҳуқуқий тартибга солиниши нақадар зарурлиги тўғрисида аниқ маълумотлар беради.

Статистикани бошқачароқ қилиб, таърифлаш ҳам мумкин. Масалан, **Статистика – бу, жамият ҳаётининг кўзгусидир.** Статистика ўз

кўрсатгичлари ёрдамида, жамиятдаги барча ўзгаришларни реал кўринишини акс эттиради.

**2. Статистика фанининг асосий тармоқлари, умумий назарий статистика, ижтимоий статистика, статистиканинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи, статиститканинг предмети**

«Статистик» (statisto) сўзи уйғониш даврида Италияда вужудга келган бўлиб, унинг маъносида инсонни, сиёсатда махоратни, турли давлатларнинг билимдонларини англашган. Бу сўз анча кенг қўламда қўлланилган бўлса керакки, буюк Шекспирнинг асарлари – «Гамлет» (1602 й) ва «Цинбелини» (1611 й) да қайта – қайта учраган. XVII асрда «статистика» сўзи ўша маъноси билан немис тилига ўтган. Ундан Германияда лотин тилида чоп этилган ишларда илмий қўлланишга қўйилган лотинча сифати (statistus) пайдо бўлади. «Статистик» ва «статистика» сўзларини XVIII аср немис солимлари, уларнинг остида давлат афзалликлари ҳақидаги барча билимлар ёки турли давлатлар таърифларини тушуниб қўллай бошлашди.

“Статистика” атамаси дастлаб 1749 йилда немис статисти, фалсафа ва ҳуқуқ профессори Г. Ахенваль( 1719-1772) томонидан давлатшунослик тўғрисида чиқарган китобида, давлатшуносликнинг бир тармоғи сифатида статистикани кўрсатиб ўтган. Е.В.Петрова ва Р.А.Шмойловаларнинг фикрича Ахенваль биринчи Марбург, ундан кейин Геттингем университетида янги фан сифатида “статистикани” ўқиган. Лекин, аслида унга қадар Г.Ахенвальнинг устози М.Шмейцер 1723 йилда Йен университетида “Сиёсий статистика ҳақида оммавий маърузалар” яъни, “Collegium politico statisticum” курсини ўқиган.

Ўзбек олимларидан Ё. Абдуллаевнинг таъкидлашича, “Статистика кўп асрлик тарихга эга. Айрим маълумотларга кўра, эрамиздан 3500 йил илгари Мисрда аҳоли ҳисоби ( рўйхати) ўтказилган... Бхаскара (XII аср) ва бошқа ҳинд олимлари ҳисоб-математика адабиёти фондида ажойиб намуналар қолдирдилар. Унинг фикрини ўзбек олимларидан яна Х.Шодиев, З. Тошматов, М .Ҳамроев, Х. Хўжақуловлар ҳамда шу фан ўқитувчиларидан Т. Болтаев ва Р. Уруновлар ҳам тасдиқлаб, қуйидагиги фикрларни билдиришади “Ҳисоб-статистика ишларини ривожланишга катта ҳисса қўшган олимлар хитойликлардир. Уларга Кунфуция (Кун Фуцзу, 551-479 эрамизгача), Мэн Цзў (372-289 и. эрамизгача) ва бошқаларни киритиш мумкин.

Эрамизгача тўрт мингинчи йилларда йирик қулдорлик давлатларидан бўлган Мисрда жуда кўп статистик ишлар амалга оширилган. Эрамизгача бўлган уч мингинчи йилларда Миср ёзуви пайдо бўлган. Математика жуда ривожланган. Айрим маълумотларга кўра эрамиздан 3500 йил илгари Мисрда аҳоли рўйхати ўтказилган. Ўша даврларда Мисрда касрлар ва арифметик амаллар маълум бўлган. Масалан:

бир, ўн, юз, минг ва **х**.к. махсус белгилар билан баён қилинган. Миллион рақами жуда катта сонга ҳайрон бўлиб қўлини кўтариб турган инсон фигураси орқали белгиланган. Қадимги Мисрда геометрия ва астрономия фани ҳам вужудга келиб, инсоният тарихида биринчи бўлиб календарь ва кадастр тузилади.

Янги эранинг бошларида ҳисоб-математика ишлари билан жуда кўпчилик шуғуллана бошлади. Бу иш ўз ҳудудига Ҳинд ярим оролидан Африканинг шимолий денгиз қирғоқлари ва Испания жанубигача кенгаяди. Бу ҳудудларда босқинчилик урушларидан сўнг (VII аср), ислом дини томонидан ўрнатилган расмий (араб) тили зонаси пайдо бўлади. Регионнинг ажойиб иқлими, географик, ҳўжалик ва сиёсий шароитлари умуман фаннинг, шу жумладан статистика фанининг ҳам ривожланишига катта ёрдам ва туртки бўлган. Бутун ҳудуддан илмий асарлар тўпланиб, улар араб тилига ўгирилган. Араб ҳинд математика асарлари ўзига қисман антик грек муаллифларини ҳамда Ҳиндистон, Хитой, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари олимларининг асарларини бирлаштира бошлади.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, статистиканинг куртаклари ижтимоий фаолиятнинг тури сифатида давлатларнинг пайдо бўлиши билан ривожлана бошланган. Бу ҳолат, статистиканинг пайдо бўлиш механизмини тўла тушуниш учун жуда муҳимдир. Шуни яхши англаш керакки, қадимий жамиятларда ҳисобларнинг ёки ҳисобнинг айрим белгилари мавжуд бўлган ҳолос. Давлатларнинг пайдо бўла бошлаши, ижтимоий фаолият сифатида статистиканинг ҳам пайдо бўлишини тақозо этган. Давлатни бошқариш учун зарур бўлган оммавий ва бошқа маълумотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш зарурияти пайдо бўлди. Ҳукмрон синф ўз ҳукмронлигини ушлаб туриши ва уни бошқариши учун, давлат йиғимларини тўплаш учун, ер эгаларида қанча ер борлигини, ундан қанча даромад олишини, уруш олиб бориш, эгаликдаги ҳудудни душманлардан асраш учун қўриқлаш вазифасини бажарувчи табақа-ҳарбийларни қанчаси зарур бўлиши, шунинг учун аҳолининг умумий сони қанчали ва шундан қанчаси катта ёшдаги эркаклар,қанчаси аёллар ва қанчаси қария ва ёш болаларни ташкил этишини аниқ билиш зарурияти туғилади. Бу ишлар қадимги статистик ишлардан фарқ қилади, яъни у фақат рўйхатга олиш эмас, маълумотларни жамият ва давлатни бошқариш учун таҳлил қилиш билан фарқланади". Статистика фани XVII асрнинг охирларига келиб мустақил фан сифатида шакллана бошлади. Бу даврда эндигина феодализм ўрнини капитализм тузуми эгаллаётган эди. Капиталистик тузумнинг барқарор бўлиши кўпгина фанларнинг, шу жумладан статистиканинг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. XVII асрда Англияда "Сиёсий арифметика" деган фан вужудга келди. Унинг асосчилари инглиз олимлари У. Петти ( 1623-1687) ва Жон Граунт ( 1620-1674) бўлганлар. У Петтини ўз вақтида сиёсий иқтисоднинг "отаси" ва

маълум даражада статистиканинг ихтирочиси, деб аташган. Европада статистикангинг асосчиси бельгиялик олим А. Кетле (1796-1874) ҳисобланган. Ўша даврда Германияда Г. Ахенвал (1719-1772) биринчи марта “статистика” сўзини қўллаган. Англияда эса. А. Боули (1869-1957) статистиканинг тараққий этишига асос солган”.

К. Маркс У.Петтини улуғ ва оригинал иқтисодчи-текширувчилардан бири, сиёсий иқтисоднинг отаси ва маълум бир даражада статистиканинг ихтирочиси деб ҳисоблаган.

У.Петти ўз асарларида ("Солиқлар ва йиғимлар", 1662 й.; "Доноларга сўз", 1664 йил; "Сиёсий арифметика", 1676 йил) ўз тенгдошларини қизиқтирган социал ва иқтисодий саволларга миқдорий ҳисоб-китобларга суянган ҳолда жавоб беришга ҳаракат қилади.

У.Петтининг яқин дўсти, фабрикант, Лорд, Лондон шаҳрининг ҳокими Ж.Граунт биринчи бўлиб ўлиш тўғрисидаги маълумотлар жадвалини тузган. У туғилиш масалаларини ўрганди, биринчи бўлиб болалар ва қизлар туғилиши ўртасидаги доимий нисбатни очди (14/12), Англия аҳолисини сонини аниқлади (6,5 млн.киши), Лондон аҳолисининг сони 460 минг киши, шулардан қурол олиб юрадигани (ҳарбий хизматга яроклилари) 81 минг киши эканлигини аниқлади, ахоли миграциясини ўрганди. Булардан ташқари у оммавий миқдорий ҳодисаларга тааллуқли айрим статистик қонуниятларни аниқлади.

У.Петти ва Ж.Граунт бажарган ишлар илмий статистикани пайдо бўлишига пойдевор бўлиб хизмат қилган. Улар бошлаган иш бир қанча олимлар томонидан давом эттирилган. Улар орасида Г.Кинг (1648-1712) ва Э.Галлей (1656-1742) бажарган ишлар алоҳида эътиборга сазовордир. Г.Кинг 1696 йилда Англия аҳолисини барча социал гуруҳлари бўйича даромадлар ва ҳаражатлар балансини тузди, астроном Э.Галлей эса 1693 йилда ўлиш жадвалини тузди. У тузган жадвал Ж.Граунтникига нисбатан анча такомиллашган бўлиб, у жадвал маълумотлари суғурта амалиётида ишлатила бошланди.

Шундай қилиб, сиёсий арифметика мактабининг дастлабки кўриниши вужудга келган.

Сиёсий арифметика мактаби билан деярли бир пайтда Германияда тасвирий мактаб (фан) ҳам пайдо бўлади. Бу мактаб асосчилари Г.Конринг (1606-1681) ва Г.Ахенвальдир.

1660 йилда Г.Конринг янги соҳа (фан) бўйича - "Давлатшунослик" "Staatskunde" маъруза курсини ташкил қилади . Бу фан Г. Конринг фикрича - ҳар бир давлатда диққатга сазовор бўлган фактлар (руй берган ҳодиса ва воқеалар) ҳақида сўзлаб берувчи фандир.

Статистика фанини ривожланиши билан бир қаторда статистика амалиёти ҳам пайдо бўла бошлайди. Ҳаёт тобора қийинлашиб борганлиги сабабли, давлатлар статистик органларни тузишга мажбур бўладилар. Биринчи давлат статистика органи 1756 йилда Швецияда

ташкил қилинган. Францияда 1772 йилдан бутун мамлакат бўйича аҳолининг ҳаракатлари тўғрисида ҳисоботлар тузиш бошланади. 1801 йилда Франция Ички ишлар вазирлигида статистик бюро ташкил қилинади. Англияда 1801 йилда аҳоли рўйхати ўтказилиб, шу йилларда саноат вазирлиги қошида статистика департаменти барпо этилади.

Статистикани марказлаштириш зарурияти туғила бошлайди. Масаланинг зарурлиги биринчи халқаро статистиклар конгрессида(1853й. Брюссел) ҳам таъкидлаб ўтилди ва ҳар бир давлатнинг марказий статистика комиссияларни тузиш таклиф этилди.

Статистика фани ривожланишида рус олимлари ҳам ўзларининг муносиб хиссаларини қўшганлар: В.Н.Татишев (1686-1750) - Россияда биринчи аҳоли рўйхатини ўтказган ва аҳолини жорий ҳисобини тадбиқ қилиш лозимлигини кун тартибига қўшган; К.И.Крилов (1689-1737)-статистикада илк бор давлатни тавсифловчи иқтисодий-статистик маълумотларни статистик жадвал ёрдамида изоҳлаган; Д.П.Журавский - биринчилардан бўлиб, статистика фанига таъриф берган; Семенов Тянь-Шанский (1827-1914) - Россияда унинг бошчилигида илк бора бутун Россия аҳоли рўйхати ўтказилган, кўп йиллар марказий статистика қўмитаси бошлиғи бўлиб ишлаган; Ю.Э.Янсон (1835-1893) — статистика умумий назариясидан илк бор дарслик ёзган (бу дарслик бугунги кунда ҳам, бизнинг фикримизча, энг яхши дарсликлардан биридир); А.И.Чупров (1842-1908), В.И.Ульянов (1870-1924); А.А.Чупров (1874-1926), А.А.Кауфман (1864-1919) ва бошқалар.

Собиқ Иттифоқ даврида ижод қилган ва статистика фани ривожланишига ва амалиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган статистик олимларни бугун эслаш жоиздир. Уларга Г.Струмилин, В.С. Немчинов, В.Н.Старовский, М.Н.Смит, В.С.Ястремский, С.М.Югенбург (кўп йиллар Самарканд кооператив институтида ишлаган), А.Я.Боярский, А.И.Газулов, А.И.Петров, Г.В.Рябушкин, В.М.Симчера, Н.Н.Ряузов ва бошқаларни киритиш мумкин .

18-асрнинг ўрталарига келиб, давлат ҳақидаги маълумотлар йиғиндисига, яъни статистикага давлатшунослик сифатида қарала бошланди. Масалан, статистика ёрдамида шу давлатнинг ҳудудида яшовчи халқлар турлари, уларнинг миллати, дини, ирқи қандай эканлиги, уларнинг сони, яшаш жойлари ва уларнинг жойлашиши, нима билан шуғулланиши, асосий яшаш манбаи, шу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ресурслари ва ҳ.к.з., мамлакат ижтимоий ҳаётининг динамикасини ўрганиш мумкин.

Статистика деганда дастлаб давлат ҳақидаги шу билимларни мажмуасини тушунилар, кейинчалик эса, зарур маълумотларни тўплаш ва ундан фойдаланиш имкониятини берувчи фаннинг бир тармоғи сифатида қарала бошланди. Статистика-маълумотлар йиғиндиси, статистика-маълумотлар йиғиндисининг параметри, статистика-фаолият тури,

статистика оммавий ижтимоий ҳодисотлар ҳақидаги фан, булар эса статистиканинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши тарихидир.

Бугунги кунда ***статистика - ижтимоий-оммавий ҳодисотларнинг ва жараёнларнинг ўзига хос бўлган услуб ва шакллар ёрдамида миқдорий томонини ўрганувчи ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини ҳамда анъаналарини миқдорий кўрсатгичда ўзида акс эттирувчи фаннинг тармоғидир.***

Статистикани **икки вариант**да яъни, **кенг ва тор маънодаги статистика**га бўлишимиз мумкин.

**Кенг маънодаги статистика** деганда,–қайси соҳага таалуқли бўлишидан қатъий назар, барча оммавий ходисотларнинг йиғиндисини ўрганадиган фанни тушунамиз.

**Тор маънодаги статистика** деганда, - бир мунча ихтисослашган, ижтимоий-оммавий ходисотларнинг фақатгина миқдорий томонинигина ўрганувчи фанни тушунамиз.

Статистика ижтимоий фанларнинг тармоғи ва ахборотларни олиш, таҳлил қилиш, ундан фойдаланиш ва нашр қилиш бўйича амалий фаолияти сифатида жамият ҳаёти қонуниятларини аниқ жой ва вақтлардаги акс этишининг миқдорий кўринишини ўрганади. Масалан, жамият ҳаётини ўзида акс эттирувчи иқтисодиётни ўсиши ва пасайиши қонуниятлари, демографик, ҳуқуқий ва бошқа маълумотларни маълум бир давр, маълум бир вақт ичидаги кўринишини ифодалайди. Ушбу қонуниятларни статистика албатта статистик кўрсатгичлар ёрдамида акс эттиради. Шунинг учун статистикани кўрсатгичлар тизими ҳақидаги билимлар, яъни у ёки бу ходисотларнинг ҳолатини миқдорий кўрсатгичда тавсифловчи сифатида ҳам ифода қилишимиз мумкин.

Статистикани яна турли йил, давр, дақиқалар, сонялар ёки маълумотларни тавсифловчи яъни, давлат ҳаётининг турли томонларини ўзида акс эттирувчи: иқтисодини, аҳолисини, жиноятчилигини, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятининг маълум бир йўналишларини миқдорий кўрсатгичларда ифоловчи деб атасак ҳам бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича 2001 йилда жами 8009 та иш апелляция тартибида кўрилиб, 3708 та шахсга нисбатан, шундан туман, шаҳар прокурорларининг протести билан 3021 та ҳукм ўзгартирилган ва бекор қилинган. Апелляция протести киритиш самарадорлиги 81,5 %ни ташкил этган.

Кассация тартибида шахс ҳисобида жами бўлиб, 2001 йилда 1542 та ҳукм ўзгартирилган ва бекор қилинган бўлиб, шундан 146 таси тарафларнинг шикоятлари асосида, 724 таси эса вилоят прокурорларининг кассация протестлари асосида, 657 таси вилоятлар судлари раисларининг кассация протестлари асосида амалга оширилган. 2001 йилда вилоят прокурорларининг кассация протестлари киритиш йўли билан ҳукмларни қонунларга мувофиқлаштириш самарадорлиги 46,9 % ни ташкил этади.

(Илова № 3). Вилоят судларининг раёсатларида ҳукмларнинг бекор қилиниши ва ўзгартирилиши 2001 йилда 1997 тани ташкил этган бўлиб, шундан вилоят прокурорларининг назорат протестлари асосида 703 та шахсга нисбатан ҳукмларнинг ўзгартирилганлиги ва бекор қилинганлигини кўрамиз. Бунда вилоят прокурорларининг назорат протести киритиш йўли билан ҳукмларни қонунга мувофиқлаштириш самарадорлиги 35,2% ни ташкил этади. 2002 йилнинг 6 ойида Республикада апелляция тартибида ўзгартирилган ва бекор қилинган ҳукмларнинг 1437 нафар шахсга тааллуқлиси ёки 79,2 % и прокурор протестларига тўғри келган.

Ҳудди шундай маълумотларни жиноятчилик, иқтисодиёт ёки жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидан ҳам мисол қилса бўлади. Масалан, 28 январь 2005 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз маърузасида статистик маълумотлардан фойдаланиб “Жазони манзил колонияларда ўтаётган шахсларнинг улуши қамоқда сақланаётгарлар сонига нисбатан анча кўпайди. Яъни, 1990 йилда манзил колонияларда жазони ўтаётган шахслар маҳбусларнинг умумий сонига нисбатан 7 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 21 фоизни ташкил этмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар бир 100 минг аҳолига нисбатан қамоқдагилар сони 158 кишидан ташкил этади. Айни пайтда ушбу кўрсатгич, масалан, АҚШда – 715, Россияда- 584, Украинада – 416, Қозоғистонда – 386, Эстонияда – 339 кишидан иборат.

Статистик маълумотларни ўзида акс эттираётган бундай рақамларни, фактлар йиғиндиси сифатида келтирилаётган бундай мисолларни мутахассислар томонидан Ўзбекистон, Россия ва МДХ давлатлари ва уларга тегишли бўлган ўлкалар ҳақидаги, шу ерлардаги жиноятчилик ва қонунийликнинг аҳволи ҳақидаги, ёки алоҳида турдаги ёхуд маълум бир турдаги жиноятларни шу ерлардаги содир этилиши тўғрисидаги маълумотларни мисол қилсак бўлади.

Статистика ёрдамида дунёнинг турли ерларида демографик ўзгаришларни кузатиш мумкин. Масалан, ўтган аср бошида бутун дунё бўйича “Ерда” 1 млрд 650 млн одам яшаган бўлса,ҳозирда 6 млрд.дан ошиқ одам яшайди. Одам кўпайишининг даражаси шундай кетаверса, таҳминан 30 йиллардан кейин ер куррасида одамларнинг қанчалик даражада зич яшаши мумкинлигини тасаввур қилиб кўришингиз мумкин. Ўз – ўзидан табиий ресурслардан фойдаланиш муаммоси чуқурлашади, рақобатлар кучаяди, яшаш учун кураш ҳозиргига нисбатан бир мунча кучаяди.

### 3. Ўзбекистонда статистиканинг вужудга келиши ва ривожланиши

Ўзбекистонда статистикани ривожлантиришда Тошкент ҳалқ ҳўжалиги институтида 1932 йилдан бошлаб ўз фаолиятини бошлаган “Статистика” кафедрасининг олимлари ўзларининг муносиб хиссаларини қўшишган. Республикамизда биринчилар қаторида докторлик диссертациясини ёқлаган,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлган Н.М. Соатов ва Э.А. Акрамовлар шулар жумласидандир. 1979 йилида ушбу олимларнинг муҳаррирлиги остида биринчи марта ўзбек тилида “Статистика асослари” номли ўқув қўлланма “Ўқитувчи” нашриёти томонидан чоп этилган. Шунингдек, статистика фанини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшган профессорлар И.Н.Эрматов, Ҳ.Н.Набиев, С. Сирожиддинов. Р. Алимов, Ё.Абдуллаевларни алоҳида эътироф этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида статистиканинг ривожланишида ва уни ўзбек халқига ўргатишда диққатга сазовор ишлар қилинган. Биринчи "Статистика" кафедраси 1932 йилда Тошкент, кейинчалик-Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ташкил этилган. Ҳозирги пайтда деярли ҳамма иқтисодий институт ва факўл ьтетларда статистика кафедралари мавжуд. Уларда ўзбек статистикасини яратган ва яратаётган ажойиб олимлар фаолият кўрсатмоқда.

Республикамизда биринчи бўлиб статистикадан докторлик диссертациясини ҳимоя қилган шахс бу - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арооби унвонига сазовор бўлган олимларимиз Н.М.Соатов ва Э.А.Акромовдир. Улар муҳаррирлиги остида илк бор ўзбек тилидаги "Статистика асослари" номли ўқув қўлланмаси чоп этилган.

Ўзбекистан Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, ўзбек тилида "Статистика" фани бўйича ўқув адабиётлари чоп этиш бошланди. Ўзбек тилида ўқув қўлланма ва дарсликлар яратган Тошкент Молия институти статистика кафедраси профессор ўқитувчилари намуна бўлмоқдалар. Бу ишга бошчилик қилаётган иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ё.Абдуллаевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Профессор Ё.Абдуллаев илк бор статистика умумий назарияси дарслик (1993 й) чоп этдилар, 1996 йилда шу фандан ўқув қўлланма нашр этилди, 1998 йилда эса ўқувчиларга "Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб" тақдим этилди. Кафедранинг бошқа аъзолари ҳам бу соҳада фаол ишламоқдалар. Масалан, иқтисод фанлари доктори, профессор Х.А.Шодиев "Статистика нимани ўргатади." Т.: Ўзбёкистан, 1985; Х.А.Шодиев, М.Я.Ҳамроев "Молия статистикаси".Т.: Абу Али Ибн Сино, 2002; Х.А.Шодиев "Молия статистикаси буйича амалиётнома".Т.: ТМИ, 2002; М.Ҳамро.ев "Миллий бойлик статистикаси".Т: ТМИ, 2002 ва бошқа ўқув адабиётлари чоп этилган.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида статистика фаолияти марказдан бошқарилиб, барча методологик ва услубий масалалар у ерда мужассамлашган эди. Иттифоқдош республикалардаги статистика идоралари (аввалги Марказий статистика бошқармалари, кейинчалик эса Давлат статистика қўмиталари) фақат статистик маълумотларни республика миқёсида тўплаш, қайта ишлаш ва олинган маълумотларни

марказга етказиб бериш билан шуғулланар эди Масала шу қадар марказлаштирилган эдики, ҳатто иттифоқдош республикаларда яратилган миллий даромад хажми жойларда эмас, балки марказда аниқланар эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан бошлаб статистика фаолиятини ташкил этиш масаласида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Даставвал статистика ва башорат қилиш ишларини уйғунлаштириш ҳамда методологик-услубий масалаларни бозор иқтисодиёти шароитларига мослаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 6 августдаги ПФ-949 сонли сон л и Ф а р м о н и ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 августдаги 367-сонли қарорига кўра Давлат статистика қўмитаси Тараққиёт истиқболини белгилаш қўмитаси билан бирлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика (“Ўзистиқболстат”) Давлат қўмитаси ташкил қилинди.

Республикамизда статистика ишларини қонуний ва халқаро стандартлар асосида олиб бориш ишларини ташкил қилиш учун 1993 йилнинг 2-сентябрида Олий Мажлис томонидан «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонун ва 1994 йилнинг 24-августида Вазирлар Махкамасининг 433-сонли қарорига биноан «Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш бўйича Давлат дастури» қабул қилинди.

Республиканинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб халқаро регистрларни шакллантириш тамойилларига мувофиқ корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистрини (КТЯДР) ишлаб чиқиш ва юритиш мақсадида 1994 йилнинг 17-ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг 555-сонли «Мулкчилик ва ҳўжалик юритишнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу қарорни қабул қилишдан асосий мақсад:

- Ўзбекистон Республикасида корхона ва ташкилотларни ягона давлат ҳисобига олишни таъминлаш;
- Аниқ мўлжалли иқтисодий кўрсатгичлар негизида ёппасига статистик кузатишни юритиш, шунингдек бир йўла ҳамда танлаб ўтказиладиган тадқиқотлар ва рўйҳатга олишларни ташкил этиш;
- Республика ва ҳудудий бошқарув идораларининг ахборот алмашишда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг бир-бирига тўғри келишини ва таққосламалигини таъминлаш;
- Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг республика ахборот макони доирасида ўзаро ҳамкорлик қилишларида уларни идентификациялаштиришнинг ягона тамойилларини таъминлаш; ишончли ахборот тўплаш ва улар билан бошқарув идоралари ва фойдаланувчиларни таъминлаш.

Корхона ва ташкилотлар Ягона давлат регистрининг амалиётга киритилиши натижасида қуйидагиларни амалга ошириш имконияти яратилди:

- Ҳўжалик юритувчи субъектларни бир ёки бир неча ахборот белгилари бўйича исталган жамликда танлаш ва гуруҳларга ажратиш;
- бошқа идораларнинг регистрлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- КТЯДР маълумотларини қоғозда, дискетда, алоқа воситалари орқали танлаш ва бериш;
- КТЯДР маълумотларини янгилаш ва долзарблаштириш;
- КТЯДР маълумотларини ҳимоя қилиш.

Юқорида келтирилган қонуний асослар республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг биринчи босқичида статистика ишларини ташкил қилиш ва такомиллаштиришда катта аҳамият касб этди.

Шу даврда республикамизда халқаро молия ва статистика институтларининг экспертлари ёрдамида халқаро стандартларга асосланган инфляция жараёнларини ифодаловчи истеъмол нархлари индекслари ҳамда миллий ҳисоблар тизимига асосланган ялпи ички маҳсулот бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашга асос солинди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг аниқ йўналишлари, йўллари ва услубларини белгилаш, республика иқтисодиётини бошқаришнинг бозор механизмларини таъминлаш, иқтисодий воқеа ва ҳодисаларни ҳисобга олишнинг замонавий индиққатив, таҳлилий ва статистик услублари ҳамда воситаларини ривожлантириш ва чукурлаштириш мақсадида 1997 йилнинг 11 октябрда Вазирлар Махкамасининг 474-сонли қарорига кўра Давлат Истиқболни белгилаш ва статистика вазирлиги ташкил қилинди. Бу даврда республика ахборот тизимининг ягона илмий услубият асосида фаолият кўрсатиши таъминланди, миллий ҳисоблар тизими ва иқтисодий балансларни халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофикдаштириш ишлари давом эттирилди, республика ҳудудида жойлашган барча хужалик юритувчи субъектлар тизимини юритиш учун асос яратилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида республикамиз олдида турган янги вазифаларни ҳал қилишда 1993 йилда қабул қилинган «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар киритиш ва умуман статистика ишларини ташкил қилишда ривожланган мамлакатлар тажрибасига суянган ҳолда, тўла мустақилликни таъминлаш мақсадида 2002 йилнинг 12 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Давлат статистикаси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги қонуни қабул қилинди. Янги таҳрирдаги «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонун 16 та моддадан иборат бўлиб, унда давлат статистикасининг асосий вазифалари, тамойиллари, давлат статистика органларини

ҳуқуқлари, мажбуриятларига қонуний асос берилди ва унга дунёдаги ривожланган мамлакатлар амалиётида бўлган статистика тўғрисида қонунларнинг ўрганилиши натижасида зарур бўлган қўшимча моддалар киритилган.

Қонуннинг «Давлат статистикасининг асосий вазифалари» номли 3-моддасида қуйидаги вазифалар келтирилган:

- Ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларнинг ҳамда уларнинг натижалари тўғрисида статистика маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва эълон қилиш;
- Халқаро стандартларга мос келувчи ягона статистика услубиятини таъминлаш;
- Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар, давлат муассасалари ва халқаро ташкилотларни, шунингдек, жамоатчиликни белгиланган тартибда статистик маълумотлар билан таъминлаш;
- Статистик ишларни ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистика таснифлагичлар тизимини ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш.

Қонунинг 4-моддасида халқаро миқёсда тан олинган давлат статистикасининг асосий тамойиллари келтирилган, яъни: ишончлилик, холислик, беғаразлик, долзарблик, қиёсийлик ва барқарорлик; қулайлик, очиқ-ойдинлик ва ошкоралик; статистика ҳисоботини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига аралашишни истисно этувчи статистика ишларини ташкил қилиш тизимини яратиш.

Давлат статистика идоралари номли 5-моддада Давлат статистикаси ваколатли органининг раҳбари Ўзбекистан Республикаси Президенти томонидан уч йил муддатга тайинланади деб белгилаб қўйилган. Ушбу моддада “Давлат статистика органлари маълумотлар манбаларини, статистика усулларини, статистика маълумотларининг мазмуни, шакли, вақти ва тарқатилишини танлашда мустақилдирлар” дейилган. Пировардида, статистика ишларида фойдаланиладиган услубларни қўллаш жараёнида бу услубларни реал иқтисодий вазиятга тезда мослаштириши имконияти яратилди.

Бундан ташқари, статистика идораларига Давлат статистика ишлари дастурига киритилмаган статистик ишларни буюртмага кўра ҳақ тўлаш йўли билан шартнома асосида амалга ошириш ҳуқуқи ҳам берилган.

Қонуннинг 8-моддаси “Статистика кенгаши” деб аталиб, унда «Статистика кенгаши давлат статистикаси ваколатли орган ҳузуридаги давлат статистикасининг ривожлантирилиши, фаолият кўрсатиши ва мувофиқлаштирилиши муаммолари буйича коллегиал-маслахат органидир» - деб белгилаб қўйилган.

Кенгашга фақат расмий статистика органларининг ходимлари киритилиб қолмасдан, давлат органлари, жамоатчилик илмий ва ишбилармон доиралар, яъни статистик маълумотлардан фойдаланувчиларнинг вакиллари ҳам киритилган.

Кенгаш аъзолари ёки йиғилишга таклиф қилинадиган экспертларнинг фикрлари, уларнинг таклифлари статистик ишлар дастурини тузишда инобатга олинади.

Шу йўсинда статистик маълумотлардан фойдаланувчилар билан узвий ва бевосита алоқа ўрнатилади ва натижада статистик маълумотлардан фойдаланувчиларга зарур бўлган маълумотлар тизими доимий тарзда таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 декабрдаги ПФ-3183-сонли «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига биноан Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги тугатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ташкил қилинди. Ушбу фармонга биноан статистика идоралари зиммасига қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш юклатилади:

- статистика соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, замонавий халқаро талаблар ва андозаларга мос келадиган статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш;
- илмий асосланган, бозор иқтисодиётининг асос тамойилларига жавоб берадиган, миллий ҳисоблар тузишни таъминлайдиган ҳдмда халдаро статистика андозаларига мувофиқ булган ягона статистика методологияси кўрсаткичлар тизимини ишлаб чикиб, тадбиқ этиш;
- статистика ва ҳисобот кўрсаткичларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини таъминлаш, статистика ахборотини олиш бемалоллиги, унинг очиқлиги ва ошкоралигини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашувларга йўл қўймайдиган статистика ишларини ташкил қилиш тизимини яратиш;
- статистика органларини замонавийлаштириш ҳамда уларни статистик ахборотларни тезкор узатиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий компьютер ҳамда ахборот коммуникация тизимлари ва технологиялари билан қайта жихозлаш, статистика буйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш;
- корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистрини, иқтисодий-статистик классификаторлар тизимини юритиш.

Ушбу Фармоннинг 7-бандида статистика идораларига статистика ахборотларининг ҳаққонийлигини таъминлаш борасида катта ваколатлар

берилган: «Белгилаб қўйилсинки, ишлаб чиқарилган ва сотилган махсулот (ишлар, хизматлар) хажмларининг сунъий равишда камайтирилишига, корхоналар фаолиятига нохолис бахо берилишига, пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айланишига олиб келадиган нотўғри статистик ҳисоботни тақдим этишда, статистика маълумотларини яширишда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунга мувофиқ қаттиқ жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар».

2003 йилнинг 8 январида Вазирлар Маҳкамасининг 8-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унда республика Давлат статистика қўмитаси тизимининг тузилмаси, марказий аппаратининг ташкилий тузилмаси, қўмита тўғрисидаги низом, махсус жамғарма тўғрисидаги низом тасдиқланиб, Давлат статистика қўмитаси ҳузурида давлат статистикасини ривожлантириш, унинг фаолият кўрсатиши ва уни мувофиқлаштириш муаммолари буйича коллегиал маслаҳат органи ташкил этилиши белгилаб қўйилган.

**4. Суд статистикасининг умумий ва тармоқлараро ривожланиши. Жаҳон криминалистик статистикасининг вужудга келиши, статистик маълумотларни таққослаш, статистик маълумотларни таққослашда БМТнинг роли**

Статистик маълумотларни йиғиш фақат бир давлатнинг ўзи доирасидан ташқарига чиққанлигига жуда кўп бўлди. Бир қанча ҳалқаро ташкилотлар бу маълумотлардан ўз олдиларига қўйилган мақсадларига эришиш ва уларни мувофаққиятли ҳал этиш учун фойдаланадилар. **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)** ҳам деярли ташкил этилганидан буён дунёдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳақидаги, жиноятчиликка қарши курашиш учун дунё жиноятчилиги ҳақидаги статистик маълумотларни йиғиш юзасидан жуда ҳам улкан ишни амалга ошириб келмоқда. Жиноятчиликнинг аҳволи ҳақидаги маълумотларни ўзини тўплаш учун ҳам ўзининг кенг қамровли фаолиятини амалга ошириб, статистик маълумотларни чуқур таҳлилини яратиб келмоқда. Масалан, 4 та бёш йилликни ўз ичида олган статистик таҳлилий натижалар тўпламини яратди: 1970-1975, 1976-1980, 1980-1985, 1985-1990 йй.

БМТ ташкилоти томонидан тўпланаётган бу маълумотларни янада бойитиш учун барча давлатлар ўзларидаги маълумотларни тақдим қилишлари зарур. Лекин, баъзи давлатлар ўз мамлакатларидаги жиноятчилик ҳақида маълумот беришмайди. Бундан ташқари, баъзи бир давлатлар томонидан бериладиган статистик маълумотлар ҳақиқатдан узоқроқ бўлиши ҳам мумкин. Бу борада “латент” жиноятчилик( яширин, кўзга кўринмас жиноятчилик) дунёдаги жиноятчилик ҳақидаги статистикани жуда ҳам аниқ бўлишига реал ҳалақит беради. Жиноятчилик ҳақидаги

маълумотлар маълум бир ҳудуддаги криминоген ҳолатни аниқ тасвирини бериши мумкин.

Дунё жиноятчилиги тўғрисидаги статистика маълумотлари бир мунча ташвишланарли ҳолатни вужудга келтиради, чунки, бу маълумотлардан охирги 40-50 йил ичида ер юзидаги жиноятчилик илгаригига нисбатан 3-4 марта ошиб кетган. Масалан, собиқ иттифоқ давлатларида 6-8 марта, АҚШда 7-8 мартагача, Буюк Британия ва Швецияда 6-7 марта, Францияда 5-6 марта, германияда 3-4 марта, Японияда 1,5-2 мартагача ошиб кетган. БМТ маълумотларига қараганда, 1985-1990 йй. мобайнида жиноятчиликнинг йиллик ўсиши ўртача 5 % ни ташкил этган.

## 5. Суд статистикасининг фан сифатидаги ривожланиши

**Статистика** рақамларни ўзида акс эттирибгина қолмай, жамиятнинг умуман олганда инсониятнинг ижтимоий ҳаётига раҳна солувчи ‘‘касалликларга’’ қарши курашувчи **самарали қурол** ҳам ҳисобланади.

Ҳар қандай фанни, шу жумладан, **суд статистикасини** ҳам ўрганишга киришишдан аввал, унинг **предмети нима** ва усуллари қандайлигини аниқлаштириш, яъни у қандай воқеа-ҳодисаларни ўрганади ва бунинг учун қандай усулларни қўллайди, деган саволларга жавоб бериш лозим. Шуни назарда тутиш керакки, **суд статистикаси мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳуқуқий ҳаётининг барча тармоқларини ўз кўрсаткичларида акс эттирган статистиканинг кўпсонли тармоқларидан биридир**. Модомики, бу каби соҳалар предметининг ўзига хос хусусиятига назар ташламайлик, умумий назарий статистиканинг яхлит принципларига асосланади. Аввало ушбу принциплар ҳақида статистиканинг ҳарактерли хусусиятлари ҳақида аниқ тасаввурни олиш лозим. Шундай экан статистика ўзи нима? Бу фан нимани ўргатади деган саволга жавоб бериш керак.

**Статистика, бошқа ижтимоий фанлар сингари турли-туман ижтимоий ҳодисаларни ўрганади.** Бироқ бошқа фанлардан фарқли уларок, статистика ижтимоий ҳодисаларнинг миқдорий томонини ўзининг қайта ишланган фан усулларини қўллаган ҳолда ўрганади. Ёдда тутайлик, ҳар қандай ҳодисани билиш учун, масалан, жиноятни, энг аввало уларнинг сифати ва миқдорини, нечоғлик икки томонни бирга ва айнан шу ҳолатда ўзида ифодаланишини, бир-бири билан узвий боғлиқлигини аниқлаш лозим. Одатда сифат ортида, биз нарсалар моҳиятини ёки файласуфлар айтганидек, ҳодисаларнинг ички аниқлигини, уларнинг мавжудлигини ва бир-биридан чегараланишини, фарқланишини тушуниб етамиз. Мисол учун, содир этилган ижтимоий ҳавфли қилмишнинг ( ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг), бошқача қилиб айтганда ҳар бир содир этилган жиноятнинг содир этилиш услуби, вақти, кимга нисбатан содир этилганлиги, кимлар томонидан содир этилаётганлиги, содир этилиш сабаблари ва жиноят

натижасида етказилаётган зарарнинг ўзига ҳос хусусиятларига қараб, ушбу жиноятлар жабрланувчилари кимлиги, жабрланувчилар билан жиноят содир этган шахслар ўртасидаги мунособатлар қандай бўлганлигини аниқлаш натижасида жиноятнинг вужудга келиш нуқтасига келишимиз ва унга қарши самарали курашни ташкил этишимиз мумкин. Жиноятчиликка қарши самарали курашни ташкил этиш учун жиноятнинг ўзи нима деган саволга жавоб топиш керак бўлади.

Жиноятнинг ўзи бу нима? Бу аниқ сифат бўлиб, ижтимоий ҳавфлилик, ҳуқуққа хилофлилик, айб ва жавобгарлик каби хусусиятлар йиғиндиси мажмуидир. Илмий тадқиқ қилиш энг аввало, ўрганилаётган ҳодисанинг моҳиятини ёки сифатини ўрнатиш шарт яъни уларни бошқа ҳодисалардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятларини очиш зарур (масалан, жиноятни бошқа ҳуқуқбузурликлар – маъмурий, фуқаролик ва б. дан фарқлайдиган). Таъкидлаш жоизки, ўрганилаётган ҳодисанинг, предметларнинг сифатли томонини аниқламасдан туриб, уларнинг тараққий этишига қонун чораларини ўрнатмаслик даркор. Бу эса ҳар қандай фан олдига муҳим вазифаларни қўяди. Мана, масалан, криминология фани жамиятдаги жиноятчиликни келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари, уларни ривожланиши, жиноятчилик сабабларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганади ва уларга қарши тезкорлик билан қонуний чораларни ўрнатади.

Шуни назарда тутиш керакки, ҳар қандай предметнинг сифати унинг миқдори ёки ҳодисани унинг кенгайиши, ҳажми, тенглиги, сурати, даражаси ва бошқа шу каби жиҳатларини тавсифлайдиган миқдорий аниқлигисиз мавжуд бўлмайди. Масалан, ҳар қандай ижтимоий–иқтисодий формацияда миқдорий томони ўзига хос – меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси, сармоядорларнинг фойда олиш даражаси, узлаштириладиган қўшимча нархларнинг миқдори ва х.. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлар ўзларининг муҳим сифатли хусусиятлари билан ажралиб турадилар (ишлаб чиқариш воситалари ҳажмининг катталиги, дунё ишлаб чиқаришига улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг катта таъсири бўлиши), узларининг миқдорий кўрсаткичлари билан бир-бири билан фарқланадилар (масалан, банд ишчилар сони, қўшимча нархлар меъёри, меҳнат унумдорлиги даражаси). Жиноятни ҳар қандай жамиятга ички хослигини аниқлаб, унинг сифати ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатган ҳолда, жиноятчиликнинг миқдорий жиҳатини ҳам ўрнатишимиз лозим. Фақат шугина бизга уларнинг тараққий этишида, жиноятчилик ва қонунийлик ҳақида мутлақо аниқ тасаввур қилиш имконини беради. Расмий маълумотлар қайси мамлакатларда маълум бир вақт ичида қандай жиноятлар турлари ошганлиги ёки маълум бир давлат ҳудудида қайси бир жиноят тури ошаётганлиги ёинки камаяётганлигини кўрсатиб беради. Албатта, жиноятларнинг ўсиш сабаблари, уларни келтириб чиқарувчи шарт-

шароитлар турлича ва бу жиноятларни бартараф этиш усуллари ҳам турлича бўлиши мумкин.

Статистика ёрдамида тўпланадиган маълумотлар жиноятчиликнинг аниқ тавсифини, яъни унинг аҳамиятли, сифатли хусусиятларини очиб беради. Кўриб турганимиздек, нарсаларнинг миқдорий томони уларнинг сифатли томони билан ажратилмаган. Уларни ўртасида яқин боғлиқлик ва ўзаролик амал қилади. Статистика ижтимоий ҳодисаларнинг миқдорий томонини ўрганади, унинг соҳаларига (иқтисодий, тиббий, жиноий ва х.) мувофиқ аниқлаштириладиган предмети ўзида нимани ифодалайди. Таъкидлаш жоизки, статистика вақт ва маконнинг аниқ шароитида ижтимоий воқеа-ҳодисаларни ўрганади ва бунинг учун қандай усулларни қўллайди деган саволларга жавоб бериш лозим. Шуни назарда тутиш керакки, суд статистикаси мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳуқуқий ҳаётининг барча тармоқларини ўз кўрсаткичларида акс эттирган статистиканинг кўпсонли тармоқларидан биридир. Модомики, бу каби соҳаларнинг предметининг ўзига хос хусусиятига назар ташламайлик, умумий назарий статистиканинг яхлит принципларига асосланади, аввало ушбу принциплар ҳақида, умуман статистиканинг ҳарактерли хусусиятлари ҳақида аниқ тасаввурни олиш лозим. Шундай экан, статистика ўзи нима? Статистика-бошқа ижтимоий фанлар сингари турли-туман ижтимоий ҳодисаларни ўрганади. Бироқ, бошқа фанлардан фарқли ўларок, статистика ижтимоий ҳодисаларнинг миқдорий томонини ўзининг қайта ишланган фан усулларни қўллаган ҳолда ўрганади. Ёдда тутайлик, ҳар қандай ҳодисани билиш учун, масалан, жиноятни, энг аввало уларнинг сифати ва миқдорини, нечоғлик икки томонни бирга ва айнан шу ҳолатда ўзида ифодалашини, бир-бири сифат ортида, биз нарсалар моҳиятини ёки файласуфлар айтганидек, ҳодисаларнинг ички аниқлигини, уларнинг мавжудлигини ва бир-биридан чегараланишини, фарқланишини тушуниб етамиз. Мисол учун умумлаштириб, статистика назарияси энг ажралиб турувчи ижтимоий ҳодисаларни статистик ўрганиш учун зарур бўлган умумий қоида ва усулларни ишлаб чиқади. Аниқ ижтимоий ҳодисаларни (иқтисодий, ҳуқуқий ва б.) ўрганишда бундай усулларни қўллаш, статистика назариясини билишдан ташқари, ҳодисаларнинг (масалан, жиноятчилик тушунчаси, сабабалари ва б.) ўзига хос хусусиятларини англаш заруриятини талаб қилади. Бундай билимни биз моддий табиатни, бизни қизиқтирувчи ҳодисалар сифат, моҳиятини ўрганувчи тегишли фанлар (масалан, иқтисодиёт назарияси, криминология, жиноят ҳуқуқи ва б.)дан оламиз.

Шуни назарда тутиш лозимки, статистика бошқа фанларнинг мазмунига таянган ҳолда, ўзи ўрганаётган ижтимоий ҳодисанинг моҳияти, сифатли хусусиятларини рақамлар билан ифодалайди. Статистикани ижтимоий ҳодисаларнинг сифатли ўзига хослигини фош қилиш мақсадини кўзловчи миқдорий таълимот деб аташ мумкин.

Масалан, мамлакат иқтисодиётининг миқдорий томонини рақамлар билан тавсифлашда – бозорлардан тушадиган нақд пул тушуми, миллионлаб нафақахўрларга бериладиган нафақа суммаси, мамлакатдаги ишлаб чиқариш миқдорининг, чет элга товарлар импортини кучайтирилиши ва миллий бюджетимизга чет эл валютасидаги тушумларни кўпайтирилиши, даромаднинг йирик суммалари, амалдаги иш ҳақининг ошиб бориши, аҳолининг ўсиш динамикаси, жиноятчилик сонининг ўсиши, камайиши ва.х.з.лар, - статистика бунда вақт ва маконнинг аниқ шароитида намоён бўладиган ҳодисотларнинг асосий аҳамиятли жихатларини ва афзалликларини ифодалайди. Агар, масалан, суд статистикаси қўшимча кузатувлар учун қайтарилган, бекор қилинган шартномалар ва келишув ёки ишларнинг катта фоизи, шунингдек фош қилинган жиноятларнинг қуйи фоизини йирик миқдорини ўз кўрсаткичларида тавсифласа, у ҳолда мазкур ҳудудда суд ёки тергов органлари ишининг қуйи сифати ошкора шаклланади.

Сайловдан сайловгача ўтган даврда прокуратура органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши, унинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, улар ўртасида ҳамкорликни таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилганлигини,бунинг натижаси ўлароқ, республикамизда жиноятчиликнинг барқарор ҳолатда сақланиб қолишига, унинг оғир ва ўта оғир турларининг камайишига эришилганлигини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Х.Қодиров “Қонун ҳимояси”да журналида берган “Конституция ва қонунлар устунлиги-тараққиёт кафолати” номли мақоласида кўрсатиб ўтган бўлиб, статистик қиёслашни амалга оширган. Унинг ушбу статистик қиёсини кўриб чиқамиз. “Маълумотларга кўра шу йилнинг 10 ойида мамлакат ҳудудида умумий жиноятлар сони ўтган йилга қараганда 184 тага ёки 0,3 фоизга камайган. Республика миқёсида оғир ва ўта оғир жиноятлар 2,1 фоизга, ўғирлик 16 фоизга, автотранспортни ҳайдаб олиб қочиш 14,4: фоизга, безорилик 4,6 фоизга, рецидив жиноятлар 4,9 фоизга, жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар 2,3 фоизга, маст ҳолда жиноят содир этиш 2,31 фоизга, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 8,3 фоизга, уларнинг жиноятдаги иштироки 4,5 фоизга, аёлларнинг иштироки 2,6 фоизга, ишламайдиган ва уқимайдиганларнинг иштироки 0,3 фоиз-) га камайишига эришилди.

Бу даврда умумий жиноятчилик ҳамда унинг оғир ва ўта оғир турларини фош этиш кўрсаткичлари ҳам доимий равишда ортиб борди. Умумий жиноятчиликнинг очилиши 1999 йилда 78 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 82 фоизга, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг очилиши эса 75,3 фоиздан 85,5 фоизга етди.

Тергов сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳам ўзининг ижобий натижасини берди. 2004 йилнинг 10 ойи давомида прокуратура органлари томонидан 16406 жиноят

ишлари буйича дастлабки тергов харакатлар олиб борилиб, уларнинг 11011 таси айблов хулосалари билан судларга юборилди. Жазонинг мукаррарлигини таъминлаш билан бирга жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарларни айбдорлардан ундиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай чоралар кўрилиши натижасида етказилган моддий зарарнинг 43,$ миллиард сўми (71,2 фоизи) ҳамда 512 минг АҚШ доллари ва 7,6 минг евро айбдорлардан тергов жараёнида ундирилди.

Хусусан, «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» мансабдор шахслари бошчилигидаги жиноий гуруҳлар томонидан нефть махсулотлари талон-тарож қилинганлиги юзасидан юритилган 23 та жиноят иши буйича 2,2 миллиард сўмлик моддий зарар етказилганлиги аниқланиб, тергов жараёнида 2 миллиард сўмдан ортиқ зарар ундирилди”.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳодиса ва уларга хос қонуният статистикада уларнинг ўзига хос афзаллигини тегишинча миқдорий белгиларини олади. Қуруқ сонлар, уларни аниқлигидан қатъий назар, статистика учун на назарий, на амалий қизиқиш уйғота олади. Бунда – статистиканинг математикадан асосий фарқларидан бири кўринади, хоҳ у, хоҳ бошқаси ўз кузатувларида «рақам тили»ни қўлласин. Математика миқдорни,уни аниқлигидан, яъни сифатидан қатъий назар мавҳум кўриб чиқади. Ва бунда унинг статистикадан принцип жиҳатидан фарқи ётади.. Албатта, математика статистикада жуда кенг қўлланилади, лекин бошқарувчи ва аниқловчи сифатида у намоён бўлмайди. Асосан статистикада бошқарувчи сифатида, маълум ҳодисаларни афзалли жиҳатларини ўрганган ҳолда, илмий назария намоён бўлади.

Математикани қўллаш шунга олиб келмаслиги керак, «качон дарахтлар ортидан ўрмонлар, сонлар тўплами ортидан ҳодисаларнинг иқтисодий турлари ғойиб бўлади…». Айнан ҳодиса тури, унинг афзалли жиҳати ҳар қандай статистик тадқиқотнинг негизида ётиши лозим. Статистикада миқдор ва сифат бир-биридан ажратилмайди. Шундай экан, статистика, ўз навбатида марксистик диалектик услубларда асосланган аниқ фанларнинг назарий ҳолатига таяниб, ўрганилаётган ҳодисаларнинг сифат миқдорий тавсифини беришни, яъни уларнинг ўлчовини сифат- миқдорий аниқлигини тезлаштиради.

«Статистикада дейди Гегель, у шуғулланадиган сонлар, … бир-бири билан боғланганлиги ёки сифатли натижалари билан қизиқ. Куруқ сонли изланиш мисоли у ерда на назарий, на амалий қизиқишларни каноатлантира оладиган рахбарий нуқтаи назар бор, куруқ синчковлик предметини адолатли ҳисоблашади». Шуниси эътиборлики, Гегель «чора»ни «сифатли аниқланган миқдор» каби ажратган.

Ҳозирда «статистика» атамаси бир қанча маъноларга эга. Статистика орқали турли ижтимоий ҳодисалар ҳақида кўрсатмалар йиғиндисини тушунишган, масалан: жиноятлар сони ҳақида, туғилишлар сони ҳақида, суд – прокуратура органлари фаолияти ҳақида ва х.. Бундай кўрсатмаларни йиғиш билан машғул ишчи ҳақида айтишадики, у статистика билан

шуғулланади. «Статистика» термини шунингдек турли статистик тўпламларини, статистик кўрсатгичларини ва шу кабиларни белгилашда ҳам қўлланилади.

## 6. Суд статистикасининг юридик фан ва амалиёт учун аҳамияти. Суд статистикаси тармоқлари

Мамлакатимизнинг ҳуқуқий ва маданий, сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг барча қирраларини (томонлари) ўзининг кўрсаткичлари билан қамраб олган статистика бир қатор соҳаларга бўлинади, ажратилади.

Шундай соҳалардан бири бўлиб, **ўзининг кўрсаткичлари билан давлат қурилиши ва жамиятни, мулкчиликнинг қандай қўриқланаётгани, Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқ ва манфатларининг қандай ҳимоя қилинишини акс эттирувчи - суд статистикаси** ҳисобланади.

Суд статистикасининг асосий мақсади, жамоа ташкилотлари ва судлар, прокуратура, Ички ишлар Вазирлиги органлари томонидан кўриб чиқиладиган, шунингдек, ушбу қонун бўзилишларга қарши кураш бўйича тадбирларда, қонунчиликнинг бўзулишини ҳисобга олиш ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган орган фаолиятини яхшиланишида суд статистикасининг роли жуда катта, чунки айнан у бошқа манбалар билан бир қаторда, суд, тергов ва жазони ижро этувчи муассасаларининг қандай ишлаётгани, улар томонидан одил суд қандай амалга оширилаётганини аниқлашга имкон беради.

Адлия органлари содир этилган жиноятнинг сонини била туриб, оила, меҳнат, уй-жой ва бошқа қонунларнинг бузилиши тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиб, қишлоқ ҳўжалигининг турли учаскаларида жиноятларнинг тарқатилганлиги ҳақида, ушбу жиноятлардан етказилган зарарнинг зиёни ҳақида, жиноий ва бошқа бузилишларга қарши кураш натижаларини ҳисобга олиб, қонунчиликни мустахкамлаш бўйича юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Суд статистикаси қандай ҳолатларни ўрганади, яъни, унинг предмети бўлиб нима ҳисобланади? Авваламбор, шуни назарда тутиш керакки, суд статистикаси фақатгина судларнинг ишини ҳисобга олмайди, бироқ унинг номидан келиб чиққан ҳолда, бу нотўғри тушунилган бўлиши мумкин, балким жамият ва давлат қурилиши, мулкчилик, шахс, фуқаролар, корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг жиноий-ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоясини амалга оширувчи барча давлат органларининг ишини ҳисобга олади.

Демак, суд статистикаси, прокуратура, милиция, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жазони ижро этувчи муассасалар фаолиятидаги ижтимоий ҳуқуқий ўзгаришлар, шу идоралар томонидан қабул қилинган

қарорлар кўрсатгичларини, жиноятчилик ва қонунийликнинг миқдорий ва сифатий томонларини ҳисобга олади.

Бу эса, унинг предмети ҳисобланиб, бир томондан, жиноятнинг ва унга қарши кураш бўйича тадбирлар ва айрим жиноятлар, жиноятчилар ва жазоларни ҳисобга олишни талаб қилади.

Бошқа тарафдан, судда ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда текшириш объекти бўлиб қолган фуқаролик-ҳуқуқий тортишувларнинг миқдорий томонидир.

Бинобарин, юқорида таъкидланганидек, суд статистикаси давлат органларига мос келадиган барча бузилишларни кўриб чиқишни, уларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни ҳисобга олишни ўзининг асосий мақсади қилиб олади. Таъкидлаш зарурки, суд статистикаси жиноий ёки фуқаролик процессида фақатгина фуқаролик-ҳуқуқий даъволар ва жиноятларни фуқаролик ёки жиноят процессида кўриб чиқиш предмети бўлиб колди. Шундай қилиб, суд статистикаси барча содир этилган жиноятларни эмас, балки ошкор бўлган ва улар устидан тергов ва жиноят-судлов ишлар юргизилган маъмурий ва жамоа таъсири чоралари қўлланилган жиноятларни ҳисобга олади.

Суд статистикаси, шунингдек, пайдо бўлган барча фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни ҳисобга олмайди, (уй-жой, меҳнат, оила ва б) балким судга мурожаат қилиш учун асос бўлган ёки фуқаролик даво билан бузилган ҳуқуқни мажбурий тиклаш тўғрисидаги ишларни, қонун талабларини ҳимоя, қонун томонидан муҳофаза қилинаётган манфатларини ҳимоялаш тўғрисидаги, ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги ёки нотариал иш юрғизиш тартибида тасдиқланган ҳуқуқий муносабатларини ҳисобга олади.

Суд статистикаси, ўзининг специфик усулларини қўллаб, давлат ва жамият қурилиш, хўжаликнинг тизими ва мулкка,сиёсий, меҳнат, уй-жой ва бошқа шахсий ва мулкий ҳуқуқлар ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари манфатларига, қонун томонидан ҳимояланаётган давлат ва жамиятнинг манфатлари ва ҳуқуқларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоялаш учун давлат органларининг фаолиятини математик тарзда рақам кўрсатгичлари билан тузади ва шу тадбирларни миқдоран акс эттириши керак.

2. Суд статистикасини ўргана туриб, биз биринчидан, ҳисобга олувчи турли ҳарактердаги ҳуқуқий бузилишлардан, иккинчисидан эса амалиётда суд статистикаси билан шуғулланаётган турли ҳарактердаги муассасалардан келиб чиқишимиз керак. Ушбу бўлинишларга асосланиб, суд статистикаси иккита мустақил соҳаларга бўлинади:

1. Жиноятни олдини олиш бўйича чора тадбирлар ва жиноятнинг миқдорий томони бевосита объектга эга бўлган жиноий-ҳуқуқий статистикасига;

2. Фуқаролик-ҳуқуқий статистикасига, бевосита объекти бўлиб, суд, арбитраж ва нотариат томонидан кўриб чиқиладиган фуқаролик-ҳуқуқий бахслашувнинг миқдорий таърифи ҳисобланади...

Шундай қилиб, суд статистикаси ўзининг кўрсаткичлари билан жиноят ва фуқаролик процессининг барча босқичларини акс эттиради.

Жиноят процесси, маълум бўлишича, қонун томонидан кўзланган суд ва тергов органлар, тергов ва суд органларининг жиноий ишини ҳал қилишда ва тергов қилишда содир этиладиган ҳаракатларда шаклланади. Жиноят процесси «жиноят ишларни ҳал қилиш ва тергов қилиш жараёнида тергов ишларини олиб бориш босқичларига мос келадиган бир қатор босқичларга бўлинади. ( терговни кузатиш босқичи, дастлабки тергов, судга бериш, суд мухокамаси, кассацион имконият ва ҳукмни ижро этиш). Ушбу босқичлар жиноят статистикаси томонидан бирин-кетин ҳисобга олинади ва ўзининг кўрсаткичлари билан жиноятчиликка қарши барча кураш жараёнини изохлаб беради. Жиноят статистикаси жиноят процессининг айрим босқичларини амалга оширувчи органлар фаолиятига сифатли-миқдорий таснифни беради. Фуқаролик–ҳуқуқий сатистикаси жиноят процесининг барча босқичларини ҳисобга олади, фуқаролик иш бўйича одил судловни амалга оширувчи тартибни йўлга кўяди яъни фуқаролик ҳуқуқи тўғрисидаги тортишувларни ҳал қилиш ва текширишни тартибга солади. Белгилаймизки, фуқаролик ҳуқуқи жамиятининг мулкий муносабатларини тартибга солади, шунингдек фуқароларнинг айрим шахсий мулкий бўлмаган муносабатларини, масалан, мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган шартномалар шарномаланмаган мажбуриятлар оилавий, меҳнат, уй-жой ҳуқуқлари, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида, мерос тўғрисида ва бошқа муносабатарни тартибга солади. Бинобарин фуқаролик ҳуқуқий статистикаси фуқаролик ишни ҳал қилиш билан машғул бўлган давлат органларининг ишларини ҳисобга олишга қаратилган .

Суд статистикасининг ҳар бир соҳаси – жиноят- ҳуқуқий ва фуқаролик ҳуқуқий – фуқаролик ва жиноят процесининг асосий босқичлари билан мос келадиган бир нечта қисмларга бўлинади.

Ушбу белгига кўра, ўзининг кўрсаткичи билан жиноятчиликка қарши курашни акс эттирувчи жиноий-ҳуқуқий статистикаси қуйидаги таркибий қисмларга бўлинади:

А) жиноятни содир этишда айбланувчиларни, шахсларини аниқловчи ва жиноятларни тергов қилувчи давлат органларининг фаолиятини ҳисобга олувчи, дастлабки тергов стасистикаси. Бизнинг мамлакатимизда уларга Ички ишлар Вазирлиги, тергов аппарати органлари, давлат хафсизлиги ва прокуратура киради. Шунингдек бу ерда тергов ва суриштирув органларининг прокурор назорати бўйича ишлари ёритилади.

Ушбу бўлимга биринчидан, тергов ва суриштирув органлари томонидан маълум бўлиб содир этилган жиноятларни, шунингдек, жиноят содир этилган пайтда фош қилинган шахсларни, иккинчидан, жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирлар, тергов муддати, жиноятларни фош қилиш, ушлаб туриш, эхтиёт чораларини кўриш ва ҳисобга олиш киради.

Б) жиноят ишларини текшириш бўйича назорат босқичи (погонаси) ва биринчи, иккинчи (кассацион) судларнинг ишларини акс эттирувчи тергов судлов ишларини юрғизиш статистикаси. Бу ерга прокуратура органларининг суд томонидан жиноий ишларини кўришда уларнинг қонунчиликка амал қилишини, назорат қилиш соҳасидаги фаолиятини ҳам ҳисобга олиш киради. Бу бўлим биринчидан, жиноий ишлар келиб тушган ва кўриб чиқилган жиноятларни, шунингдек судланувчиларни ҳисобга олиш, иккинчидан, суднинг асосий процессуал ҳаракатларини ҳисобга олиш; жиноий ишларни тўхтатиш, судга бериш, оқлов ва айблов ҳукмларини чиқариш, назорат (поғонаси) ёки кассацион инстанциясидаги ишларни кўриб чиқади ва бошқа ҳисобга олишларини киритади. Шу ерда судларнинг жазо амалиёти ёритилади – жазолаш тартиби, жазолашнинг бошқа турлари билан озодликдан маҳрум қилишининг мослашуви, шартли судлаш ва бошқалар.

Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ишларини акс эттирувчи ҳукмларни ижро этиш статистикаси. Бу ерга прокуратуранинг озодликдан маҳрум қилиш жойларини назорат қилиш соҳасидаги фаолиятини ҳисобга олиш киради.

Ушбу бўлим маҳбусларни уларнинг категорияларига қараб тақсимланишини ҳисобга олишни киритади (жиноятига қараб, процессуал белгиларига қараб- тезкор, тергов ва б), шунингдек тартиб-қоида турларига қараб жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини, шунингдек, жазони енгилрок жазо билан алмаштириш ва муддатидан илгари шартли озод қилиш бўйича суд ишларини ҳам акс эттиради.

Кўриниб турибдики, жиноий ҳуқуқий статистикаси кўрсаткичлари, бир тарафдан ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ва судлар, тахминий тергов органлари фаолиятини, бошқа тарафдан эса жиноятчиликнинг ҳолатини характерлайди. Жиноий статистиканинг мустақил кўриниш ҳолати бўлиб прокурор назорати статистикаси ҳисобланади.

Буларнинг ҳаммаси келгусида, ушбу органлар ишларининг яхшиланишда, шунингдек жиноятчиликнинг олдини олиш ва ишни ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди.

Жиноий-ҳуқуқий статистика тергов органлари прокуратура ва судларнинг жинояи процесси фанининг предмети бўлиб ҳисобланган фаолиятини назарда тутади. Шу сабаб фақат жиноий-ҳуқуқий статистика ҳақида эмас, балки жиноят-процессул статистикаси ҳақида гапириш мумкин.

Бу ерда янги йўлланиш ҳақида бир нечта сўз айтиш мумкин, бизнинг

қарашимизча, жиноятни олдини олиш ва ўрганишдаги йўналиш бўлмиш **виктимологияни** таржима қилганда, қурбонлик тўғрисидаги таълимотни (victima – лотинчадан – қурбон) англатади.

Виктимология жиноят, жиноятчи ва жиноятчиликка қарши кураш чораларини ўрганувчи, бор бўлган жиноий ҳуқуқий фанга қарама қарши (зид) бўлиб, жиноят қурбонини турли аспектларда, ёки аниқроғи жиноий тажовуздан зарар кўрган одамларни текширишини талаб этади.

Шу сингари текширишлар жиноят статистикасининг махсус бўлимини ташкил қилишини талаб қилади, кўриниб турибдики, кўриб чиқилган кўпгина жиноий ишларда, суд амалиётининг хулосасидан инсон ҳулқи фақатгина жиноятли бўлмайди, балки виктив ҳам, яъни калтисли, иғвогарли, бинобарин ўзи учун хавфли бўлиши мумкин.

Виктимологиянинг асосий мақсади - турли ҳолатлардан чиқиб кетишга олиб келувчи маълум муҳим чораларини ишлаб чиқиш, жиноят содир этиш сабаблари бўлиб шахс ёки қурбон бўлганнинг ҳулқи бўлиши мумкин. Бу ерда статистикасиз бўлмайди. Масалан, Тожикистон бўйича иттифоқ мавжудлиги пайтида ўтқазилган қасддан одам ўдиришларнинг танлаб текширилган материаллари шуни кўрсатдики, жиноятларни содир этишда қурбонлар хулқлари кўп ҳолларда сабаб бўлишини, булардан 60% ҳолатларидаги хулқлар ахлоқ нуқтаи назаридан салбий ҳарактерга эга эди, 35%- ижобий (жамоа бурчини адо этиш ва хомийлик ва б) ва 5% нейтрал ҳарактерга эга. Маълумки жабрланганларнинг учдан бир қисми уларнинг ҳулқи иғвогарлик ҳарактерга эга эканлигини англамайди, 43% иғвогарлик ҳарактерини олиб келувчи ҳолатлар эса узоқ муддат давом этган. Ушбу ва кўпгина материалларнинг ўрганилиши планда виктимолотик текширувлар рухий даражада шундай критерияларни топишга имкон беради деган хулосага келади ва «потенциал қурбонни» жиноятдан зарар кўргангача танишини осонлаштиради. Бу виктимийликни камайтиришга имкон беради бу эса жиноятчиликни камайтиришга очиқдан очиқ таъсир қилар эди ёки бизнинг фикримизча, жиноятчилик йўлларини қисқартирилиши фақатгина шахслар сонини камайиши орқали эмас, улар маълум даражада жиноятчи бўлиб қолишлари мумкин, лекин жиноий тажовузларнинг қурбонлари бўлиб қолишлари мумкин бўлган шахслар миқдорининг пасайиши орқали ҳам бўлади.

Виктимологиянинг дастлабки ривожланиши жиноят статистикаси тизимида махсус бўлимни шаклланишини талаб қилади ва у виктимийликнинг статистикаси деб номланиши мумкин. Унинг асосий мақсади - жабрланган шахсга ва унинг ҳулқига тахминан қуйидаги йўналишлар бўйича миқдорий тасниф беришдир:

1) айбланувчининг шахси ва унга етказилган зарар, содир этилган жиноят;

2) жабрланувчининг шахсини тавсифловчи, демографик, социал-психологик, ҳуқуқий ва бошқа белгилар;

3) жабрланувчининг мажорали вазиятдаги ўрни (унинг айбланувчи билан ҳаракати, жиноят содир этаётган пайтда унинг ҳолати ва ҳулқи, жабрланувчининг «айби» тўғрисидаги масала – ахлоқий, жиноий-ҳуқуқий ва б). Бинобарин, жиноят статистикаси жиноятчиликни белгиловчи кўрсаткичларни, унга қарши кураш чоралари ва жиноятчининг шахсини киритмайди, балки виктимлик ва унинг профилактикасини ҳам ўз ичига олади. Бу ерда жабрланувчининг шахси, унинг ҳулқи, шунингдек, виктимлик

ҳолатларини олдини олишга йўналтирилган чоралар миқдоран акс эттирилади, яъни жиноятни содир этишда қурбон бўлганнинг ўз ҳулқи ва шахси бўлиши мумкин.

Суд статистикасининг иккинчи вазифаси бўлиб, фуқаролик-ҳуқуқий статистика ҳисобланади. Унинг асосий мақсади – арбитраж ва судга рухсат бериш, бўлиб ўтган фуқаролик-ҳуқуқий бахслашувларни ҳисобга олишдир, шунингдек бахслашувларни текшириш бўйича уларнинг фаолияти натижаларини ҳисобга олишдир. Бундан ташқари, фуқаролик статистика вазифасига шундай фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ҳисобга олиш кирадики, улар ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлмайди, ва фуқаро тортишув предмети бўлмай, маъмурий, нотариат ёки тортишмайдиган суд ишларини юрғизиш тартибида қониктирилади ( масалан, меросни нотариат томонидан тасдиқлаш, мерослик ҳуқуқига эгалик қилиш ҳақидаги гувоҳномани бериш, иш стажининг суд томонидан тасдиқланиши ва бошқа).

Фуқаролик-ҳуқуқий статистикаси 2 бўлимга бўлинади:

1) фуқаролик ишларини кўриб чиқиш бўйича суд ишларини ёритиб берувчи фуқаролик суд ишларини юрғизиш статистикаси. Бу ерга шунингдек, фуқаролик ишларини улар томонидан кўриб чиқиш бўйича суд ишларини назорат қилиш соҳасида прокуратура органлари фаолиятини ҳисобга олиш киради. Бу бўлим биринчидан, судга келиб тўшадиган ишларни ҳисобга олиш; иккинчидан суднинг асосий (муҳим) процессуал ҳаракатларини ҳисобга олишни ўз ичига олади: кўриб чиқиш муддати, қарорларни ижро этиш, ишларни апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларида кўриш ва х.

2) Фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларини ижро қилиш юзасидан суд ижрочилари фаолиятини акс эттирувчи суд қарорлари ижроси статистикаси.

Таъкидлаш керакки, суд статистикаси юқорида айтиб ўтилган қисмларга бўлиниб, фуқаролар, корхоналар ва муассасалар ҳуқуқ ва манфаатларини жиноят-ҳуқуқий ёки фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоясини амалга оширувчи органлар оператив иши асосида тузилади. Шунинг учун амалиётда милиция, прокуратура, судлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жазони ижро этиш муассасалари статистикаси билан ишлашга тўғри келади.

3). Судлар, прокуратура ва ИИБ органлари статистика аппарати таркибига қисқача тўхталиб ўтамиз. Суд органлар статистикаси бевосита шу суд органларининг юқори турувчи суд идоралари томонидан бошқарувни амалга оширади. Унинг таркибида алоҳида суд статистикаси билан шуғулланувчи ҳодимлар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди таркибида алоҳида статистика билан шуғулланувчи мутахассис мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида жами бўлиб, еттита штат бирлигидан иборат “Ташкилий назорат ва таҳлилот бошқармаси” мавжуд.

Вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар, туман, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратура органларида ҳам ташкилий назорат ва таҳлилот бўйича бўлим ёинки, катта ёрдамчилар мавжуд. Мазкур бўлим прокуратура органлари олдида турган асосий вазифалар ва қонунчиликдаги тегишли ўзгартиришларни ҳисобга олиб статистик ҳисобот кўрсаткичларини ишлаб чиқади, прокуратура органларида статистик ҳисобот бўйича йўриқномалар чиқаради. Прокуратура органлари фаолиятини барча соҳалари бўйича ўрнатилган статистик ҳисобот кўрсаткичларини қабул қилади ва қайта ишлайди.

Қабул қилинган ва қайта ишланган маълумотларни таҳлил қилиб, Ички ишлар вазирлиги ҳамда адлия вазирлиги, суд органлари ҳисоботлари кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда, жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таҳлилий ишларни амалга оширади. Бу шахслар:

А) ўз прокуратурасида дастлабки ҳисобни ташкил қиладилар ва ўз прокуратура фаолияти тўғрисида статистик ҳисобот тайёрлайдилар;

Б) туман (шаҳар) прокурорларидан олинган статистик ҳисоботларни тўплайдилар ва ҳал қиладилар, ҳамда ҳисоб ва ҳисобот масалаларида туман (шаҳар) прокурорларига тегишли кўрсатма ва тушунчалар берадилар.

Туман ва шаҳар прокуратураларида статистик ҳисобот бевосита прокурор томонидан тайёрланади. Бу ишни жамоатчи ёрдамчиларга, котибларга, ҳамда бошқа шахсларга топшириш тақиқланади.

Прокурор ҳисоботини шахсан тайёрлар экан, аён бўлган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида, туман ёки шаҳар прокуратураси фаолиятини яхшилашда статистик кўрсаткичлардан тезкор фойдаланиши керак.

ИИБ органлари статистикаси Ички ишлар Вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бу ишларни бевосита ташкил қилиш масъулияти штаб бўлинмалари зиммасига юклатилган. ИИБ таркибида фаолият юритаётган бошқарув ва маълумотлар илмий-текширув бош маркази тасдиқланган ҳисобот кўрсаткичларини қабул қилади ёки қайта ишлайди, уларни таҳлил қилади, ҳамда тегишли шарх ва докладлар тайёрлайди. ИИВ ва ИИБ статистика аппаратлари туманлардаги милиция органларидан олинган, дастлабки ҳисоб карточкалари асосида статистик ҳисобот тайёрлайдилар. Мазкур ҳисобот белгиланган муддатларда юқори ташкилотларга жўнатилади. Туман милиция органлари ўз ишлари регистрациясини махсус журналлар, карточкалар ва бошқа ҳужжатларда олиб борадилар. Булардан кейинчалик оператив мақсадларда, шунингдек, статистик ҳисобот тайёрлаш учун фойдаланилади.

Шундай қилиб, судлар, прокуратура ва ИИВ органларида статистика аппаратини ташкил қилиш улар фаолиятини ҳар томонлама тавсифи, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, бинобарин, ҳозирги кунда

мазкур органлар олдида турган вазифаларни янада самарали бажариш учун зарур бўлган статистик материалларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни таминлайди.

### 7.§. *Амалий ва илмий ишларда суд статистикасининг аҳамияти*

Суд статистикаси материалларидан фойдаланиш усуллари, унинг ИИВ органлари, суд ва прокуратура фаолиятини яхшилашдаги, криминология, жиноят ва фуқаролик ҳуқуқи, ҳамда процессининг келажакдаги ривожидаги амалий аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Статистик материалларидан биринчи навбатда, юқорида таъкидланган органлар ишини оператив бошқариш мақсадида фойдаланилади. Суд статистикаси кўрсаткичлари қимматли манба ҳисобланади. Булар ёрдамида судлар, прокуратура, милиция, арбитраж ва бошқа ташкилотлар иши устидан бошқарувни амалга оширувчи органлар, мазкур ташкилотларни назорат қиладилар, улар ишининг ижобий ва салбий томонларини аниқлайдилар. Шуни эсда тутиш керакки, одил судловни амалга ошириш соҳасидаги ҳисоб бир вақтнинг ўзида суд амалиёти устидан назоратдир. Яхши ташкил қилинган ҳисоб ва статистика орқалигина суд, прокуратура, милиция ва ҳукмни ижро қилувчи органларнинг қандай ишлаётганликларини аниқлаш мумкин.

Масалан, прокуратура статистикаси кўрсаткичлари дастлабки тергов органлари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли эканлиги, ҳар хил турдаги жиноят ишларининг очилиши, прокуратура органларининг умумий ва суд назорати соҳасидаги, терговни бошқариш ва бошқа соҳалардаги фаолиятини боҳолаш имкониятини беради. Суд органлари статистикаси материаллари суд ишлари ҳажми ва сифатини, суд ишларини юрғизиш давомийлиги, ишларни ҳал қилиш натижалари, суд жазоси тавсифи ва бошқаларни аниқлаш имкониятини беради. Барча мазкур маълумотлар суд ишларини баҳолашда, мазкур ишни бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Ахлоқ тузатиш ва меҳнат муассасалари статистикаси, масалан, маҳбусларнинг ижтимоий мавқеи, ёши, маълумоти, жазо муддати, рецедив бўйича таркибини, шунингдек, турьма ва колониялардаги профессионал, ҳамда умумтаълим ўқитиш аҳволи, маҳбусларни меҳнат жараёнига жалб қилиш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ҳақида маълумот беради. Мазкур маълумотлар маҳбусларни тузатиш ва қайта тарбиялаш иши қандай кетаётганини кўрсатади.

Шундай қилиб, статистика материаллари одил судловни амалга ошириш органлари фаолиятини назорат қилиш ва йўналтириш ишида муҳим аҳамиятга эга. Суд статистикаси бундай назорат ва бошқарув ишида, албатта, ягона усул ҳисобланмайди. Лекин, статистик кўрсаткичлар бошқа материаллар билан қўшилганда совет юстиция ишини таҳлил қилишда муҳим манба ҳисобланади. Статистика суд, прокуратура ва ахлоқ тузатиш ҳамда меҳнат муассасалари фаолиятидаги асосий тенденцияларни аниқлашга кўмаклашиб, кўп учрайдиган камчиликларни аниқлаш, ҳамда уларни

бартараф қилиш чораларини кўриш, Одил судлови ишини янада яхшилашга ҳамда ёрдам беради.

Адлия органлари фаолиятини амалий статистик таҳлили биринчи навбатда ўз кўрсаткичларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қўшма корхоналар, инвесторлар, тадбиркорларларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган фаолиятнинг барча босқичларини қамраб олувчи амалдаги статистик ҳисобот негизида амалга оширилади.

Суд статистикаси материалларидан амалий фойдаланишга мисол қилиб у томонидан биринчи инстанция судлари иши сифатини кассация ва назорат инстанциялари томонидан баҳоланиши каби, фуқароларни жиноий жавобгарликка жалб қилишнинг асослантирилганлик ҳарактеристикаси каби, жиноятлар очилиши кўрсаткичлари, давлат жамият мулкини ўғирлашда етказилган зарарларни воқеилиги каби суд ҳукмлари ижроси ишни кўрсатиш мумкин.

Тергов, суд, прокуратура органлари ҳамда ахлоқ тузатиш ва меҳнат муассасалари статистикаси кўрсаткичлари, юқорида таъкидланганидек, уларнинг фаолиятини кўрсатади. Мазкур кўрсаткичларга таяниб, ҳамда бошқа материаллардан фойдаланиб, бошқарувчи ташкилотлар зарур чораларни кўрадилар, тушунтириш талаб қиладилар, ҳамда текширув ўтказадилар.

Бошқарувчи органлар статистик материаллардан, шунингдек, суд ва прокуратура амалиётини умумлаштиришда текширув материаллари ревизор ҳамда жиноят ва фуқаролик ишларининг алоҳида категорияларини ўрганиш билан бирга фойдаланадилар. Статистика масалан, суд жазо чоралари ривожидаги асосий йўналишка алоҳида ишлар бўйича ҳукмларни қайта кўриб чиқишда аниқланадиган камчиликлар жиноий жазо чораларини аниқлаш имконини беради.

Шуни назарда тутиш керакки, жиноий ишлар бўйича кўпгина ҳукмлар устидан шикоят қилинмаган ва ҳукмга эътироз билдирилмаган бўлиб қоляпти. Ушбу ҳукмлар бўйича статистик кўрсаткичлар суд иши устидан назоратнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир милиция, прокуратура органлари, жазони ижро этиш муассасалари ва бошқалардаги статистик маълумотлар улар фаолиятини яхшилашда жиддий роль ўйнаши керак. Муҳими, шундай маълумотларнинг ҳар доим шундай таҳлил қилиниши, ишда асосий камчиликларни, уларнинг сабабларини очиб ташлашга имкон беради ва ушбу камчиликларни бартараф этиш чораларини қўллаш имконини беради. Бироқ адлия органларининг фаолиятини баҳолашда фақатгина статистик маълумотлар билан чегараланиш, ҳақиқатдан зид нарса, нотўғри булар эди, қандай бўлмасин, суд статистикасининг кўрсаткичлари муҳимдир, суд, прокуратура, ИИБ, МХХ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жазони ижро этиш муассасаларининг фаолияти тергов, суд ишларини

юрғизиш, адолатли қарор қабул қилинишига эришиш мақсадида чуқуррок ўрганилиши билан янада мустахкамланиши керак. Ушбу органларнинг фаолияти тўғрисидаги охирги хулосалар текширилаётган объект ва жараёнлар учун муҳим, ҳар тарафлама сифатли таҳлилдир, суд-тергов амалиётининг ҳар тарафлама билимидир. Фақатгина шундай тез-тез шароитларда суд статистикасининг кўрсаткичлари, текширилётган ҳолатларнинг ўзига хос, сифатли хусусиятларини очиб беради.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ўрганишда суд статистикасининг, аниқроғи жиноий роли катта. Жиноят статистикаси жиноятнинг ҳолати, унинг таркиби ва динамикаси, жиноятни содир этишга имкон берувчи шароит ва сабаблар, жиноятчининг шахси, милиция фаолиятининг манфий ва мусбатлари, прокуратура, суд ва ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари борасида илмий асосланган маълумотни беради. Буларнинг ҳаммаси фаолиятнинг сифатини оширишга, жиноятчиликка қарши курашга қаратилган ва бунга прокуратура ва суднинг бошқарув органлари катта эътибор қаратади.

Адлия органлари фаолиятининг барча томонларини тавсифловчи катта ҳажмдаги материал хавола этилиб, суд статистикаси бир вақтда суд-тергов ходимлари, кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва б., маблағ ва штатларни лойиҳалаштириш учун жазони ижро этиш муассасалари, тергов, суд дислокацияларнинг тўғрилиги борасидаги масалаларни ҳал қилишда катта аҳамиятга эга. Ушбу муассасаларнинг фаолиятини ҳар тарафлама акс эттирувчи статистик материал бўлгандагина, таъкидлаб ўтилган масалаларни тўғри ҳал қилиш мумкин.

Масалан, маълум бир вилоят суди ёки тергов ишлари аниқлангандан кейин, демак уларнинг штатларини янгилаш тўғрисида, тергов ва суд органлари миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни олиб чиқиш мумкин.

Суд статистикасидан фойдаланишнинг учинчи тури қонунчилик соҳасига тегишли. Суд ишларини юрғизиш соҳасида, фуқаролик ҳуқуқи ва процесси соҳасида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, у ёки бу ҳуқуқбузарликларни тарқатиш, амалдаги кодексларнинг айрим моддаларини, фармонларни амалиётда қўллашни тўлиқ таҳлил қилмаслик билан кифояланмайди. Айрим ҳуқуқ бузилишларнинг ҳаракатларини тавсифлаб, у ёки бу қонунни амалиётда қўллаш кўрсаткичларини кўрсата туриб, статистика аниқ қонуннинг шу даврдаги ҳаракатларининг мақсадга мувофиқ ва мувофиқ эмаслигини, унинг самарадорлигини тасдиқлайди. Бундан эса айрим фуқаролиқ-ҳуқуқий муносабатларни ўзгача тартибга солиш жиноятчиликка қарши курашнинг янги шаклларини белгилаш зарурияти пайдо бўлиши мумкин. Масалан, героин ва шунга ўхшаш наркотик моддаларни Ўзбекистонимиз ҳудудидан “транзит” тариқасида олиб ўтилиши натижасида, гиёҳвандликни яна бир кўриниши вужудга келди. Ўз ўрнида бу заҳри қотилга қарши кураш иши жиноятчиликка қарши кураш ишида асосий

ўринлардан бирини эгаллаб олди. Шунингдек, диний экстремизм, ақидапарастлик айнан шу соҳада содир этилиши мумкин бўлган жиноятларга қарши курашни кучайтиришни тақазо этмоқда. Бутун дунё статистикасига назар ташланса, терроризм жиноятни авж олаётганлигини, бу муаммо янада чуқурлашаётганлиги ва бунга қарши тегишли чора ва тадбирлар белгиланиши зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

Суд статистикасидан фойдаланишнинг охирги шаклига (хил) назарий тадқиқотлар соҳаси киради. Суд статистикаси, жиноят ва фуқаролик ҳуқуқи ва процессида, криминалистиканинг бошқа масалалари ва жиноятларни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларида кенг қўлланиш хусусиятига эга. Фуқаролик-ҳуқуқий ҳолат ва жиноий-ҳуқуқий динамикасини ва ҳажмини таснифловчи муҳим материалларни таклиф қилувчи суд статистикаси ушбу фаннинг хулосалари ва мос келадиган таклифларни намоён этади. У аниқ далиллар ва ҳолатларни билиш билан белгиланган фанларни тўлдиради, фуқаролик ва жиноий ҳуқуқбузарликлар қаерда ва қандай шароитларда содир бўлади, бошқа ижтимоий ҳодисалар билан ўзаро боғлиқлиги қандай эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб суд статистикаси – бу юридик фанни назарий умумлаштириш учун ҳақиқий материаллар билан таъминловчи муҳим манбалардан биридир. Маълумки, статистикада олинадиган концентрлаш ифодаларда, далилларда ҳар қандай илмий ҳолат ижтимоий жараёнларда ўзларининг ўз табиатига кўра ҳар томонлама таҳлил қилинган маълумотларга асосланмоги лозим.

Бу ерда ўрганилаётган предметнинг моҳиятини аниқлаб олиш учун, суд статистикаси фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи ва процесс фани ҳолатларига ва жиноятчиликнинг сифат хусусиятларига, уларнинг сабаблари, олдини олиш чоралари, шунингдек, жиноятчининг шахсини ўрганувчи криминология фанларига таянади. Маълумки, жиноий статистика жиноятчиликнинг турли томонларини, уларнинг сифати, ўзига хослигини очиш мақсадида ўрганади. Аммо жиноятчиликнинг сифат хусусиятларини, унинг таркиби ва динамика хусусиятларини ва унинг бозор иқтисодиёти шароитларида ривожланиш қонуниятларини жиноий статистика фақат криминология ёрдамида очиши мумкин. Бу ерда жиноий статистика криминология каби бир предметга – жиноятчилик, унинг сабаблари, унинг олдини олиш чоралари, шунингдек жиноятчи шахсини аниқлаш кабиларга эга. Аммо бу фанлар ушбу категорияларнинг турли томонларини ўрганади: криминология – сифат, статистика бўлса бир бирига ўзаро боғлиқ бўлган миқдорини ўрганади. Шунинг учун ҳар қандай асосли ўрганилган жиноят бу статистик криминологик ўрганилган жиноятдир. Бошқа сўз билан айтганда, криминология статистика билан биргаликда жиноятчилик ҳақидаги далилли материалларни йиғиндиси, қайта ишланган ва таҳлил қилиб, уларнинг қонуният ва тенденцияларини белгилаб, улар билан курашишнинг мавжуд қонуниятларини аниқлаб олиши керак. Ушбу икки

фанни бир биридан ажратишни тажриба кўрсатдики, бу бир томондан ҳақиқатдан узоқ бўлган сҳоластикага,иккинчи томондан математик формализмга олиб келади. Ушбу ҳолатни фуқаровий-ҳуқуқий статистикада ҳам кузатиш мумкин.

**Жиноий ҳуқуқий статистика ўз олдига нафақат жиноятларни, жиноятчиларни, жазони ҳисобга олишни ташкиллаштирувчи, балки жиноятчилик соҳасидаги ва улар билан боғлиқ ижтимоий ҳолатнинг сифат-миқдор характерларидаги ўзгаришларни ўрганувчи илмий фандир.** Жиноий-ҳуқуқий статистика жиноятчилик сабаблири, унинг асосий тенденцияларини белгилаши, жиноятчининг шахсига турли тавсифлар беришни ўрганши керак. Жиноий статистика мустақил фан бўлиб ўз тузилишига кўра криминология, жиноят ҳуқуқи ва статистиканинг умумий ҳолатларига таянади. Шунинг учун статистикани фақат йиғилган ва қайта ишланган сон маълумотлари йиғиндиси деб тан олиш хато.

Албатта, жиноий-ҳуқуқий статистика ўз-ўзидан жиноятчиликни ҳеч қандай ривожланиш қонуниятларини очмайди, аммо ўзининг криминология ва жиноий ҳуқуқий фан тамойилларидан келиб чиқиб, статистика чуқур, илмий асосланган хулосалар бериши мумкин ва шарт. Акс ҳолда статистика катта амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлган фан эмас, арифметик машқ бўлиб колади. Бу ерда шуни ёдга олиш муҳимки, статистика кўпрок тасаввур қилувчи, фақат ва шунчаки сон маълумотлар эмас, балки бизга қаерда қонунийлик қандайлигини белгилаб берувчи усул. Демак, ҳар қандай фан, шу жумладан юридик, фақатгина ўз олдига қўйилган мақсадни статистик усуллар асосида ўрганилган ҳодисаларга таянсагина ҳал қила олади. Суд статистикаси ҳужжатларини илмий билишдаги аҳамияти хусусида тўхталадиган бўлсак, маълумки, суд статистикасининг асосий соҳаси - жиноий-ҳуқуқий, ўзининг кўрсаткичлари билан жиноят процесининг барча босқичларини, дастлабки тергов босқичидан бошлаб, ҳукмни ижро этиш бочкичи билан тугайди. Бу кўрсаткичлар жиноятнинг ҳолатини таснифлашда ишлатилиши мумкин. Кўзланган мақсадларга кўра, жиноят билан курашнинг маълум босқичини акс эттирувчи, у ёки бу статистик материалларн ишлатиш мумкин. Жиноятнинг миқдори тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қила туриб жиноят процессининг қайси босқичига тегишлилигини ҳар доим назарда тутиш керак. Фақат шундагина бу маълумотлар статистиканинг турли манбаларидан, суриштириш органлари, тергов, суд ва бошқалар мос келган ҳолда тушунилади.

Бизнинг шароитда жиноят процесининг айрим босқичларини акс эттирувчи статистик маълумотларни кўздан кечира туриб, қуйидаги вазият (ҳолат) ларни назарда тутиш керак: жиноятни содир этилган вақтдан, жиноятга қарши турли босқичли курашдан йироқ ҳолда, ушбу босқичдаги статистик материаллар жуда аниқ жиноят содир этилганликнинг аниқ сонини акс эттиради. Дастлабки ва суриштирув терговнинг статистик кўрсаткичлари ҳақиқий миқдорини аниқ кўрсатади. Ушбу босқичда ҳисобга олинган

жиноятлар сони жиноят процесининг дастлабки босқичини статистика билан акс эттитрувчи жиноий ҳуқуқбузарликларнинг сонига қараганда юқорироқ. Бу албатта тушунарли, статистик томонидан дастлабки терговни олиб бориш, жиноят сифатида ҳисобга олинган. Маълум сони, судда жиноий ишни кўриб чиқишда бундай бўлиши мумкин эмас, (масалан, жиноят таркибининг йўқлиги сабабли ишнинг тўхтатилиши). Бошқа тарафдан, судгача фош қилинмаган ишлар етиб бормайди, шунингдек, суриштирув, тергов ва прокуратура органлари томонидан айбланувчиларга нисбатан жамоа таъсири чораларини кўриш орқали ҳал қилинади.

Суд органларининг статистик кўрсаткичлари аниқ пасайтирилган бўлади, чунки акс этган судланувчилар сонини жиноятнинг ярмини белгилайди. Жиноятнинг муҳим қисми (латентли жиноят) кучсиз бўлиб келади, масалан, жабрланувчи бу ҳақида тергов органларига, судга маълумотлар бермайди, ёки бир қатор сабабларга кўра ушбу органлар ҳақиқий содир этилган жиноятларни топа олмайди.

Далилли, аниқ жиноятчилик ҳар доим топилган, ошкор этилган жиноятдан юқори туради, бу эса чиқарилган ҳукмлар сонини кўтаради, бу сон эса ўз навбатида судланганларнинг сонидан каттадир.

«Латентли, яъни сирли деб, биз жиноят статистикасида акс этмаган, лекин аслида содир этилган ва расмий қайд этилмаган жиноятчиликни тушунамиз.

Латентли жиноятнинг ҳажми (П2) хақиқий содир этилган жиноятнинг сони ўртасида (Пф), ва жиноятлар сони ўртасида фарқ бор, статистик ҳисобот билан рўйхатга олинган (Пс), яъни Пл ҳ Пф – Пс. Бундан таъкидланган муносабатлар сонининг ҳажмини ҳисобга олиш даражаси деб аташ мумкин (У) яъни Уҳ Пс даража Пф.

Жиноят статистик материлларнинг кўрсаткичлари борасида сўз юрита туриб, шуни алоҳида белгилаш керакки, ушбу вақт мобайнида топилган, жиноят тўғрисидаги статистик маълумотлар ўша даврга мос келадиган даражани аниқ акс эттирмайди, чунки жиноятнинг қандайдир сони асослиги вақтда содир этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, статистик кўрсаткичлар билан таснифловчи жиноятчиликнинг даражаси, шунингдек, суд-тергов органлари сонининг ўзгариши ва иш сифатига боғлиқ. Ушбу органларнинг катталашуви, тергов қилиш муддатини ва жиноий ишларни ҳал қилишни тезлаштиради, бу эса уларнинг вақтини оширади. Аксинча, кейинги даврда олдинги ишларнинг қолдиқлари туфайли суд-тергов органларининг ортиқча юки туфайли, статистик кўрсаткичлар жиноятчиликнинг камайганини кўрсатади, бироқ бундай пасайиш ҳақиқатан ҳам бўлмаган бўлса керак. Бундай ҳолат суд ва тергов органлари фаолиятининг яхшиланиши ва ёмонланишида содир бўлиши мумкин ва бу жиноятни фош қилишни кўпайиши ёки пасайишига ва судга бериш фактлари сонига ҳам таъсир қилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида жиноят статистикасининг

кўрсаткичларига таъсир қилади ва жиноятчиликнинг ўсиши ёки пасайиши тўғрисидаги маълумотни тавсифлайди.

Таъкидлаш жоизки, жиноят статистикаснинг хусусиятларига жуда кўп тадқиқотчиларнинг кўп йиллар мобайнида диққатини қаратганлар. Масалан, рус криминалисти Ф.Заҳаревич жиноятни тавсифловчи кўрсаткичларга таяниб, 120 йил олдин шундай ёзган: статистик жадваллардаги жиноятлар сонининг кўпайиши, кўпинча янги тизимларни яратиш учун қабул қилинган янги усулларни кўрсатувчидир.

Одил судловга юборилган қамалганлар сони, бу жиноятчилар сонини билиш учун етарли восита эмас, айнан содир этганлар, шунга ўхшаб тўр ёрдамида тутилган балиқлар сони дарёда сўзиб юрган балиқларнинг сонини белгиламайди. Шу сабаб – Заҳаревич хулосалаганидек, - умумий олинган жиноят статистик миқдорлар, полиция фаолиятининг ўлчови билан ўлчаниши керак, губерния ёки вилоятда жиноятчилик ҳолатларига қараганда. (Юридик статистик тажрибаси, Министерство внутренных дель, 1853. стр.218).

Шундан маълум бўлдики, аниқланган жиноятлар ушбу йилдаги жиноятнинг ҳолатини аниқ тавсифламайди, унинг бир қисми олдинги йилда содир этилиши вақтига мос келиши керак. Бу жиноятнинг статистикасига кирмайди (иш, воқеа, далил миқдори), балким судланганлар статистикасига киради. Шуни назарда тутиш керакки, битта шахс йил мобайнида 2 марта судланган бўлиши мумкин (жиддий жиноятларга қараб) оқибатда судланувчиларнинг сони сунъий кўпаяди. Бошқа тарафдан, жиноятчиларни ҳисобга олишда жиноятларнинг мажмуаси ва уларда иштирок этиши катта роль ўйнайди.

Жиноятларнинг мажмуасида одатда битта ўта жиддий жиноят ҳисобга олинади, оқибатда жиноятларнинг сони сунъий равишда камаяди, ўша даврда содир этилган камаяди. Судланганларнинг сони, иштирок этишда жиноятга қараганда кўп бўлади. Жиноятчилик ҳолатидаги статистик кўрсаткичларининг айрим таҳлили, албатта белгиланган органларнинг фаолиятини акс эттирувчи кўрсаткичлар билан ҳар доим шунинг учун зарурдир. Жиноят статистикасидаги илмий англашнинг моҳияти ҳақида гапира туриб, белгиланган хусусиятларга яна битта ўзига хос тарафини қуйиш мумкин.

Жиноят қонунчилигида жиноятлар мажмуаси дейилганида битта эмас, балки бир нечта жиноятлар содир этилганлиги тушунилади. Иштирок этиш деганда икки ва ундан ортиқ шахснинг қасддан уюштирилган жиноятда қатнашиши тушунилади.

Жиноятлар ҳақидаги рақам кўрсатгичлари тарзидаги маълумотларнинг ўзгариши жиноий статистик маълумотларда очиқдан очиқ акс этади. Демак, жиноят статистикаси кўрсаткичларида акс этаётган жиноятлар сонининг тебранишига жиноят қонунчилигидаги ўзгаришлар катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Маълум бўлишича, янги жиноят қонунининг киритилиши ёки аксинча, эскининг ман этилиши жиноят статистикасининг маълумотларида акс этади. Масалан, либераллаштириш мунособати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига киритилган ўзгартириш натижасида, ярашув битимини тузилиши оқибатида қўзғатилган жиноят ишларининг тугатилиши сони ишларни судда ярашганлиги туфайли бекор қилиниши ҳисобга ошиши мумкин.

Жиноий жавобгарликни бекор қилиш ёки аксинча у ёки бу ҳаракат учун унинг тикланиши-деб, ёзган эди Н.Ф. Кузнецова – жиноятнинг динамикаси ва ҳолатига дарров таъсир қилган, бироқ ҳеч қандай ўзгаришсиз жиноятнинг ижтимоий белгиларида, сабаби ва жамият учун ҳавфли бўлмаган тарзди қонунчиликнинг статистик кўрсаткичларига бир қатор омиллар, тергов, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги, ижтимоий сиёсий ҳолатнинг ўзгариши ва х. таъсир қилади. Шундай қилиб, суд, аниқроғи жиноят статистикасининг маълумотлари айрим хусусуиятларги эга, тўлиқ содир этилган жиноятларни тўлиқ ҳисобга олишга имкон бермайди. Айнан бу статистика соҳасининг бошқа соҳаларга нисбатан ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Белгиланган ҳодисалар ўз ифодасини фуқаролик ҳуқуқий статистикада ҳам топади. Фуқаролик ишлари бўйича ишлар, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг ўрнини олган ҳақиқий сонга нисбатан камдир. Фуқаролик-ҳуқуқий статистика тортишув предмети бўлган, суд ва арбитраж томонидан ҳал қилинадиган, ёки нотариал ишлаб чиқариш предмети бўлган ишлар билан ишни кўзлайди. Бинобарин, фуқаролик статистикасини ҳисобга олувчи ҳуқуқий муносабатлар ўзлари билан фуқаролик ҳуқуқбузарликларнинг бир қисмини эгаллайди, айнан судгача етиб келган ҳуқуқбузарликларни ёки суд ишлаб чиқарилган тартибида тасдиқлайди. Фуқаролик-ҳуқуқий статистикасининг ушбу хоссалари унинг маълумотларидан фойдаланишда ҳисобга олиниши керак, демографик ва иқтисодий статистика материалларини таққослаб таснифлашда кенг жалб қилиниши керак.

## 2-МАВЗУ: СУД СТАТИСТИКАСИДА СТАТИСТИК КУЗАТУВЛАР

***Режа:***

**1. Статистик кузатув тушунчаси ва уни ўтказишни ташкил қилиш. Статистик кузатишнинг ташкилий шакллари, расмий ҳисобга олиш ва ҳисобот; махсус уюштирилган статистик кузатишлар;**

**2. Расмий давлат ҳисоби ва ҳисобот статистик кузатишнинг биринчи ва асосий шакли сифатида;**

**3. Кузатиш йиғиндиси қамраб олиш даражасига қараб кузатиш турлари: ёппасига кузатиш, қисман кузатиш усуллари, монография усули, анкетали ёки социологик усул, танлама усул.**

### 1. Статистик кузатув тушунчаси ва уни ўтказишни ташкил қилиш. Статистик кузатишнинг ташкилий шакллари, расмий ҳисобга олиш ва ҳисобот; махсус уюштирилган статистик кузатишлар

СК – ҳуқуқий ва юридик аҳамиятли ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги қизиқтирувчи фактларнинг ягона дастур бўйича ташкиллаштирилган ҳисобидан (учет) ҳамда ушбу ҳисоб асосида олинган оммавий бошланғич маълумотларнинг бирор бир йиғиндидаги тўпламидан иборат ҳар қандай конкрет юридик – статистик ўрганишнинг специфик услуби ва бир вақтнинг ўзида биринчи босқичидир.

Ҳар қандай юридик – статистик тадқиқот, авваламбор бирламчи ижтимоий – статистик маълумотлар оламидан яъни, жиноятлар, қоида бузишлар, фуқаролик низолари, ҳукмлар, суд қарорлари, жазо турлари ва бошқа юридик аҳамиятли фактларини ҳисобга олиш (учет) дан бошланади. Иккинчидан, ҳисобга олинган фактларни тегишлича умумлаштиришдан бошланади. Амалда СКнинг бу икки жиҳати ҳисобга олиш ҳисоботнинг ягона жараёнини ташкил қилади: даслаб жиноий ёки фуқаролик ишлари, бизга керакли аломатлар бўйича даъвогар ёки жавобгарлар ҳисобга олинади.; кейин эса олинган маълумотлар ҳисобот беришнинг турли шаклларида тақдим этилади.

Ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг мазмуни кузатувнинг мақсад ва вазифаларига кўра олдиндан белгилаб олинади. Агар, мисол учун, чора тайинлаш учун хибсга олинган ва тергов изоляторларида сақланаётган шахсларнинг ёши бўйича тақсимлаш лозим бўлса, у ҳолда хибсга олинганларни ҳисобга олишда уларнинг ёшини ҳисобга олишдан иборат бўлади. Агар йўл-транспорт ҳодисаларининг «қанчага тушгани»ни умумлаштирган маълумотлар керак бўлса, унда ҳар бир йўл-транспорт ҳодисасидаги зарар суммаси ҳисобга олинади. Агар ичкиликбозликнинг оилавий муносабатларга таъсири ўрганилса, у ҳолда ҳисобга олиш асосида эр-хотинларнинг алкашлиги сабаб бўлган ажралишлар, ота ёки онанинг ичкиликбозлик сабабли ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилгани фактлари,

алкаш ота-оналар тарбиясидаги вояга етмаганлар ахлоқидаги нуқсонлар ва бошқа ҳодисалар ётади. Барча ҳолларда СК муайян сифат аломатлари билан танлаб олсак айрим ҳодисаларнинг сонини қайд этишдан иборат бўлади. Криминологик тадқиқ этишдаги СК чоғида ўрганилаётган йиғиндиларнинг (жиноятлар, жиноятчилар, сабаблар) индивидуал ҳодисалари ёки ҳодисалари ёки уларнинг айрим аломатлари (жиноятнинг юридик таснифи, жиноятчиларнинг ижтимоий-демографик маълумотлари, жазо турлари ва муддатлари ва хоказолар) қайд этилади.

Фактларни ҳисобга олиш ва тўплаш қай йўсинда амалга оширилмасин, ушбу муштарак жараён шундай ташкиллаштирилиши лозимки, токи олинган бошланғич маълумотга таяниб ўрганилаётган ҳодиса ҳақида озми-кўпми объектив хулосалар қилиш мумкин бўлсин. Шу боис СК га қўйиладиган асосий талаблардан бири-йиғилаётган дастлабки ахборотнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигидир. Ушбу талабларни қасддан ёки эхтиётсизлик оқибатида бузиш кўпгина ҳолларда бутун мамлакат бўйлаб ташкил этилган СКни натижаларини барбод қилиши мумкин. Ёлғон статистик маълумотлар ижтимоий ҳавфли бўлиши ҳеч гап эмас. СК натижалари асосида муҳим амалий ва кўпинча қиммат турувчи қарорлар қабул қилинади. Агар кузатув натижалари реал воқеликни акс эттирмаса, қарорлар бефойда, хато ва ҳатто зарарли бўлади. Фараз қилайлик, шахар ёки вилоятда ҳисобга олинган жиноятчилик ҳақидаги маълумотлар реал воқеликни акс эттирмайди. Ҳуқуқ – тартибот идоралари ёки айрим мансабдор шахслар амал курсиси ортидан қувиб, жиноятчиликни назорат қила билишга лаёқатини кўрсатиб қўймоқчи бўлиб, ўзларига маълум бўлган жиноятларни йўналтирилган – танлов асосида ҳисобга оладилар: майда, осон очиладиган ва «ошкора» (ҳаммага маълум бўлган) қилмишларни қайд этишади ва фош этиш қийин бўлган жиноятларни яширадилар.

Аслида эса жиноятчилик ўсади, фош этилиши бўлса камаяди. Расмий ҳисобга олиш ва ҳисобот асосида кўрилган чоралар шаҳарларнинг криминал муаммоларини, ушбу статистик алдов аён бўлгунига ёки аниқлангунига қадар ёхуд заминида жиноятчилик негизида ижтимоий портлаш рўй бергунига қадар чуқурлаштираверади. Тегишли мансабдор ва ҳатто жиноий шахсларнинг қоидабузарлиги хатти – ҳаракатлари билан ҳисобга олиш ва ҳисоботни юқоридаги мисолдагидек юритиш мамлакатимиздаги статистик воқеликда деярли анъана тусини олган. Ҳозир аниқлик киритиш лозим бўлган нарса битта: СК – ҳар қандай юридик – статистик тадқиқ этишнинг бошланғич ва асосий босқичи бўлиб, унинг пировард натижалари ўрганишни тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

СК ни ташкил этиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мақсад ва вазифаларини белгилаш;
- тегишли объектни танлаш;
- кузатув, йиғинди, ўлчов бирликларини белгилаш;
- кузатув дастурини тузиш.

1. СК мақсадлари турли туман бўлиши мумкин. Улар ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа юридик муассасалар ёки бутунлай давлат зиммасида турган реал ижтимоий – ҳуқуқий эхтиёжлар, ҳаётий заруратлардан келиб чиқади. Масалан, ҳисобга олинган жиноятлар даражаси, очилиши, судланганлик ва ҳукм этилганларнинг умумий сонини кузатиб бориш дунёнинг барча давлатларида меъёрга, цивилизациялашганлик кўрсаткичига, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишдаги ва жамият ҳавфсизлигини баҳолашдаги таянч маълумотга айланиб бораётир. Бошқа, жиноячилик ва судланганлик ҳақидаги муфассал маълумотлар юзага келган эхтиёжлар муносабати билан йиғилади.

Собиқ СССРда 60 – йилларгача ҳуқуқ – тартибот органлар ва судлар томонидан олиб борилган жиноят, қоидабузишларнинг олдини олишдаги фаолияти ҳисоби юритилмасди. 60–йиллар ўртасида криминалогик тадқиқотларнинг қайтадан тикланган, жиноий сиёсатда профилактик йўналишнинг тадбиқ этилгани, жиноят процессуал қонунчиликка терговчи, прокурор, судга жиноятни содир этишга олиб келган сабаб ва шароитларни ўрганиш ҳамда тегишли тақдимнома ва алоҳида таърифлар бериш мажбуриятини юкловчи қоидалар киритилгани профилактик фаолиятни ҳисобга олиш ва у бўйича ҳисобот юритишни талаб қиларди.

80–йиллар иккинчи ярмида СССРда уюшган жиноятчиликнинг оммавий равишда пайдо бўлгани тегишли идоравий ҳисобни юритишни тақозо этди. Бундай ҳисоб юритиш амалиётга барча иттифоқдош республикалар жиноят кодексларига ҳам «уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилиши» тушунчасини таърифлаган зарур ўзгариш ва қўшимчалар қабул қилинишидан аввал тадбиқ этилганди. Ундан кейинги йиллардаги уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг ташкиллаштирилиши ушбу ҳисоб юритишни доимий такомиллаштириш ва кенгайтиришни талаб қиларди.

Бундай ҳол СССРда 90 – йилларда давлат хизматчилари орасида коррупция тарқалгани муносабати билан ҳам юзага келди. Ҳуқуқ- тартибот идоралари давлат хизматчилари томонидан содир этилаётган коррупция жиноятларининг махсус ҳисобини юритишга мажбур эди. Масалага шундай ёндашган тақдирдагина ҳуқуқ – тартибот идораларининг коррупцияга қарши реал курашига бирор бир баҳо бериш ва коррупция нечоғлик тарқалгани ва унинг устидан ижтимоий назоратнинг самарадорлиги хусусида сўз юритиш мумкин.

Республикалар, ўлкалар, вилоятлар, шаҳар ва туманлар даражасида у ёки бу юридик аҳамиятли ҳодиса ва жараёнлани ўрганишда ўзига хос эхтиёжлар юзага келиши мумкин. Улар ишлар манфаати йўлида ҳисоб юритиш ва ҳисоботнинг умуммажбурий ва умумдавлат шаклларига қўшимча тарзда олиб борилади. Бироқ бунда ҳам тегишли чора – тадбирларга риоя этмоқ зарур. Алоҳида эхтиёж бўлмаган янги ва янги маълумотларни қуйи турувчи ташкилотлардан талаб қилавериш уларнинг реал фаолиятини тухтатиб қуйиши ёки сусайтириши мумкин. Масалан, 80–йилларда

жиноятлар олдини олишдаги номигагина бўлган кўрсаткичлар ортидан қувиш (соддарок қилиб айтганда, қўшиб ёзиш) амалдаги профилактик фаолиятни, кейинчалик эса Ички ишлар органларидаги профилактика тизимини бутунлай вайрон қилди.

СК унинг мақсадлари билан белгиланади. Мақсадлари эса ўз навбатида юридик фаолиятнинг реал эхтиёжларидан ва СК юкланаётган ташкилотларнинг амалий имкониятларидан келиб чиқиб шакллантирилиши лозим.

2. СК мақсади танлангандан сўнг кузатув объекти танланади. Бу танлаш қўйилган мақсадларга эришиш учун ўрганилажак ижтимоий–ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисини ўз ичига олади. Агар биз кузатув мақсадини– давлат хизматчилари орасида коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадини белгиласак, у ҳолда кузатув объекти давлат хизмати соҳасидаги ижтимоий – ҳуқуқий муносабатлар йиғиндиси бўла олади: содир этилаётган коррупция хатти – ҳаракатлари даражаси, уларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан амалда фош этилиши улуши, коррупция патентлиги шарт-шароитлари, давлат хизматчилари коррупцияга олиб келган сабаб ва шароитлар, қилмиши учун амалда жиноий жавобгар бўлган коррупционерларнинг умумий улуши, реал коррупцион хатти – ҳаракатга жиноий жавобгарлик белгилангани даражаси ва хаказо. СК объекти бўладиган ижтимоий – ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар қандай доираси амалда чексиз бўлиши мумкин. Шу боис объект мазмунини аниқлагач, унинг соҳа, вақт ва миқдор чегараларини аниқ белгилаб олиш лозим: жараёнлар, ҳодисалар, воқеалар, аломатларни қўйилган мақсадга эришиш учун қайси ҳудудда (туман, шаҳар, Федерация субъекти), қайси давр мобайнида (чорак, йил, бир неча йил), қайси ҳажмда (кузатувнинг 100, 1000 ва ундан кўп бирлиги) ўрганиш назарда тутилаяпти. СКнинг кўрсатилган чегараларини аниқламай туриб уни ўтказишни ташкиллаштириш қийин, олинган маълумотларнинг бирор қийматга эга бўлиши ҳақида гапириш унданда мушқўл .

3. СКнинг объект ва мақсадини аниқлаб бўлгач, кузатув бирликлари, йиғинди бирликлари ва ўлчов бирликлари масаласини ечмоқ керак бўлади. Кузатув бирлиги деб одатда бошланғич статистик ахборот олинадиган манбага айтилади. Жиноятлар ҳисобини юритишда бу милиция бўлимии, шаҳар ёки туман прокуратураси, туман ёки халқ судлари, жазони ижро этиш муассасалари бўлиши мумкин. Фуқаролик–ҳуқуқий статистика маълумотлари борасида кузатув бирликлари, халқ судьялари, арбитраж судлар, туман прокуратуралари, нотариал идоралар, маҳаллий бошқарувнинг турли бўлимлари бўлиши мумкин. Маъмурий–ҳуқуқий статистиканинг кузатув бирликлари туман судлари, халқ судьялари, Ички ишлар органлари, ДАН, ёнгин назорати ва бошқа маъмурий юрисдикция ҳуқуқи берилган ўнлаб назорат муассасалари бўлиши мумкин.

Йиғинди бирлиги деб кузатув жараёнида аломатларини қайд этиш зарур бўлган ўрганилаётган йиғиндининг бошланғич таркибий бўлинмас унсурига айтилади. Бундай унсурлар сирасига жиноятлар, жабрдийдалар азият чекан (потерпевлий), даъвогар, жавобгар, сабаб, даъво ва бошқалар киради. Ушбу кўринишларнинг тўплами жиноятлар, жиноятчилар, сабаблар, жабрдийдалар, даъволар йиғиндисини ташкил этади.

Ўлчов бирлиги юридик статистика билан ўрганилаётган ижтимоий–ҳуқуқий ҳодисалар қайси катталик – ўлчамда ҳисобга олинишини кўрсатади. Жиноят юстицияси органларининг статистик ҳисоботларида жиноятчиликнинг ўлчов бирлиги сифатида уч кўрсаткич қўлланади: жиноят иши (тергов ёки суд ижроия), жиноят (турлари бўйича) ва жиноят субъекти (шаҳар бўйича) – гумондор, айбланувчи, судланувчи, ҳукм этилган, маҳбус, ўлчов бирликлари ўртасида тўғри чегара қуя билиш муҳим илмий – амалий аҳамиятга эга. Мисол учун, жиноятлар, жиноий ишлар ва шахслар билан ўлчанган жиноятларни қиёслаб бўлмайди, негаки конкрет жиноят ишида бир неча жиноят бўлиши мумкин, бир жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган ёки бирор бир шахс қатор жиноятларни содир этган бўлиши мумкин. Қолаверса, тергов ва тезкор фаолиятда қайд этилган жиноятларни содир этган шахсларнинг бир қисмигина аниқланади. Жиноятни одил судлашнинг турли **босқич**ларида ҳам жиноятлар субъектларини бир – бирига қиёслаб бўлмайди; ҳар бир гумондор айбланувчи бўлмаслиги ҳар бир судланувчи ҳукм этилмаслиги, ҳар бир ҳукм этилган жазони озод этиш жойида ўтамаслиги мумкин. Ўлчов бирлигининг қиёсланиши – СКнинг энг муҳим талабидир. Ушбу талаб маълум миқдорда кузатув бирлиги ва йиғинди бирлигига ҳам таалуқлидир.

4. СК дастури кузатув чоғида ҳаққоний жавоб олиниши лозим бўлган аниқ тузилган саволлар рўйхатидир. А. Катле ўз даврида СК дастўрини тузишнинг уч қоидасини яратган эди. Унинг фикрича, дастурга: 1) қўйилган вазифани ечиш учун жавоб олиш зарур бўлган саволлар киритилгани маъқул; 2) коникарли жавоб олиш мушқўл саволлар киритилмагани маъқул; 3) ўтказилаётган тадқиқот мақсадларига нисбатан ўрганилаётган субъектларда ишончсизлик уйғотувчи саволларни киритмаслик керак. Бу қоидалар ҳануз аҳамиятини йўқотмаган.

Дастур мазмуни кузатув мақсади ва хусусиятларига кўра белгиланади. кузатувнинг тўғри тузилган дастур ва маълумотларни текширишни – муваффаққиятли статистиканинг муҳим шартларидир. СК дастури ҳар бир юридик – статистик ўрганишни ташкил этишда тузилади. Ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг расмий, давлат ва идора шакллари СК нинг ўзига хос, нисбатан барқарор дастурлари ҳисобланади. Суд амалиёти фуқаролик ва жиноят ишлари, жиноятчилик, унинг ҳудудий фарқлари, жиноят сабаблари ва бошқа муаммолар бўйича янада чуқуррок ўрганиш махсус дастурларни талаб қилади.

2. СК ни ташкил этиш шакллари Бошланғич маълумотларни, СК жараёнининг бошланғич таркибий қисми сифатида, ҳисобга олиш ва уларни ҳисоботлар ва бошқа натижавий ҳужжатларда пировард таркибий қисм сифатида умумлаштириш кўпинча кузатув объекти ҳақида бошланғич маълумот йиғиш деб аталади. Гарчи мутахассислар «йиғиш» деганда маълумот олишнинг турли шакллари, турлари, усул ва услублари ёрдамида амалга ошириладиган бир режали жараённи тушунишмасада, ушбу шартли умумлаштирувчи термин кўпчилик статистикаларга нисбатан ишлатилади. Статистик ахборот йиғишнинг кўп сонли усулларни четга суриб қуя турамизда унинг ташкил этиш шаклларига тўхталамиз. Улар атиги 2 та:

1) юридик муассасаларда функционал фаолият сифатида ташкил этиладиган расмий ҳисоб ва ҳисоботлар;

2) мамлакат, ҳудуд, муассаса, айни ўша юридик идорада ўтказиладиган махсус ташкил этилган статистик текширув.

Бу шакллар расмий ҳисоб ва ҳисоботда мавжуд бўлмаган маълумотларни йиғиш имконини беради.

Бундай бўлиш шартлидир. Конкрет статистик кузатувларда ушбу икки шакл турли даражада ўрганиш объекти ҳақида ҳаққоний маълумотларни тўлдириши ва аниқлаштирилиши, бизни кузатаётган ижтимоий – ҳуқуқий воқеликларни тўлиқ ва объектив тушунишга яқинлаштириши учун бирга қўлланиши мумкин.

Жиноятчилик Россияда ва бошқа давлатларда, қоидага кўра, расмий давлат статистикаси даражасида ҳисобга олинади ва умумлаштирилади, аммо бу етарли эмас. Қайд этилган жиноятчилик амалда содир этилганидан кўра 2 – 4 баравар кам. Жиноятчиликнинг патент ёки яширин қисми мурожаат қилинмаган, аниқланмаган, ҳисобга олинмаган қилмишлардан иборат. Уларни ҳисобга олиш учун ўнлаб усуллар борки, уларни фақат СК нинг махсус ташкил этилган шакллари даражасида қўллаш мумкин. Айрим услублар давлат ҳисоботига асосланади, негаки унда патент қилмишлар билвосита акс этади: жиноят иши қўзғашдан қонунга хилоф бош тортиш, жиноят таркиби ёки ҳодисаси бўлмагани боис жиноят ишини қонунга хилоф тугатиш, ҳуқуқ – тартибот идоралари муносабат билдирмаган фуқаролар ариза ва хабарлари ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар. Лекин бу расмий маълумотлар барча патент жиноятчиликни акс эттирмайди. Уларда «ариза билан мурожаат қилинмаган», «аниқланмаган» ва қасддан ҳисобга олинмаган жиноятчилик йўқ патент жиноятчиликнинг бу қисмини фуқаролар, мансабдор шахслар, маҳкумлар ўртасида уйланган услубга биноан ижтимоий сўров ўтказиш йўли Билан аниқлаш мумкин, бунинг имкони СК нинг махсус ташкиллаштирилган шаклида бўлади. АКШ да федерал даражада жиноятланинг саккиз жиддий (индекс) турлари ҳақидаги маълумотлар ҳисоби юритилиб, улар тўғридаги ахборотлар ҳар йили жиноятчилик хусусидаги ягона ҳисоботларда эълон қилинади. Ушбу ахборотлар тўлиқ бўлмагани боис йилда 2 марта фуқаролар ва уларнинг

оилалари ўртасида жиноятнинг ўша саккиз туридан виктимизация предмети (жабр кўриш) бўйича репрезентатив сўровлар ўтказилади.

Бу маълумотлар АКШ даги виктимизация ҳақидаги тўпламларда ҳар йили Чоп этилади. Масалан, 1992 йилда расман 14438200 қотиллик, босқинчилик, зўрлаш, уғирлик ва бошқа оғир жиноятлар қайд этилган. Айни ўша йили аҳоли ўртасида сўров ўтказиш йўли билан 33649340 ёки 2,3 марта кўп шундай жиддий жиноятлар аниқланди.

## 2. Расмий давлат ҳисоби ва ҳисобот статистик кузатишнинг биринчи ва асосий шакли сифатида

Расмий давлат ҳисоби ва ҳисоботи СК нинг биринчи асосий шаклидир. Расмий жиноят – ҳуқуқий, криминалогик, маъмурий – ҳуқуқий ва фуқаролик – ҳуқуқий статистикани ўтқазмай туриб бирор саёзми – чуқурми юридик статистик кузатув олиб бориш маъносиздир. Расмий давлат ҳисоби ва ҳисоботи барча соҳаларда, ташкил этилади. Республикамизда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Республика вилоятлари ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва статистика бош бошқармалари, Республика шаҳарлари ва туманлари иқтисодиёт ва статистика бўлинмалари томонидан олиб борилади. Бу органлар давлат статистик ҳисоботининг барча шаклларини мажбурий тарзда тасдиқлайди. Бундан ташқари идоралар рахбарияти томонидан тасдиқланадиган идоравий ҳисоботлар ҳам бор.

Мамлакатдаги ҳисоб юритиш ва ҳисоботнинг марказлашган тизими – давлат бошқарувининг ҳамда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим дастакларидан биридир. Айнан шунинг учун ҳам ҳисоб ва ҳисобот умумий тамойиллар асосида, ягона услуб ва усуллар бўйича ташкил этилади. Бу масалаларга беписанд караш кўрсаткичларни таққослаб бўлмасликка, комплекс статистик (иқтисодий, ижтимоий, демографик, юридик) текширувларнинг имкони бўлмаслигига, миқдор ва сифат воқеликлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Маълумотлар мос келмаслигига оддий мисол келтираман. Олдинги ва амалдаги Жиноят Кодексига мувофиқ 16 га тўлган шахслар жиноий жавобгар бўлади, ижтимоий ҳавфлилигини идрок эта олишган ўсмирлар ўртасида тарқалган айрим жиноятлар учун эса 14 ёшга тўлганлар ҳам. 14,15,16 ва 17 ёшга тулган вояга етмаганларнинг жиноятчилиги коэффициентини (100 минг аҳолига жиноятлар сони) ҳисоблаб чиқиш учун жиноятлар статистикаси кузатиб борадиган улар содир этган жиноятларнигина эмас, балки айни шу ёшдаги усмирлар сонини ҳам билмоқ керак, СССР нинг расман эълон қилинган демографик статистикасида аҳолии ёши 10 – 14 ва 15 – 19 ёшлилар сифатида йиғинди шаклида ҳисобланарди. Ушбу демографик маълумотлар асосида турли ёшдаги вояга етмаганлар жиноятлари коэффициентини фақат

тахминий ҳисоблаш мумкин, негаки жиноят – ҳуқуқий ва демографик маълумотларни бу ҳолда бир – бирига қиёслаш имкони йўқ.

2. Махсус ташкил этилган статистик ўрганишнинг – СК нинг иккинчи шаклидир. У расмий статистика ҳисоботи қамраб олмаган кўрсаткичларни юридик статистик кузатув максад ва вазифалари талаб қилганида қўлланади. Мисол учун, айрим ҳудуд субъекти ёки шаҳарда жиноятчилик ва сабабларини ўрганиш чоғида бир томондан аҳолининг ҳуқуқ-тартибот идораларига ишончи ва муносабати даражасини, иккинчи томондан айни органларнинг аҳолии ёрдамига таяниши ҳарактерини аниқлаш зарурати туғилиши мумкин. Жиноятчилар шахсини ўрганишда уларнинг қонунни билиши, юнформлик даражасини, эхтиёжлари ҳарактери, қизиқиш ва кадриятлари, психофизиологик хусусиятлари ва бошқаларни ўрганиш эхтиёжи туғилиши мумкин. Бу маълумотлар жиноят ишларини махсус ўрганиш, бошқа ҳужжатлар Билан танишиш, анкета сўровлари фуқаролар, ҳуқуқ – тартибот органлари ходимлари, қоидабузарлар билан суҳбатлашиш чоғида ва ҳисоб ҳисоботда акс этмаган ахборотни йиғишнинг бошқа усуллари ёрдамида йиғилади. Бундай ахборотларни йиғиш услубияти турлича. У социология, психология ва бошқа фанларда тўла ишлаб чиқилган ва анчадан бери юридик тадқиқотларда қўлланади.

3.СК нинг турлари ва усуллари СК ни турларга бўлиш асосида икки мезон ётади: 1) Йиғинди бирлиларини қамраб олиши тўлиқлиги;

2) Фактларни вақтида ҳисобини юритиш ўз луксизлиги.

1. Фактларни вақтида узлуксиз ҳисобга олиш бўйича СК лар жорий, даврий ва бир вақтлик бўлиши мумкин. Кузатувнинг кўрсатилган турлари криминологик ва ижтимоий – ҳуқуқий ўрганишларда катта амалий аҳамият касб этмайди, негаки, уларни ўтказиш, одатда, жиноятчилик, маъмурий қоида бузиш, фуқаролик – ҳуқуқий суд ёки арбитраж қарорларини узоқ вақт давомида аҳолии ўсиши, қонунчилик ўзгариши, суд амалиёти, ҳисоб ва ҳисобот шаклларини ҳисобга олган ҳолда жорий кузатишни тақазо этади. Жиноятчиликни, масалан, бир вақтлик ёки даврий кузатув жараёнида ўрганиб бўлмайди, аҳолини рўйхатга олиш ёки аҳоли таркибини аниқлаш, ҳуқуқ – тартибот органлари шахсий таркибини ўрганишда шундай қилиш мумкин. Чуқур криминологик ва делектологик тадқиқотлар прокуратура, Ички ишлар, солиқ ва валютага оид жиноятлар ва қоидабузиш ҳамда жиноятлар вақтида рўйхатга олиниши тамойили асосида ҳисоб юритиладиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг расмий статистик маълумотлари асосида олиб борилиши керак. Гарчи бу бир вақтлик, қолаверса даврий статистик кузатувларни истисно этмасада, улар гоҳ – гоҳида қўлланади. Масалан, “Қамоқ тарзидаги эхтиёт чорасини қўллаш масаласида прокурорларнинг масъулияти оширилиши натижасида айбланувчиларнинг 22,7 фоизига мазкур чора қўлланилган, холос. Тергов ва суриштирув фаолияти устидан назорат чоғида 6189 та процессуал қарорлар асоссиз деб топилиб бекор қилинди, 17740 та ёзма кўрсатмалар берилди.(2004

йилда). Прокуратура органлари томонидан диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга оид қонунлар ижросига жиддий эътибор берилиб, бошқа хукукни муҳофаза килувчи органлар билан ҳамкорликда бундай жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди. Ўз навбатида бир қанча мураккаб, ўта оғир жиноятлар, жумладан, Ўзбекистон мустақиллигига ва ҳавфсизлигига, мавжуд конституциявий тузумга тажовуз қилган терроризм, диний экстремизм билан боғлиқ жиноятлар юзасидан дастлабки тергов ишлари олиб борилди.

Мамлакатимизда шу йилнинг баҳорида ва июль ойида содир этилган террорчилик ҳаракатларининг барча иштирокчиларини аниқлаш ҳамда жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тергов ва тезкор-қидирув тадбирлари қўлланилди.

Жиноят ишининг тергови жараёнида 1,5 минг нафардан ортиқ фуқаролар гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинди, 474 та турли экспертизалар ўтказилди, 700 тадан зиёд тинтувлар чоғида кўплаб тақиқланган адабиётлар, портловчи моддалар, қурол-аслаҳалар ашёвий далил сифатида олинди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қўпорувчилик ҳаракатларида қатнашган 108 нафар фуқароларнинг жиноий қилмишлари фош этилди, 85 нафари қамоққа олиниб, 23 нафарига қидирув эълон қилинди. Уларнинг аксарияти жиноий қилмишларига яраша одил судлов томонидан жазога тортилди.

Прокуратура органлари ҳокимият, давлат идоралари ва халқ ҳўжалигининг турли соҳаларидаги мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилган қонунбузилишларни бартараф этиш, уларнинг суиистеъмолчиликларига қарши кураш борасида ҳам тегишли чора-тадбирларни кўрдилар.

Жорий йилнинг 9 ойида 3920 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Жинояти фош қилинган мансабдор шахсларнинг 53 нафари республика, 425 нафари вилоят ва 4076 нафари туман-шаҳарлар миқёсидаги идора, корхона ва ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатишган, шундан 409 нафари эса ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларидир. Уларнинг жиноятлари туфайли иқтисодиётга етказилган 35,3 миллиард сўмлик моддий зарарнинг 23,8 миллиард сўми, шунингдек 421,3 минг АҚШ доллари ўндирилди.

«Истиқлолбанк», «Халқ банки», «Миллий банк» ва «Тадбиркорбанк»нинг мансабдор шахслари «Ўз ДЭУавто» қўшма корхонасининг дилерлари билан жиноий тил бириктириб содир этган жиноятлар ҳам фош этилди. 1374 та автомашина сотилишида 12 миллиард сўм нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмасини амалга ошириб, давлат ва жамият манфаатларига 907,6 миллион сўмлик зарар етказган бу шахслар қилмишларига яраша жазога тортилдилар. Бу борада

қўзғатилган жиноят ишларининг тергови жараёнида айбдорлардан 362,3 миллион сўм ва 148 минг АҚШ доллари ундириб олинди”.

2. Йиғинди бирлиларини қамраб олиш тўлиқлиги бўйича кузатув сидирға ва носидирға бўлиши мумкин.

Статистикада сидирға кузатув – йиғинди бирликларини тўлиқ ҳисобга олишдир. Мисол учун, шаҳарда, туманда, республикада содир этилган барча маълум жиноятлар ва маъмурий қоидабузишларнинг; жиноят содир этгани аниқланган шахсларнинг; жиноятчилик ёки қоида бузиш билан боғлиқ бошқа ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг тўлиқ ҳисоби.

Тўлиқ кузатув анча ҳаққоний ва ишончли, аммо уни фақат чекланган сонли аломатлар бўйича амалга ошириш мумкин, буни жиноят ва маъмурий юстиция органларининг жорий ҳисоботларида кўраяпмиз.

Жиноятларга қарши ва қоидабузишларга қарши курашни ташкил этиш учун қисқа муддатда расмий ҳисоботда мавжуд эмас маълумотлар керак бўлади, уларни сидирға усулда олиш қимматга тўшади, узоқ вақтни талаб этади, мураккаб ёки амалда имкони йўқ. Бундай ҳолларда носидирға кузатув қўлланади. Унда зарур маълумотларни мамлакат, ҳудуд, шаҳар бўйича батафсил ўрганиш вазифаси қўйилмайди. Нисбатан ишончли ва ҳаққоний маълумот берувчи бирор – бир қисм ўрганилади. Акс ҳолда йиғилган маълумотлар хато ва ҳатто зарарли қарорлар қабул қилинишига олиб келиши мумкин.

## 3. Кузатиш йиғиндиси қамраб олиш даражасига қараб кузатиш турлари: ёппасига кузатиш, қисман кузатиш усуллари, монография усули, анкетали ёки социологик усул, танлама усул

Носидирға кузатув: А) монографик; Б) асосий массивни ўрганиш; В) анкетали ёки ижтимоий; Г) танланма бўлади. Уларнинг ҳар бири ўз ижобий ва салбий жиҳатларига эга.

Носидирға статистик кузатувнинг анчайин оддий тури – монографик ёзиш усулидир. У якка, аммо криминологик ёки ижтимоий – ҳуқуқий соҳада типик бўлган объектларни чуқур ўрганиш учун қўлланади. Мисол учун, шаҳарда жиноятчиликни ўрганиш чоғида иқтисодий жиноятлар, қоидабузиш юқори даражаси кузатаётган ёки аксинча қонунга итоат этишнинг юқори даражаси ўрнатилган корхона криминологик тадқиқ этилади. Монографик ёзиш (тавсиф) оммавий кузатувлар чоғида ҳамда куч ва маблағ чекланганида ўрганиш мумкин бўлмаган масалаларга нисбатан қўлланади. Бу тур тор кўламда маълумот беради ва ўрганиш объектларининг типиклиги (атипиклиги) ёки характерлилигида бу хусусиятлар сабабини аниқлашда қўлланади.

Носидирға кузатувнинг кейинги усули – асосий массивни ўрганиш бўлиб, ўрганиш учун тадқиқотчи томонидан кузатувнинг анчайин комплекс ёки йирикроқ бирликлари йиғилади. Мисол учун, ҳудуддаги криминологик вазиятни ўрганиш чоғида чуқур статистик кузатув учун маълум кўрсаткичлар (аҳолии сони, саноат ва маданий ривожи, жиноятчилик ва қоидабузиш даражаси, ҳуқуқ – тартибот органлари ва судлар фаолияти) бўйича анчайин характерли ва муҳим бўлган 2 – 3 шаҳар (туман) танлаб олинади. Уларни ўрганиш асосида куч ва маблағни тежаган ҳолда ҳудуд бўйича умумий хулоса ясаш мумкин.

Бундай ёндашув бирор туман, шаҳар ва округда реал вазиятни билиш учун айрим корхона, муассаса, ҳудудларни ўрганиш асосида тадбиқ этилиши мумкин. Бундай амалиёт шаҳар ва туманлар ҳуқуқ – тартибот органларида ва айникса Бош прокуратура, ИИВ органлари хизматида кенг тарқалганки, улар жойларда танланма текширувлар ўтказади. Бу усул асосий массив тўғри танланган тақдирда айникса самарали ва тежамлидир. Бундай кузатувларни ўтказа туриб шуни эсда тутиш керакки, асосий массив шаҳар ёки бутун мамлакат миқёсида сўз юритиш учун айрим хулосалар учун етарли маълумот беролмаслиги мумкин. Носидирға кузатувнинг яна бир усули – анкетали, ёки ижтимоийдир. У қоидага кўра, махсус ташкиллаштирилган статистик ўрганишлар шаклида ҳамда тегишли муассасалар ва уларнинг расмий ҳужжатларида йўқ маълумотларни йиғиш мақсадида ўтказилади. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, ижтимоий фикри, қизиқишлари ва бошқа муҳим маълумотларни анкетани қўлламай туриб олиб бўлмайди. Техник жиҳатдан ижтимоий усул махсус ишлаб чиқилган анкеталарни тўлдиришдан иборат. Улар суралаётган шахслар томонидан суҳбат чоғида ёки зарур ҳужжатларни ўрганиш асосида (жиноят ишлари, маъмурий қоидабузишлар ҳақидаги материаллар, фуқаролик ишлари ва бошқалари) тўлдирилади.

Фуқаролар, қоидабузарлар, ҳукм этилганлар, маҳбуслар, даъвогарлар, жавобгарлар, судьялар, терговчилар ва бошқа шахсларни сидирға анкетали сўровдан ўтказиш қийин: айрим респондентлар анкета тўлдириш чоғида бўлмаслиги, бошқалари анкетани қайтармаслиги, яна бошқаси жавоб беришдан умуман бош тортиши мумкин. Барибир носидирға кузатувнинг бу тури тегишли меъёрларга амал қилинганда анча ишончли бўлиши, уни ўтказиш чоғида сидирғадан фарқли ўлароқ носидирға сўровда юзага келадиган хатони аниқ ҳисоблаш мумкин. Носидирға кузатувнинг сўнгги усули – танланма усулдир. У носидирға кузатувнинг бошқа усулларидан кўпроқ ишончлилик билан ўрганиш ўтказиш, аниқликнинг зарур чегараларини ҳисоблаб чиқиш ва олинган натижаларга тегишли ўзгартиришлар киритиш имконини беради.

Танланма кузатув муҳим экани ва криминологик ҳамда ижтимоий – ҳуқуқий тадқиқотларда кенг тарқалганини назарда тутилиб 5 бобда муфассал кўриб чиқилади. Конкрет ижтимоий – ҳуқуқий ва криминологик

тадқиқотларда СК нинг ташкилий шакллари (расмий ҳисобот ва махсус ташкиллаштирилган ўрганиш), турлари (сидирға ва носидирға) ва усуллари (танланма, асосий массивни ўрганиш, анкетали, монографик), қоидага кўра, биргаликда қўлланади ва комплекс СК ни ҳосил қилади.

Ушбу боб СК, унинг шакл ва турлари ҳақида умумий тасаввур беради, холос. Уларнинг айримларини қўллаш қўшимча билим талаб қилади. Уларни тўлдириш учун юридик муассасаларнинг расмий ҳисоб ва ҳисобот тавсифи, юридик ахборот йиғишнинг ижтимоий усуллари ва носидирға кузатувнинг танланма усули 4, 5, 6 бобларда кўриб чиқиладики, бу боблар мазмун – моҳиятига кўра ушбу бобнинг давоми ҳисобланади.

# СТАТИСТИКА УСЛУБЛАРИ

**1.** Статистика, бошқа фанларнинг тадқиқот предмети сифатида номаён бўлмайдиган, ижтимоий ҳаётнинг миқдорий ўрганишини назарда тутиб, унинг услубларини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Статистика услублари ҳақида фикр юритар эканмиз, биз у ўрганадиган ижтимоий жараёнлар кумагида махсус усулларини кўра оламиз.

Статистика фанининг ҳарактерли услубларидан бири **оммавий кузатув** ҳисобланади.

Статистика ва унинг ўзига хос хусусияти, айрим ҳодисаларни (айтайлик, алоҳида жиноятларни) синчиклаб кузатиб оммада, кенг доирада (бутун туман, вилоят, республика бўйича) уларнинг келажагини ўрганади. Фақат оммавий тарзда, яъни статистик кузатувда ўрганилаётган фактларнинг қонунийлигини оз бўлсада, ўрнатиш мумкин. Жинсий мувозанат қонуниятининг классик мисолини келтирамиз. Ким кўпроқ туғиляпти – қиз болалар ёки ўғил болалар? Ҳар бир оилада турлича бўлиши мумкин: айрим оилаларда фақат қиз фарзандлар, бошқаларда – ўғил фарзандлар, учинчисида – ҳам ўғил ва қиз фарзандлар туғилишяпти, яъни бир қарашда ҳеч қандай тўғриликни айтишга ўрин йўқ. Буларнинг ҳаммаси гуёки соф тасодиф. Ва албатта ҳеч бир оила учун олдиндан ўғил ёки қиз ким туғилишини айтиш мумкин эмас. Бу умуман бошқа масала, агар туғилишлар жамини кенг ҳудуд бўйича олсак. Маълумки, бу фақат оммада ўрнатиш мумкин бўлган ички яширин қонунларга буйсунадиган ҳодисаларнинг ташқи кўриниши бўйича соф тасодифдир. Туғилишлар сонини ҳисоблашда маълум бир вақт ичида ҳудуд, вилоят ёки республика бўйича аниқланган қонунийлик тўлиқ намоён бўлади: 100 туғилишга 51 ўғил бола ва 49 қиз бола тўғри келади, шу билан бирга бу ўзаро нисбат барча мамлакатларда унча катта бўлмаган фарқлар билан кузатилади.

Бироқ, бундан аҳоли умумий таркибида аёлларга нисбатан эркаклар кўп деган хулосага келмаслик керак. Жинсларнинг ўзаро нисбатининг тўғри ифодасини яъна фақат оммавий кузатув натижалари – турли мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш якунлари бериши мумкин. Шундай экан, 1959 йил аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари бўйича бизнинг мамлакатда эркаклар 45%, аёллар эса 55% ташкил қилган, яъни 100 эркакга 122 аёл тўғри келган, 11 йилдан сўнг, 1975 йил аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари бўйича аёллар фоизи 53,9% қисқарди ёки 100 эркакга 117 аёл тўғри келган.

1973 йилда аёллар сони 53,7% ни ташкил қилган, эркаклар эса ўрганилганда 46,3%. Эркаклар ва аёллар сони ўртасидаги бундай ўзаро нисбат бош ўринда уруш оқибатларидан кейин чақирилган катта ёшдагиларни ҳисобига тузилган. Шуни таъкидлаш жоизки, 1970 йилда 44 ёшдан юқори 1000 аёлга 547 эркак тўғри келган. 43 ёшгача бўлганлар, 1970 йилга келганда 1000 аёлга 1002 эркак тўғри келган, яъни жинслар сони деярли тенглашган, 40 ёшдан **кичик** аҳолининг таркибида эса айни пайтда

эркаклар сони аёллар сонидан сезиларли ўсяпти. Таъкидлаш жоизки, аёллар сонини эркаклардан ўсиши, бошқа даврларда ҳам ўрин эгаллайди. Расмий матбуот маълумотларга кўра эркаклар жами аҳоли таркибининг: ГДРда – 45,2%ни; ФРГда – 47,3%ни; Буюк Британияда 48,4%ни; Францияда 48,7%ни; АКШда 49,4%ни ташкил қилади.

“Ўзбекистон Республикасида сўнгги бёш йилликда прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти бирмунча такомиллашди ҳамда бу борада катта ишлар амалга оширилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш устидан назорат тартибида 81 мингтадан ортиқ текширишлар ўтказилиб, уларнинг натижаси асосида салкам 680 мингта прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Прокурорларнинг қарорлари ва тақдимномалари асосида 425 минг нафардан зиёд шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилишлари юзасидан 21716 та жиноят иши қўзғатилиб, етказилган 6,8 миллиард сўмлик зарарнинг ихтиёрий қопланиши таъминланди, 100 миллиард сўмга яқин зарарларни ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилди.

Шу билан  бир қаторда судларда ишларни кўришда прокурор ваколати таъсирчанлигини таъминлаш, прокурорлик назорат ҳужжатларини қўллаш самарадорлигини ошириш масалалари доимий диққат марказида бўлди. Жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари буйича чиқарилган суд ҳукмлари ва қарорларининг қонунийлигини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар қилинди. 1999-2003 йиллар ва 2004 йилнинг 10 ойида судларда кўрилган 313927 та жиноят ишининг 287069 тасида давлат айблови қувватланган бўлса, 791173 та фуқаролик ишларининг 337164 тасида ҳамда 178281 та ҳўжалик ишларининг 108040 тасида прокурор иштироки таъминланди”.

Кўриниб турганидек, фақат кўп сонли кузатувларгина ўрганилаётган ижтимоий ҳодисалар тўғрисида тўғри хулосалар қилиш, уларнинг турига хос белгиларини ва ўзаро нисбатини ўрнатиш имконини беради. Бу масалаларни ҳал қилиш учун статистика кўп сонли қонунларга, фақатгина оммавий кузатув натижасида аниқланган ҳақиқат ва қонунийлик мазмунига таянади .

Масалан, қотиллик мотивлари ҳар бир алоҳида субъект учун тасодиф. Бироқ кўп сонли кузатувларда бу мотивларни маиший, ўзаро қасд натижасида ўч олиш, маълум бир жиноятни яшириш ёки осонлантириш ва бошқаларга бўлиш мумкин.

Статистика биргина ўртача кўрсаткичлар, оммавий кузатув натижалари билангина қаноатланмаслиги мумкин. Ўрта миқдорлар ортида кўпинча қолоқ кўринган, тараққийпарвар, олдинги ҳодисалар, тезкор фаолият учун зарур синчиклаб ўрганиш туради. (масалан, фош қилинадиган жиноятларнинг ижобий ўртача кўрсаткичи тўлалилиги, қатор фош этилмаган оғир жиноятлар ҳисоби ичида кўзга кўринмай қолиб кетиши мумкин).

Шу сабабли оммавий статистик кузатув ҳар бир индивидуал ҳодисани ўрганиш (алоҳида фактни, масалан, жиноятни аниқ рўйхатга олиш) сингари,

ҳодисаларнинг барча йиғиндисини ўрганиш ҳам, бир турдаги категориялар бўйича навбатдаги уларнинг гуруҳланишини талаб қилади (масалан, ижтимоий ҳавфлилиги даражаси бўйича жиноятлар классификацияси).

**Фактлар, ҳеч қандай ўзгартиришларсиз, қандай бўлса, шундай ҳолатда, тўлалигича олинса, рад этиб бўлмас ва албатта, исботланган далилдир**. Жиноятчиликка қарши кураш ва жамиятни соғломлаштириш самарали бўлиши учун амалга оширмоқчи бўлган лойиҳалар пойдеворига таяниш мумкин бўлган аниқ ва шубҳасиз фактлардан фойдаланишга интилиш лозим. Фактлар йиғиндисини ташкил этган маълумотлар тўлиқ бўлиши, алоҳида ўзиб-ўзиб олинган бўлиши керак эмас. Чунки пойдевор остига уйни кўтариб туриши учун териладиган ғишт пишиқ бўлиши керак. Пишиқ ғишт деб, пишмаган кесакни ўрнатиб кетилса, ҳеч вақт ўтмай пойдеворнинг бу ери нураб тўқилиб кетади ва қурилган уйнинг тик туришига катта зарар етказиши мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, ҳар қандай фаннинг услуби, жумладан статистикани ҳам, унинг предметини ўрганиш билан узвий боғлиқ. Шундай экан, **оммавий кузатув – статистика услубларининг йиғиндисига,** яъни ҳодисаларни кузатув таъсири остида олинадиган ўлчовга эга бўлади (масалан, мамлакат бўйича жиноятларнинг умумий сони). Етарлича тушунарлики, бу каби йиғиндилар турли хил, фарқли ҳодисаларнинг сифатини мужассамлайди (масалан, жиноятларнинг турли категориялари). Кузатаётган жараёнларни чуқур ўрганиш учун, энг аввало, бу йиғиндини бир турдаги сифат категориялари ва гуруҳларга ажратиш лозим (масалан, ЖК Махсус қисми бобларига тегишли жиноятларнинг барча ўлчовларини алоҳида турларда ажратиш керак).

**Гуруҳлаш** статистиканинг энг муҳим услубларидан бири ҳисобланади. Гуруҳлашни қўллашнинг зарурияти вақт ва макон шартларига асосланган ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда, аниқ йўналтирилган принциплардан келиб чиқади. Гуруҳлаш бу, фақатгина аниқ маълумотларни ўзида мужассамлаштирган, ва ижтимоий жараёнларни ўрганишда ҳал қилувчи ролни ўйнайдиган, ҳар томонлама сифатли таҳлил (анализ) га асосланади.

Ҳар қандай ҳодиса доим қайсидир гуруҳга мансуб бўлади. Шуни назарда тутган ҳолда, биз, уларни гуруҳларга ажратмасдан туриб, на ижтимоий жараёнларни ўргана оламиз, на уларда намоён бўладиган қонунийлик ва ўзаро боғлиқликни ўрната оламиз. Бу гуруҳларни статистика аниқланган умумлашма кўрсаткичлар билан тавсифлайди (масалан, жиноятларни гуруҳлари бўйича фош қилинганлик коэффициенти, саноатсозликнинг алоҳида тармоқлари бўйича бажарилган режалар фоизи, алоҳида жиноят турларининг умумий якуни бўйича солиштирма ҳажми ва х.). Фараз қилайлик, бутун республикада жиноятчиликни ўрганишни истаб, биз энг аввало, алоҳида жиноятни кузатамиз (рўйхатга оламиз), уларнинг келажагини бир турга мансуб гуруҳларга тегишинча ЖК Махсус қисми билан бириктирган ҳолда (давлат жиноятлари, бурчларга оид жиноятлар,

мулкка қарши жиноятлар, шахсга қарши жиноятлар ва б.). Шу ўринда биз ҳақлимиз, ҳар бир мана шундай гуруҳни ҳамма ижтимоий муносабатларда бир турга мансуб деб ҳисоблашга, негаки барча жиноятлар, гуруҳ ичида уларнинг фарқига қарамасдан (масалан, ўғрилик, босқинчилик, талон-тарож ва бошқа мулкчиликка қарши жиноятлар гуруҳи ичида, тажоввуз объектлари бўйича бир турга мансуб (мулкчилик, шахс ва х.). Энди бир тур, бир гуруҳга мансуб бўлган ижтимоий мунособатларга бўлиб, қиёслашни вояга етмаганларга оид қонунлар ижросида ҳам кўрсак бўлади. “ Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан бу даврда ўтказилган текширишлар якунида 68399 та прокурор назорат хужжатлари қўлланилди, 43358 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, етказилган 440,8 миллион сўмлик зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланди, 1,7 миллиард сўмлик зарарни ундириш ҳақида судга даъво ариза-лари киритилди. Жиддий қонунбузилишлари юзасидан эса 1626 та жиноят иши қўзғатилди. Асосий эътибор вояга етмаганларнинг ижтимоий муҳофазаси, меҳнати ва бандлигини таъминлаш, соғлиғини ҳимоя қилиш, таълим-тарбияси масалаларига қаратилиб, Вазирлар Махкамасининг юқоридаги қарори талабларининг бажарилишига эришилди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя килиш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари кўрилиши натижасида жорий йилнинг 10 ойида республикада уларнинг жинояти 6,4 фоизга камайган”. Барча бу каби гуруҳларнинг кейинини умумлаштирилган кўрсаткичлар билан тавсифлашимиз мумкин, масалан, жиноятчилик тузилишини аниқлаш (қиёсий ҳажми),100 минг аҳолига алоҳида шаҳарлар бўйича жиноятчилар сонини жиноятчиликларни қиёслаб кўриш учун ҳисоблаш (жиноятчилик коэффициенти) аниқланган вақт мавсуми ортидан жиноятлар динамикасини ўрнатиш ва х.

Бу материалнинг ҳар томонлама анализи негизида, гуруҳларга ажратилган ва ишлов берилган статистикага тегишинча, адлия органлари жиноятчиликка қарши асосий эътиборни шунга ёки жиноятларнинг бошқа турларига, уларнинг интенсивлигига, динамикасига, ҳудудий бўлинишига ва шу кабиларга қаратган ҳолда нисбатан самарали кураш олиб бориш имконига эга бўлади.

**3.** Статисканинг **учинчи ўзига хос услуби** ижтимоий ҳодисаларнинг турли ҳудудларда ўзаро алоқаси ва қонунийлигини ўрнатиш ва ўлчаш имконини берадиган, тўпланган ва гуруҳларга ажратилган материалларнинг **илмий ишлов бериш**, умумлашган кўрсаткичларининг – **ўртача ва нисбий ўсишини ҳисоблаш**. Умумлаштирилган кўрсаткичлар бир сон билан оммавий жараёнларнинг турли, нисбатан тарқалган томонларини тасифлайди, масалан, жиноятчиликни,. Улар аниқланган белгилари бўйича ҳодисаларнинг барча йиғиндисини тўлалигича, хусусийлик, индивидуаллик ва тасодифдан абстрак ҳолда инъикос этади. Бизнинг ижтимоий ҳодисалар қонунийлиги ривожланиши халқ ҳаётининг материалли ва маданий

тенглигини узлуксиз ўсиши, бу ўринда ўлимнинг камайиши ва умр кўришнинг ўзайишида намоён бўлади. Умумлаштирилган кўрсаткичлар бу қонуниятларга ҳам шубхасиз аниқ ифода беради. Ҳақиқатдан ҳам, агар 1913 йилда вафот этганлар сони 1000 аҳолига бизнинг мамлакатда 29.1 одам тўғри келган бўлса, унда 1972 йилда у тахминан уч ярим баробарга қисқарди, 8,6 тўғри келди. Ўлим ўтган асрнинг 90-йилларида АҚШда – 9,5 одам, Англияда – 11,5; ГФРда – 11,2 ва х.). Агар революцияга қадар 43 % туғилганлар 5 ёшгача вафот этган бўлсалар, ўша пайтда бу ёшда 3,3 % туғилганлар вафот этишган, яъни 13 баробар кам. Ўлимнинг сезиларли камайиши сатҳини кузатишда аҳолининг барча ёшдаги гуруҳларнинг ўртача умр кўриши СССРда 1970-1971 йиллар ўртасида 70 ёшни ташкил этган бўлса, 1900 йилларда ўртача ёш 32 ёшни ташкил этган.

Шуни назарда тутиш керакки, фақат умумлаштирилган кўрсаткичларгина ўрганилаётган барча ижтимоий ҳодисалар йиғиндисининг тараққиёт қонуниятлари, тенденциялари ва ўзаро нисбатлари ҳақида аниқ тасаввур олиш имконини беради. Бу эса фан ва амалиёт учун катта аҳамият касб этади.

Алоҳида шаҳар, вилоят ва республика бўйича жиноятчилик турлича ўзгаради. Унинг тараққий этишини аҳамиятли белгиларини топиш учун биз тўла тарзда мамлакат бўйича материалларни умумлаштиришимиз лозим, шундагина тасодифий тебраниш тегишинча умумлаштирилган кўрсаткичлар кўринишида ифодаланган қонунийлик кўринади ва параллелашади.

Жиззах вилояти прокурори Равшан Муҳиддиновнинг “Қонун ҳимояси” журналига берган интервюсида

— “Маълумки, суд хужжатларининг ижросини таъминлаш учун Адлия вазирлиги қошида махсус партамент ташкил этилган. 2003 йилда суд ижрочиларининг туманлар ва Жиззах шахар булинмаси жами 10.566.783.000 сумли 70.429 та ижро хужжати келиб тушган бўлса, улардан 12.384 тасининг (5.403.638.000 сўмлик ижроси таъмишланган. 2004 йилнинг олти ойи давомида суд ижрочиларининг туман ва шаҳар бўлинмаларига 9.333.500.000 сўмлик 15.760 ижро ҳужжати келиб тушган. Шундан 3.777.000.000 сўмлик 7863 та хужжатнинг ижроси таъмишланган. Шунинг ҳам 748 та қонунда белгиланган икки ойлик муддат бузилган ҳолда ижро этилган. Суд қарорларини ижро этишга масъулиятсизлик билан ёндашиш бундай қонунбузилишлар сабаб булаётганини айтиш мумкин. Биргина мис суд ижрочиларининг Жиззах шаҳар бўлинмаси томонидан 124 та, Жиззах туман бўлинмасидан 12 та, Ғаллаорол бўлинмасидан 251 та ижро иши тугатилиши тўғрисида қабул қилинган қарор нусхалари томонларга юборилмаган”, деб кўрсатилган. «1971 йилда 1946 йил урушдан сўнг жиноятчилик коэффициенти билан қиёслаш бўйича (яъни 100 000 аҳоли ҳисобида жиноят содир қилган шахслар сони) 2 баробар қисқарди. Агар нисбатан қисқа вақтни оладиган бўлсак,бунда нисбатан ҳавфли жиноятлар

сони 4,6 %га камайди, жумладан қасддан одам ўлдириш, талон-тарож, босқинчилик, давлат, жамоат ва шахсий мулкни ўғрилаш».

**4.** Шундай қилиб, статистика фанининг асосий услублари сифатида ижтимоий ҳодисаларни оммавий миқдорий кўрсаткичини, уларнинг кейинги гуруҳланишини ва тавсифини ўрнатилган сифатли бир турга мансуб гуруҳларнинг умумлаштирадиган кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин. Бироқ статистиканинг бу каби оддий ҳисоблаб чиқиши ҳали етарли эмас.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисаларнинг миқдорий жиҳатларини ўрганиш учун статистикадан фойдаланилади, жумладан ҳуқуқий ҳодисаларнинг миқдорий жиҳатини ўрганиш учун ҳам статистикадан фойдаланилади. Фақатгина, уларнинг моҳияти, аниқ таркиби аниқлангандан кейингина, уларнинг ўлчами, миқдорий ифодаси ва миқдорий нисбати тўғрисида савол қўйиш мумкин (масалан, алкоголизм маълумоти ва жиноятчилик билан алоқаси). Шундай экан, энг аввало ҳодисани тушуниб етиш, уларнинг ички сифат хусусиятларини аниқлаб олиш керак, сўнгра статистик ўрганиш лозим. Бу эса ўз навбатида фақат аниқ фанларнинг назарий аҳволи базасида амалга оширилиши мумкин. Масалан, иқтисодий статистика – иқтисодиёт жуда ҳам кенг қамровли ижтимоий мунособатларини ўзида акс эттирувчи маълумотларга, жиноий статистика – криминология, жиноят ҳуқуқи ва процесси кўрсатмаларига ва х.к.з.ларга асосланиши шарт.

Дарҳақиқат статистика,- жамиятда ўрнатилган ижтимоий иқтисодий муносабатларни ўрганиб, ҳеч қандай бўрттириш ёки чалғитишларсиз жамиятнинг асл аҳволини ўзининг ҳар томонлама таҳлили билан кўрсатиб бериши лозим . Демак, мамлакатдаги жиноятчилик аҳволини статистик тавсифини бериш учун, жиноятчилик моҳияти ҳақида, унинг жамиятдаги ҳар қандай ижтимоий мунособатлар билан узвий боғлиқлиги ҳақида аниқ бир тасаввурни яратиб бериши лозим. Буларсиз жиноятчилик ҳақида статистик маълумотларни илмий тушунтириб бўлмайди, буларсиз статистик маълумотлар жонсиздир. Криминология аҳволини негизида жиноятчиликнинг моддий табиатини ва муросасиз ижтимоий мунособатлар замирида унинг сабабларини билиб, жиноятчиликни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф қилиш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш мақсади ётади. Жиноий статистикасининг муҳим вазифаси – унинг материалларини жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини яхшилаш учун, жиноятчиликка қарши кураш ҳисобланади. Бу борада криминология, жиноят ҳуқуқи ва процесси фани негизида биз мамлакатимизда жиноятчилик моҳияти ва унинг сабабларини, алоҳида турдаги жиноятларнинг сифатли хусусиятларини ЖПнинг алоҳида **босқич**лари – дастлабки тергов, суд муҳокамаси, ҳукмлар ижроси чоғида статистика маълумотларидан фойдаланиб, жиноятчиликка қарши фаолиятни ташкиллаштирилса, ишнинг натижаси фақат шунда самарали ҳал бўлиши мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, статистиканинг ўзига хос хусусияти сифатида кузатаётган ижтимоий процессларнинг (масалан, тадқиқ қилинаётган ижтимоий ҳодисотнинг турли кўринишларини) илмий асосланган сифатли таҳлилини менсимаслик ва сохта Ўртача миқдор ва тартибсиз гуруҳлаш жамиятда вужудга келган касалликни атайин яширишга олиб келади. Бу эса, ўз ўрнида келгусида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Зеро ҳалқимизда қадимдан қолган бир нақл бор "касалини яширсанг иситмаси ошкор қилади" ёки "касални даъволагандан кўра, уни олдини олиш осонроқ" ҳисобланади. Шунинг учун жиноятчилик ҳақидаги статистикани сифатли бир турга мансуб бўлмаган умумлаштириладиган (ўртача ва нисбий) кўрсаткичларга, яъни гуруҳларга ажратилмаган йиғиндиси тавсифи сифатидаги турга бўлиш билан чегараланиб қолмаслик лозим.

Шундай экан, статистика билан шуғулланишдан аввал, сифатли таҳлил зарур, кўриб турганимиздек, эътиборга олинмайдиган, статистик маълумотлар бўлмаслиги керак, ҳар қандай ижтимоий ҳодисотларни илмий гуруҳлаштириш лозим. Фақат мана шу шартлар жамият ҳаётини тўғри ўрганиш имконини беради.

Шундай экан, ҳар қандай статистик тадқиқотнинг негизи – сифатли анализ (таҳлил) ҳисобланади. Ушбу анализни статистика, ўрганиладиган ҳодисаларнинг (масалан, жиноятчиликнинг) аҳамиятли, сифатли хусусиятларини юзага чиқарадиган бошқа фанларга таянган ҳолда амалга оширади. Статистика бошқа фанларнинг хулосаларига таянар экан, уларнинг қайсидир «иккинчи даражали» фанига айланиб қолмайди. Аксинча, криминология, жиноят, жиноят процесси, фуқаролик ҳуқуқи, фуқаролик процесси ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқ фанлари суд статистикаси фани билан узвий боғлиқ ҳисобланиб, бу фанлар бир-бирини аҳмиятини камайтирмайди. Суд статистикаси конкрет фактларнинг салоҳияти билан кўрсатиб ўтилган ҳуқуқий фанларни бойитади, у қаерда қандай ва қайси шартлар бўйича ўрганилаётган ҳуқуқий ҳодисаларда аниқланган қонуниятлар ва ички боғлиқлик намоён бўлишини кўрсатиб беради. (масалан, жиноятчилик ва алкоголизм билан тўғридан-тўғри алоқаси ёки акси, таълим ва жиноятчилик ўртасида). Статистика ижтимоий фанларга узоқни кўзлаган назарий умумлаштириш учун, амалиёт билан доимий алоқаси зарур материалларни тақдим қилади. Бошқача қилиб айтганда, статистика назария ва амалиёт ўртасида кўприк солади, модомики ҳар қандай илмий ҳолат статистикада умумлаштиришда ўз ифодасини оладиган фактларга таянади.

Ижтимоий фанлар (масалан, Жиноят ҳуқуқи ва криминология) ўрганилаётган ҳодисаларнинг сифатли моддий табиатини (масалан, жиноят ва жиноятчилик тушунчаси), статистика зудлик билан берадиган миқдорий тавсифини (жиноятчилик тузилиши ва динамикаси) ўрнатади. «Ижтимоий ҳодисаларнинг миқдорий томони, - дейди В.С.Немчиков, - одатда ўрганиш предмети сифатида хизмат қилади, аммо бунда ҳар доим уларнинг сифатли

табиати билан узлуксиз алоқада бўлади. Тарих иқтисод назарияси, ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий фанлар тегишинча ижтимоий ҳодисаларнинг сифатли табиатини ўзларини предмети деб биладилар. Миқдорий ифодасини оладиган, оммавий ижтимоий жараёнларнинг бу томонлари, ижтимоий фанлар – статистика ва унинг соҳалари иқтисодий статистика, демографик статистика, маданий статистика ва бошқалар предмети ҳисобланади. Бунда статистика ва бошқа ижтимоий фанлар билан яқин алоқа бўлиши шарт. Статистика ўша ёки бошқа илмий ҳолатларни асослаб беради ёки нотўғрилигини исботлаб беради, модомики статистика маълумотлари ҳар қандай назарияни ҳақиқатлик критерияси билан, билимни текшириш воситалари билан намоён бўладиган амалиётни умумлаштиради.

Шуни назарда тутиш керакки. Статистика предметига 2 асосий нуқтаи назар амал қилади. Айрим муаллифларнинг фикрича, статистика ижтимоий ҳодисаларнинг фақатгина миқдорий томонини ўрганади. Бошқалари, статистика ижтимоий ҳодисаси сингари табиат ҳодисасини ҳам тадқиқ қилади, деб ҳисоблашади. Мана, масалан, О.О.Яхотнинг тасдиқлашича, «негизий далилнинг асоссизлиги, шунга биноан… статистика – фақат ижтимоий фан ва табиат ҳодисаларига ҳақли бўлмаган муносабатдир». О.О.Яхотнинг нуқтаи назарига кўра, статистика ижтимоий ҳодисалар ва табиат ҳодисалари билан тартибни тадқиқ қилиши шарт. Аксарият муаллифлар ўхшаш нуқтаи назарларни инкор қиладилар. Масалан, Т.И.Козлов, В.Е.Овсиенкол ва В.И.Смиринский статистикага ҳам табиат, ҳам жамиятни ўрганувчи «универсал фан» сифатида қарайдиган юқоридаги муаллифларнинг нотўғри ҳисоблашади, уларнинг фикрича, «статистика оммавий ижтимоий ҳодисаларнинг миқдорий томонини ўрганади». Бу вақтда улар, «статистика шунингдек жамият ҳаётидаги ҳодисаларнинг миқдорий томонига табиий ва техник факторларнинг таъсирини ҳам ўрганади», деб ҳисоблашади.

Бизнингча, статистика ижтимоий фан ҳисобланади, модомики барча унинг услублари – оммавий кузатув, гуруҳлаштиришлар – унинг предметини специфик хусусиятлари - ижтимоий ҳаёт ҳодисалари билан боғлиқ. Шу билан бирга тарихий статистика энг аввал, ижтимоий фан сифатида тараққий этган. Аммо турли фанлар ўртасида аниқланган ички алоқа қилганлиги сабабли, аксарият шубхасиз фанлар табиат ҳодисаларини ўрганиш учун айрим статистика услубларини қўллашади деб кўрсатиб ўтганлар. Бизнингча ҳам статистика ижтимоий фан ҳисобланади. Суд статистикаси эса статистиканинг бир бўлагидир.

Статистика бошқа илм-фан шароитларига асосланган ҳолда, оммавий ижтимоий ҳодисаларнинг миқдорий томонларини узлуксиз алоқасининг сифатли томонларини ўрганади. Статистика ижтимоий тараққиётнинг маълум бир ҳудуд ва вақтдаги қонунчилигининг миқдорий аҳамияти борасидаги изланишларни олиб борса, суд статистикаси ёрдамида жиноятчилик ва қонунийлик жамиятда қандай аҳволдалигини билиш

мумкин. ( **бу ўринда суд статистикаси ҳақида сўз кетганда умумий мамлакатимиздаги ҳуқуқий статистика ҳақида фикр билдирилмоқда**).

Ҳар томонлама тўлиқ сифатли таҳлил асосида ўтказиладиган услублар статистиканинг муҳим услублари ҳисобланади:

1) ижтимоий ҳодисаларнинг миқдорий томонларини оммавий кузатиш ;

2) уларни ўлчами ва тури бўйича гуруҳлаштириш ;

3) умумий кўрсаткичли сифатли гуруҳларнинг ўрнатилган тавсифи (нисбий ва ўртача).

Статистиканинг охир мақсади – қонунчиликни, умумий кўрсаткичларда ўлчаш ва ҳосил қилишни ўрганилаётган иқтисодий, демографик ва бошқа ҳодисаларини ўзаро алоқадорлигини ва муносабатларини вужудга келтириб, ўзида демократик жамият қуришнинг илмий ва амалий аҳамиятини келтириб чиқаради. Статистиканинг барча услублари унинг предмети – ижтимоий ҳодисалар бўлиб, ўзининг табиатига кўра улар муайян гуруҳларга боғлиқ бўлган оммавий ҳодисалар билан боғлиқ. Бу оммавий ҳодисаларни қонуниятларини ўлчаш ва ўрнатиш учун унга умумий кўрсаткичларнинг услубини қўллаш лозим.

Жиноий жазоларни либераллаштириш мақсадида ЖҚ, ЖПК ва МЖТКга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонуннинг қилинганлиги мамлакатимизда демократия асосларини чуқурлаштиришга, қонун устуворлиги принципини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Либераллаштириш натижасида 87 хил жиноятнинг санкцияси енгиллаштирилиб, шуларнинг 26 хилидан қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси олиб ташланди.

Эҳтиёт чорасини қўллаш амалиёти тубдан ўзгарди. Натижада тергов жараёнида қамоққа олинганлар сони кескин камайди. Масалан, 2001 йилнинг 6 ойида 44,2 фоиз айбланувчига нисбатан қамоқда ушлаб туриш эхтиёт чораси қўлланган бўлса, 2004 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 27,2 фоизни ташкил қилди.

Республика судларида ҳам юқоридаги каби кўрсаткичлар кузатилмоқда. Агар 2001 йилнинг 1-ярим йиллигида 44,2 фоиз судланувчига нисбатан озодликдан махрум қилиш жазоси тайишланган бўлса, 2004 йилнинг шу даврида мазкур жазо тури қўлланган шахслар 27,6 фоизни ташкил қилади.

ЖПКни ислоҳ қилишда қўйилган муҳим қадамлардан яна бири жиноят ишларини янгича, яъни, яраштириш тартибида хал қилиш усулининг қўлланишидир.

2002 йилнинг 1-ярим йиллигида 11 фоиз айбланувчи жабрланувчи билан ярашганлиги сабабли жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса, 2004 йилнинг шу даврида мазкур институт 13 фоиз айбланувчига нисбатан қўлланди.

Статистика бевосита ҳисоб билан боғлиқ. Шунинг учун ҳисобнинг ўзи нималигини, унинг синфий аҳамиятини аниқлаштириб олиш керак. Статистикани ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти, шунингдек унинг турли кўринишларига қисқача тавсифнома билдирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

## ҲИСОБ ВА ИЖТИМОИЙ ЖАМИЯТ СТАТИСТИКАСИ

1. Жамият ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишида ҳисобда жиддий заруриятлар туғилади, яъни фактлар ва ҳодисаларнинг миқдорда, сонларда қайд этилиши ва якуний маълумотларни ҳисоблашда намоён бўлади, ҳатто кадимда ҳам (масалан, эрамизгача 29 асрдаги Хитой) биз аҳоли ва мулкнинг рўйхатдан ўтказишда ҳисобларни давлат томонидан ҳарбий ва фискал мақсадларда ишлатилган материал ҳисоб кабиларни кузатишимиз мумкин.

Кузатув - акс эттираётган ўлчашнинг рўйхатдан ўтказишни жараён ва ҳодисаларнинг тизимлаштирилиши (умумлаштирилган)нинг ҳисоб-китобларисиз назоратни, бошқарувчиликни ва фаол таъсирларни бу жараёнга ўтказиб бўлмайди. Ҳисоб – ахборотларнинг муҳим бир тури ҳисобланиб, таҳлил қилиш ва бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Дастлабки ҳисоб ишлари жуда содда ва оригинал тарзда кечган. Масалан, грек тарихчиси Геродот (эрамизгача 484-420 йиллар.

Форс қироли Доро (эрамизгача 5 аср) ўзининг қўшинларини ўтказган ҳисоботини келтиради: ҳар бир аскар, кўрсатилган жойдан ўтаётиб, у ерга тош қўйиши керак бўлган. Доро қўшинлари ўтиб бўлганларидан сўнг, ўзларидан кейин бир тўда тош қолдиришган.

Арасту (эрамизгача 384-322 йиллар) ўзининг асарларидан бирида афиналикларнинг урф-одатларини келтиради ва Афина маъбудасига ҳар бир янги туғилган чақалок учун маълум миқдорда буғдой келтиришади ва ҳар бир ўлган одам учун – арпа келтиришган, бу эса *жрецы* ларга ўлган ва туғилганларнинг сонини билишга ёрдам берган.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши натижасида ҳисоб услублари ва ҳисобга мухтож бўлган ҳодисотлар доираси ҳам кенгая борган. Алоҳида кўринишларнинг ҳисоб спецификацияси содир бўлди, (бухгалтерия, статистика), унинг техникаси қийинлаша борди ва шунингдек, ҳисобнинг ривожланиши жамият ишлаб чиқариш ҳарактери билан боғлиқ бўлди.

Қанчалик ишлаб чиқариш жараёни жамоат ҳарактерига кирса, шунчалик ҳисоб зарурият бўлиб колади ва шунчалик унинг аҳамияти ҳамда вазифалари кенгая боради. Ҳисоб ишларини умумлаштириш, ижтимоий ҳодисаларнинг сонли маълумотларини аниқлаш, уларнинг тўғрилигини ўлчаш ва аниқлаш каби усуллар ҳамда алоқалар статистик илмларни вужудга келтириб, бошқа илмлар сингари одамларнинг эхтиёжидан келиб чиқади.

Ҳар қайси ижтимоий-иқтисодий тузумларда ҳисоб ва статистика ўзининг специфик вазифаси ва шакл тизимига эга бўлган.

2. Ҳисоб ва статистиканинг давлатни иқтисодий бошқаришдаги аҳамиятини айтганда, иқтисодиётдаги ишларнинг ривожланишидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган режалаштириш билан боғлиқлигини ҳам айтиш керак.

Халқ ҳўжалигини режалаштириш халқ ҳўжалигининг режали ўлчанган, пропорционал ривожланиш қонуни талабларини тўғри намоён бўлиши шартларида ижобий натижаларни бериши мумкин. Энг умумий кўринишда ушбу қонуннинг моҳияти шунга олиб борадики, ишлаб чиқариш жамият эхтиёжларини қондириши мумкин, фақат качонки. Бу ишлаб чиқаришнинг алоҳида қисмлари ўзининг ривожланишида доим бир-бирига мувофиқ келса (масалан, эхтиёж молларини ишлаб чиқариш билан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ўртасида, қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари билан саноат махсулотлари ўртасида ва х.).

Халқ ҳўжалигининг тараққиёти режали ўлчовли қонуни ижтимоий ишлаб чиқаришни режалаштириш имконини беради. Бу имконият руёбга чиқиши учун режали ўлчов қонуни ҳаракатини, статистиканинг муҳим вазифаларидан бири сифатида намоён бўладиган, халқ ҳўжалигининг пропорционал ривожланишини мунтазам ўрганиш лозим.

Статистика, аниқ шартларда шу ёки бошқа мавсум вақтида асосий иқтисодий қонуни ва режали ўлчов қонунининг, пропорционал ривожланишининг ҳаракати қандай намоён бўлишини ҳам кўрсатиб беради, у давлат режаларини бажариш йўлларини, ижтимоий халқ ҳўжалиги ва маданиятининг ўсиш даражасини, меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ҳисобини ва уларнинг фойдаланилишини, режани олдиндан бажариш учун заҳираларни тавсифлайди.

Статистика, асосан иқтисодий ислоҳотлар шароитида, уларни сабабларини очишни ва заҳираларни маълум қилишни, давлат режасини бажаришни ва олдиндан бажарилишини таъминлайдиган ўша ёки бошқа номувофиқликлар халқ ҳўжалигида ўз вақтида бесабрликка ундаган.

Ҳисоб ва статистика аниқланган камчиликларни қайд қилишни чегараламайди, улар ишнинг самарали бўлишига фаол кумаклашишга чорлайди. Ҳисоб ва статистика кўрсаткичлари нафақат режали топшириқларни бажарилиши устидан контрол учун, балки бизнинг халқ ҳўжалигимизнинг кейинги ривожини режалаштириш учун ҳам муҳимдир. Бундан ҳисоб, статистика ва режалаштиришнинг чамбарчас алоқаси ойдин: ҳисоб ва статистикасиз давлат режасини тўлдириш ва унинг бажарилиши устидан доимий контрол қилиш ақлга сиғмайди.

Бозор мунособатлари даврида, ишлаб чиқариш ўлчамларининг ўсиши, фан ва техниканинг шиддат билан тараққий этиши, ҳисоб ва статистиканинг лойиҳалаштириш, режалаштиришни илмий даражаси ўсишини тақозо этади. Статистик органларга булар билан алоқада теримни, ишлов беришни, анализ ва режали комиссияларга, давлат режаларини бажариш йўлларини

тавсифлайдиган статистик маълумотлар билан ўз вақтида ҳокимиятни таништириш, илмий-техник жараёнларнинг ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ўсишини, меҳнат ва моддий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга оид қулайликларидан фойдаланишни ва мавжудлигини, жамият ишлаб чиқариш тараққиётининг бошқа масалаларини таъминлаш вазифасини амалга ошириши керак.

Ижтимоий жамиятда қуйи ташкилот умумий республикадаги ўзининг юқори турувчи тизимининг бир-бири билан чамбарчас боғланган ва ягона давлат режасига йўналтирилган звеноларини ўзида ифодалайди. Бу ҳам умумий методология бўйича қуйидан юқорига қараб (ташкилотдан умумдавлат режасигача, қуйи турувчи суддан юқори судгача ва х.) амалга ошириладиган ва ягона бирламчи ҳужжатда асосланадиган, ўзининг кўрсаткичлари билан қамраб оладиган умумий ижтимоий ҳисоб учун барча шароитларни яратиб беради.

Шунингдек, жиноятчиликка ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасида ҳам ҳисобнинг ниҳоятда муҳим рол ўйнашини назарда тутиш керак.

Ҳисоб ва статистика мулкчиликнинг ҳаракати ва ҳисоби ҳақида муҳим маълумотлар беради.

3. Ижтимоий халқ ҳўжалиги ҳисобини умумий тизимида ажралиб туради: бухгалтерия ҳисоби, ўзаро боғланган ва ички келишилган, оператив ҳисоб ва статистика, модомики улар ҳаммаси халқ ҳўжалигининг ижтимоий тизимини ўзининг объекти ҳисобланади.

Ҳисобнинг ҳар бир тури нималардан иборат? Статистикадан ҳоли, биз биринчи бўлимда берган тавсифни ва барча китобларда билдирилганларни ўрганиш учун бухгалтерия ва оператив ҳисоб тўғрисида қисқача тўхталамиз. Бухгалтерия ҳисоби хўжалик воситаларининг узлуксиз (кундун кунга), бутун (ҳеч қандай тушириб қолдиришсиз), ҳужжатли (тасдиқлайдиган ҳужжатларга асосланган) аксини, уларнинг манбаларини ва хўжалик жараёнларини, пул кўринишида умумлашадиган ўзида намоён қилади. Бу барча хўжалик операцияларини акс эта туриб, бухгалтерия ҳисоби социал мулкни талон-тарож қилишга қарши кураш фаолиятида, «ишнинг боришини молия органлари томонидан назорат қилиш» фаолиятида, хўжалик ҳисоб-китобида молиявий смета интизомига риоя қилишда, ҳар бир ташкилотнинг молиявий режани бажаришида катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқшунослар учун бухгалтерия ҳисобони билиш шунинг учун муҳимки, унинг негизида жиноят ва фуқаролик процессида катта аҳамият касб этадиган, суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилади.

Оператив ҳисоб ҳар кунлик тезкор бошқарувнинг эхтиёжи учун зарур алоҳида фактларнинг ҳисобини ва рўйхатдан ўтказилишини ўзида ифодалайди. Оператив ҳисоб хўжалик ва бошқа операциялар ва жараёнларнинг устидан контрол қилиш мақсадида уларнинг амалга оширилганидан сўнг бирданига ёки амалга ошириш пайтида рўйхатга олиш

ва бевосита кузатув орқали ўтказилади. Оператив ҳисобнинг намунаси сифатида заводга келадиган ишчиларнинг ҳар кунлик ҳисоби, автотранспорт ёқилғи ҳаражатларининг кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришда хом ашёларнинг ҳар кунлик ҳаражатлари маълумотлари ва шу кабиларни келтириш мумкин. Ойдек равшан, бу каби материаллар шубхасиз тегишли оператив хулосалар учун муҳим, айтайлик, алоҳида машиналарнинг ёқилғисини ортиқча сарфи ёки ўтказиб юбориш ва кечикиб келиш сабабларини тушунтириш учун ва х. Оператив ҳисоб суд ва прокуратура органлари фаолиятида кенг қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳам, оператив ҳисобда ҳам ўрганиш предмети сифатида ҳар бир аниқ операция, ҳар бир яхлит факт намоён бўлади; унинг диққат марказида ҳар бир ташкилот ва муассаса фаолияти ўрин олади. Статистика, ўзаро муносабатларни ва қонунийликни ўлчаш ва ўрнатиш вазифаларига эга бўлиб, ўрганиладиган йиғиндини муҳим жиҳатлари сингари яхлит фактларни кўриб чиқади (масалан, бир одам аҳолининг рўйхатга олишда статистика учун муҳими ўзи учун ўзи эмас, балки маълум мамлакатда аҳолининг кўп миллионли ҳажмини олиши муҳим, негаки фақат шундай оммада аҳолиси қонунийлиги юзага чиқиши мумкин).

Статистика, ҳисобнинг дастлабки кўрсаткичларини унинг ўзига хос специфик усуллари билан ишлаб чиқади ва қонунийлик ва алоқада амал қиладиган сифатли миқдорий тавсифини беришни тезлаштиради (айтайлик, жиноятчилик ҳаракатига социал-иқтисодий шартлар тартибида таъсир қилиш). Таъкидланганидек, статистика кўмагида оммавий жараёнларда намоён бўладиган ҳақиқатни ўлчаш ва маълум қилиш, бизни қизиқтирган ҳодисалар йиғиндиси билан ўзаро боғлиқлик ўртасида алоқа ўрнатиш мумкин. Масалан, ташкилот, муассаса, вазирлик ва, ниҳоят, биргина халқ ҳўжалиги доирасида муҳим иқтисодий масалаларнинг миқдорий умумлашма тавсифини олиш учун бухгалтерия ва оператив ҳисоб маълумотларини статистик ишлов бериш лозим. Бусиз биз таннархни тушишига, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, махсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш режасини бажаришга иқтисодий сифатларнинг таъсирини, халқ ҳўжалигининг алоҳида тармоқлари ўртасида ўзаро муносабатларни ўрнатиш ва хаказоларга таъсир этувчи омилни аниқлай олмаймиз,

Ҳисоб шу қадар статистик ташкиллаштирилган бўлиши шартки, унинг маълумотлари бўйича халқ ҳўжалигининг нафақат алоҳида қисмларининг, балки бутун хўжаликнинг тўлалигича фаолият натижаларини маълум қилиш ва қайта анализ қилиш мумкин бўлсин. Шундай қилиб, ҳисоб кўрсаткичларининг статистик ишлов берилиши йўли билан, ҳар томонлама сифатли анализга таяниб, бизни ўраб турган ижтимоий-иқтисодий муҳитни ва демократик ривожланган жамият қуриш мақсадида унга фаол таъсирини чуқур ўрганиш мумкин.

Ишончли рақамлар учун, нарсаларнинг ҳақиқий ҳолатини статистика ва ҳисобда реал акс этиши учун курашиш катта давлат аҳамиятига эга. Ёлғон маълумотларни тақдим қилганлик учун, ҳисоботда рўйхатга қўшиб ёзганлик

ва кўзбуямачилик учун, яъни давлатни алдагани учун, айбдорлар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Шундай экан, ҳисоб ва статистика республикамиз ижтимоий ҳаётида жуда муҳим аҳамият касб этади. Тўғри ҳисобсиз ҳеч қандай кўриш ишлари, ҳеч қандай давлат ишлари, ҳеч қандай режали иш ақлга сиғмайди. Ҳисоб эса статистикасиз ақлга сиғмайди. Ҳисоб статистикасиз олдинга бир қадам ҳам ташлай олмайди. Статистика нафақат хўжалик ҳаётни ҳамда ижтимоий мунособатларни бир ёқлама ўрганиш учун, балки мамлакатимизнинг турли хил ҳодиса ва жараёнларини ҳар томонлама ўрганиш учун ҳам қўлланади. Статистика кўмагида масалан, аҳоли таркиби ва ҳаракатини, унинг соғлиғи ҳолатини, жиноят-ҳуқуқий ва фуқаролик ҳуқуқий ҳодисалар доирасида юз бераётган жараёнларни ва шу кабиларни ўрганамиз.

Суд статистикасини – ҳуқуқий статистика сифатида мамлакатимизнинг социал иқтисодий ҳаётини энг ажралиб турадиган томонларини ўз кўрсаткичларида қамраб оладиган қуйидаги асосий соҳаларга ажратиш мумкин:

I. Халқ ҳўжалиги статистикаси ёки иқтисодий статистика, саноат, савдо, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, капитал қурилиш ва шу каби статистикаларни ўз ичига олади.

II. Маданият статистикаси, статистикани таълим, нашр, фан, санъат ва шу кабилар билан бириктиради .

III. Демографик статистика, аниқ тарихий шароитларда жамият тараққиётининг аҳоли таркиби, зичлиги, сони, туғилиш, ўлим, никоҳларни қайдини, шунингдек аҳоли кўчишини ёки миграциясини ўрганади.

IV. Санитар статистика ёки соғлиқни сақлаш статистикаси, аҳоли соғлиғи ҳолатини ўрганади.

V. Давлат бошқарув статистикаси, сайлов статистикаси, давлат қурилиш статистикаси, сиёсий статистика, касаба уюшмалари статистикасини қамраб олади.

**VI.** Ҳуқуқбузарликлар ва ғайриаҳлоқий ҳодисалар статистикаси 2 гуруҳга ажратилади:

**А.) Ахлоқий статистика,** аҳолининг ахлоқий ҳолати ҳақида фикр юритиш имконини берадиган ижтимоий ҳаёт фактларини ўрганади. Бу мақсадда аҳлоқий статистика жиноий ҳуқуқбузарликларни ўрганади, яъни жиноят, жиноят статистикаси предметини нима ташкил қилади, маъмурий ва интизомий ҳуқуқбузарликлар, шунингдек ғайриахлоқий ҳаракатларни.

**Б.) Фуқаролик-ҳуқуқий статистика**, суд ва арбитражларда ҳал қилишда учрайдиган, фуқаролик-ҳуқуқий низоларнинг ҳисобини юритади.

Шундай қилиб, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриахлоқий ҳодисалар статистикаси қуйидаги соҳалардан иборат: 1) жиноят-ҳуқуқий статистика: а) жиноятчилик статистикаси, б) дастлабки тергов статистикаси, в) жиноий суд процесси статистикаси, г) ҳукмларнинг ижроси статистикаси; 2) маъмурий ҳуқуқбузарликлар статистикаси; 3) интизомий ҳуқуқбузарликлар

статистикаси; 4) фуқаролик-ҳуқуқий низолар ва ҳуқуқбузарликлар статистикаси (фуқаролик-ҳуқуқий статистика); 5) прокурор назорати статистикаси; 6) ғайриаҳлоқий ҳаракатлар статистикаси. Шундай қилиб, Суд статистикаси жамиятимизнинг иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳуқуқий ва аҳлоқий ҳолатини ўз кўрсаткичларида ҳар томонлама ва ҳолис акс эттириши лозим.

Адлия органларида статистик ишларнинг босқичлари.

Ҳар қандай тугалланган статистик иш умуман адлия органларида хусусан учта асосий босқичга бўлинади: 1. статистик назорат; 2. тўпланган материаллар гуруҳи ва сводкаси; ва ниҳоят статистик кўрсаткичлар маълумотининг таҳлили ва ишлаб чиқилиши, статистик ишларнинг ушбу учта босқичи бир бири билан узвий боғлиқ ва барча статистик тадқиқотларнинг тахминий режасининг муҳим бўлимларини ўз ичига олиб, тузишни талаб қилади.

Статистик кузатиш – статистик тадқиқотнинг биринчи босқичи – бизни қизиқтираётган белгиларнинг маълум якка ҳолатларини миқдорий рўйхатини намоён этади. Биринчи босқичнинг вазифаси объектив аниқ маълумотларни тўлиқ йиғиш ҳисобланади. Масалан, маълум вақт оралиғида жиноятнинг ўзгариши ва ҳажмини аниқлаш зарур, уни олдини олишнинг аниқ чора тадбирларини аниқ белгилаш ва унинг сабабларини аниқлаш керак. Авваламбор қўйилган саволларга жавоб беришдан аввал, ўзининг режасида аниқ статистик материаллар бўлиши керак ва ўзининг шундай кўрсаткичлари билан ҳолатнинг миқдорий аниқ тарафига, жиноят каби материалга эга бўлиши керак. Ушбу материалга эга бўлиш учун биз авваламбор статистик кузатувни олиб боришимиз керак, яъни давлат органларига етиб келган жиноятларнинг ҳар бирини маълум вақт оралиғида рўйхатга олиш (милиция, прокуратура, тергов ва х), ушбу жиноятни олдиндан белгиланган элементлари, масалан, жиноят кодексининг моддалари, жиноятнинг содир этилган жойи ва вақти, унга жиноий жавобгарлик чоралари ва б. рўйхатга олиниши керак.

ИИБ, суд ва тергов органларида, амалиётда ва ҳар бир рўйхатга олинган жиноят ва шахсга махсус статистик карточкалар тўлдирилади. (ИИБ, прокуратура) - прокуратурада, судланувчи – судда, судланган – ИТУ)да тўлдирилади. Статистик кузатишлар натижасида бундай карточкаларнинг бир қанча нусҳалари териб олинади, уларнинг ҳар бири алоҳида жиноят ва жиноятчини, турли хилдаги хусусиятларига қараб (масалан, жинси, ёши, судланганлик, гуруҳда ичкилик оқибатида жиноят содир этиш ва б.) тўлдирилади. Албатта, бундай карточкалар худди хом материалга ўхшайди, уларни қайта ишлаб ва умумлаштириш керак, уларни ҳажмга ёки мажмуаларга қўшиш керак, маълум бўлишича қонунчилик пайдо бўлади ва унда мос келадиган ўзаро бир-бирига тегишли материал пайдо бўлади ва ўрганилади.

Статистик кузатиш натижасида олинган материални тахлаб қўйилган ғиштга ўхшатиш мумкин ва улардан статистик иншоотларни кўриш керак бўлади. Статистик тадқиқотнинг иккинчи босқичи вазифалари берилган статистик кузатишларни сифатли бир хил мажмуага гуруҳлаш ва айрим гуруҳларнинг хулосасини келиб чиқаришдир, шунингдек, кузатаётган фактларнинг барча ҳажмини хулосалаб умумлаштиришдир.

Бизнинг мисолда биз барча рўйхатга олинган жиноятларни битта бир хил қандайдир белгилари туфайли мажмуага гуруҳлаштирамиз. ( масалан: жиноят кодексини асосий қисмдаги моддалар ва бўлимларига қараб) ва ушбу хусусий мажмуаларни санаб чиқамиз.

ИИВ, суд ва прокуратура органларидаги сводкалар ва гуруҳлар мос келадиган биринчи ҳужжатларни маълум бир категорияларга бўлиш ва санашни келтириб чиқарувчи ҳисоботни амалга оширади, яъни жиноят ва тергов ишлари учун карточка, судланувчига карточка ва б. Шундан кейин олинган ҳисоблар мутлақ кўрсаткичларда жиноятчиликнинг умумий ҳажми тўғрисидаги айрим тасаввурларни беради. Маълум вақт мобайнида жиноятчиликни ўзгартириш тўғрисидаги масалаларга жавоб топиш зарурдир. Лекин бу ҳам етарли эмас. Ушбу саволга жавоб бериш учун йиллар бўйича жиноятлар сони ҳақида маълумотларни таққослаш керак, жиноятчиликнинг қайси тури кўпайиб кетди, қайсилари камаяди, қайси шаҳар, туман, вилоятларда жиноятчилик кўпайиб кетди, жиноятчиликнинг бошқа ҳолатлари билан алоқалари қандай, масалан, ичкиликбозлик билан ва х. Буларнинг ҳаммаси статистик кўрсаткичларнинг маълумотини талаб қилади, келгусида жиноятчиликнинг коэффицентини ажратиш, яъни жиноятлар сонига 100% муносабати, шаҳар, ўлка, вилоят ва республикалар бўйича ҳудудларда жиноятчиликни таққослаш учун, жиноятни содир этган шахсларнинт фоизини белгилаш ва б. Масалан, 96% безорилик, 85% ўлдириш, 67% зўрлаш, ичкилик оқибатида содир бўлган жиноятни содир этилиши, асосий ҳолат ҳисобланади. Бу учинчи босқичнинг тугалланган мазмунини ташкил қилади. Бундай қайта ишлаб чиқиш ва статистик берилганларни таҳлил қилиш, ўрганилаётган ижтимоий жараёнда қонунчилик ва тўғриликни, уларнинг ўзаро алоқасини кўришга имкон беради, бу эса учинчи босқичнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

## 3-МАВЗУ: ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР, СУДЛАР ВА БОШҚА МУАССАСАЛАРНИНГ ҲИСОБ ВА ҲИСОБДОРЛИГИ

***Режа:***

**1. Жиноятларнинг ягона ҳисоби тушунчаси, жиноятларни рўйхатга олиш тизими, рўйхатга олишни юритувчи органлар, статистик карточкалар;**

**2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг расмий статистик ҳисобдорлиги;**

**3. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳисоби;**

**4. Суд ва адлия органларининг ҳисоб ва ҳисобдорлиги;**

**5. Ҳуқуқий статистик маълумотларни автоматлаштирилган қайта ишлаш тизими ва уларни нашр этиш;**

**6. Ҳуқуқий статистикадаги статистик миқдорларнинг ишончлилиги.**

### 1. Жиноятчиларнинг ягона ҳисоби тушунчаси, жиноятларни рўйхатга олиш тизими, рўйхатга олишни юритувчи органлар, статистик карточкалар рўйхатга олиш тизими, рўйхатга олишни юритувчи органлар, статистик карточкалар.

Жиноий ҳисоб ўзининг вужудга келган давридан бошлаб тез-тез мавзу таркибини,кузатув бирликларини ва ўлчовларини ўзгартириб келмоқда. Россияда революцияга қадар асосий ўлчов бирликлари бўлиб, суд ҳодисаларини, судларда кўрилган жиноий ишлар ва судланганлар ҳисобланган. Совет ҳокимияти пайдо бўлган даврда ҳам жиноий ҳисобга бундай ёндашиш сақланиб қолган. Шу билан бирга муассасаларни тезкор ишини акс эттирувчи, милицияда, жиноят қидирувда, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳисоблар вужудга келди.

Статистик ҳисоботларнинг турли кўринишлари ичида судланганлар ҳисоби кўпроқ жиноий ҳисобга яқинроқ эди. Судланганлар бўйича биринчи ҳисоб варақалари 1918 й юритила бошлаган. Кейинги йилларда бу варақаларнинг моҳияти тинимсиз ўзгариб борган. Улар қуйи судларда тўлдирилиб МСБга бевосита юборилар эди. Қуйи судлар фақатгина судланганли ва суд сиёсати тўғрисидаги маълумотларни киритар эди. Шу боис судланганлар ҳисоби тўлиқ бўлмас эди. Ҳисоб варақалари базан тўлдирилмас ёки йўлда йўқолар эди. Уларда содир этилган қилмишнинг фактик ҳолатлари кўрсатилмас эди.

1930 йиларга келиб статистик ҳисобга турли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қизиқишининг ортиши ва улардаги камчиликлар туфайли ягона жиноий ҳисобга ўтишни тақазо қила бошлади. Шунинг учун

30-йилнинг бошларида СССР марказий статистика бошқармаси Москвада ягона жиноятчилик ҳисоби варақалари тизимини жорий этди. Унинг умумий тамоиллари махсус йўриқномада кўрсатилган эди. Варақалар тергови тугатилган жиноий ишларга ва қўшимча терговга юборилмасдан келиб тушган жиноий ишларга юритилар эди. Варақаларда бошқа саволлар билан бир қаторда содир этилган жиноятнинг жойи, вақти, хусусияти ва бошқа белгилари кўрсатилар эди. Бироқ, бу тизимнинг илмий-амалий ва ташкилий тартиблари тўлиқ мавжуд бўлса ҳам уни бутун жиноий юстиция тизимига жорий қилиб бўлмади.

50-йилларниг ўрталарига келиб янада мукаммалроқ тизим, яъни фақатгина жиноий ишлар ва судланганлар рўйхати эмас балки жиноятчилик ҳисоби ҳам юритила бошлади. Бу ҳисоб 1961 й. бутун иттифоқ ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилиги қабул қилиниши билан расмий равишда тасдиқланди. 1965 й жиноятчиликни ягона ҳисоби тўғрисида биринчи йўриқнома қабул қилинди. 1985 йилда СССР бош прокурори томонидан унинг иккинчи нашри тасдиқланди. Ўзбекистон Республикасидаги ягона жиноий ҳисоб тизимининг асосий моҳияти сақланиб қолмоқда.

Жиноятчиликнинг ягона ҳисоби аввало бирламчи ҳисоб ва аниқланган жиноятлар, шахслар, содир этганларни, жиноий ишларни рўйхатга олишдан иборат. Ҳисоб тизими қўзғатилган жиноий иш ва прокурорнинг айблов хулосаси бўйича жиноят содир этган шахсларниг рўйхатга олишдан иборатдир. Ягона ҳисоб тизими қоидалари жиноят ишни қўзғатиш ваколатига эга бўлган барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар: прокуратура органлари,Ички ишлар,солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, божхона хизмати ва бошқа бир неча махсус фаолият билан боғлиқ органлар учун умумийдир. Булар МХ**Х** ҳарбий прокуратура ва суд.

Суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилаётган жиноятлар бўйича бирламчи хисоб ва рўйхатга олиш умумий тамоилларга асасланган ҳолда фақатгина юқоридаги органлар томонидан амалга оширилади (жиноятчилик тўғрисидаги маълумотлар четга чиқиши мумкин эмас). Шундай қилиб конституцион тизим ва давлат тизимига қарши жиноятлар ҳисоби фақат МХХ томонидан, ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятлар ҳисоби Ҳарбий Прокуратура томонидан, содир этилган ҳам суд муҳокамасида кўрилган жиноятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳисоби судлар томонидан юритилади. Юқоридагилардан келиб чиқадики бу маълумотларни ягона ҳисобга келиб тушмаслиги уни тўлиқ бўлмаслигига олиб келиши мумкин.

Жиноятчиликнинг бирламчи ҳисоби статистик варақаларни тўлдириш йўли билан қуйидагича амалга оширилади:

50 жиноятни аниқлаш (Ф.1);

51 жиноятни тергов натижалари тўғрисида (Ф.1.1);

52 жиноятни содир этган шахс аниқланган ишлар бўйича (Ф.1.2);

53 жиноятни содир этган шахслар бўйича (Ф.2);

54 жиноят ишини ҳаракати бўйича (Ф.3);

55 моддий зарарни қоплаш ва жиноят қуролини олиб қўйиш бўйича (Ф.4);

56 ишни судда кўриш натижалари бўйича (Ф.6).

Бу варақалардаги кўрсатгичлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан, (Ф.6) варақаси бўйича эса,Ўзбекистон Республикаси Олий Суди билан келишилган ҳолда ўрнатилади. Варақаларни тўлдириш ( ёки маълумотларни магнит тасмасига ёзиш) жиноят иши қўзғатилган, тергов ва суриштирув ҳаракатлари ўтқизилаётган жойда амалга оширилади. Жиноятчиликни, уларни содир этган шахсларни ва жиноятларни рўйхатга олиш ҳамда умумий статистик ҳисобдорликни амалга ошириш фақат шаҳар, вилоят Ички ишларига юклатилган. Улар бир сутка давомида жиноятчилик ҳисоби жиноий ишлар ва жиноятларни содир этган шахслар тўғрисидаги варақаларни ҳисобот журналига киритишади. Шундан сўнг рўйхатдан ўтказилган бирламчи ҳисоб ҳужжатлари дарҳол ИИВ, ШИИБ, ИИБнинг ахборот марказларига юборишади. Варақаларни қайта ишлаш орқали ахборот марказларида бирламчи ҳисоботларни барча кўринишлари, жиноятчилик тўғрисида статистик ҳисобдорлик шаклига келтирилади.

Жиноят уни содир этган шахс, жиноий иш бирламчи ҳисоб варақасига киритилганда (ёки магнит ташувчига) жиноятчилик ҳисобини рўйхатга олиш журналига киритилганда ва марказлаштирилган ахборот марказига юборилганда ҳисобга олинган ҳисобланади.

1. Жиноятчилик ҳисоби прокурор, терговчи ёки суруштирувчи томонидан аниқланган жиноятлар бўйича варақа (Ф.1) тўлдириш орқали амалга оширилади. Бу варақалар жиноят иши қўзғатилганда, баённома билан материални судга юбоганда ёки шахсни жиноий жавобгарликдан жамоа таъсирини қўллаган ҳолда озод қилиш тўғрисида прокурор санкцияси мавжуд бўлганда дарҳол тўлдирилади.

Жиноятчилик ҳисоби кўпгина ўзига хос хусусиятларга эга. Қилмиш битта жиноят сифатида олинади, агар бир неча шахслар томонидан биргаликда ёки уюшган гуруҳ томонидан, агар бир нечта жиноий ҳаракатлардан иборат бўлса, агар битта ҳаракат бўлсаю ва зарар бир неча жабрланувчига етказилган бўлса, агар икки боғлиқ жиноят содир этилса, М: зўрлаш ва ОИТС юқтириш амалга оширилган бўлса. Бу ва бошқа хусусиятлари жиноятчилик ҳисобида ўз аксини топади. Бир қилмиш билан бир неча одамни ўлдириш (портлатиш, ёнғин) РФЖК бўйича битта қасддан содир этилган жиноят сифатида квалификация қилинади. Бизнингча бу унчалик тўғри эмас. АҚШда бундай қилмишлар ҳисоби ҳаракат билан эмас, балки жабрланувчилар сони билан белгиланади. М: қасддан уй ёқиб

юборилса ва бунинг натижасида 6та одам вафот этса, рўйхатга олишда 1та ёнғин ва 6та қасддан одам ўлдириш деб олинади.

Агар жиноят реобилитация асослари бўйича тугатилса ёки у бўйича оқлов ҳукм чиқса рўйхатга олинган жиноят ўчирилади. Аниқланган жиноятчилик бўйича статистик карточка (Ф1) ва жиноятнинг тергов натижалари бўйича карточкаси (Ф.1.1) 300 дан ортиқ ижтимоий, криминалистик, криминалогик, жиноий-ҳуқуқий, жиноий-процессуал, ташкилий ва бошқа юридик белгиларни матнли кўринишда шунингдек ЭҲМларда фойдаланиш учун кодлар шаклида ифодаланади. Бундан ташқари варақада маълумотларни қисқартириш услублари қўлланилади. М: 19 (код) Ф.1 карточкасида битта белгини "жиноят содир этилган жой". Бу №2 маълумотномасида кўрсатилган. Бу маълумотномада жиноят содир этилган жойни ифодаловчи 105та белгили код мавжуд (м: дача, касса, поезд). Жиноят содир этилган жойни кодлаштиришда, м: "валюта айирбошлаш шаҳобчаси", варақада 19 кодидан ташқари 115 коди ҳам кўрсатилади.

Статистик варақаларда (Ф.1) ва (Ф.1.1) мавжуд 13 та маълумотномадан 10таси қўлланилади: (№1) – хўжалик соҳаларининг туркуми, 286та белгига эга; (№2) – жиноят содир этилган жой – 105 та белги; (№3) – жиноий таъсир объекти 103 та белги; (№4) – қурол, ўқ-дори ва портловчи моддалар 60 та белги; (№5) – миллат 130 та белги (№6) – мамлакатлар 208та белги; (№7) – валюта 50 та белги; (№8) – наркотик ва бошқа кучли таъсир этувчи нарсалар 96 та белги; (№9) – ижтимоий ҳолат 22 та белги; (№10) – жабрланувчи ва жиноят содир этган шахсларнинг лавозими 48 та белги; (№11) – хўжалик субъектининг ташкилий ҳуқуқий шакли 54 та белги; (№12) – жиноят содир этиш усули 29 та белги; (№13) – маълумот манбаи 29 та белги.

Статистик маълумотлар бундан ташқари кодлар қўшиш орқали кенгайтирилиши мумкин. М: 3 - маълумотномада "истеъмол товарлари" коди 1000, инсонпарварлик мақсадидаги товарлар коди 0300, юклар коди 0090. Агар транспорт воситасида ташилаётган инсонпарварлик мақсадидаги истеъмол товарлари юки кодланадиган бўлса, у 1390 коди билан ифодаланади.

Шундай қилиб (Ф.1) ва (Ф.1.1) статистик карточкаларига матнли ва электрон ҳисоблаш машиналарида фойдаланиш мумкин бўлган 1500 га яқин белгини киритиш мумкин. Бу карточкалар орқали биз жиноятчиликнинг қисқача мазмунини уни квалификацияси ва категориясини, жиноят содир этилган жой, вақт, усул ва жиноят қуроли, жиноят мотиви, моддий зарар, ишнинг ҳолати в.ҳ. маълумотларни олишимиз мумкин.

**2. Жиноят содир этган шахсларнинг ҳисоби**. Бу ҳисобга айблов хулосаси чиққан ёки материаллар билан судга юбориш тўғрисида санкцияланган ёхуд жиноят иши қўзғамасдан жамоат таъсири чораларини қўллаш учун юборилган жиноят ишларидаги жиноят содир этган шахслар киритилади. Шунингдек бу ҳисобга айблови тугатилган жиноий ишлар бўйича шахслар, муддати ўтиб кетганлиги боис рад этилган жиноий

ишлардаги шахслар, амнистия акти ёки авф орқали озод бўлган шахслар киритилади.

Жиноятчи шахснинг статистик карточкаси (Ф.2) тергов ёки суруштирувни амалга оширувчи терговчи ёхуд суриштирувчи томонидан ишни прокурорга юборишда ёки тугатишда тўлдирилади. Карточка шаҳар ёки туман ИИБга шахс ҳақидаги маълумотларни ҳисоб журналига киритиш ва рўйхатдан ўтказиш учун юборилади.

**3. Жиноий ишлар ҳисоби.** Тергов жараёнида жиноий ишларнинг ҳаракати аниқланган жиноят карточкаси (Ф.1) ва жиноий ишлар ҳаракати (Ф.3) карточкалари бўйича юритилади. Жиноят иши бўйича (Ф.3) карточкаси прокурор, терговчи ёки суриштирувчи томонидан иш бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилган ҳолда тўлдирилади: жиноят ишини қўзғатиш, айблов хулосасини тасдиқлаш, ишни тугатиш ва бошқа. (Ф3) карточкасини тўлдириш тартиби юқорида белгиланганидек амалга оширилиб, унда 60 та белги иштирок этади.

**4. Моддий зарарни ундириш ва жиноий ҳаракат қуролини олиб қўйиш натижалари тўғрисидаги статистик карточкалари (Ф.4) ни юритиш**. Бу карточкаларда зарар миқдори ва хусусияти, уни қопланиши, мол-мулкни олиб қўйиш каби маълумотлар киритилади. Бу форманинг ахборот ҳажми 600 га яқин белгини ўз ичига олади.

Натижада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида содир этилган жиноятлар, жиноятчи, жиноят ишининг ҳаракати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолияти ҳақида улкан ҳажмдаги барламчи ҳисобот йиғилади. Ахборотнинг умумий ҳажми 3500 яқин белгини ташкил этади.

Бирламчи ҳисоботлар ва бошқа материаллар асосида тўпланадиган маълумотлар 70 яқин формадаги давлат ва идоравий статистик ҳисобдорликка умумлаштирилади. Улар муҳим криминалогик, жиноий-ҳуқуқий, жиноят-процессуал, ташкилий-бошқарув аҳамиятига эга. Бу фактик база кўпгина илмий-амалий масалаларни ечишга ёрдам беради.

## 2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг расмий статистик ҳисобдорлиги

Бирламчи ҳисоб ҳужжатлари (статистик варақалар, ҳисобот журналлари ва бошқа материаллар) Ички ишлар органлари, Прокуратура, Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти, Божхона хизмати, МХХ кабиларнинг расмий ҳисобдорлиги (ойлик, ярим йиллик, йиллик)ни асосини ташкил этади.

Мавжуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳисобдорлиги ичида бизга муҳимроғи бўлган Ички ишлар органлари ва прокуратураларнинг идоравий статистик ҳисобдорлигини кўриб чиқамиз.

1. Ички ишлар органларидаги ҳисобдорлик бевосита қуйидагиларни,биринчидан рўйхатга олинган жиноий ҳаракатларни 80%

ни,иккинчидан Прокуратура органлари, Божхона хизмати, Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти органларининг бирламчи жиноятчилик тўғрисидаги ҳисоботлари ИИВ ни ахборот марказида статистик шакллантирилади, учинчидан айнан Ички ишлар органлари 4 хил формадаги давлат статистик ҳисобдорлигини амалга оширади, шунингдек 20 яқин формадаги Ички ишлар органларини мамлакатдаги ҳуқуқ тартиботни таъминлаш, жиноятчиликни очиш, жиноятчиларни қидириш бўйича идоравий ҳисобдорлигини юритади.

Давлат ва идоравий ҳисобдорлик формаларидан ташқари бирламчи ҳисоб ҳужжатларига асосланган ҳолда ИИВ да оператив ва хизмат фаолиятини турли томонлари 50 га яқин ҳисобдорликда тўпланади. ИИВ идоравий ҳисобдорлик масалаларини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи бош орган, бу Республика ахборот марказидир (РАМ).( вилоятларда Ахборот маркази- И Ц, республикада Республика ахборот маркази- РИЦ.)

Прокуратура тўғрисидаги қонунга кўра Бош прокурорга жиноятчиликка қарши кураш самарадролигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий Ҳавфсизлик Хизмати идоралари билан биргаликда жиноятчилик ҳолати, жиноятчиликнинг очилиши борасида прокурор назорати ва тергов ҳаракатлари тўғрисида ягона ҳисоб методикаси ва тизимини, шунингдек прокуратура органларида ягона ҳисобдорликни тақдим этиш қоидаларини ўрнатади.

Жиноятчиликнинг ягона ҳисоби тамойилларига мувофиқ давлат статистик ҳисобдорлиги ИИВда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бирга (ўзларининг ваколат доираларида) Бош прокуратура билан келишиб ишлаб чиқилади ва Давстатқўм қарори билан тасдиқланади. Давлат статистик ҳисобдорлиги органлари, прокуратура, Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва божхона хизмати органларининг жиноятчилик тўғрисида 95%дан кўпроқ ҳисобга олинган криминалогик ҳолатлари асосида жамланади ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Ахборот Маркази –(ИЦ) да умумлаштирилади.

Ҳозирги вақтда долзарб ахборотлардан бири бу иқтисодий ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади.

Умумлаштирилган давлат статистик ҳисобдорлигига МХХ ва Ҳарбий прокуратура маълумотлари киритилмайди. Бизга яқин қўшни бўлган РФнинг амалиётига назар ташласак, 1993 й “ Давлат сирлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ жиноят хақидаги маълумотлар, фуқороларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳаракатлар, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунийликни бузиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар давлат сирларига кирмаслиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасида ҳали бундай қонун ишлаб чиқилмаган. Жиноятчилик

ҳақидаги маълумотларни тўлиқ ошкора қилиб бўлмайди. Шунинг учун бу маълумотлар конфиденциал ҳисобланади ва давлат статистика ҳисобдорлигига киритилмайди.

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг давлат статистик ҳисобдорлиги 5 формадан иборат.

1). Рўйхатга олинган, очилган ва очилмай қолган жиноятлар бўйича ҳисобот (Ф.№1, яри йиллик, ИИВ ва Давстатқўмга тақдим этилади).

2). Жиноятчилик тўғрисида ягона ҳисоб (Ф.№1-Г, йиллик, ИИВ ва Давстатқўм га тақдим этилади).

3). Жиноят содир этган шахслар бўйича ҳисоб (Ф№2, ярим йиллик, ИИВ ва Давстатқўм га тақдим этилади). Бунда жиноятчи шахси тўғрисида тўлиқ маълумотлар мавжуд бўлади.

4). Тергов ҳаракатлари бўйича ҳисоб (Ф№1-Е, ярим йиллик, Бош прокуратура ва Давстатқўм га тақдим этилади).

5). Прокурор фаолиятининг ҳисоби (Ф.П. ярим йиллик, Бош прокуратура ва Давстатқўм га тақдим этилади). Бунда қонунларга риоя қилиш ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги, дастлабки терговни ва суриштирувни қонунийлиги, озодликдан маҳрум қмлиш жойларидаги қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати натижалари, шунингдек прокурорнинг жиноий,фуқоролик ва хўжалик ишларини кўришда иштироки натижалари кўрсатилади.

3. Бундан ташқари Ички ишлар органларида давлат статистик ҳисобдорликни 60 зиёдроқ идоравий ҳисобдорлик формалари мавжуддир. Улардан бир нечтасини келтириб ўтамиз:

1) жиноятчилик ҳолати ва жиноятларни тергов қилиш натижалари ҳисоби (Ф.1-А, ҳар ой,ўсиб борувчи натижалар билан ). Бунда мавжуд 89 федерация субъектларидаги жиноятчилик ҳолати тўғрисидаги маълумотлари келтирилади.

2) жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқилиши бўйича ҳисоб (Ф.2-Е, ярим йиллик) .

3) наркотик воситаларни ноқонуний фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва муомаласи бўйича ҳисоб (Интерпол учун), (Ф.1- НОН).

4) уюшган жиноятчиликка қарши кураш натижалари бўйича Ички ишлар органларининг ҳисоби (Ф.1-ОП).

5) ўқотар қуроллар ёрдамида содир этилган жиноятлар бўйича (Ф.1-ОР).

6) транспорт воситаларидаги жиноятчилик ҳолати бўйича ҳисобот (Ф1-ТР).

7) дастлабки тергов органлари фаолият натижалари бўйича ҳисобот (Ф.3-Е).

8) шахси аниқланган жиноятлар бўйича ҳисоб (Ф.4-2) ва бошқалар.

**3. §. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳисоби**

1. Савол тарихи ҳисоби 1920 йиллардаёқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ягона ҳисоб тизимини яратиш ҳаракатлари амалга оширилган бўлса ҳам, бироқ СССР, Россия ва бошқа постсоциалистик давлатларда маъмурий ҳуқуқбузарликни ҳамма кўринишлари бўйича ягона ҳисоб бўлмаган ва ҳозирги вақтда ҳам мавжуд эмас. Улар ёпиқ ҳолда фақат жойларда соҳавий доираларда мавжуд кўпроқ тизимлаштирилган рўйхат олиш милиция, ДАН ва Ёнғинга қарши кураш идораларида мавжуд.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик амалга оширилувчи соҳаларнинг умумий сони 35тадан кўпроқ, бироқ, собиқ СССРнинг ҳуқуқий вориси РСФСР нинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида (1984 й. амалда) уларни сони 25 қилиб кўрсатилган. Бу ҳолат бошқа постсоциалистик давлатларда ҳам кузатилади.

80-йиллар иккинчи ярмига келиб, статистиканинг ўсиши ва ижтимоий муаммоларни ечишни ўзагига айланиши натижасида СССР Давлат статистика қўмитаси очилган, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларнинг миқдорий ягона ҳисоб формасини (Ф.1 - АП) амалга ошириш бўлими ташкил этилган. Бу маълумотларни турли соҳалар бевосита СССР Давлат қўмитасига топшириши лозим эди.

1990 – йиллар СССРда биринчи марта маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тўлароқ маълумот ҳисоби жамланган. Соҳавий идоралар томонидан тақдим этилган маълумотлар тузулиши қуйидагича эди: Ички ишлар органлари томонидан (умумий ҳуқуқбузарликларнинг 76 %), ёнғинга қарши кураш бошқармаси (1.8%), темир йўл транспорти (4.2%), йўловчи электр транспорти (10.9%) ва бошқ. Умумий 45.4 млн. маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳисобга олинган (Россияда 26.6, Украинада 7.3, Ўзбекистонда 3.0, Қозоқистонда 2.4, Белоруссияда 1.9 ва ҳ.к.)

Бу тўпланган маълумотлар тўлиқ эмас эди, шунга қарамай тўпланган маълумотлар мамлакатлардаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати, уларнинг турлари, уларни содир этганлар, маъмурий чоралар тўғрисида умумий хулоса берар эди. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, СССРдаги ҳар бир тўрттадан бир фаол ёшдаги (16-60) фуқаро ҳукумат томонидан аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган. Агар маъмурий ҳуқуқбузарликларни латентлигини ҳисобга олсак улар давлат аҳолиси сонига етиб қолади.

Рўйхатга олинган жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни 1990 йил СССРдаги ўзаро алоқасини кўрадиган бўлсак, 1:16 ни ташкил этган.

Сўнгги йилларда Россияда жами маъмурий ҳуқуқбузарликларни умумлаштиришдан воз кечилди. Улар фақат Ички ишлар органлари (милиция, ГАИ, ёнғинга қарши кураш бошқармаси)да ва судларни маъмурий юрисдицияси натижаси сифатида Адлия вазирлигида сақланиб қолди.

2. Ҳисобга олишнинг ҳозирги ҳолати. Милиция томонидан аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳудудий ва федерал доирада рўйхатга олинади. Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги қоидаларини бузиш ГАИ томонидан рўйхатга олинади. 1995 йилдан бошлаб давлат ҳисобдорлигига фақат йўл ҳаракатлари

туфайли инсон ўлими ва жароҳатланиши ҳолатлари киритилади. Булар жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки айбсизлик натижасида содир этилиши мумкин.

Судларда фақат маъмурий жавобгарликга тортилган шахслар ҳисоби юритилади. Айниқса, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш натижасида маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларнинг рўйхати доимий равишда янгиланиб туради. Судлар томонидан кўриладиган ҳуқуқбузарликларнинг асосий қисми МЖТКнинг моддаларида белгиланган.

Маъмурий юрисдикция органлари маъмурий ҳуқуқбузарликларни ҳисобга олишнинг мукаммал тизимига эга эмас. Шундай бўлса ҳам, мамлакатда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида статистик материалларни идоравий органлардан ва ўз – ўзини бошқариш органларидан олиши мумкин.

**4. Суд ва Адлия органларининг ҳисоб ва ҳисобдорлиги**

Судлар жиноий ҳуқуқий, маъмурий ҳуқуқий ва фуқаролик ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳодиса ва жараёнларни юридик ҳисобини амалга оширишади. Суд ҳисобининг ўлчов бирлиги бўлиб, жиноий иш, жиноят, судланувчи, жиноий жазо тури, маъмурий иш, ҳуқуқбузарлик, фуқаролик иши, фуқаролик ишида тарафлар ва бошқалар ҳисобланади. Барча суд бўғинларида бирламчи ҳисоб қоида бўйича статистик карточка ва тегишли ҳисоб журналлари орқали шакллантирилади.

1. Биринчи инстанция судларидаги статистик карточкалар жиноят ишига, судланувчига, фуқаролик ишига ва ижро ҳаракатларига юритилади. Касация ва назорат инстанциялардаги ишлар бўйича ҳам тегишли карточка лар юритилади. Бундан ташқари судларда бирламчи ҳисоб ҳужжати ҳисобланмиш жиноий, маъмурий ва фуқаролик ишларини рўйхатга олиш журналлари юритилади.

Жиноят иши бўйича ҳисоб ва рўйхатга олиш карточкаси унинг рўйхати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бирламчи ҳисобнинг асосий ҳужжати – ҳар бир судланувчининг статистик карточкаси бўлиб, ў ўз ичига қуйидагиларни олади:

1) Судланувчи бўйича маълумотлар (фамилия, исм, жинс, ёш, фуқаролик ва бошқалар);

2) Жиноят бўйича маълумотлар (хусусияти, иштирокчилар рўйхати, жиноий гуруҳ таркиби, содир этилган жойи ва бошқ.);

3) Ҳукм, ажрим, қарорлар бўйича маълумотлар (ишни кўриб чиқиш натижаси, қилмишни асосий ва қўшимча квалификацияси, асосий ва қўшимча жазонинг тури ва чоралари ва бошқалар);

4) Ишни касация тартибида кўриш бўйича маълумотлар (касация инстанциясининг қарори).

Судланувчи ҳақида карточка биринчи ва иккинчи инстанция судъялари томонидан тўлдирилади. Умумий жиҳатдан бу карточкада 800 дан кўпроқ юридик аҳамиятга эга бўлган белгилар мавжуд. Улар матнли ва кодлаштирилган шаклда киритилади.

Фуқаролик иши бўйича ҳисоб статистик карточкаси фуқаролик даъво аризаси келиб тушган куни тўлдирилади ва унда судни иш бўйича қуйидаги процессуал ҳаракатлари кўрсатилади: даъво талаби, уни кўриш муддати ва натижаси, юқори судга шикоят қилиш, даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар.

Ижро ҳаракатлари бўйича ҳисоб статистик карточка суд ижрочиси томонидан фуқаролик иши қарорларини ва жиноят ишлари бўйича моддий зараларни ундириш тўғрисида қарорлар ижроси бўйича тўлдирилади.

Зарар миқдорини белгилаш карточкасида иқтисодий йўналишдаги жиноятлар туфайли етказилган моддий зарар белгиланади ва киритилади. У ҳар бир ишга тўлдирилади ва унда зарарни дастлабки тергов жараёнида, унгача ёки ҳукмни қонуний кучга кирганидан сўнг қопланганлик тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

2. Биринчи инстанция судларининг давлат статистика ҳисобдорлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди томонидан ишлаб чиқилади ва суд идораларида фойдаланиш учун тадбиқ этилади. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

1) Биринчи инстанция судларининг жиноят ишларини кўриш бўйича ҳисоботи (Ф №1, ярим йиллик);

2) Маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриш бўйича ҳисоботи (Ф.1 – АП, ярим йиллик);

3) Биринчи инстанция судларининг фуқаролик ишларини кўриш бўйича ҳисоботи (Ф №2, ярим йиллик);

4) Ҳукм ва қарорларни ижроси бўйича суд ишларининг ҳисоботи (Ф №4, ярим йиллик);

5) (Ф №10, ярим йиллик) Бу ҳисоб уч қисмдан иборат: жиноий жавобгарликка тортилган шахслар ҳисоботи (Ф №10.1), жиноий жавобгарликка тортишнинг хусусиятлари (Ф №10.2), ўта оғир жиноятлар бўйича жазо чоралари ҳисоботи (Ф №10.3);

6) Судланганлар таркиби ва жиноят содир этилган жой бўйича ҳисоботи (Ф №11, ярим йиллик);

7) Вояга етмай жиноят содир этган судланганлар ҳисоботи (Ф №12).

10, 11 ва 12 формадаги ҳисоблар судланганлик ва судланганлар тўғрисида маълумот олиш учун алоҳида аҳамиятга эга.

3. Жиноят ишларини касация ва назорат тартибида кўриш бўйича ҳисобдорлик. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

1) Жиноят ишларини касация тартибида кўриш бўйича ҳисобот (Ф №6);

2) Фуқаролик ишларини касация тартибида кўриш бўйича ҳисобот (Ф №7);

3) Жиноий ишларни назорат тартибида кўриш бўйича ҳисобот (Ф № 8);

4) Фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриш бўйича ҳисобот (Ф №9).

4. Адлия вазирлиги натариал идораларнинг (ишончномалар, васиятлар, ҳужжатнинг қонунийлиги бўйича гувоҳлик ва бошқ.); фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (туғилиш, ўлим, никоҳ, ажрашиш ва бошқ.); адвокатлар коллегияси бўйича (юридик ёрдам кўрсатиш, фуқароларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва бошқалар); суд экспертиза муассасаларининг ишлари бўйича (суд экспертиза турлари ва уларни ўтказиш муддатлари ва бошқа.) ҳисобдорлиги ҳам мавжуддир.

## Юридик статистик маълумотларни автоматлаштирилган қайта ишлаш тизими ва уларни нашр этиш.

Ҳар бир фаолиятдаги иш унумдорлиги, сифатли ахборотларни таъминлаш ва уларни олиш тезлигига боғлиқ. Шунинг учун турли хил юридик фаолиятларда ахборотларни информатизациялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Булар асосан жиноий юстиция тизимини компъютерлаштиришга қаратилгандир. БМТнинг жиноятчилик тўғрисида огоҳлантириш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш тўғрисидаги 1990 йил Гаванадаги 8-Конгрессида махсус резолюция “Жиноий одил судловни компъютерлаштириш”ни қабул қилди.

Юридик фаолиятни компъютерлаштириш жараёнини шартли равишда учта тизимлашган гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Ўзига банк қонунчилиги, ҳукумат ва идоравий актларни, Конституциявий суд қарорларини, Олий суд пленум қарорларини, суд ва арбитраж амалиёти материалларни автоматлаштирилган информацион тизими;

2) Тезкор қидирув фаолиятини, жиноятларни тергов қилишни, жамоа тартибини сақлашни, фуқароларни, қидирилаётган ва хабарсиз йўқолган шахсларни ва қидирилаётган қуролларни автоматлаштирилган ахборот тизими;

3) Жиноятларни рўйхатга олиш ва ҳисоби, уларни содир этган шахсларни, судланганларни, маҳкумларни ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа статистик ахборотларни бирлаштирувчи автоматлаштирилган информацион тизим.

Бу тизимларнинг барчаси ўзаро узвий боғлиқдир. Улар Ички ишлар, Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти, божхона хизмати, прокуратура ва судларни ягона ахборот ва ҳисоблаш тармоғини шакллантириши мумкин. Битта автоматлаштирилган информацион тизим ахбороти бошқа тизим учун муҳим бўлиши мумкин ва аксинчадир. Шунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ахборотлаштиришнинг стратегик мақсади замонавий информацион

технологияларни қўллаган ҳолда интеграциялашлан статистик ва аналитик ҳарактердаги маълумотлар базасини шакллантириш. Уларни барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун ўз иш жойларида туриб ягона информацион база тармоғидан фойдаланиш имконияти яратилди.

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни автоматлаштирилган информацион тизимда (АИТ) статистик ҳисоб ва ҳисобдорлиги. Буларни шакллантириш 70 – йиллардан буён давом этмоқда. Ўша вақтларда информацион марказлар миллий ЭҲМлар билан жиҳозланган бўлиб асосан жиноятчилик тўғрисидаги маълумотларни, жиноятчилар ва Ички ишлар органларини фаолият натижалари тўғрисидаги статистик маълумотларни қайта ишлашга мослашган. Техник базаларнинг мукаммал бўлмаганлиги ва махсус программалар мавжуд бўлмаганлиги учун ягона маълумотлар базасини яратиш концепциясини амалга ошириб бўлмаган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида Ички ишлар органлари ва бошқа барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини информацион тизимини яратиш жадал амалга оширилмоқда. ИИВда локал ҳисоблаш тармоқлари ва ҳудудий информацион тизимлар орқали умумий маълумотлар базасига чиқиши мумкин бўлган автоматлаштирилган иш жойлари ташкил қилинмоқда. Ҳар йили умуман олганда жуда катта миқдорда ҳужжат қайта ишланади. Ҳар бир вилоят ИИББда Ахборот Марказлари (И.Ц.)лар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Замонавий ЭҲМлар билан жиҳозланган Ахборот Марказларидан ташқари шаҳар, раён, Ички ишлар бўлимларини ҳам ҳисоблаш техникалари билан жиҳозлаш амалга оширилмоқда. Ички ишлар органларини компъютерлаштириш статистик маълумотларни қайта ишлаш тизимини ҳам такомиллаштирди. Ҳуқуқий жиҳатдан бу ягона жиноятчилик ҳисоби низомида мустаҳкамланган.

Мутахассисларнинг фикрича, статистик ахборотларни асосий қисми шаҳар ва туманлардаги навбатчи қисмларида, тезкор ходимларида суруштирувчиларда, ҳисоб журналларида ва бошқа бирламчи материалларда тўпланади. Айнан шаҳар, туман ходимларига ҳисоб рўйхатга олиш ва статистик ишлар юклатилган.

**Судларда статистик ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш тартиби.** Бу кўп поғонали тизим яъни туман, вилоят ва республика даражасидаги судларни ташкил этади. Уларнинг ҳар бирида статистик кўрсаткичларни жамлаш амалга оширилади. Статистик ахборотларни машинада қайта ишлаш бирламчи ҳужжатлар ҳисоби каби статистик ҳисобдорликни унификациясини талаб этади. Бундай унификация охирги йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий судида жиноий жавобгарликка тортилганлар ва жазо чоралари бўйича (Ф.10.1,10.2, 10.3) судланганлар таркиби, жиноят содир этилган жой (Ф.11, 11а, 12) бўйича маълумотлар машинада шакллантирилади ва матнли ва кодлаштирилган кўринишда ифодаланади. Шундай тартибда жиноий

ишларни, фуқаролик ишларини ижро ҳаракатларининг статистик карточкалари қайта ишланиши мумкин.

Судлардаги ҳисоб ва ҳисобдорликнинг асосий босқичлари – биринчи ва касация инстанцияси судлари томонидан статистик карточкаларини тўлдириш, уларни ЭҲМларга киритиш, ҳисоб маълумотларни компъютер ҳисобини амалга ошириш ва статистик ҳисоботларни бериш.

Статистик маълумотларни нашр этиш. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларни давлат ва идоравий ҳисоботлари 30 – йилларнинг бошларидан то 80 – йилларга қадар маҳфийлаштирилган эди. 1987 йил биринчи маротаба ҳавфли жиноятларни ҳажми тўғрисидаги статистик маълумотларни нашр этишга бўлган таъқиқ бекор қилинди. 1989 йил судланганларни умумий сони ва рўйхатга олинган маълумотларни нашр этишга рухсат этилди. 1990 ва 91-йилларда СССРда 1961-1990 – йиллар оралиғидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар статистик тўпламини биринчи ва иккинчи нашрлари чоп этилган.

## Юридик статистикадаги статистик кўрсаткичларнинг ишончлилиги

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, бошқа юридик муассасаларнинг фаолиятини очиб берувчи статистик ҳисоботлар қоида бўйича, нисбатан фактик реалликни тўлиқ акс эттиради. Шунга қарамай бу ҳисоботлардаги маълумотлар ишончлироқдир.

3. Статистик кўрсаткичларнинг ишончлилиги мавжуд жиноятчилик ҳолати акси ва уни устидан назоратни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилиши натижасида сусайиши мумкин. Бунга асосий сабаб жиноятчилик ҳолати ва унга қарши кураш бўйича етарли даражада ишончли кўрсаткичлар таҳлилининг ошкора эмаслиги ва жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришда шу жуда ҳам аниқ бўлмаган кўрсатгичлардан фойдаланилишидир. Баъзи бир масъул мансабдор шахслар томонидан жиноятчилик тўғрисидаги статистик маълумотларни сунъий равишда камайтирилиши ёки кўпайтирилиши жиноятчиликка қарши кураш йўналишини нотўғри томонга бурилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун бу масалада қатъий интизом тўғрилилик талаб этилади.

Баъзи жойларда жиноятчиликнинг фактик кўрсаткичлари жиноятчиликдан бир неча баробар кўп бўлиши мумкин. Очилган жиноий ҳаракатлар жиноий жавобгарликка тортилганларнинг сонидан кўпайтириб кўрсатилишига йўл қўйилиши мумкин.

Жиноятчилик ҳолати ва унга қарши кураш ҳолатининг “Позитив” статистик кўсаткичлари аввало жиноятчиликда латентликни ўсиши, танлаб ҳисоботга олиниши ва уларни очилишининг мураккаблашишига боғлиқдир. Мустаҳкам жиноятчилик тўғрисидаги рўйхатни амалга ошириш жиноятчиликни сёкинлатиши ёки камайтириши мумкин. Агар танлаб рўйхатга олинадиган жиноятчилик устилан назоратни ҳам амалга

оширадиган бўлсак, бу нарса жиноятчилик тўғрисидаги нореал маълумотларни тақдим этилишига ва аҳоли ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишонч сусаяди ва уларни онгида салбий (барибир ҳеч нарса қилишмайди) фикрлар пайдо бўлади.

**Латент (яширин) жиноятчилик.** Бундай жиноятлар содир этилган жиноятлар хақида маълумотларга эга бўлган жабрланувчи,гувоҳлар, мансабдор шахслар ва бошқа фуқоролар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берилмаганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб тушган маълумотларни рўйхатга олинмаслиги ва тергов ўтказилмаслиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан келиб тушган жиноятларни очолмаслиги ёки нотўғри квалификация қилиниши натижасида яширин ҳолатда қолиб кетади.

Масалан, бизга қўшни бўлган Россия Федерациясида жиноятчиликнинг лотент ҳолати охириги йилларда кучайиб бормоқда. Мутахассисларнинг баҳоси бўйича 1993й мамлакатда 8 млн жиноят содир этилиб уларнинг фақат 2,8млн рўйхатга олинган . Бундан кўриниб турибдики, бундай маълумотлар билан жиноятчиликни камайган деб хулоса чиқариб бўлмайди.

Жахон тажрибаси шундан далолат берадики жиноятчиликка қанча кўпроқ этибор берилсагина ундаги латентлик ҳолатлари шунча камаяди.

АҚШда жиноятчиликнинг латентлигини аниқлаш мақсадида 1972 йилдан бошлаб ҳар йилда икки марта уларни виктимологияси бўйича (улар жиноят қурбони бўлишганми) фуқоролар ва оилалар сўраб чиқилган. Олинган маълумотлар шундан далолат бермоқдаки фактик жиноятлар рўйхатга олинган жиноятлардан бир неча баробар юқоридир. Бундай тартибдаги сўроқлар бошқа мамлакатларда ҳам ўтказилмоқда. Лекин ҳеч бир мамлакатда шу вақтгача реал жиноятчиликни миқдорини аниқлайдиган тизим яратилмаган.

# 4-МАВЗУ: ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРДА СТАТИСТИК КУЗАТУВНИНГ ТАНЛАМА УСУЛИ

***Режа:***

1. **Статистик кузатишнинг танлама усули назарий асослари;**
2. **Танлама кўрсаткичлардаги хатоларни аниқлаш;**
3. **Танлама йиғиндиси;**
4. **Танлаш турлари.**

**1. Статистик кузатишнинг танлама усули назарий асослари**

Криминологик ва ижтимоий ҳуқуқий маълумотларни тўплашнинг асосий шакли бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамда бошқа юридик ташкилотларнинг статистик ҳисобдорлигидир. Лекин уларнингб яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг статистик ҳисоботи фақатгина муҳим кўрсаткичларни акс эттириш орқали ҳажм жиҳатдан чегараланганб яъни ҳисоботдаги маълумотларни хоҳлаган тарзда ўзгартириш, уларга қўшимчалар киритиш, ҳамда бу маълумотларни белгиланмаган муддатларда талаб қилиб олиш мумкин эмас.

Юридик соҳа реал мавжуд бўлган ижтимоий ҳодисаларга нисбатан информацияга мухтождир. Шунинг учун айрим долзарб ва муҳим масалалар юзасидан етарли маълумот бўлмаганда, бизга аниқ ва ишончли информацияни олишга ёрдам берувчи махсус ташкиллаштирилган жараён яъни умумий бўлмаган (несплошное) кузатувни амалга ошириш лозим. Ушбу " ҳолатга танлама кузатуви орқали эришилади. Ушбу услуб бошқа услублардан фарқли ўлароқ, аниқ ва ишончли натижаларга эришишни таъминлайди.

Танлама кузатув услуби аниқ тарзда математик статистика томонидан ишлаб чиқилган. Танлама услуб ўзининг оддийлиги, арзонлиги, тез фурсатда амалга оширилиши, ишончлилилиги ва муайян бир аниқликка эгалиги билан характерланади.

Оммавий ахборот воситалари деярли ҳар куни сиёсатшуносларнинг мавқеи, сайловлардаги натижалар ёки инсонларнинг у ёки бу ҳодисаларга бўлган муносабатлари тўғрисида маълумот берадилар.

Ушбу маълумотнинг замирида одатда инсонларнинг танлама сўрови ётади.

Танлама маълумотлардан асосан криминология, юридик психология, ва . социологияда фойдаланилади. Шундай бўлсада ҳалигача танлама услуб юридик ташкилотларнинг амалий фаолиятида ўз ифодасини топгани йўқ.

Танлама кузатув услубига тушуниш учун ёш ҳуқуқшунослар ёки ҳуқуқни мухрфаза қилувчи орган ходимлари маълум бир математик ва статистик тайёргарликка эга бўлишлари талаб этилади. Бундай тайёргарликнинг

асосини ўрта катталиклар (среднўе ввеличини) ҳамда вариация кўрсаткичлари (показатели вариации) ташкил этади.

Агар шахсда талаб этилган тайёргарлик бўлмаса, у танлама кузатувга тушунмаслиги мумкин. Чунки бу мавзулар бир-бири билан боғлиқ, бўлиб бир мавзуга тушунмай туриб, иккинчисини ўқиш билан тушуниш қийин.

Танлама кузатувнинг назарий жиҳатлари оммавий борлиқ; ва жараёнларда шаклланадиган статистик қонуниятларга асосланади. Қонуниятнинг бу қатлами "Катта сонлар қонуни" (закон болших числ) номини олди. Катта сонлар қонунининг математик асоси бу - эхтимоллар назариясидир.

**2. Танлама кўрсатгичдаги хатоларни аниқлаш**

Танлама кузатувни амалга оширишда муайян бир жараён танлаб олинади. Танлама кузатувда ижтимоий муносабатларнинг шундай бир қисми олиниши керакки, кузатув натижасида олинган маълумотлар ўша хрлатда ижтимоий муҳитни ва қонунийликни тўлиқ, ва аниқ, даражада мавжуд ёки мавжуд эмаслигини акс эттира олиши лозим.

Хатолар 3 хил бўлиши мумкин:

1. Анъанавий (Тенденциоз)
2. Тизимли (систематически)
3. Тасодифий (случайный)

Тенденциоз хатолар - кузатувни амалга ошириш жараёнида уни амалга ошираётган шахс томонидан танловни нотўғри шакллантиришдан, ҳамда танлама кузатувда илмий қоидаларни билмасликдан юзага келиши мумкин. Масалан, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини текшириш мақсадида анкета

ўтказувчи шахс вақтдан ютишни кўзлаб бир гуруҳ, ҳуқуқпгунос талабалардан фойдаланади. Ушбу анкета хулосалари фуқароларнинг ҳуқуқий онги даражасини тўлиқ, акс эттира олмайди, чунки анкета сўровлари фақат бир тоифадаги фуқароларга нисбатан амалга оширилган, ва холанки жамиятда турли хил билимга бўлган фуқаролар мавжуд, уларнинг қарашлари ҳам турли хил. Биз бундай тарзда амалга ошириладиган кузатувни тўла қонли даражада деб эътироф эта олмаймиз.

Танлама кузатув қоидаларига амал қилмаслик натижасида йўл қўйилган хатога мисол қилиб 1936 йилда АҚШдаги Президент сайловларини келтиришимиз мумкин.

Бунда "Литерари Дайджест" журнали ходимлари телефон китобидан фойдаланган ҳолда 2 миллиондан ортиқ, шахсни сўровдан ўтказади. Сўров натижалари бўйича шубҳасиз Лондон президентликка сайланиши лозим эди. Социология соҳасида геллан ва бошқалар томонидан 4000 шахс сўровдан ўтказилди ва Рўзвельт сайловда ғалаба қозонади деган қарорга келишди ва уларнинг тахмини ўзини оқлади. Рўзвельт президент бўлди.

Бу ерда йўл қўйилган асосий хато журналистлар томонидан амалга оширилган сўровда телефонга эга бўлган бой-бадавлат консерваторлар фикри

олинди. Булар эса аҳоли қатламининг фақат бир тоифасидаги шахсларидир. 2-сўровда биринчи сўровга нисбатан 500 баравар кам шахс иштирок этган бўлсада, аҳолининг барча қатламлари иштирок этган.

Тасодифий хатолар - бу реал мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларни тўлиқ ўрганмаслик. Тасодифий хатолар - статистик кузатув натижасида олинган ноаниқликлардир. Бунда олинган натижалар ё юқори даражада ёки ўта паст даражадаги кўрсаткичларни кўрсатиши мумкин.

### 3. Танлама йиғиндиси

Танлама кузатишни лойиҳалаштиришда олдиндан берилган танламадаги йўл қўйилиши мумкин бўлган хатосида танлама тўпламнинг сони(ҳажми)ни тўғри аниқлаш жуда муҳимдир, чунки бу кузатишнинг натижаларини маълум эҳтимоллиги билан аниқ бўлишини таъминлайди. Танламанинг зарурий миқдорини аниқлаш формулаларини бевосита танламанинг хатоси форумуласидан осонлик билан топса бўлади.

Шундай қилиб, такрорланувчи танлама учун танламанинг зарурий хатоси формуласидан қийинчиликсиз ( олдиндин тенгликнинг икки томонини квадратга ошириб) танламанинг зарурий сонини ифодалаш мумкин.

### 4. Танлаш турлари

Танлама кўрсаткичларнинг ишончлилиги кузатиладиган ҳолатлар мажмуини танлаш қоидаларига риоя этишга боғлиқдир. Танламанинг тасодифий (случайный) услубида уни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида жуда катта эхтиёткорликни талаб этади.

Шахсий тасодифий танловга (Собственно случайный отбор) лоторея, жеребьевка ёки тасодифий сонлар рўйхатидан фойдаланишини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Масалан, танлама анкета сўровларини ўтказиш жараёнида фуқароларнинг рақамланган рўйхати олинади ва алоҳида коғозларга улар рўйхатда турган рақам ёзилади. Жребьевка жараёнида аниқданган сонлар кимга тегишли бўлса шу шахслар танлама анкета сўровидан ўтказилади.

**Механик танлов** (Механический отбор) - механик танловда асосан маълум бир муносабат ёки муносабат мажмуи олинади ва уларни бўлиш натижасида **хосил** бўлган соннинг охиргиси олинади. Масалан, умумий холатлар бўйича 5000 та стат карта мавжуд. Танлама услубда эса 250 та бирлик бўйича танлов ўтказилиши керак. Бундай ҳолатда 5000:250ҳ20. Хосил бўлган сон яъни 20-статкарта олинади.

**Типик танлов** (Типический отбор) - бунда асосан танловни амалга ошириш жараёнида танлов ўтказилаётган ҳолатларнинг алохдда белгиларига нисбатан танлов ўтказилиши назарда тутилади. Масалан, содир этилган жиноятларни оладиган бўлсак, ҳар бир жиноятчи қайси сохдда жиноят содир этган бўлса, яъни ўғрилик, одам ўлдириш ёки номусга тегиш, уларни алоҳида

гуруҳлаймиз ва уни гуруҳдан тасодифий ёки механик танлов услуби ёрдамида шахс танланади. **Типик танлов** баъзан **қатламли** (расслоенный) ёки **стратифик** (стратифицированный) деб номланиши мумкин.

Танлама кузатув бутун дунё бўйлаб тарқалган. Криминологик, деликтологик, ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда бошқа юридик фаолият билан шуғулланувчи шахслар томонидан танлама кузатув услубларининг ўзлаштирилиши бу- биз учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу услубларни намунали ва оқилона кўллаган ҳолда биз кам куч ва воситалардан фойдаланиб қисқа вақт ичида ишончли маълумотлар олишимиз

мумкин.

## 5-МАВЗУ: ҲУҚУҚИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЎПЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ УСУЛЛАРИ

***Режа:***

1. **Статистик кузатиш усуллари ва уларни ҳуқуқий текширишларда фойдаланиш;**
2. **Сўроқ;**
3. **Суҳбат;**
4. **Интервью;**
5. **Анкета;**
6. **Танлама сўроқ;**
7. **Юриспруденцияда социологик кузатиш ва ижтимоий тажриба.**

### 1. Статистик кузатиш усуллари ва уларни ҳуқуқий текширишларда фойдаланиш

Статистик кузатувнинг вазифаси ўрганилаётган фактларнинг (алоҳида фактларнинг) йиғиндисини қайд қилиш (масалан жиноятларни) ва уларнинг тавсифловчи белгиларни қайд қилиш (жиноят квалификациясини жиноят содир этилган вақти ва жойи келтирилган зарар ва в.х.к.)

Буларни барчаси статистик тадқиқотнинг аниқ мақсадини белгилаб беради. Маълумки, ҳар қандай сана турли хил нуқтаи назардан ўрганиши турли хил мақсадларда текширилиши мумкин. Масалан жиноятчиликни ўргана туриб ўз олдига жиноятчига тавсиф беришини унинг шахсини текширишни ёки жиноятларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт шароитларни ўрганишни ёхуд айрим жиноятларни содир этиши усулини аниқлашни мақсад қилиб қўяди.

Дейлик талон-тарож ва унинг натижасида етказилган зарар миқдори ва бошқалар. Маълумки қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб биринчи ҳолатда қайд қилиш бошқасида жиноят белгиларини қайд қилиш лозим бўлади.

Кузатув мақсади аниқланганда унинг шакл ва усуллари масалалари келиб чиқади. Статистик кузатувнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- ҳисобдорлик
- махсус ташкил этилган статистик кузатув.

Статистик кузатувнинг ҳисобдорлик шаклида ҳар бир қуйи бўғин ягона тасдиқланган шаклда ва қатъий белгиланган муддатда юқори турувчи органга тегишли ҳужжатли асослантирилган маълумотларни тақдим этиши шарт ҳисобланади. ( қуйи турувчи суд, прокуратура идоралари юқори турувчи суд, прокуратура идораларига ҳисобот бериши).

Ҳисобдорлик ўз ичига қатор статистик кўрсатгичларни қамраб олиб режа ва топшириқларни доимий назорат қилишда, кундалик тезкор раҳбарликни амага оширишда турли хил тадқиқотларда катта аҳамиятга эга. (масалан суд, прокуратура фаолиятини самарадорлиги).

Статистик кузатувнинг иккинчи шакли яъни махсус ташкил этилган статистик кузатув турли хил рўйҳатга олишни текшириш, масалан, вояга етмаганлар томонидан содир бўлган ҳуқуқбузарликларни текшириш ҳисобланади. Бунда рўйҳатга олиш натижасида олинган ҳужжатлар кузатилтан жараёнларни чуқур ўрганиш, шунингдек ҳисобдорлик кўрсатгичларини ойдинлаштириш учун фойдаланилади. (масалан аҳоли таркибидаги ўзгаришлар)

Махсус ташкил этилган шаклдан ташқари статистик кузатувнинг иккита турини ажрата билиш лозим. Булар:

- мулксиз ёки жорий.
- мулкли ёки бир йўла.

Биринчи ҳолатда кўрсатилаётган ҳодисалар уларнинг вужудга келишига қараб узлуксиз қайд қилинади.

Иккинчи ҳолатда эса ҳодисаларнинг ҳолати муайян сана бўйича ҳисобга олинади. Масалан ҳар бир жиноят прокуратура, суд, Ички ишлар органлари тамонидан аниқланган заҳотиёқ ўрнатилган тартибда дарҳол ҳисобга олинади.

Кузатув қандайдир ҳодисаларни муайян санага нисбатан ҳолатини акс эттирадиган кузатувлар вақти-билан такрорланиб турадиган қатор мисолларни келтириш мумкин.

Мисол тариқасида аҳоли рўйхатга олишда аҳолии сонини муайян санага қайд қилиш (масалан, 1970 и 14 январдан 15 январга ўтар кечаси соат 12.00 га бутун иттифоқ аҳолини рўйхатга олиш).

Бундай статистик кузатув тури бир йўла кузатиш дейилади. Агарда у вақти-вақти билан такрорланса уни даврий бир йўла кузатув деб аташ мумкин.

Статистик ҳужжатларни олиш 3 усул билан ўтказилади:

А) бевосита кузатув. Б) сўров ўтказиш. В) ҳужжатли усул.

Бевосита кузатув ўз номидан келиб чиқиб бевосита кузатув асосида ўзимизни қизиқтирган белгиларни қайд қилиш яъни таътиб кўриш; ўлчаш, санаб чиқиш ва бошқалар ҳисобланади.

Масалан ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонасида тайёр махсулотлар ҳисоби бевосита кузатув натижасида олиб борилади, ўлчанади тортилади, санаб чиқилади.

Албатта ҳар қандай кузатувни бевосита амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ўрганилаётган масалалар сўров ўтказиш усули орқали ҳам амалга оширилади.

Сўров ўтказиш корреспондентлик услуби орқали кузатув объекти ва субеъкти ўртасидаги алоқаларни ёзма равишда текширишлари орқали амалга оширилади.

Махсус шахслар (коррепондентлар) белгиланган муддат ичида зарурий маълумотларни статистик ташкилотларга юборишади. Ушбу услуб қатор илмий муассасаларда қўлланилади.

Ҳужжатли услубда статистик ҳужжатлар ёзув ҳужжатлар карточкалар, формулалар, варақалар асосида амалга оширилади. Ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган бу услуб кашга тариқасида натижаларни аниқроқ бўлишини кафолатлайди. Статистик кузатувлар биргаликда ўрганилаётган бирликларни қамраб олиши бўйича ёки бошқача айтганда у ёки бу ҳодисаларнинг текширишини тўлиқлиги бўйича кузатувни қуйидагича бўлиши мумкин.

- тўлиқ.
- Қисман. Қисман кузатиш қуйидаги турларга бўлинади.

1- танлаш
2- анкеталаш
3- асосий массивни текшириш
4- монографик

Тўлиқ кузатув бирликда ўрганилаётган таркибга кирувчи барча бирликларни мукаммал 100% истиносиз қайд қилишдан иборатдир. Тўлиқ кузатувга суриштирув ва прокуратура органларига маълум бўлган жиноятларни қайд қилиш мисол бўла олади. Бу жиноятларни тўлиқ 100% қайд қилиниши лозим. Бир қанча сабабларга кўра (вақтни, маблағни тежаш) тўлиқ кузатувни имкони бўлмаганлиги учун тез-тез танлав кузатуви ўтказилади. Унинг моҳияти шундан иборатки бизни қизиқтираётган бирон бир белгининг бир қисми қайд қилинди. Статистика назарияси ва тажрибаси шуни кўрсатадики танлов кўрсатуви тўғри ташкил этилса илмий ва оммавий ишларда фойдаланишга тўлиқ ярокли, ишончли маълумотлар берилади. Қисман (несплашной) кузатувга камдан кам учрайдиган асосий массивни текшириши киради. Масалан Бирон бир вазирлик бўйича ишлаб чиқариладиган махсулотлар миқдорини аниқлашда шу вазирлик тасарруфида йирик корхоналарни қайд қилиш (ҳисобига олиш) кичикларини ҳисобга олмасликни умумий натижага катта даражада таъсир қилмасликни ҳисобга олиб уни қайд қилмаслик кузатувнинг турларидан бири анкетали кузатув ҳисобланиб муайян эътибор бериши лозим.

**Статистик кузатув объекти**

Кузатувнинг асосий шакли ва усуллари аниқлангандан сўнг унинг объекти хақида масала вужудга келади. Кузатув объектини аниқ белгилаб олмаса алоҳида факт ўтказиб юбориш ҳар доим бўлади ва биргаликда кузатиладиган объектларга алоқадор бўлган фактларни қайд қилиш хавфи ҳар доим бўлади. Маълумки жиноятчиликнинг миқдорий томонини ҳисоблашда статистиканинг жиноий ҳуқуқий объекти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак масалан жиноят нима у нимаси билан маъмурий, фуқаролик ҳамда интизомий ҳуқуқбузарликдан фарқ қилади. Жиноятнинг субъекти содир этган шахс, жиноятнинг содир этилиши сабаби уни содир этиш шарт шароитидан нимаси билан фарқ қилади? Бу саволларнинг барчасига фақатгина жиноий статистика

криминология ва жиноят ҳуқуқи фани асосларига таянган ҳолда жавоб олиши мумкин.

Кузатув объекти ҳақидаги бу умумий асослардан кейин икки асосий тармоққа

1 – Жиноий-ҳуқуқий.

2- Фуқаровий-ҳуқуқий тармоққа бўлинадиган суд статистикасининг объектлари нима ҳисобланишини тўлиқ аниқлашга ҳаракат қиламиз.

**А) Жиноий ҳуқуқий статистика объекти**

Жиноий ҳуқуқий статистиканинг асосий вазифаси шундан иборатки бир томондан жиноятчиликнинг миқдорий томонида мукаммал тасниф бериш бошқа томонидан ўз кўрсаткичлари билан унга қарши кураш қандай олиб борилиши билан таснифлаш.

Бир неча алоҳида жиноятчиларнинг йиғиндисини акс эттирувчи жиноятчиликни таснифлаш учун ҳар бир жиноятни қайд қилиш лозим.

Жиноятчилик ва унинг жиноятчилигини ташкил этиш муносиблиги-бу умумийлик ва алоҳидаликнининг диалектик мутаносиблигидир.

Айнана фақат жиноятчилик ижтимоий, жиноий ҳуқуқий ва оммавий тушунча умумийликниниг тоифаси сифатида эса ўз тизими ва динамикасининг ўзига хос белгиларининг ва қонуниятларини аниқлайди унга қарши курашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди.

Жиноий статистика жиноятчиликнинг макаммал таснифини беришни истаган ҳолда жиноятнинг субъекти ва унга қарши курашни ҳисобга олмаган ҳолда кўриб чиқолмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноий ҳуқуқий статистикани миқдорий томондан тафсифловчи 3 та аниқ объектини белгилаб олса бўлади.

1 - жиноят яъни ижтимоий ҳавфли ҳаракат фактининг ўзи

2- жиноятчиларнинг яъни шундай ҳаракатни содир этган шахс

3- жазо яъни суд томонидан содир этилган жиноят учун давлат мажбурлов чораси.

Жиноят ишларининг муайян қисми суриштирув органлари, терговчилар ва прокурорлар томонидан судга етказилмасдан ҳал этилганлиги боис ҳам жиноий статистика шу органлар томонидан қонунга мувофиқ жамоат таъсир чоралари курилган ишлар ҳисобини олиб боради:

Амалиётда жиноий ҳуқуқий статистика ўзининг объектини, жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи давлат органларининг фаолиятини узвий боғлаб баҳо бериш орқали жиноят процессирининг барча босқичларига мукаммал рақамли таснифлар беришни амалга оширади.

Шундай қилиб жиноий ҳуқуқий статистикани аниқ обектлари қуйдагилар.

1- жиноят яъни жиноят қонуни билан белгиланган ижтимоий ҳавфли ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик)

2- жиноятчи яъни жиноят содир этган вақтда муайян ёшга тўлган ақли расо, жисмоний шахс

3- жазо яъни, жиноятчига суд томонидан бериладиган давлат мажбурлов чораси.

Бу объектларни барчасига аниқланган белгилар бўйича миқдорий тасниф берилади. Шуни эътиборга олиш лозимки, жиноят процессининг алоҳида босқичларини хисобга олган ҳолда жиноий ҳуқуқий статистика айнан ўша объектни тадқиқ қилиш билан шуғулланади.

Шундай қилиб дастлабки тергов статистикасида жиноят ҳақида гап кетганда тергов қилинган ишлар жиноий жавобгар бўлган шахслар ҳисоби олиб борилади, суд мухокамаси статистикасида эса судга келиб тшган жиноят ишлари, судга берилганлар ва маҳкумлар сони ҳисоби олиб борилади.

Статистик тадқиқотларнинг ҳар бир босқичида жиноий ҳуқуқий статистика объекти жиноятпроцессининг ҳар бир босқичдаги ўзига хос хусусиятларни акс эттиради. (қўзғатилган ишлар сони тергов қилинган

ишлар сони, айблов хукмлари, айбланувчилар маҳкумлар сони ва х.к.) ташкилий жиҳатдан жиноий ҳуқуқий статистикаси тегишли давлат оргаларинниинг тергов функцияларидан келиб чиқиб ўз ишини ташкил этади.

Демак, жиноят ва жиноятчининг (гумондор, айбланувчи, маҳкумлар маҳбуслар) суриштирув, прокуратура, суд ва жазони ижро этиш муассасалари томонидан ҳисоби юритилади. Жиноий статистика охирги пайтларда қадар юқоридаги органларнинг ҳар бири томонидан алоҳида юритилган бунинг натижасида жиноятга қарши курашнинг барча жараёниниг ўз ичига оладиган ягона ҳисоб бўлмаган. Кейинги пайтларда жиноятлариниг ягона ҳисоби амалга ошириладиган бўлди. Жиноий ҳуқуқий статистика жиноят таркибинииг барча сифат ва миқдор кўрсаткичларига мукаммал тасниф беришни таъминлай оладиган тегишли органларни тезкор эхтиёжларини қондира оладиган бўлсагина тўғри ташкил этилган деб тан олиниши мумкин.

Эслатиб ўтиш керакки, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва уни айбдор деб ҳисоблаш учун бу шахснинг содир этган ҳаракатида жиноят таркиби мавжуд бўлиши лозим.

Барча жиноят таркиби учун зарурий белгилар қуйидагилар:

1- жиноят объекти яъни жиноий тажовуз нимага қаратилган.

2- Жиноятниниг объектив томони яъни ижтимоий хафли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик

3- Жиноят субъекти амалдаги қонунчилик бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахс

4- Жиноятнинг субъектив томони яъни жиноят содир этган шахсни қасд ёки эхтиёжсизлик кўринишидаги ҳаракати

Амалиётда бу белгиларнинг жиноий ҳуқуқий статистика томонидан ҳисоби юритилади. Жиноят таркибининг икки ва уч белгилари яъни жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва жиноят субъекти бевосита қайд қилинади.

**Б) фуқаровий ҳуқуқий статистика объекти**

Фуқаровий ҳуқуқий статистика суд, арбитраж нотариатда кўрилган ишларнинг яъни фуқаролик ҳуқуқий мулосабатларни ҳисобга олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар бу шахснинг шахсий, оммавий, мулкий муносабатларнинг, шунингдек ташкилот, корхона ва муассасаларниниг мулкий муносабатлари йиғиндисидир.

Шуни эътиборга олиш лозимки, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳисоботини юритиш билан статистикани бошқа тармоқлари ҳам шуғулланади. Масалан, оммавий ҳуқуқий муносабатлар фуқаровий ҳуқуқий статистика томонидан юритилади балки аҳолии статистикасида олиб борилади. (никоҳ никоҳдан ажратиш, туғилиш, ўлим, ва.х.к) мулкий муносабатлар фуқаровий статистиканиниг предмети бўлиб ҳисобланмасдан балки иқтисодий статистиканиниг предмети ҳамдир. Фуқаровий ҳуқуқий статистика объекти суд статистикасининиг бир қисми ҳисобланади.

Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат ҳам суд статистикасининг объекти бўла олмайди, балки унинг айримлари яъни суда арбитражда нотариятда кўриб чиқиш предмети бўла олганларгина бўла олади. Бу билан фуқоровий-ҳуқуқий статистика чегаралари белгиланади. Бу фуқаровий ҳуқуқий статистикани белгилаб берувчи белгилар уни иқтисодий статистикалар демокрафик статистикадан деярли аниқ фарқлаб беради.

Демак, агар иқтисодий статистика масалан чиқарилган махсулотнинг оғирлиги ва уни шартнома бўйича етказиб беришни назарда тутса демакратик статистика эса никоҳдан ўтганлар ва туғилганларни фуқаровий-ҳуқуқий статистика эса бу шартномавий муносабатлар бузилган ва бунинг натижасида шартнома шартлари бажарилмаганда судга арбитражга мурожат қилишга асос бўлган ҳолатларга ифодаланади.

Фуқаровий ҳуқуқий статистика фақатгина судда кўришга таалуқли бўлган ёки нотариал тартибда тасдиқланадиган фуқаролик ҳуқуқбузарликларни инобатга олади.

Фуқарови ҳуқуқий статистиканиниг бу ўзига хос хусусияти уни бошқа яни иқтисодий ва демократик статистикадан ажратиб туради. Фуқаровий ҳуқуқий конкрет объекти бўлиб куйдагилар ҳисобланади.

1- фуқаролик иши бўйича низо

2- фуқаролик жараёнидаги тарафлари (давогар ва жавобгар)

3- суд ҳал қилув қарори

фуқаровий ҳуқуқий статистика фуқаровий ҳуқуқий муносабатларни асосий элементларини намоён қилади. Ҳуқуқ мажбурият, ҳуқуқ субъекти мажбурят субъекти объекти. У энг аввало суда арбитражда ва тегишли фуқаролик ҳуқуқи институтлардаги турли ҳуқуқий муносабатларини инобатга олади.

Фуқаровий ҳуқуқий статистиканинг объектини аниқлаб олгандан сўнг унинг асосий вазифалари ҳақида ҳам тасавурга олиши лозим. Булар;

1-фуқаровий-ҳуқуқий даъво ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳолати, унинг структураси ва деполикаси ўрганиш

2- ҳуқуқбузарлик содир этилишнинг сабаб ва шароитларни ўрганиш.

3- Турли хил статистик кўрсаткичлар асосида фуқаролик жараёнида тарафларни ўрганиш

*4*- Фуқаролик низоларини ўрганиш чора тадбирларни яъни прокротура суд, арбитраж ва нотариал идораларининг бу иш бўйича фаолиятининг самарадорлигини ўрганиш ҳисобланади. Бу тўрт вазифа бир-бири билан узвий боғлиқдир.

**2. Сўроқ**

Сўроқ қилиш усули орқали маълумот тўплашнинг савол-жавоб усули деб ҳам аталади. Савол–жавоб усулида кузатаётган шахсларга саволлар берилиб, олинган жавоблар асосида кузатиш варақалари тўлдирилади. Бу ҳолда ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди. 1989 йилга аҳоли руйҳатини ўтказишда ҳисобчилар ҳар бир оилага кириб рўйҳат варақасини яшовчилардан сўраб тўлдирганлар.

**3. Суҳбат**

Суҳбат орқали маълумот тўплашда саволлар илгаридан бир тартибга келтирилиб, мужассамлаштирилмаган бўлади. Бемалол сўзлашиш орқали фикрлар олинади. Суҳбат ҳам оғзаки ўтказилади. Суҳбат орқали маълумот тўплаш бу эркин фикр орқали ҳали якуний бир тўҳтамга келинмаган ва умуман янги бўлган фикрларни ҳам аниқланиши мумкин.

**4. Интерьвю**

Интервюда аниқ саволлар илгаридан тайёрланган бўлади ва бу тайёрланган саволларга жавоблар ёзиб олинади. Интервюда аниқ саволларга аниқ жавоблар берилади. Суҳбат чоғида эркин мулоқот бўлиб, ўртага ташланган масала юзасидан турли томондан ёндошилса ва яна шунга ўҳшаш бошқа масалалар ҳақида ҳам сўзлашилса, интервюда, респондент олдида аниқ саволлар қўйилиши ва шу саволлар мазмунидаги масаладан нарига ўта олмаслиги билан фарқланади.

**5. Анкета**

Анкета орқали кузатишда кузатаётган кишиларга олдинган аниқланиши лозим бўлган саволлар тўлдирилган маҳсус тайёрланган варақалар тарқатилади. Масалан: Судьялар ва прокурорлар ўртасида жиноят ишларини судда кўрилишида прокурор иштирокининг шартлиги ва албатта иштирок этиши керакми ёки йўқми деган саволга, анкетага қараб жавоб берувчи ҳа ёки йўқ деб жавоб бериши мумкин. Юридик институт ёинки ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича тадқиқот олиб бораётган олимлар ҳам амалиётчилар ва назариётчиларга анкета услубида ўзи муҳокама қилмоқчи бўлган масаласига ойдинлик киритиб олиши мумкин.

**6. Танлама сўроқ**

Танлама кузатиш дейилганда умумий бош тўпламдан бир қисмини илмий асосланган, ваколатликни тўла таъминлаб берадиган усуллар ёрдамида танлаб олиб

текшириш тушунилади. У тўғри ташкил этилса, олинган натижалар умумий тўплам ҳақида тўла-тўкис ва аниқ фикр юритиш имкониятини беради. Танлама сўроқда юридик соҳадаги прокурорлик фаолиятини судда иштироки бўйича ёйинки аниқроқ қилиб айтганда, юқори турувчи инстанция судидаги прокурорнинг процессуал ҳолати муаммолари ҳусусида маълумот олиш (сўроқ қилиш )зарурияти пайдо бўлса, унда сўроқ қилинувчилар албатта танлаб олиниши, яъни, айнан шу соҳани яхши биладиган ва шу соҳага боғлиқ бўлган муаммоларни ечими тўғрисида фикр юрита оладиган шахслар тоифасини танлаб сўроқ қилиш лозим. Масалан, айни ҳолатда, давлат айблови билан шуғулланувчи прокуратура ходимларини ва жиноят ишларини кўрувчи судьяларни, халқ маслахатчиларини, адвокатларни танлаб сўраш мақсадга мувофиқдир.

### 7. Юриспруденцияда социологик кузатиш ва ижтимоий тажриба

Юриспруденцияда социологик кузатиш жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини жиноятчилик ва қонунийликни амалга оширишда пайдо бўлган муаммоларни ҳал этиш учун амалга оширилади. Масалан фуқаровий ҳуқуқий мунособатларни ҳал этишда, фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида шартнома асосида никоҳ тузиш масаласини аҳоли ўртасида қанчалик даражада ўзлаштирилганлигини социологик тарзда кузатилса, бу қонун талаблари қандай даражада бажарилаётганлигини, қандай самара бераётганлигини аниқланиши мумкин. Бу социологик кузатиш натижасида никоҳ тузишдан мақсад оила қуришми ёки мол-мулкка эга бўлиш ёки бошқа ғараз мақсад борми аниқласа бўлади. Шунингдек, “ўлим жазоси қолдирилиши керакм и ёки йўқми” деган саволга жавоб топиш учун социологик сўров ўтказилса, аҳолининг ҳуқуқий онги даражсини ҳам аниқлаб олиш мумкин. Социологик кузатиш ва ижтимоий тажрибада эса, амалиётдаги аниқ бир муаммони ҳал қилишга қаратилади. Масалан: Жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судлари жараёнини албатта видеокамера орқали видеоёзувга олиш ва апелляция, кассация ва назорат инстанция судларига бу видеоматериалларни тақдим қилиш шартлиги ҳолати социологик кузатилса, ва маълум бир туман судида ижтимоий тажриба ўтказилса, албатта шу суд томонидан ҳужжатларни соҳталаштириш ва адолатсиз жазо тайинлаш ҳолатлари кескин камайишига олиб келади. Балким, деярли, юқори босқич инстанция суди томонидан аниқланиши ва адолатли қарор қабул қилинишини пойдеворини яратиб берилиши мумкин. Ҳуқуқшуносликда ижтимоий тажриба ўтказилаётганда аввал, албатта маълум бир кичик объект доирасида амалга оширилади. Самарадорлигига аниқ ишонч ҳосил қилингандан кейингина амалиётга кенг тарзда тадбиқ этилиши муҳокама этилади. Жиноятчиликни олдини олиш юзасидан ҳам прокурорлар томонидан шунга ўҳшаш ижтимоий тажрибалар ўтказилиши ва ижобий амалиёт тариқасида кенг тарқатилиши ҳолатлари мавжуддир.

# 6-МАВЗУ: СТАТИСТИК КУЗАТИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ СВОДКАЛАШ ВА ГУРУҲЛАШТИРИШ. МУТЛОҚ ВА НИСБИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

***Режа:***

1. **Статистик сводкалаш ва гуруҳлаш тушунчаси;**
2. **Статистик гуруҳлаштириш турлари;**
3. **Типологик, тузилмавий ёки варриацион, таҳлилий (аналитик) гуруҳлаштириш. Корреляцион гуруҳлаштириш;**
4. **Мураккаб, кўп ўлчамли, иккиламчи гуруҳлаштириш;**
5. **Статистик жадвал элементлари;**
6. **Оддий, гуруҳланган, комбинациялланган жадвал;**
7. **Жиноятларни классификациялаш тушунчаси;**
8. **Мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар тушунчаси.**

## 1. Статистик сводкалаш ва гуруҳлаш тушунчаси

Статистик кузатувлар натижасида жуда кўп миқдорда ҳар ҳал бланк варақа ва формулярлар йиғилиб қолади, уларнинг ҳар бири алоҳида йиғинди бирлигини ва у учун белгиланган аломатларни ҳарактерлайди. Статистик кузатувлар, юқорида кўрсатилганидек бизга ҳали қайта ишланиши ва гуруҳланиши керак бўлган бир талай ишланмаган, ҳали ҳом бўлган материалларни беради кейин шу асосда ҳисоб китоб йўли билан ўрганилаётган йиғиндининг ўзига хос бўлган типик кўриниши келтириб чиқарилади. Статистик маълумот-бу дастлабки статистик маълумотларни ҳисоблаб, алоҳида бирликларни хулосалаш ва уларни бир тўплам ёки йиғинди (маслан республикада судланганлар сони) ҳолига келтиришдир. Шуни айтиш керакки сиатистик маълумот, тўғри қурилган гуруҳларга асосланганидагина эффектив тарзда амалга оширилиши мумкин. Гап шундаки, кузатаётган ҳодисалар қонуниятини ўрнатиш ва ўлчаш фақат уларнинг тўпламларини сифатли бир томонлама гуруҳларга (масалан, судланганлар жинси,ёши,маълумоти, рецедивлиги, содир этган жинояти бўйича)бўлиб ўргангандагина мумкин. Фақат шундай гуруҳларнигина хулосалаш ва умумлаштирвчи кўрсаткичлари билан ҳарактерлаш мумкин (ҳамма судланганлар ичида аёлларнинг улуши 7-8 маротаба эркаклар улушидан кам). Ваҳоланки, статистик кузатув якунида дастлаюки маълумотлар йиғилади ва одатда улар сифатига нисбатан ҳар хил бирликларга тегишли бўлади ва шу сабабли биринчи ўринда бирликларни бир биридан чегаралаб, бир хил бўлган, бир кўринишда бўлган гуруҳларга бўлиш керак, масалан: Жиноят кодексининг махсус қисмига мувофиқ бир кўринишга эга бўлган жиноятлар бирлигига бўлиш.

Гуруҳлаш-жамиятда ўрганилаётган ҳодисаларни маълум аломатлар йиғиндисига кўра уларни типик гуруҳларга бўлишдан ибораидир.

Гуруҳлашни қандайдир бир ҳисоб-техник операция деб уйлаш катта хато бўларди.

Гуруҳлашнинг асосий масаласи статистик кузатув натижасида олинган маълумотларни ҳар томонлама анализ, таҳлили асосида уларни сифатли биртомонлама кўриниш ва турларга бўлиб ташлашда ифодаланади.

Махсус ташкил этилган ва рўйхатга олинган (статистик карточка, статистик журнал ва бошқалар) статистик кузатувлар жинойат фуқаролик ишлари бошқа матерталлар ҳақида жуда кўп маълумотлар беради. Барча маълумотлар бирлаштирилганда улар «тоғ» каби кўп маълумотлар беради . Тассавур этинг, қўл остингизда жиноят содир қилган шахслар ҳақида мингта «1000» статистик карточка бор. Ушбу карточкаларда жиноят содир этган шахс ва жиноят ҳақида мавжуд бўлиши мумкин бўлган минг хил бўлган маълумот бўлади. Карточкаларда кўз югуртирганда биз эркак ва аёллар, катта ва вояга етмаганлар, рецидивистлар ва илк бор судланганлар, турли миллат, маълумот касб эгаларини учратамиз. Бу билан биз юқоридаги белгиларга эга бўлган шахсларнинг қанча, қай тезликда жиноят содир этишларини бир маромга сола олмаймиз. Статистик маълумотлар мисоли бир «ғишт» бўлиб, агар бу гиштлар тўғри терилса катта уй кўриш мумкин бўлганидек маълумотлар ҳам тўғри гуруҳлаштирилса ҳодисалар ҳақида тўғри натижа олиш мумкин .

Статистик кузатувнинг II **босқичи** - статистик кузатув маълумотларни тизимлаштириш ва илмий таҳлил қилишдир. Бу **статистик сводкалаш** деб айтилади.

Агар маълумотлар нотўғри таҳлил этилса статистик кузатув маълумотлари ўзининг ҳақиқий ҳарактерини йўқотиши мумкин. Шунинг учун уларни шундай қайта ишлаб чиқиш керакки, жавоб аниқ, объектив, оммавий кузатув натижаларига асосланган бўлиши керак .

Статистик сводкалаш мазмуни бу дастлаб статистик карточка, рўйхат, анкетада мавжуд материаллар муаян тартибга келтирилади, тизимлаштирилади, улар бир натижа, бирлаштирилган статистик кўрсатгичлар билан ҳарактерланади ( процент ,коэффициентлар, абсалют ва нисбий сонлар билан).

Айнан шу босқичда жиноятларнинг бир марта содир этилиши ёки оммавий тус олганлиги, оддий ҳуқуқбузарликнинг жиноятга айланиши ва бошқа ижтимоий ҳолатларга юридик баҳо берилади.

Сводкалаш натижасида биз катта фактик, ҳар томонлама ижтимотй-ҳуқуқий борликни тизимлаштирилган маълумотларни оламиз. Бунга эришиш учун сводкалаш муаян программа асосида ўтказилиши керак. Программага белгиларига қараб гуруҳларга томонламалиги, доираси ва сифатига эътибор бериш керак.

Шаклига кўра статистик сводкалаш марказлаштирилмаган-жойларда ўтказилган сводкалаш, масалан ИИВ, Прокуратура, Солик органлари ва суднинг энг қуйи ажратилган маълумотлар критилади. Бундай программалар жадвалнинг макети сфатида бўлиб статистик кўрсатгичлар кузатув жараёнида тўлдириб

борилиши мумкин албатта бу арограмма мазмуни статистик кузатув ўтказиш шаклига, унинг вазифаларига, сводкалаш техникасига мос келиши керак.

Статистик кузатувлар шакл жиҳатдан турли мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади. М-н: Жиноят аломатларини, жиноят содир этган шахсларни, жиноят ишларини ва бошқа жиноят-ҳуқуқий статистикани суриштирувчи, терговчи, прокурор олиб боради, ушбу маълумотларни эса турли информатцион марказ ходимлари умумлаштиради.

Шунинг учун сводкалаш жараёнида статистик маълумотларнинг ҳар инстанцияларида амалга оширилади.

Аралаш-сводкалаш дастлаб туманда кейин шаҳарда, марказда амалга оширилади.

Марказлаштирилган сводкалаш фақат марказда амалга оширилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда сводкалашнинг аралаш шакли кенг тарқалган. ИИВ, Прокуратура, Суднинг туман шаҳар инстанция (бугин)ларида дастлаб қўлларида мавжуд бўлган маълумотлар рўйхатга олинади, вилоятларда улар тўпланади ИИВ,Бош прокуратура ёки Адлия вазирлигининг Бош информацион марказларида маълумотларни сводкалаш якунига етказилади. Давлат рўйхатига олинган маълумотлар охирида бошқа аҳамиятли кўрсатгичлар билан умумлаштирилади. Бу ишни Республика «Статистика маркази»амалга оширади.

Сводкалашнинг таркибий элементлари:

А) Жиноят ёки бошқа ижтимоий - ҳуқуқий ҳолатни бутун ва алоҳида гуруҳларини акс эттирувчи кўрсатгичлар тизимини ташкил этиш ;

Б) Олинган маълумотларни тизимли гуруҳлаштириш;

В) Гуруҳ ва умумий натижаларни ҳисоблаш ;

Г) Натижаларни статистик жадвал ва графикларда кўрсатиш.

Сатистик маълумотларни гуруҳлаштириш.

Кузатувнинг мақсад ва вазифаси билан белгиланган, жиноятлар, мамурий ҳуқуқбузарликлар жиноят ва фуқаролик ишларини юритувидаги муайян кўрсатгичларни ўзига хос белгиларига қараб гуруҳларга бўлишдир

Бундай белгиларни тўғри ажратиб олиш жуда муҳимдир чунки битта белги икки хил хулосага олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳодиса белгисини криминалистик, криминалогик, жиноят, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ва фуқаролик процесси фанлари ёрдамида ҳар томонлама анализ қилиниши керак. М-н: **Жиноят ҳуқуқи**: жиноятларнинг турлари ва гуруҳи, оғирлик даражасини;

**Криминология**: криминалогик мотив тури, жиноят сабаб ва шарт шароитларини ;

**Жиноят процесси**: жиноят иш юритув босқичлари, процессуал шахслар доираси, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум ва окланган шахс; **Криминалистика-** жиноятларнинг содир этилиш усулларини ўрганади.

Гуруҳловчи аломатлар **сонли ва муаян сифатли** турларга бўлинади.

Маълумотларни " Сон " аломатларига қараб ажратишда ( ҳуқуқбузарлар ёши, гуруҳ аъзолари сони? судланганлик сони? озодликдан маҳрум қилиш жазоси неча марта қўлланганлигига қараб ) барча гуруҳлар миқдорини чиқариб ҳар бир гуруҳдаги аломатларнинг максимал ва минимал оралигини белгилаш керак.

Ўртадаги масофалар(интервал) кур-курона олиниши мумкин эмас. Улар ҳолат, процессларнинг муаян томонини, сондан сифатга ўтишини кўрсатиб бериши керак. М-н ҳуқуқбузарликнинг ёши

1) 14ёшдан 16ёшгача( малолетняя). Бу ёшдаги шахслар қилмиши учун жазоси чегараланган жиноий жавобгарликка тортиладилар. Бу ёшдаги фуқароларнинг иш юритуви ҳам кўпгина процессуал хусусиятга эга.

2) 16-18 ёшгача( вояга етмаганлар—несовершеннолетнаяя).Улар барча қилмишлари учун тортиладилар, улар жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал хусусиятларга эга.

3) 18-25ёшгача(молодежняя). Бу ёшдаги шахслар ҳеч қандай жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал хусусиятларга эга эмаслар. Аммо бу ёшдаги шахслар криминал актив гуруҳ ҳисобланади. Бу ёшдагилар томонидан энг кўп жиноят содир этилади.

4) 25-ЗОёшгача ва ундан юқори ёш.

Жиноятларни ёш бўйича булгганда аниқ бир кетма-кетликка риоя этилиши яхши натижа беради—— 14,15,16,17,18 ва бошқалар.

Муаян СИФАТ белгилари(ижтимоий ҳавфлилик даражасини, жиноятнинг оғирлик даражасини, қилмиш шакли, жиноий хулқ атвор мотиви мазмуни, жиноятчиларнинг ижтимоии даражаси, оиладаги муҳит, фуқаролик даъво ҳарактери, фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият кўриниши)га қараб статистик гуруҳлаштириш ижтимоий-ҳуқуқий изланишларда кенг тарқалган.

М-н : шахснинг аҳлоқий шаклланишидаги шароит гуруҳига оид белгилар ота - онадан бирисиз усганлиги, кўпболали оилада усганлиги, урф одатларга риоя етмайдиган оилада усганлиги, оғир моддий шароитда усганлиги, маданияти паст оилада усганлиги ва бошқаларни олиш мумкин. Жавоб вазиятнинг ҳақиқий ҳолатини ва кузатув вазифаларини чуқур ўрганишни талаб қилади .

Агар кузатув мақсади биологик детерминант бўлса - биринчиси, иқтисодий сабаб бўлса - иккинчиси,психологик сабаб бўлса - учинчиси, шунга ухшаб давом эттириш мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг очиқ статистик маълумотлари ҳам сифат ҳам сон аломатларини бирлаштириб аралаш гуруҳлаштирилган . Жиноят - ҳуқуқий : ЎзР ЖК нинг моддаси, айб шакли, қилмиш оғирлик даражс, жазо. Криминалогик: шахснинг ижтимоии аҳволи, жиноят сабаблари, матив, ҳуқуқбузарнинг ижтимоии демографик белгилари билан ҳарактерланади. ИИВ, Прокуратура, Божхона, Солиқ органлари ва суд томонидан булар муайян формага келтирилган . Криминологик луғатда «сифат -

сонли » ёки яримсонли белгилар ҳам мавжуд . Бу белги ўзида ҳам сифат ҳам сон белгиларни бирлаштиради . М-н жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси ва жиноят учун жазонинг максимал ёки минимал даражаси. ЎзР ЖК 15-модда. Жиноятларни таснифлаш : Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар қасддан содир этилса уч йилдан кўп бўлмаган мудатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, эхтиётсизлик оқибатида содир этилса 5 йилдан кўп бўлмаган мудатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради : Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан, 3-5 йилгача, эхтиётсизлик оқибатида содир этилса 5 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган. Оғир жиноятларга қасддан содир этилса 5 - 1 0 йил дан кўп бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Ута оғир жиноятларга қасдан содир этилиб,конкнда 10 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар киради .

## 1. Статистик гуруҳлаштириш турлари

Гуруҳлашнинг тарқалган турларидан биринчиси типологик гуруҳлашлар ҳисобланади. Улар турли хил ҳодисалар йиғиндисини муҳим ва мавжуд аломатларига кўра бўлиб ташлайди. Иқтисодий ҳодисалар соҳасида бу гуруҳ ўз олдига ижтимоий-иқтисодий типларни ажратиб кўрсатишни мақсад қилиб қўяди(масалан ширкат хўжаликлари, фирмалар, кичик корхоналар). Суд статистикасида типологик гуруҳлаш кенг қўлланади.Улар адлия органларининг фаолияти анализ қилиш учун жиноятчиликни ўрганиш фуқоролик ҳуқуқидаги бахслар ва бошқалар учун зарурдир. Бундай гуруҳлашга жиноятларни ЖКнинг махсус қисми моддаларига мувофиқ бир турдаги тоифаларга тақсимлаш; фуқоролик хуқуқий бахсларни уларнинг кўринишлари бўйича; судланганлар таркибини жинси, ижтимоий аҳволи, судланганлик сони бўйича бўлиш; жиноятларни ҳалқ ҳужалигининг баъзи соҳалари бўйича бўлиш, жазони бир турдаги тоифалар бўйича озодликдан маҳрум қилиш, аҳлоқ тузатиш ишлари, сургун ва бошқаларга бўлишни мисол қилишимиз мумкин.

Шундай қилиб, типологик гуруҳлар ўз олдига ўрганилаётган йиғиндини сифат муносабатига нисбатан бир турдаги гуруҳларга бўлишни мақсад қилиб қўяди. Статистикада уларнинг роли жуда катта, чунки фақат ўзига мос фанга асосланадиган типологик гуруҳлар ёрдамидагина бизни қизиқтирувчи индивидуал ҳодисалар тўпламини чуқур ўрганиш ва унда бўлаётган ўзгаришларни аниқлаш мумкин.

Гуруҳлар мазмуни ижтимоий - ҳуқуқий ва криминологик кузатувлар учун муҳим аҳамият касб этади, чунки улар: А) Бир турдаги сифатий белгилар мажмуасини кўрсатади; Б) Тип структурасини очишга ёрдам беради; С) Юридик аҳамиятли ва турли ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганишга ёрдам беради.

Юқоридаги вазифаларга мувофиқ юридик статистикада 3 хил гуруҳлаштириш тури учрайди**: типологик, тузилмавий, аналитик, типологик гуруҳлаштириш -** юридик аҳамиятга эга бўлган ва ўрганилаётган жиноятлар, жиноятчи ва бошқа ҳодисаларни сифатий белгиларига кўра бир турдаги гуруҳга йигиб ва яяна уларнинг ўзини алоҳида сифатий белгиларига кўра бир турдаги гуруҳларга бўлиш тушунилади.

### 3. Типологик гуруҳлаштириш

Кримиинологик соҳада **типологик гуруҳлаштиришнинг** кенг тарқалган турлари - бу жиноятларни айбнинг шакли бўйича бўлинишидир (қасддан ёки эхтиётсизликдан, улар ўз навбатида тўғри қасд, эгри қасд; Бепарволик ва ўз ўзига ишониш. ЎзР ЖК 21-22 моддалар), оғирлик даражасига кўра (ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган. унча оғир бўлган, оғир ва ўта оғир жиноятлар ЎзР ЖК 15 модда ) Мотивнинг мазмунига кўра (ғаразли мақсад, тамагирлик ниятида, номусга тегиш билан боғлиқ, зўрлаш мақсадида ), айдорларнинг шахси (эркаклар ва аёллар, вояга етмаганлар, олдин судлангалар ва судланмаганлар, маҳкум ва оқланганлар; гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум ва қамоқда сақланувчилар), фаолият тури (иқтисодий, диний, ижтимоий соҳада Давлат органлари ишловчилар томонидан ) ва бошқа сифатий белгилар кўп ҳолларда ўзаро чатишиб кетади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни жиноят-ҳуқуқий типини сифатий белгиларига кўра бир хилдаги турларга бўлганлиги ҳақида расмий ҳисоботни кўриб утсак. ЎзР ЖКнинг махсус қисми 7 бўлимга бўлинган:

I бўлим Шахсга қарши жиноятлар.

II бўлим Тинчлик ва ҳавфсизликка қарши жиноятлар.

III бўлим Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар.

IV бўлим Экология соҳасидаги жиноятлар.

V бўлим Ҳокимият, Бошқарув ва Жамоат бирлашмари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар.

VI бўлим Жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар.

VII бўлим Ҳарбин хизматни уташ тартибига қарши жиноятлар. III бўлимдан ташқари, кўпчилик бўлимлар ўзида 2-4 гача бобга бўлинади. Умуман Махсус қисм 24 боб 206 моддадан иборат бўлиб уларнинг ҳар бири сифатий белгиларига кўра жиноятлар гуруҳларига бўлинган. Жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий турлари, мураккаб тузилмавий структураси фақат ИИВнинг форма 1-г ва қисман Адлия Вазирлигининг форма - 10, форма - 11 ҳисоботларда учрайди. Қолган ҳисоботларда, расмий ва жиноятлар ҳақидаги оператив ахборот - тўпламларида улардан танланганлари критилади. Танлаб олиш икки мезон асосида олиб борилади жилмишларнинг ҳавфлилиги ва кенг тарқалганлиги. Буларга бир марта содир этиладиган аммо жуда ҳавфли бўлган жиноятлар (терроризм, агрессия,геноцид ) ёки кам аҳамиятли лекин кенг тарқалган қилмишлар (баданга шикает етказиш ) критилмайди. Улар « бошқа

жиноятлар» деб номлануачи қаторга критилади. Қандай бўлмасин, аммо типологик гуруҳлаштириш 2-3 белгиларига қараб амалга оширилади бу эса уни мураккаб вабир бирига қўшиб бир бутунлик ҳосил қилади (комбинациялайди).

Фуқаролик-ҳуқуқий статистикада ҳам типологик гуруҳлаштириш ўша вазифаларини бажаради. Фуқаролик ишларни гуруҳлаштирмасдан анализ қилиш мумкин эмас. Уларни соҳалар ва категориялар бўйича гуруҳлаштирамиз: Меҳнат, уй - жой, оила, ашёвий, молиявий, мерос, муаллифлик ёки сайлов ҳуқуқи ва бошқалар. Кейин улар даъвогар ва жавобгар шакли, категорияси ҳал қилув қарорлари ҳарактери (мазмуни) бўйича классификация қилинади.

Меҳнат ҳуқуқига оид ишлар кўпинча меҳнат вазифасини бажариш жараёнида ходимга етказилган зарар, гайриқонуний меҳнат шартномасини бекор қилиш, ишга тиклаш ва бекор юрганлик учу ниш хаки ундириш Билан боғлиқ мазмундаги ишлар бўлади. Уй - жой низолари га оид ишлар низо ҳарактерига (уйдан чиқариш, уйга мажбурий кпитиб қуйиш, уй-жойни бўлиш), уй-жой шаклига кўра (хусусийлаштирилган, хусусийлаштирилмаган, хўжалик, алоҳида, шрикат уйлари) гуруҳлаштирилади. Оила ишлари-никоҳни бекор қилиш. Оила қўллаш сабаблари, оталикка (қизликка) олиш, оталикни тан олиш ва бошқаларга кўра гуруҳлаштиради. Фуқаролик ишларидан кўриб чиқилганлари (суд мажлисида кўрилиб ҳал қилув қарори чиқарилганлари), иш юритиш тугатилган, кўрмасдан колдирилган, мазмунан кўриш учун бошқа судга ўтказилган ишлар шкаласи каби классификация қилинади.

### 4. Тузилмавий ёки вариациали гуруҳлаштириш

Бу бир турдаги жиноятлар, ҳуқуқбузарлар фуқаролик даволари ва бошқа белгиларнинг тизимидаги ўзгаришларни ўрганишда статистик маълумотлар гуруҳлашидир. Маълумотни структуравий гуруҳлаштириш учун бир турдаги, бўлинадиган, ҳажм бўйича ўзгарувчан белгилар мажмуи керак бўлади. Агар типологик гуруҳлаштириш асосида сифатий белгилар ётса тузилмавий (вариацион) гуруҳлаштириш асосида сонли белгилар (жиноятлар ўртача оғирлиги, шахслар, ишлар, сони, ҳуқуқбузарлар ёши, жазо муддати судланганлик сони, умумий ўрта таълимни нечинчи синфгача ўқиганлиги,зарар миқдори, тергов мудатлари жиноят, фуқаролик ишларини кўриб чиқиш мудатлари ва бошқалар) ётади.

Вариацион гуруҳларларнинг мақсади бир турдаги типик гуруҳлар тизимини аниқлашдир. Бунда сиатистик кузатувлар натижасида олинган материални қандайдир бир ўзгариб турувчи (вариациялашувчи) аломат ҳажми бўйича гуруҳлайдилар. Баъзида дастлабки бир турдаги йиғиндиларни олгандаёқ уларнинг ичида у ёки бу миқдорий аломатни тақсимлашга асосланиб гуруҳлаш амалга оширилади, бу эса йиғиндининг таркиби ва тизимини аниқлашга имконият беради (масалан, аҳолини ёш бўйича бўлиш, судланганларни–жазо муддати бўйича, жиноий ишларни–тергов ва ишни

судда кўриш муддатлари бўйича бўлиш ва бошқалар). Миқдорий аломатлар бўйича бундай гуруҳлаш вариацион деб номланади. Тўла тасаввурга эга бўлиш учун баъзи жиноятлар турлари бўйича судланганларнинг ёш кўрсаткичларини келтирамиз.

Миқдорий ўзгаришлар ўрганилаётган ҳодиса тизимидаги қонуниятлар ва тенденцияларнинг, тергов суд амалиёти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органланинг фаолияти ҳақида гувоҳлик ва баҳо беради . М-н судланганликнинг кўп йилларда сон ўзгаришини олсак, биз, суд амалиётининг тенденциясини ҳақиқий (реал жиноятчилик билан боғланиб, ҳақиқий ҳолатини эътиборга олаётганлигини кўрамиз. Бир жиноятнинг мутлақ сон динамикасини кўриб чиқсак унинг жиноятчилик тизимида динамикасини, қилмишнинг ривожланиш тенденциясини ёки пасайиб, аста-сёкин йўқолиб бораётганлигини кўрамиз. Ҳозир одам ўлдириш ёки унга суиқасд жиноятининг тузилмавий гуруҳлаштиришдаги динамикасини кўриб чиқамиз.

“Жадвал”да аниқ кўриниб турганидек, суиқасдлар сони қасддан одам ўлдириш жиноятига қараганда анчага камайган. Кўрсатгичлар аниқ ва ҳақиқий. Қасддан содир этиладиган қотилликларда ўқотар қуролдан фойдаланиш сони ҳам кўпайган. Агар охирги 30 йил ичида қасддан одам ўлдириш 75%га ортган, ҳозир ушбу кўрсатгичларни таҳлил қилиб, куркмасдан, ушбу тузилмавий гуруҳлаштириш қасддан одам ўлдиришнинг тенденцияси ривожланиб, усиб боришини башорат қилиш мумкин. СССР қулагач ушбу тенденция тез ўсди. Охирги 5йил (1990-1995)да ушбу кўрсатгич Собиқ Иттифоқ ҳудудида 2 марта кўпайиб, уларнинг сони 50 мингга етти.

Тузилмавий гуруҳлаштириш жиноятларнинг соҳаси ва объектига кўра ҳиссали қилиб тузилиши мумкин. Ҳиссалар туман, шаҳар, республика, федерация бўйича тақсимланиши мумкин.

**5. Таҳлилий (аналитик) гуруҳлаштириш**

Юридик аҳамиятга эга бўлган кўрсатгичларни аналитик гуруҳлаштириш ўрганилаётган ҳодиса ва процессларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бўлинмаслигини кўрсатади. Қисман бу вазифалар структуравий ва типологик гуруҳлаштириқца бажарилади. Аммо аналитик гуруҳлаштириш ушбу вазифани бажариш учун махсус ишлаб чиқилган.

**Аналитик гуруҳлаш** ўз олдига ўрганилаётган ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатишни мақсад қилиб қўяди. Бу гуруҳлашга мисол бўлиб жиноятчилик ва бир қатор ҳодисалар –ичкиликбозлик, маиший аҳвол хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи маълумотлар бўлиши мумкин.

Алкоголизм ва жиноятчилик ўртасидаги боўлиқлик яққол кўриниб турибди.

Аналитик гуруҳлаш барча статистика соҳаларида муҳим аҳамият касп этади: иқтисодий соҳада –хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун, яширин резервларни аниқлаш учун, демографик соҳада –масалан жинс, ёш ва ўлим ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, жиноий соҳада–турли хил ижтимоий-

маиший аҳволни жиноятчиликка таъсирини аниқлашда ва ҳ.к..Лекин шуни назарда тутиш керакки, аслида ҳар қандай гуруҳ маълум даражада аналитик бўлиб ҳисобланади, чунки ўрганилаётган ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда ёрдам беради масалан юқорида берилган вариацион гуруҳлар алоҳида жиноятлар ва ёш ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб берган эди.

Шу ўринда, жиноят ишларини бир йилда апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилиши ва хукмларнинг ўзгариш ёки бекор бўлиш сабабларини ҳам таҳлил қилиб кўриб чиқиш мумкин. Масалан:

Изланишнинг мақсадларидан келиб чиқиб статистик гуруҳларнинг у ёки бу турини қўллаш лозим, ҳар томонлама таҳлил қилишда эса ҳар учала гуруҳлаш тўрини бирга олган ҳолда иш юритишимиз керак. Масалан содир этилган жиноятларни ижтимоий ҳавфлилик ҳарактерини аниқлаш учун биз уларни сифатли бир турдаги гуруҳларга бўлиб ташлашимиз яъни типологик гуруҳлашни қўллашимиз керак. Тергов органларининг жиноятчилигига қарши муваффақиятли қарши кураш олиб бориш учун эса, биз бу органлар бўйича алоҳида жиноятлар очилишидаги ўзгаришлар (вариациялашув) коэфиецэнтини ўрганамиз, яъни вариацион гуруҳлашни қўллаймиз; оилавий аҳволи, маълумоти, ичкиликбозлик ва жиноят ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун аналитик гуруҳлашни қўллаймиз.

Статистикада ҳодисаларга таъсир кўрсатувчи ҳодисани-факториал, факториал таъсир натижасида ўзгарувчи ҳодисалар-натижавий (результатив) дейилади. Бу турдаги гуруҳлаштириш жиноятчиликка сабаб булувчи кўплаб маълумотлар(тарбия, оилада ота-она, ичкиликбозлик, ишсизлик ва бошқалар)ни кўрсатиб беради.

Мутлақ кўрсатгичлар фарқини жиноят тўғрисидаги аризалар ва судланган шахс судланган сонида ҳам учратамиз. (1995 йил 3.7млн ариза келиб тушган бўлса, ушбу аризалар асосида кузатилган жиноят ишлари бўйича 1 млн киши судланган. Олдинги йилларда бу кўрсатгич юқорирок бўлган. Бу бир нарсадан дарак беради: 1993 йилдан репресиялар кучайган. Аниқланиб, жиноий жавобгарликка тортилган ва судланган шахслар сони рўйхатга олинган жиноятчиликни қувиб утмокда.Агар бу масаланинг ич-ичига кирадиган бўлсак жуда қизиқ хулосага келишимиз мумкин .

## 6. Корреляцион гуруҳлаштириш

Бажарадиган вазифаларига кўра аналитик гуруҳлаштиришга яқин турадиган гуруҳ бу КОРРЕЛЯЦИОН гуруҳлаштиришдир. Корреляцион гуруҳлаштиришда ўрганилаётган ҳодисалар ва процесслар ўртасидаги тобелик нисбаттан тўғри ўлчаниши мумкин .

Ижтимоий -ҳуқуқий, криминологик жиҳатларни анализ қилганда юқорида кўриб чиқилган барча гуруҳлаштириш турлари ишлатилади. М-н: Содир этилаётган жиноятларнинг ижтимоий ҳавфлилиги ва оғирлигини аниқлаш учун — типологик гуруҳлаштириш;

а ва b ни аниқлаб, биз тўғри чизиқ тенгламасини уҳ ақbх ҳар йил учун алоҳида ҳолда (у1, у2, у3…) ечишимиз мумкин.

Рақамларнинг назарий сатрини ҳосил қилганимиздан сўнг, уларнинг эгри фактик сатрини график сатри кўринишида кўрсатишимиз мумкин.

Динамик сатр даражаларини тенглаштириш усули билан бирга математик тайёргарликни талаб қиладиган бошқа мураккаброқ усуллар ҳам мавжуд. Улар қуйидагилардир:

1. Кўрсаткич функцияси бўйича тенглаштириш бўлиб, геометрик прогрессиясида сатр даражаларининг ўзгаришида қўлланади;
2. Парабола бўйича тенглаштириш;
3. Фурье сатри орқали тенглаштириш.

Бу методлар фақат динамик қаторларнинг фактик даражалари ўзгарувчан даврига эга бўлганда қўлланиши мумкин, масалан, бу жиноятчилик динамик ва бошқа юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолларда кўз атилиши мумкин бўлган мавсумий тебранишида кўринади.

Динамик қаторларни тенглаштириш юридик статистикада асосан жиноятчилик ва унинг алоҳида гуруҳларининг экстрапеляцияси методи орқали (вужудга келган тренднинг келажакда давом этиши) қонунбўз арлик ва жиноятчиликка қарши-кураш борасидаги дастур ва режаларнинг ишлаб чиқишда, оператив ишчиларнинг бўлиши керак бўлган нагрўз касини аниқлашда ва бошқа ҳолларда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Шунингдек, қаторларнинг тенглаштириш интерполяция (вужудга келган тренднинг олдинги вақтда давом этиши) методи орқали етарли бўлмаган маълумотларнинг топишда ҳам ишлатилади.

### 4. Динамика қаторларида мавсумийликни ўрганиш усуллари

Юридик фан ва амалиётда мавсумийни ўрганиш етарли даражада акс этмаяпти. Аввалги юридик (суд, ҳуқуқий) статистика тўғрисидаги дарсликларда бу ҳақда эслаб ҳам ўтилмаган. Прокуратура ходимлари учун фақатгина қўлланма муаллифлари жиноятчиликни мавсумий ўзгаришларининг ўрганишнигина тавсия қилинган. Мавсумий ўзгаришлар юридик аҳамиятга эга бўлган ҳодисаларнинг мутлақ кўпчилигига тааллуқлидир. Баъзи мавсумий тўлқинлар фаза бўйича турли силжишларга эга ҳамда ўзаро қарши фазада жойлашган. Фаолиятнинг автоном системасида бу унчалик аҳамиятга эга эмас, лекин мавсумий тебранишлардаги қарам системаларнинг фарқи салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу «жиноятчилик бу – жиноятчилик билан кураш» системасига тўғридан – тўғри алоқадир. Жиноятчиликнинг мавсумий «чўққиси» (баъзи фаолият турлари ўзининг чўққиларига эга). Кўп ҳолларда баҳор ва кўз га, тўғрироғи март ва октябрга тўғри келади, «тушкунлик» эса қишга (декабрь – январь)га тўғри келади, яъни ҳисобот даврининг боши ва охири ёз ойларида (июль) жиноятчилик даражаси, баҳор ва кўз ойларидагига нисбатан пастроқдир. Жиноий ҳаракатлар даражаси истеъфоли даврга сезиларли таъсир ўтказувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар ишини активлаштиради деб таҳлил қилишимиз мумкин.

Баъзи криминологллар қайд этилган жиноятчилик реал даражаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари активлиги даражасидан реалроқдир деб бежиз тахмин қилишмаган. У қанчалик юқори бўлса қайд этилган ҳаракатлар даражаси шунчалик юқори бўлади. Эгри мавсумий жиноятчиликка бошқа шароитларнинг мавсумий динамик таъсири ўтади Жиноий мотивациялар милициянинг ишчанлиги жиноятчиликка қарши курашишнинг йиллик ва ярим йиллик «мувофақияти» (ҳисобот даври)нинг кўрсатилиши ҳуқуқни муҳофоза қилувчи органларнинг йилнинг бошида сусайиши ва ҳоказо.

Юридик аҳамиятли ҳодисаларнинг мавсумини ўрганиш бошқарувчилик фаолиятидаги ташкилотлар учун зарур. Статистика мавсумни аниқлашнинг бир неча усулларини ишлаб чиқди. Мавсумий тебранишларни ўлчаш ва намоён қилишнинг оддийроқ услуби – бу

ўрганилаётган ҳодисаларни ойлар бўйича ўртача даражасини (ўрта арифметигини) ҳисоблаш ҳамда ойлик маълумотларни ўртача даражаси билан жойлаштириш ҳисобланади.

Бошқа ойларнинг мавсумий индекси анологик йўл билан ҳисобланади. ҳисобнинг натижалари 6-жадвалнинг 3 ва 5 устунида кўрсатилган.

2. Бир йилнинг ойлик маълумотлари кўп тасодифлар таъсирида мавсумий тебранишларнинг аниқлаш учун етарлича ишончли эмас. Шунинг учун статистикалар бир неча йил асосан 3 йилнинг ойлик маълумотларидан фойдаланади. Мавсумий индекс ҳисоби ҳам ҳудди шу формила орқали ҳисобланади фақат ойлик маълумот (До) 1 йил учун эмас балки аниқ ойларнинг 3 йиллик ўртача арифметиги олинади. Умумий ўртача ойлик даражаси (У) учала йилнинг (36 ой) маълумотлари асосида ҳисобланади. Бу 7-жадвалда кўрсатилган.

4. Мавсум ўртача индексини бир неча йиллик ҳисобида уларни олдин ҳар йил учун ҳисоблаш керак, кейин эса бу мавсум индексларидан 2, 3 ва ундан ортиқ йилликнинг ўртача арифметиги топилади. Буни январь, февраль 1994-1996 йилнинг аниқ бир мисолида кўриб чиқамиз:

1994 йил. МИ(январь)ҳ54496/6760*100%ҳ80,6%

МИ(февраль)ҳ6948/ 6760*100%ҳ102,8%

1995йил МИ(январь)ҳ5178/6933*100%ҳ74,7%

МИ(февраль)ҳ7062/6933*100%ҳ101,9%

1996йил МИ(январь)ҳ5486/6650*100%ҳ82,5%

МИ(февраль)ҳ7325/6650*100%ҳ110,2%

3 йилликнинг ўрта индекси тенг бўлади:

МИ(январь)ҳ80,6қ74,7қ82,8/3ҳ237,8/3ҳ79,2%

МИ(февраль)ҳ102,8қ101,9қ110,2/3ҳ314,9/3ҳ104,8%

Худди шундай қолган ойлар мавсум индекслари ҳисобланишиш мумкин. Мазкур каттакчалар тўлиқ олдинги ҳисоб каттакчалар билан мос келади (7-жадвалнинг 6-устунидаги январь-февраль маълумотларига қаранг).

7 – жадвалга мурожаат қиламиз. Агар жиноятчиликнинг ой бўйича маълумотларни жойлаштирса,унда унинг 1994 йилги суммаси 81 127 га,1995 йилда 83 191 га, 1996 йиги – 79 799 та жиноятга тенг бўлади.

Уҳ81 127қ83 191қ79 799 ҳ 244 117 ҳ6781 та жиноят

Мутлақ чекинишлар жиноятларнинг йил давомида ойлар бўйича таққосланиши тўғрисида муҳим ахборотни ўз-ўзидан ташийди. Бундан ташқари, улар асосида чёкинишларнинг мавсумий индексларининг фоизларда ҳисоблаш мумкин.

Берилган индекс қуйидаги формула бўйича қисобланади:

МИ ҳ Омч 100%,

У

Бунда Омч – мутлақ чёкиниш (8-жадвалнинг 4 – устуни), У – умумий ўртача (бизнинг мисолимизда 6781). Демак:

МИ (январь) ҳ - 1410 100% ҳ - 20,8%,

6781

МИ (февраль) ҳ қ331 100% ҳ қ 4,9%, ва х.к

6781

Бу ҳисоб ечими, олдинги ечимларга олиб келди. Демак, биз биламизки, январь мавсуми индекси (олдин ҳисобланган) 79,2% нинг ташкил қилган, февралда эса – 104,9%. Охирги маълумотлар ўртачаларининг чёкинишларини фоизларда ҳосил қилган, яъни 100% дан чёкиниш. Январь учун : 100 – 20,8 ҳ 79,2%, феврль учун: 100 қ 4,9 ҳ 104,9%.

Охирги ҳисоб бўйича МИ нинг чёкиниш хусусиятига (% ларда) йўналтирилиши ва чёкиниш белгиси (қ - ) етарлича тўғридир. Лекин ҳар бир терговчи мавсумий индекс ҳисобининг шундай танлайдики, у ҳар томонлама унинг учун қулай ва аниқ бўлиши керак бўлади.

Мавсумий индекслар ҳисоби билан танишиб чиқиш унинг заруратида шубҳа туғдиради, чунки қаторлар мутлақ кўрсаткичлари ҳисоб – китобларида ҳам у ёки бу ойларининг «чўққилар»и ва «тушкунликлар»и кўринади. Бу тўғри,лекин,мутлақ ойлик маълумотларни тебраниш жараёнлари ва аралаш ҳодисалари билан ,ўтган йиллар мавсумий тебранишлари билан тенглаштириш мумкин эмас ва ниҳоят тебранишларни ва мавжуд бўлиниб кетишларни ўлчаш мумкин эмас. Маълумки, барча жиддий ўрганишлар ўлчамдан бошланади. Тенглаштириш ва ўлчам масалалари мавсумий индекси ёрдамида осонроқ ҳал этилади.

# 9-МАВЗУ: КОМПЛЕКС СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ВА УНИ ЮРИДИК СТАТИСТИКАДА ҚЎЛЛАНИШИ

***Режа:***

1. **Статистик таҳлил қилиш тушунчаси;**
2. **Жиноятчиликни статистик таҳлил қилиш имкониятлари;**
3. **Жиноятчилик сабаблари, қонунбузарнинг шахси ва жиноий қилмишнинг мотивациясида статистик таҳлил қилишнинг имкониятлари;**
4. **Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини статистик таҳлил қилиш;**
5. **Судланганликни статистик таҳлил қилиш;**
6. **Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятини таҳлил қилишнинг статистик имкониятлари.**

## 1. Статистик (анализ) таҳлил қилиш тушунчаси

**Анализ** (таҳлил) – (юнонча analysis – қисмларга ажратиш) кенг маънода нарса, ҳодиса, жараённи, кейинчалик алоҳида ҳолда, бошқа ажратилган бутун қисмлар билан янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд маълумотларни тизимлаштириш мақсадида таркибий элементларга, хоссалар ва муносабатларга, хусусиятларга ажратиш, қисмларга бўлишни билдиради.

қар бир фанда таҳлил ўзининг махсус ва аниқ мазмунига эга (масалан, математик, мантиқий, ҳуқуқий таҳлил). Илмий таърифдан келиб чиқиб статистик таҳлил умуман ва айнан алоҳида юридик ўқув фанларга нисбатан ўрганиб чиқилади. Бунда юридик фан ва амалиёт бир хил эмаслигини назарда тутиш лозим. Криминология жиноятчилик ва улар билан боғлиқ бошқа фактик муносабатларни, фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи фанлари - ҳар иккаласи ҳам ҳуқуқий муносабатларни ўрганади, бироқ турли хил, бир-бирига ўхшамаган тушунчалар, категориялар, нормалар ва фактик фаолиятлар орқали ўрганадилар. Буларнинг барчаси статистик таҳлил табиатида ўз аксини топади.

Ижтимоий - ҳуқуқий тадқиқотларда статистик таҳлил ўз ичига ўрганилаётган ҳодиса (жараён)ни у ёки бу ҳуқуқ соҳаси билан белгиланадиган таркибий қисмларга, бу таркибий қисмларнинг миқдорий ўлчовлари, бу қисмлар ва бошқа ижтимоий ҳодисалар ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлаш, ҳодиса ва жараён шаклланишининг мавжуд қонуниятларининг аниқлашни олади.

Криминологик тадқиқотда статистик анализ жиноятчилик, унинг сабаблари, олдини олиш чоралари ва шу кабиларни миқдорий ва сифат жиҳатидан ўлчовларни, жиноятчилик ва у билан боғлиқ ижтимоий ҳодиса

ҳамда жараёнларнинг ўзаро муносабати, қонуниятларини белгилаб олиш мақсадида таркибий элементларга бўлишни назарда тутади.

Юридик фан ва амалиётда статистик таҳлил тушунчасининг мазмуни ечиб беришда биз умум фан таърифидан четга чиқишга мажбур бўламиз. Ўрганилаётган ҳодисанинг таркибий қисмлари ўртасидаги, улар ва бошқа ижтимоий ҳодисалар ўртасидаги ўзаро муносабатни юзага чиқариш, шаклланишнинг умумий қонуниятларини аниқлаш, қисқасини айтганда, кўпроқ анализ эмас, балки синтез (юнонча synthesis – ўзаро боғлаш, қўшиш) элементларидир. Ҳодисанинг айнан синтези ўзининг яхлитлиги ҳамда ўзаро боғлиқлигида статистик таҳлилга анализ орқали олинган статистик маълумотларни умумлаштириш ва яхлит ҳолга келтириш йўли билан тегишли кўпгина вазифаларни ечишда ёрдам беради.

Юридик аҳамиятга эга кўрсаткичларнинг статистик таҳлили юридик фаннинг турли соҳаларига ўзининг 4 та функциясини – тасвирловчи, шарҳловчи, прогностик, ташкилий – амалий функцияларини бажаришда ижтимоий воқелик билан алоқани ўз маслигига ёрдам беради.

1. Жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, криминология ва бошқа юридик ўқув фанларининг тасвирловчи функциясида статистик таҳлил асосий роль ўйнайди. Сабаби бу бизга ўрганилаётган ҳодисанинг миқдор ва сифат хоссаларини чиқариш, ҳодиса таркибий қисмларини тасвирлаб бериш, уларнинг ўзаро алоқаларини ўргатиш, ўзига хос хусусиятлари ва турли хил белгиларини аниқлашга ёрдам беради. Статистик таҳлил имкониятлари жиноятчилик маъмурий ҳуқуқбузарликлар, фуқаровий - ҳуқуқий деликтлар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа юридик органлар, жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича судлов, жазони ижро этиш кабиларни тсвирлашда нисбатан тўлароқ қўлланилади.

Юридик фаннинг бу функциясини амалга оширишда статистик таҳлил бошқаларга нисбатан кенгроқ қўлланилади. Буни камчилик сифатида қабул қилиш мумкин. Миқдорий ва сифат тасвирланиши таҳлилнинг биринчи ва энг оддий босқичидир.

Фаннинг бошқа функцияларини амалга оширишда статистик таҳлилнинг тўлиқ қўлланмаслиги кўп ҳолларда унинг усулларини яхши эгалланмаганлигидан дарак беради. Юридик ҳодисаларнинг статистик тавсифининг ўзи ҳам ҳар доим тизимли ва малакали бўлавермайди.

2. Юридик фан ва амалиётни изоҳловчи функция учун қўлланиладиган статистик таҳлил, тадқиқ этилаётган ҳодисанинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, унинг ташқи ва ички ўзаро алоқаларини аниқлаш, содир бўлаётган ўзгаришларнинг сабабий асослари ва мавжуд тенденцияларини ўрнатишга имкон берадиган бир қатор усул, восита ва методларга эга. Масалан, жиноятчилик ёки унинг алоҳида турларининг, унинг структуравий силжишлар ўсиши (камайиши) жиноий ва фуқаровий судлов фаолияти самарасизлиги, аҳолининг Ички ишлар органларига ишончининг пасайиши сабабларини объектив изоҳлаб бериш – мураккаб ва

синчковликни талаб этувчи муаммодир. Амалиётда буларни изоҳлашга кўп ҳолларда юзаки ва бир томонлама ёндошилади. Айтайлик, қайд этилган жиноятлар даражасининг пасайиши замирида кўп сонли ва турли хил сабаблар, жумладан, мамлакатда аҳоли турмуш тарзининг яхшиланиши, ҳуқуққа хилоф ҳатти - ҳаракатлар устидан назоратнинг мукаммаллашуви, аҳолининг жиноий ишлар бўйича одилоналигига ишонмаслиги, жиноятларни қайд қилишда ҳолисликнинг йўқлиги, жиноят қонунчилигидаги ўзгаришлар каби сабаблар ётиши мумкин.

У ёки бу муносабатни исботлашда чуқур фактор, корреляцион ва сабабий статистик таҳлил талаб қилинади. Мана шу ҳолдагина чиқарилган хулосалар амалий ва назарий қарорларининг ишлаб чиқилишида реал фойда келтирилиши мумкин. Одатда, осон йўл дан борилади: жиноятчилик даражасининг пасайиши – Ички ишлар органларининг фаолияти махсус сифатида қаралади. Бу хулосани тасдиқлашда уларнинг реал муносабатларини ўрганмасдан Ички ишлар ходимлари сонининг, иш ҳақининг оширилиши, янги техника билан жиҳозланиши каби «ишончли» маълумотларни ва уларни ижобий натижаларга олиб келган деб баҳолашади. қақиқатда эса мавжуд ўзгаришларнинг сабаблари умуман бошқа бўлиши мумкин, бироқ улар таҳлил этилмайди. Бундай «тахминий» таҳлилнинг зараридан бошқа ҳеч бир натижа чиқмайди. Бироқ кўпинча шундай хулосалар ҳокимият вақилларига қўл келади. Малакали (профессионал) статистик таҳлил бу каби зарарли хулоса ва қарорлардан озод бўлишга ёрдам беради.

3. Статистик таҳлил ўтмиш ва ҳозирги пайтнинг маълумотларида амалга оширилади. Ижтимоий - ҳуқуқий, криминологик, деликтологик ва бошқа юридик воқеликнинг ўзига хос хусусиятларининг энг ҳақиқий, энг ишончли тавсифлаш ва изоҳлашда ҳам бу воқеликнинг жуда ўзгарувчан ва динамиклигини назарда тутиш лозим. Шу сабабли, ўтмиш ва ҳозирги пайтдаги мавжуд маълумотларига асосланган хулосалар «кечаги кун» хулосалари бўлиб қолиши мумкин. Бундай хатоларни ўрганилаётган ҳодиса яқин келажакдаги юз бериш мумкин бўлган ўзгаришлар кўпвариантли, тахминий, бироқ нисбатан ишончли прогноз орқалигини четлаб ўтиш мумкин. Статистик таҳлил фан ва амалий фаолият у ёки бу соҳасининг прогностик функциясининг амалга ошириши учун етарли асосларни беради.

Яқин келажак учун прогнозларни амалга оширишнинг энг оддий методи – статистик тенденцияларни ва қонуниятларнинг яқин йиллардаги экстраполяциясидир (бу ҳақда график методлар ва динамика қаторларининг кўриб чиқилишида сўз борган эди). Агар мазкур тенденция ва қонуниятлар объектив тарзда аниқланган бўлса, бу ҳолда улар муайян тахминларнинг нисбатан ишончли асосини тақдим қилиши мумкин. Бунда фақатгина ўрганилаётган ҳодиса ва жараённинг тенденцияларинигина эмас, балки улар билан боғлиқ бошқа ижтимоий ҳодисаларни экспрополяция қилиш зарурдир. Статистик тадқиқ асосида, масалан, криминологияда нафақат

жиноятчилик ва унинг турлари, балки алоҳида шахсларнинг ҳулқ – атвори (индивидуал прогнозлаштириш) каби ўхшаш тенденциялар прогнозлаштирилади.

4. Ўрганилаётган ҳодисаларнинг тасвирлаш, изоҳлаш ва прогноз ўз ўзидан эмас, балки қонунчилик ташаббусини тайёрлаш, у ёки бу юридик фаолиятнинг оптимал тарзда ташкил этилиши, сермаҳсул иш фаолияти учун зарур. Бу шуни англатадики, юридик фан ва амалиётни тавсифлаш, тушунтириш ва прогностик функциялари ҳуқуқий давлат амал қилиши механизмларини такомиллаштириш мақсадида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига таъсир этиш имкониятига эга бўлиши лозим, яъни юридик фанлар ташкилий – амалий функцияси амалга ошириш лозим. Амалий чора – тадбирларни ишлаб чиқишда статистик моделлаштири, экспериментал қарорлар методлари ва статистик таҳлилнинг бошқа услублари қўлланилиши мумкин.

Мазкур бўлимни ниҳоясига етказа туриб, шуни қайд этиб ўтиш ўринлики, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа юридик органлар амалиётида ва ҳаттоки, юридик тадқиқотларда статистик таҳлил услублари, афсуски, лозим даражада қўлланилмаяпти. Кўп ҳолларда оператив мақсадлар ёки иллюзтрациялар учун қиёсий жадвалларни тузиш билан чекланилмаяпти, ҳолос. Чуқур таҳлил учун «қўл етмайди» ёки зарур статистик тайёргарлик (малака) етмайди. Бу таҳлилдаги потенциал фойдани наъфлаштиради.

Статистик таҳлилни статистик кузатув ва олинган маълумотларни чуқурлаштиришдан кейинги – учинчи, ҳамда, ундан сўнг келадиган сифат таҳлилини ҳисобга олмаганда, миқдорй тадқиқотларни охирги босқичи деб номлашади. Сўнгги тавсиф нисбий ҳарактерга эга. Чунки ҳар қандай амлий – таҳлилий чора – тадбирлар, ишлар статистик кузатувдан бошланади, статистик таҳлилнинг турли хил методларини комплекс амалга оширилиши билан ниҳоясига етади.

Статистик таҳлил кенг маънода ўз ичига қуйидаги хусусий методларни қамраб олада : 1) статистик гуруҳлаш; 2) умумлаштирувчи кўрсаткичлар (абсолют, нисбий, ўрта); 3) статистик сатрлар; 4) ҳодисалар ўртасидаги алоқаларни тадқиқ қилишнинг корреляция ва бошқа шу каби усуллари. Санаб ўтилган методлар статистик таҳлил олдига анъанавий тарзда қўйиладиган кўпгина вазифаларни ҳал этишга имкон беради. Миқдорий таҳлилнинг кейинчалик чуқурлашуви амалга оширилиши учун жиддий малакани талаб этувчи кўпгина математик методлар асосида бериш мумкин.

Мазкур бобнинг кейинги параграфларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, суд ва бошқа юридик органлар амалиётида кенг қўлланиладиган статистик анализнинг баъзи турлари қараб чиқилади. Шуни назарда тутиш лозимки, жиноятчилик, судланганлик ва бошқа шу каби фактларнинг статистик таҳлили криимнологияни мазмунини ёки жиноят ҳуқуқини, жиноят процессуал ҳуқуқини, фуқаролик, маъмурий ҳуқуқлари ва бошқа юридик ўқув фанларининг социологик томонларини акс эттиради. Сўнгги

параграфларда асосий диққат юридик фан ва амалиётда у ёки бу соҳанинг муайян муоммолари атрофида эмас (бу статистика доирасидан четга чиқиш бўлар эди) ёки конкрет масаларни ҳал қилишда таҳлилнинг статистик методлари қўлланиши атрофида ҳам эмас ( бу ҳолда дарсликнинг катта қисми хусусий масаларга нисбатан қайта кўриб чиқиш зарур бўлар эди), балки илмий ва амалий муоммоларни ҳал этишда статистиканинг қўлланишига доир камчиликлар атрофида жалб этилади. Зеро, бу камчиликлар айнан мана шу имкониятлар ҳақидаги билимларнинг етишмаслигидир. Бироқ, албатта, тадқиқот методлари муоммосини ҳал этишда ажратиш осон эмас. Шу сабабли баъзи ҳолларда бу имкониятлар аниқ масаларни ҳал этиш билан боғланган тарзда ёритилади.

## 2. Жиноятчиликни статистик таҳлил қилиш имкониятлари

Жиноятчилик - ҳозирда барча ижтимоий тизимларга хос ҳамда жуда кўп бошқа ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқ замон ва маконда тақсимланган фавқулодда салбий объектив ва чуқур стурктуралашган ижтимоий ҳодисадир. Ўзининг мазкур ҳолатида у статистик таҳлилни идеал объектини акс эттиради.

Бир томондан, унинг бошқа кенг тарқалган ижтиомий ҳодисаларга нисбатан статистик «жозибадорлиги» кўпгина дефиниция (тушунча) хоссалар ва хусусиятларга нисбатан қонуний ўрнатилган ва процессуал тарзда ҳужжатлар билан расмийлаштирилган мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эгалиги, оммавий махсус давлат органларининг профессионал ҳимоя билан беллашувда амалга ошадиган нормалардан иборат.

Бошқа томондан, жиноятчиликнинг ўзи, оммавий ижтимоий ҳодис сифатида, ўзининг кўп томонлама акс этиши билан нафақат сифат, балки миқдорий анализ даражасида ҳам, яъни статистик тарзда тушунилиши ва англаниши мумкин. Жиноятчилик муайян жиноий қилмишлар йиғиндисисиз кўриб чиқиш ўринишлари конкрет ижтимоий – жиноий қилмишларда акс этса-да «ушлаб кўриш» мумкин бўлмаган, мавҳумликка айлантиради. Шунинг учун жиноятчиликнинг миқдорий тадқиқ объекти сифатида ўрганиш азалдан юридик (ахлоқий, судлов, ҳуқуқий) статистикада етакчилиги ажабланарли ҳол эмас.

Юридик статистика, жиноятчиликни ўрганишнинг асосий миқдорий методи бўла туриб, криминология, жиноят ҳуқуқи ва бошқа криминал йўналишдаги фанларни ўрнини босмайди. У фақатгина жиноий қилмишларнинг миқдорий анализи имкрниятларини очиб беради. Бу имкониятлар жиноятчиликнинг ва у ҳақидаги маълумотларни статистик ҳисоботнинг мавжудлиги, жиноятчиликни йиллар ва ҳудудлар бўйича таҳлил этиш (қиёслаш), унинг сабаблари ва оқибатлари ўртасидаги муносабатни ўрганиш, у умумий тахминий ривожланишни пргозноз қилиш имкониятини берувчи катта миқдордаги умумлаштирувчи структуравий ва динамик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ марказлашган ҳисоботнинг

мавжудлиги билан белгиланади. Шу маънода жиноятчиликнинг объектив статистик ўрганилиши унинг сабаблари, ҳуқуқбузарнинг шахси, ижтимоий ва иқтисодий оқибатлар, жиноятчилик билан курашни режалаштириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини баҳолашнинг асосини ташкил этади.

Жиноятчиликнинг статистик таҳлили унинг реал ҳолатини аниқлашдан иборат. Бу масала мураккаб, кўпқирралидир. Бир томондан, мукаммал ишлаб чиқилган қайд этиш ва ҳисобот мавжуд; бошқа томондан, ҳеч бир мамлакатда, айниқса ҳозирги Россияда, қайд этилган жиноятчилик ҳақиқий криминологик вазиятни акс эттирмайди. Қайд этилган жиноятчилик даражаси ўртача содир этилаётган жиноятларни чораги ёки ярмини ташкил этади.

Жиноятларнинг алоҳида гуруҳи ёки турлари (иқтисод, мансаб, коррупцион, экологик ва бошқа) ҳақиқий криминологик воқеликнинг ўндан бири ва ҳаттоки юздан бир қисми ҳолларда ҳисобга олинади. Бу қайд этилган жиноятчиликнинг жиддий структуравий ўзгаришларига олиб келмоқда. Унинг қайд этилган қисми «оқёқалик» ва жиддий сир тутиладиган қилмишлардан очиқ ва қўпол, интеллектуалда содда (примитив), ҳокимият ва капитал жиноятчилигидан – қўполлашган, заиф мослашган ижтимоий қатламлар жиноятчилигига томон силжишларга жиноий оқибатлар жиҳатидан (жисмоний, маънавий в моддий зарар жиҳатидан) назар ташласак, улар янада яққолроқ юзага чиқади. Шунинг учун жиноятчилик реал ҳолатини аниқлаш - ҳар қандай маъмурий - ҳудудий босқичдаги статистик таҳлилнинг асосий ва фундаментал вазифадир.

Жиноятчилик ҳақидаги маълумотларни йиғиш биринчи босқичида статистик кузатувнинг асосий шаклини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг расмий статистик ҳисоби қўлланилади. Бирламчи ҳисобот ҳужжатлари (Ф1, Ф1.1, Ф1.2, Ф2, Ф3, Ф4, Ф6 статкарталари) 3500 бирликгача жиноятчиликнинг турли хил қирралари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

Бироқ бу карточкалар мунтазам равишда давлат ҳокимияти органларининг 60 дан ортиқ шакллардаги ҳисоботларида умумлаштирилса-да, кодлаштирилган хусусиятларнинг айримларигина (уларнинг сони 2 млн.дан ортиқдир) тақдим этиладиган ҳисоботларда ўз аксини топади. Жиноятчиликни ўрганишнинг вазифаларидан келиб чиқиб ҳисоботларда акс эттирилган маълумотлар талаб этилиши мумкин; шунга қарамасдан бирламчи ҳисобот ҳужжатлари ҳам мавжуддир.

Бундай «ҳаракатсиз» ахборотлар олинишининг ихчамлашиши шундан иборатки, мутлақ кўпчилик ҳудудлардан олинган бирламчи ҳужжатлар ҳисоби компьютерлаштирилганлигидадир.

## 3. Жиноятчиликнинг сабаблари, қонунбузарликнинг шахси ва жиноий қилмишнинг мотивациясида статистик таҳлилнинг имкониятлари

Криминология назариясида жиноятчиликнинг сабаблари, аниқ жиноятлар ва жиноятчи шахси одатда алоҳида – алоҳида кўрилса-да, лекин улар бир – бирига боғлиқ бўлган муоммолардир. Жиноий қилмиш мотивацияси асосан шахсий муммоларда учрайди, лекин кўп ҳоллардаобъектив ва субъектив сабаблар комплекс структураси сифатида кўрилади. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар реал ҳаётда ва амалиётда жиноятчиликнинг сабабларини, аниқ жиноятларни, жиноятчининг шахси ва жиноий қилмиш мотивациясини аниқ белгилаши осон эмас.

Жиноятчиликнинг объектив сабаблари субъектнинг шахси ва унинг мотивацияси орқали аниқ ноқуқий актларда амалга оширилади. Жиноий қилмишнинг сабаблари ўтган, ҳозирги ва мумкин қадар келажакдаги ижтимоий таъсир қонунбўз арнинг шахси билан боғлиқ. Жиноят содир этиш пайтида кўпгина сабаблар объектив мавжудлиги йўқолиб кетади, лекин жавобгар шахсида ўзининг «изи»ни қолдиради. Унинг дунёқарашида, одатларида ва ҳаракатларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам жиноят содир этиш пайти сабаб ва шароити англанган ёки англанмаган бўлади, лекин шахсан муҳим ахборот субъекти сифатида сайлаш йўли билан танланиб, унинг таъсири орқали шакллантирилган мотивацион муҳити конкрет мотив, мақсад ва истақлар орқали рўёбга чиқарилади.

Тергов ёки суд жараёнида жиноятнинг бир мунча сабаблари айниқса, ўтган, узоқлаштирилган ва эгрилари кўп ҳолларда аниқланмайди. Олинган кўринишда жиноятчи шахси берилаётган тавсифномасида анча аҳамиятга эга. Шу сабабдан жиноий ишда ва дастлабки рўйхат ҳужжатларида фақатгина ўрнатилганлари акс эттирилади.

Жиноятчиликнинг сабаблари, жиноятчи шахси ва жиноий қилмиш мотивациянинг статистик таҳлили масаласи – жиноий рўйхатда акс эттирилган хусусиятлар ва қонунбўз арнинг ҳаёти ва фаолиятида кўз атилган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа хусусиятлар орасидаги мавжуд алоқани аниқлаш ва ўлчашдан иборат. Жиноятчиликниинг сабаблари, жиноятчи шахси ва жиноий қилмиш мотивацияси статистик ўрганишда таҳлилий имкониятларни бирлаштирилган ҳолда битта параграфда, уларнинг объектив ўзаро боғлиқлиги ва дастлабки рўйхатда ва ҳисобот ҳужжатларида узлуксиз аксини кўрсатади. Статистик имкониятларнинг алоҳида таҳлилини ўрганишда мазкур ҳодисалар том маънода мавжуд ва зарурдир, лекин дарсликда бу кўпчиликни такрорланишига олиб келади. Асосийлаштирилган статистик имконият жиноятчиликнинг сабаблари, аниқ жиноятлар, жиноятчи шахси ва жиноий қилмиш мотивацияси илмий ва амалий мақсадларда методик тўсиқларга хизмат қила олмайди. Мана шу ҳолларда ҳам ёддан чиқариш керак эмаски, реал мавжуд бўлган ушбу объектларни алоқадорлигини ўрганиш зарур.

Жиноятчилик кўп миқдорда ижтимоий, иқтисодий, демографик, жамоавий, идеологик ва шунга ўхшаш сабаб ва маконда асосий ўринни эгаллайди. Шароитларни детерминация қилувчи система фундаментал криминологик изланишларда чуқур ишлаб чиқилган ва у тўлиқ эмпирик ўрганишларга тадбиқ этилади.

1. Жиноятчиликнинг сабабларини таҳлил этишда статистик маълумотларнинг имкониятлари жиноий жвобгарликни талаб этадиган ишларни бирма – бир ўрганиб чиқилгандаги имкониятлардан анча фарқлидир. Бир тарафдан (юридик статистика доирасида) бу имкониятлар статистиканинг бошқа соҳаларидаги имкониятлардан анча чеклангандир. Аслида, юридик (жиноий) статистика жиноятчиликнинг сабабларини бевосита эмас, балки шартли равишда ўрганади. Аммо, жиноятчиликни статистика асосида ўрганиш фақат жиноятчиликка оид маълумотлар тўплами билан чекланмайди. Жиноятчиликка оид статистик маълумотлар билан бирга, статистиканинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, тиббий, демографик ва бошқа турдаги маълумотлари ҳам ўрганилади. Лекин шу маълумотларни барчасини биргаликда ўрганишда статистик таҳлилнинг ўзига хос методларидн фойдаланиш ҳақида гапириш мумкин. Барча ҳолларда уларнинг универсал ҳарактерга эгалигини кўришимиз мумкин.

Жиноятчиликнинг сабабларини аниқлашда дастлабки олинган маълумотлар уларнинг динамикаси, структураси, босқичлари ва ҳолатларини тавсиф қилиш билан бошланади. Асосий муҳим аҳамиятга эга маълумотлар ичига жиноят содир этишдаги турли ҳолатлар ва жиноятчилик кўринишларини объектив аломатларига қараб тақсимлашдаги натижалар киради:

- Жиноят содир этиш жойлари ва усуллари;
- Тажоввуз объектлари ва предметлари (ноқонуний оборот);
- Жиноят содир этиш усуллари ва қуроллари;
- Жиноятларни тавсифлаш;
- Административ - ҳудудий бўлим;
- Ижтимоий соҳалар;
- Хўжалик тармоқлари;
- Мулкчилик турлари;
- Бошқарув субъектларини ташкилий - ҳуқуқий формалари;
- Қурол-яроғ, портловчи моддаларини қўллаш.

Бу маълумотлар нисбатан аниқ тарзда энг криминоген зона, ҳудуд, соҳаларни аниқлашда ёрдам беради.

Юқорида кўрсатилган аломатлар бўйича олинган маълумотлар кўрсаткичлари анча юқори : жиноятни содир этиш усуллари бўйича – 29 та аломат, иқтисодий тажоввуз қилишда бошқарув субъектларининг ташкилий

формалари бўйича – 54, тажоввуз предметлари – 103, жиноят содир этилган жойлари бўйича – 105, хўжалик соҳалари бўйича – 286 ва х.к.

Йўналтирилганликни ўрганишни аниқлаш режали ёки тасодифий бўлиши мумкин. Масалан, жиноятчилини бўлинган миқдорини рўйхатдан ўтказиш маълум бир ҳудудда, туманда, давлатнинг берилган ўртача даражасига қараганда ёки Федерация субъектлари бўйича ёҳуд келаси йил маълумотларини таққослаш ўша ҳудуддаги ўрганилаётган шароитларни чуқурроқ ўрганишда аҳамият касб этади. Шундай ҳоллар ҳам бўлиши мумкинки, бўлинган миқдор ҳолининг миграцион ўсишига боғлиқ. 100 минг ёки 10 минг аҳолининг жиноий жавобгарлик даражаси берилган туман жиноятчилиги ҳолати аниқ очилишига ёрдам беради. Агар у коэффициент жиноятчилик коэффициенти бўйича салбий томонга ўзгарса, уҳолда криминологияни ўрганишга етарлича асос бўлиб хизмат қилади.

Жиноятчилик унинг бошқа объектив кўрсаткичлари бўйича, жиноятчиликни содир қилишнинг жойи ва усули бўйича, жиноий тажовузларнинг объекти ва предмети бўйича қилмишларнинг таснифланиши ва категорияси бўйича, хўжалик тармоқлари бўйича ва шунга ўхшашлар бўйича таҳлил қилиш, криминоген шароитни аниқлаштиришга имконият яратади. Масалан, агар жиноятчилик кўчаларида ва жамоат жойларида тарқалган бўлса, жиноятчилик сабаблари доираси битта бўлиши мумкин, ташкилотларда бошқа сабаб, хонадонларда – учинчи сабаб бўлади. Агар тажоввуз нинг объекти тадбиркорлик фаолияти бўлса, сабабларни киритиш мумкин; хусусийлаштириш тартиби – иккинчиси; аёлларнинг жинсий дахлсизлиги – учинчи; давлат бошқарув тартиби – тўртинчи. Шу тарзда ҳар бир объектив кўрсаткич аниқланади.

Жиноятчиликнинг дастлабки ҳужжатли ҳисоби жиноятчиликнинг қўшимча ҳарактеристикаси сифатида рўйхатдан ўтказилади. Дастлабки ҳужжатларда жиноятчилик ҳисоботининг қўшимча жиноятлар ҳарактеристикаси қайд этилади. У ерда қуйидагиларкўрсатилади: хусусийлаштириш билан ,ер муносабатлари билан ,ташқи иқтисодий ёки молиявий, кўчмас мулк операциялари билан боғлиқ жиноятлар қанчалиги; юк ва йўловчи ташиш билан ва юкларни етказиб берилишидаги талон – тарож жиноятларининг қанчалиги; босқинчилик билан боғлиқ, таъмагирлик, асирликка олиш ва бошқа шунга ўхшаш жиноятларнинг қанчалиги; ёрдамга муҳтож шахслар билан содир қилинган жиноятлар, хизмат вазифасини бажаришда содир қилинган жиноятлар қанчалиги; қанча жиноятлар соғлиққа қарши оғир зарар ёки жабрланувчиларнинг ўлими ва бошқалари; жамоа учун ҳавфли жиноятлар оқибатлари; қанча жиноятлар турли тадбиркорлик ёки банк фаолиятидаги қонунбўз арликлар билан боғлиқ ва х.к.

Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларни кўпчилигини барча жиноятларга нисбатан қўллаш мумкин – улар фош қилинган ёки

қилинмаганидан қатъий назар, қолганларини эса фақат фош қилинган жиноий ишлар ёки айбдор шахсларни аниқлашга қўллаш мумкин.

Жиноятни фош этиш ва уларни содир этган айбдор шахсларни аниқлаш – жиноят содир этишдаги объективҳолатлар бўйича қилинган дастлабки хулосаларни янада равшанроқ аниқлаш, ҳамда қонунбўз арлар ва уларни жиноий ҳаракатларга мажбур қилган сабабларнинг умумий ҳарактеристикаси билан танишишга имкон беради.

2. Статистика карталарида жиноят содир қилган шахс бўйича 200 дан ортиқ матн ва кодлардан иборат шахснинг белгилари қайд қилинади. Истеъмол қилиниши назарда тутган ҳолда, кодлар, маълумотномалар РФ ЖК сининг Махсус қисмида – 1500 га яқин белги бор: фамилия, исм-шариф, туғилган йили, жинси, маълумоти, фуқаролиги, турар жойи ва давлати, келишдан мақсади, ижтимоий ҳолати, молиявий таъминоти, оилавий ҳолати, миллати, жиноят содир этган вақтдаги ҳолати (алкоголик, наркотик, токсик маст ҳолати), сурункали алкоголик, наркотик ва токсик маст кимсалар тоифасига алоқадорлиги, ақолининг бошқа маргинал тоифаларига алоқадорлиги, жиноят содир этишдаги иштирокчиларнинг тури ва иштирокининг формаларига қараб тақсимлаш, жиноятни қайта содир этиши, аввал судланганлиги, умумий ва махсус рецидивлигига қараб тақсимлаш ва бошқалар.

Кўпгина сабаблар фақат жиноятни содир этишда айбланаётган ёки гумон қилинаётган шахслар бқйича тўпланган у ёки бу маълумотлар орқали аниқланиши мумкин. 1996 йилда, масалан, аниқланган тартиббўз арлар структурасида 11,9 фоизни вояга етмаганлар 15,9 фоизни аёллар,48,1 % доимий даромад манбаига эга бўлмаганлар, 22,1 % ни олдин жиноят содир этган шахслар, 28 % ни уюшиб жиноят содир этган пайтда алкоголик маст ҳолда бўлган шахслар ташкил қилган.

Мана маълумотларни ўзигина ўрганаётганларни эътиборини ёшларни оила ва мактабларда тарбия қилишда йўл қўйилаётган нуқсонларга, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларнинг криминоген ҳолатларига, олдин жиноят содир этган шахсларни жамиятда ўз ўринларини топишдаги қийинчиликлари ва уюшган жиноятчиликни, мастликнинг криминоген таъсирига қаратади. 1997 йилда юқоридаги кўрсаткичлар шу тартибда : 11.8%, 13.6%, 52.4%, 25.9% ни ташкил қилди. Йил давомида олдин жиноят содир этган ва судланган шахслар ҳамда доимий даромад манбаига эга бқлмаган шахслар томонидан жиноятчиликни кўпайиши – жиноятчиликнинг маълум сабаблари ва йўналишларини намоён қилади.

Ҳудди шу маълумотлардан кўринадики, жиноят содир этиш аҳолининг маргинал қатламлари орасида кўпайиб бормоқда, гарчи аслида жиноят аҳолининг турли қатламлари, жумладан, сиёсий ва бошқарувчи элита томонидан ҳам содир этилади, рўйхатга олинади ва ҳоказо. Фош қилинмаган ёки латент қилмишларни содир этган шахсларни ҳарактеристикаси юқоридаги белгиларни умумий сонига сезиларли даражада таъсир этиши

мумкин эди, лекин расмий статистикада бундай маълумотлар мавжуд эмас. Бу турдаги маълумотларга фақат махсус ташкил этилган статистик кузатишлар ёрдамида олиш мумкин. Кишининг шахсини ўрганиш каби мураккаб жараёнларда статистикани қўллашда олинган маълумотларга ўта танқидий муносабатда ёндошиш лозим бқлади ва олинган маълумотларни ишончли эканлигини таъминлаш учун бошқа турдаги маълумотларга эга бўлишга тўғри келади. Барчага маълумки, субъектни маст ҳолда эканлиги – жиддий криминоген фактор. Фош қилинган тартиббўз арлар ва жиноятларни умумий сони бўйича олиб қараганда бу ҳолат 30 – 35% фоизни ташкил қилади. Бу ҳолат майда тартиббўз арликларни содир қилишда анча юқори кўрсаткичга эга. 60 йилларда майда тартиббўз арлик жиноятчиликнинг 1/3 қисмини ташкил этган эди. Маст ҳолда жиноят содир этиш ҳоллари ҳар 10 та содир этилган жиноятнинг 6-9тасида намоён бўларди. Бу фактор асосий эди. Лекин бу факторга бошқа тарафдан назар солайлик.

База сифатида, яъни 100% учун, майда тартиббўз арлик содир этган шахслар сони эмас, балки спиртли ичимлмклар истеъмол қилувчи фуароларнинг умумий сонини оламиз ва уларнинг орасидан майда тартиббўз арлар сонини чиқариб оламиз. 80 – йилларнинг бошларида йилига ҳар 1000 ичувчи киши орасидан 2-4 киши тартиббўз арликлр содир этган. Агар тартиббўз арлик ҳолатларини ичиш ҳолатлари сони билан солиштирсак, чунки криминоген омил (фактор) сифатида жиноят содир этиш пайтидаги маст ҳолат назарда тутилади, биз шуни кўрамизки, тартиббўз арлик ичувчилар орасида кам бўлади. Шу ичувчилар учун энг кам спиртли ичимликлар истеъмол қилиш оралиғи сифатида ойига 1-2 марта ёки йилига 12-24 марта олинди.

Шундай ёндошган пайтда, мастлик ҳолати кўп ҳолларда бевосита тартиббўз арлик ёки «маст» ҳаракатларни содир этишга олиб бормайди. Аслида бу масала жуда мураккаб бўлгани туфайли, кишининг мастлик ҳолати билан ўзаро таъсирда бўлувчи биологик ва психологик хусусиятларни ўрганмасдан туриб, мастликни криминоген таъсирини тушуниш қийин бўлади. Шундай бўлса-да, бу омил криминология учун муҳим бўлиб, уни бошқа ҳолатлардан мустақил рвишда ҳисобга олиб бўлмайди. Лекин у тартиббўз арлар стуктурасида анча кенг улушга эга ва азалдан турли ҳалқлар ва минтақалар учун турлича бўлади.

1996 йилда олинган маълумотларга қараганда Россияда маст ҳолда содир этилган жиноятлар 34,6% ташкил қилган. Федерациянинг субъектлари орасида фарқланиш 6 маротабадир ва маълум тарзда жиноятчиликнинг умумий ҳолати билан боғлангандир. Маст ҳолда содир қилган жиноятлар: Тува Республикасида – 50.6%, Волгоградда – 52.5%, Кома Республикасида – 53.6%, Ингушетия – фақат 8.8%, Адигеяда – 13.2%, Шимолий Осетия Республикасида – Аланияда (бутун мамлакатни сифатсиз ва қалбаки ароқ билан тўлдирган шаҳар) 14% ни ташкил этди. Бундай тафовут твсодифий эмас ва у анча кенг, чуқур назарий ва статистик таҳлилини талаб этади.

Тартиббўз арларнинг шахси белгиларининг умумий миқдорини тартибга риоя этувчи фуқароларнинг худди шу белгиларининг умумий миқдори билан солиштириш мақсадга муфовиқдир. Жиноятчиларнинг орасида эркакларнинг улуши 84-87% ни ташкил этганини қайд қилганимизда бу жинснинг алоҳида криминоген эканлигини даъво қилиш мумкин. Лекин 100 000 эркак ва аёллар орасидан жиноятчиларнинг жинс бўйича коэффициентни ҳисобласак, эркакларнинг криминоген хусусиятлари янада яққол намоён бўлади. Бу боғлиқлик аниқ бўлиб, дунёнинг кўпгина давлатиларида эркакларнинг жиноий фаоллиги аёлларга қараганда 6-7-8 марта юқоридир.

Худди шу гаплар доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларнинг криминогенликларига ҳам тегишлидир. Уларнинг улуши Россиядаги жиноятчилар структурасида 1997 йилда 52,4% ни ташкил этди. Бу жуда кўпдир. Шу тоифадаги фуқароларнинг умумий аҳоли структурасидаги улуши ҳақда аниқ маълумотларга биноан, у 15-20% ни ташкил этади. Агар бу тўғри бўлса, ушбу таҳлил этилаётган омилнинг криминогенлиги янада равшандир. Тартиббўз арларнинг шахси ҳақидаги у ёки бу маълумотларнинг қиёсий статистик таҳлили жуда жиддий криминологик муомоларни кўрсатади. 80 – йилларнинг охирида вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни таҳлил этиш пайтида қуйидаги маълумотлар юзага чиқди. Ўқувчилар орасида 1988 йилда ҳар 278 ўқувчи томонидан 1 та жиноят, касб - ҳунар коллежлари ўқувчилари орасида ҳар 77 ўқувчидан 1 жиноят, ишлаётган ўсмирларнинг 24 – 26 ўсмир орасидан 1 та жиноят ва ўқимайдиган ҳамда ишламайдиган ўсмирлар орасида 5 – 6 ўсмирдан 1 та жиноят қайд этилган. Бу шуни англатадики, жиноий фаоллик ўқишдан ва ишдан четда қолган ўсмирлар орасида ишлайдиган ўсмирлардан 4 –6 марта юшори, касб - ҳунар коллежлари ўқувчиларидан 10 – 15 марта юқори ҳамда мактаб ўқувчиларидан 40 –45 марта юқоридир.

Вояга етмаганларнинг турли тоифалари ўртасида криминогенлик иерархиясини бу ҳолда табиий равишда мактаб, касб - ҳунар коллежи, завод ва кўчалар ўртасида кўрсатиб берди. 90 – йилларда бу ҳолат янада жиддий тусга кирди. Лекин ҳозир бу масала юзасидан фақат таҳмин қилиш мумкин, чунки тўлиқ ва систематик қайднома нафақат ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган болалар, балки таълим олдиган барча тоифадаги болаларга нисбатан ҳам юритилмаган. Бундай маълумотларни фақат махсус ташкил қилинган танлаб ўтказиладиган текширувлар ёрдамида олиш мумкин. Хулосаларга келиш мумкин, яъни ўсмирлар тартиббўз арлигини ўсиши келажакда катталар ўртасида жиноятчиликни ўсишига замин яратади.

3. жиноят содир этишнинг эхтимолий сабаблари ва ҳолатлари ҳақида ўта муҳим маълумотлар жиноий ҳаракатнинг мотивларида акс топади. Дастлабки қайд этувчи ҳужжатларда ўз шахсий ғаразлари туфайли содир қилинган жиноятларни кўрсатади, яъни наркотик моддаларни психотроп ва қаттиқ таъсир қилувчи моддаларни қўлга киритиш мақсадида, прекурсорлар,

спиртли ичимликлар, пул, кредитни қўлга киритиш мақсадида, қурол – яроғ, ўқ – дори, портловчи моддалар ва мосламалар, грўз,транспорт воситани қўлга киритиш учун, сотиш ва фойда кўриш, тартиббўз арлик, жинсий ва кундалик ҳаётидаги туртқилар сабаби билан (жанжал, рашк қилиш ва бошқалар), кўролмалик, нафрат, қасос туфайли (ирқий, миллий, диний) шахсий дахлдорлигининг бошқа формаси – таъсир доирасини тақсимлаш мақсадида, бошқа жиноятларни содир этишни осонлаштириш ёки уни яшириш учун фойдани солиқдан асраш яшириш учун, инсон органларини трансплантация қилиш учун ва бошқа кўп белгилар.

Мотивларнинг рўйхати ҳақиқатдан, унинг сабаби биринчи навбатда, уларнинг мазмуни суд тажрибаси ва илмда етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Юқорида ккрсатилган рўйхат сўзма – сўз жиноятни содир қилган шахсларни тергов қилиш натижасига кўра статистик карточкалардан кўчирилган. Уларда таъмагирлик ниятлар (код 01), наркотик моддаларини эгаллаш мотивлври (код 02), спиртли ичимликлар (код 04), пул маблағлари (код 05), юкларни ҳар ҳил ташиш йўналишида талон тарож қилиш (код 19,20,21), талончилик билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар мотиви тўғрисида (код 30), товламасилик (код 31), бандитизм (код 32), ўтказиш мотивида (код 10), ишлаб чиқариш тури (код 11), таъсир кўрсатиш сферасининг бўлинишида (код 20), даромадни яшириш (код 22). Юқоридаги кўрсатилган барча мотивлар таъмагирлик ва ғараз ниятлар ҳарактерлайди. Агарда статистик карточкаларда ғараз ниятларга нисбатан асосини берадиган бўлса, тўғри бўлар эди. Афсуски, бу мавжуд эмас. Шу сабабли жиноятларнинг мотиви бўйича база билан ишлаганда танқидий ёндошиш керак.

Шунга қарамасдан, криминал мотивацияни ўрганиш, жиноятларни келттириб чиқарувчи объектив ва субъектив сабабларни чуқур ўрганишга ёрдам беради. ҳамда жиноятларни содир этган шахсига баҳо бериш ва тушунишга, субъект томонидан содир этилган жиноятни тўғри квалификация қилишда, жазони яккалаштириш ва жиноятчиларга жазони муқаррарлигини аниқлашга ёрдам беради. Жиноятиликни мотив ҳарактеристикаси билан шахсни ҳамда жиноятнинг объектив ҳарактерини бирга кўриш изланувчиларнинг жиноятлар сабаб ва шароитларини илк асосларга яқинлаштиради. Шу маълумотларга асосланиб биз, қандай жиноятлар қаерда, нима учун, ким томонидан содир этилаётганлигини биламиз.

Шунга ўхшаш латент жиноятлар маълумотларини ҳисобот бўйича етарли эмаслиги, ҳамда очилмаган жиноятлар бўйича етарли эмаслиги, мазкур ҳолатлар бўйича жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини тўлиқ ҳажмда ўрганишга имконият берилади. Аммо очилган жиноятлар бўйича маълумот бирмунча жиноятни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар яратмоқда. Юқори турувчи криминал мотивоарни кузатиш ва уларнинг сабаблари ва жамиятда жиноятчиликни олдини олишда криминологик силжишлар ҳақида маълумот бермоқда.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларини динамикасини мотивига аҳамият берсак, 1956 йилда 87,5% бўлган.

Қуйидаги мотивларга асосан содир этилган: рашк, жанжал ёки бошқа маиший сабабларга кўра – 52.8%, безорилик ниятлари – 19.5, она томонидан чақалоғини ўлдирилиши – 7.5%, товламачилик ва босқинчилик – 6.3%, номусга тегиш – 1.4%. 1966 йилда шу кўрсаткичлар қуйидагича бўлиб, 52,5қ26,7қ3,7қ1,8қ1,2ҳ91,9%.

1991 йилга келиб, уларнинг криминологик аҳамияти (91,9 дан 37,4% гача) – 2,6 мартага камайди. Шу жумладан, рашк ва бошқа маиший ҳаракатлари – 10 мартага, болалар ўлими – 9 мартага, талончиликдаги ғараз ниятлар – 9 мартага, номусга тегишдаги сексуал мотивация – 5 мартага камайди. Бўлган ўзгаришларнатижасида одам ўлдириш жиноятининг 3 тасидан 2таси ғараз ниятларда, рақобат туфайли, шасд, миллий ва сиёсий масалалардир. 60 йилларнинг мотивига қараганда, охирги йиллардаги мотивларнинг келиб чиқиш сабаблари бошқача. Бу мамлакатдаги ўзгаришлар сабаб бўлмоқда.

4. Юқоридаги кўрсаткичлар статистик ҳисоботларда ўрганиш алоҳида аналитик аҳамиятга эга, баъзи бир хусусий кўрсаткичларга мурожаат қиламиз. 1995 йилда, 8222 та уюшган гуруҳ аниқланди. 1641 та гуруҳда 4 тадан 10 тагача одамни ҳисоблашган, 151 таси – 10 тадан ортиқ; 1628 та гуруҳ 1 йилдан 5 йилгача мавжуд бўлган, 11 таси – 5 йилдан ортиқ; 363 та гуруҳ ҳалқаро алоқаларга эга бўлиб, 1065 таси - ҳудудлараро алоқаларга эга. 857 таси – порахўрлардир. Уюшган гуруҳлар (аниқланганлари) 26 433 та оғир жиноятлар содир этишган.

Мамлакатда уюшган жиноятчилик кенг тарқалиши бир йил давомида 8 мингта уюшган гуруҳларни аниқланганлигига гувоҳлик беради. Лекин гуруҳларнинг реал сони 2 – 4 баравар ортиқ. 17% гуруҳлар ҳалқаро алоқалар ва ҳудудлараро алоқаларга эга бўлганлар, ҳар ўнтаси порахўр мансабдорлар билан боғлиқ бўлган. Деярли 20% 1 йилдан 5 йилгача ва ортиқроқ пайт ҳаракатда бўлган, лекин ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан уларнинг ноқонуний фаолияти аниқлаб берилмаган. Агар биз уюшган жиноятчиликни динамик шаклда кўрадиган бўлсак, муҳим тенденция ўрнатамиз : 6 йил ичида (1989 – 1995 йиллар) аниқланган уюшган гуруҳ 17 мартага кўпайди, уларнинг гуруҳни ташкил этувчи сони 4 тадан 10 тагача – 10 марта, мавжудлиги бўйича – 1 йилдан 5 йилгача – 20 марта, порахўрлик бўйича – 142-172 мартагача бўлиши мумкин. Худди шу йиллар ичида уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятлар сони 9 мартага кўпайди.

Анализ қилинаётган кўрсаткиялар сабабларни аниқлаш мақсадида уларнинг динамикасига мурожаат қилсак, муҳим ютуқларга эришамиз. Айнан уларнинг динмикаси, яъни салбий ва ижобий жиноятлар динамикаси у ёки бу системага, антикриминоген факторларни киритишга рухсат беради. Улар орасида бир хил турдаги жиноятлар ҳа бўлиши мумкин. Қайд этилган

ўқ- отар қуролларни талон- тарож қилиш жиноятлар билан уларни қўллаш бир-бирига боғлиқ.

Ўт отувчи қуролларнинг талон-тарож қилинишининг рўйхатдан ўтказиш билан ўт отувчи қуроллар билан содир этилган жиноятларнинг ҳисобга олиниши ўртасида тўғри корреляцион қарамлик мавжуд.

Ўқ-отар қуролларини талон-тарож қилиш жинояти ва уларни қўллаш жинояти ўзаро боғлиқ бўлиб, тажрибага асосан бирҳиллиги аниқланмоқда. Аммо ўқ-отар қуролларини талон-тарож қилиш, кейинги жиноятларга тайёргарлик кўришни бошланиши бўлиб ҳисобланади. Лекин бу содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятларни шу ерда ўқ-отар қуроллари билан содир этилган дейишга асос бўла олмайди. Аҳолида қуроллардан фойдаланувчилари кўп.

70- йилларда ўнлаб талон-тарож қилинган қуролар, 80 йилларда юзлаб, 90-йилларда минглаб, 1996 йилда 3242 та қурол қидирувга берилган берилган. Бу 1988 йилга қараганда 210 марта кўп. РФ нинг ИИВ берган маълумотига кўра 1995 йилда ноқонуний оборотда 150мингдан ортиқ ўқ-қуроллар бўлган. Бундан ташқари, 3.2млн. ўқ-отар қуроллар (асосий тарздаги, ов қуроллари) шу йилнинг ўзида фуқароларнинг эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Қуролларнинг қай бири бўлса ҳам жиноят содир этишда фойдаланиши мумкин эди.

1992 –1995 йиллар орасида қуролланган жиноятларни олдини олиш борасида бир неча чоралар амалга оширилди. Бу эса аҳолининг қуролланган қисмини камайишига олиб келди. 80 – 90 йиллар бу – АҚШда кўз атилган. АҚШда қурол эркин сотилади ва сотиб олинади. ҳисоб бўйича ҳар бир яшовчи (ёш боладан қариягача) учун 1та ствол тўғри келади.

Ер юзасида ўқ – отар қуролларнинг тарқатилиши муоммоси ҳалқаро жамиятни ташвишга солади. БМТнинг 9 – конгрессида ўқ – отар қуролларининг тарқатилиш жиноятини ва қонун бузилишини олдини олиш ҳақида муҳокама қилиниб, махсус резалюция лойиҳаси қабул қилинди. Юқорида кўрсатилган ва ўрганилган жиноятларнинг узвий боғлиқлиги, миллий ва трансмиллий криминологик масалаларини келтириб чиқариши мумкин. Юқоридаги икки параллел статистик анализни натижаси РФда ўқ – отар қуролларини эркин чиқаришга қатъиан қарши бўлган.

5. Жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни статистик йўл билан аниқлашга қўйилган кейинги қадам, бу – криминалистик статистика билан ижтимоий, иқтисодий, демографик, маданий, тиббий, географик, маънавий статистик маълумотларни таққослашдир.

Мазкур ҳолатга мисол бўлиб, умумий жиноятчилик сонидан келиб чиққан коэффициенти билан 100минг ёки 10минг аҳолини таққослаганда келиб чиқади. Бу таққослаш жуда кўп жиноятчиликни объектив баҳо бериш билан боғлиқ муоммоларни ечишга ёрдам беради, ҳудудий ва йиллик таққослаш анализи ҳамда у ёки бу криминоген аҳоли гуруҳини аниқлашга ёрдам беради. Шу каби 1кв.км ҳудудда содир этилган жиноятларни бир –

бирига қўшиб статистик аниқлик киритиш мумкин. ҳудуднинг ҳажми билан жиноятчилик содир этиш ҳажми анологик таққосланади.

Жиноятчиликни сабабларини ўрганишнинг қимматлироқ маълумотлари жиноий статистиканинг жамият ва давлатнинг – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий ва бошқа статистик характеристикасида намоён бўлади. Бу маълумотни РФнинг Давлат статистика қўмитаси тўпламида тўпланади ва тарқалади. Бундай ҳолда статистик таҳлил тартибли ҳисобланади ва ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларининг барча тармоқларида статистик ҳисоб – китоб ва ҳисобот вужудга келтирилади. Бундай тармоқлар статистикасига мурожаат қилиш терговчидан уни қизиқтираётган ҳисоб – китоб ва ҳисобот билан етарлича таниш бўлишини талаб қилади.

**Демографик статистика** вақт ва макон бўйича тақсимланган жиноятчилик билан аёллар ва эркаклар, турли ёшдаги шахслар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, аҳоли ишлаб чиқаришининг умумий ва хусусий кўрсаткичлари, никоҳ ва ажралиш, туғилиш ва ўсиш, табиий ва миграцион ўсиш каби барча аҳоли сонининг аналогиктақсимланишини солиштириш имкониятини яратади. Буларнинг ҳаммаси жиноятчилик сабабларини ёки унинг асосий томонларини ўрганишга тўғри алоқадордир.

Бу ўрганишлардаги асосий ролни жиноятчилик даражасининг асосий умумиқтисодий кўрсаткичлари билан мамлакатнинг моддий ишлаб чиқариши ва турли хўжалик шаклларининг ривожланиши билан (Федерация, шаҳар, туман субъектлари) миллий ялпи маҳсулот даражаси ва тузилиши билан ,иллий даромадга, меҳнат ишлаб – чиқариши, истеъмол ва тўпланиши билан ,аҳолининг ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича тақсимланиши, табиий ресурслар ва атроф – муҳит муҳофазаси, илмий – техник ўсиш билан, алкоголь ичимликларининг ишлаб чиқарилиши ва обороти билан ва ҳоказолар билан ўзаро боғлиқлигини бажаради. Статистика ва криминология шунга ўхшаш таҳлил ўтказишнинг бой тажрибасига эгадир.

Қизиқарли маълумотлар масалан, БМТнинг 4 йиғилишида 1990 йилги жиноятчилик тенденциясининг одам ўлдиришнинг, одам ресурсларининг ривожланишининг агрегирован кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги келтирилади. Бу ушбу кўрсаткичлар ўзида миллий даромадни, узоқ ҳаёт кўриш ва таълим олиш даражаларини намоён қилади (2 – жадвал).

БМТ томонидан аввалроқ ўрнатилган тенденциялар келтирилган халқаро статистик маълумотларни тасдиқлайди: зўрлик ва одам ўлдириш жиноятлари даражаси қашшоқ ва ривожланаётган давлатларда, ривожланган ва ўзига тўқ давлатларидагига қараганда анча баланддир, чунки яшаш ва ҳаёт учун кураш, инсон ҳаёти қадр – қимматини туширади. Етарлича ижтимоий таъмишланган, ривожланган давлатларда ғараз ниятларда қилинган жиноятлар, асосан ўғрилик жиноятлари даражаси анча юқори ҳисобланади.

Келтирилган жадвал одам ўлдиришнинг одам ресурсларининг паст даражаси билан ,аҳоли даромадининг ўрта ва паст даражаси билан ,мамлакатнинг том маънода етарлича ривожланмаганлиги билан сабабий боғлиқлигини очиб беради. Ривожланиш даражаси паст бўлган давлатларда одам ўлдириш коэффиценти,ривожланиш даражаси юқори бўлган давлатларга нисбатан 4,5 баравар каттадир.

**Ижтимоий статистика** кўрсаткичлари системасини шартли равишда 4та катта гуруҳга бўлиш мумкин.

1. *Жамоат ва давлат қурилиши статистикаси:* давлатнинг иқтисодий системаси, давлатнинг сиёсий системаси, жамиятнинг ижитимоий тузилиши, жамиятнинг табақаланиши, жамоат фикри ва бошқа парометрлар;
2. *Шахс, жамият, оила статистикаси:* шахс ва оила, меҳнат коллективи, маънавий хордиқ, бўш вақт ва бошқа кўрсаткичлар;
3. *Аҳолининг ҳаёт даражаси статистикаси:* сарф ва даромад, меҳнат шароитлар, ижтимоий ёрдам, моддий таъминот истеъмоли ва хизмат;

*Аҳолига ёрдам кўрсатиш соҳасидаги статистика:* савдо ва маиший хизмат, уй – жой масалалари ва коммунал хизмат, транспорт ва алоқа хизмати соғлиқни сақлаш ва бадан – тарбия, ҳаёт кечиришнинг муддати, таълим – тарбия, оммавий ахборот ва хизмат кўрсатишнинг бошқа кўплаб агентлари.

Статистик ва криминологик адабиётларда жиноий ва ижтимоий – иқтисодий статистика асосида жиноий ҳодисалар сабабларининг ўрганиш каби кўплаб масалалар қадимдан бери ва муваффақиятли тарзда ҳал қилиниб келинмоқда.

## 4. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини статистик таҳлил қилиш

**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига:** прокуратура, Ички ишлар идоралари, солиқ департаменти, божхона қўмитаси, ҳарбий прокуратура ва бошқалар киради. Уларнинг ҳар бирига мамлакатдаги ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда умумий қоидалари ва вазифалари мавжуд бўлишидан ташқари, ҳар бирида ўзига хос йўналиши ва шакллари мавжуд. Шунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини ўрганиш бу жуда мукаммал ва кўпқирали тизимни ташкил этади. Шу борада биз фақатгина бир-нечта йўналиш бўйича статистик таъминланишини кўриб чиқамиз.

1. Милиция тўғрисида қонун ( Ўзбекистонда шу кунга қадар милиция тўғрисида қонун қабул қилинмаган, лекин ҳаракатдаги “Ички ишлар идораларида хизмат ўташ тўғрисида вақтинчалик Низом” бўйича унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

-Фуқароларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш;

-Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни олдини олиш ва уларга чек қўйиш;

-Жамоат тартибини сақлаш ва жамият ҳавфсизлигини таъминлаш;

-Фуқаролар, мансабдор шахслар, ташкилот ва муассасаларга ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда ёрдам бериш;

Ушбу вазифалар милиция ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган Низомда яна ҳам аниқлаштирилган.

Милиция мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни олдини олиш ва уларга чек қўйиш; ушбу жиноятларни содир этилишига сабаб бўлган шароит ва вазиятларни аниқлаб, ўз хизмат ваколатлари доирасида ушбу жиноятларни содир этилишига сабаб бўлган шароит ва вазиятларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш;

- жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар ва таъбий офатлардан жабр кўрган, бундан ташқари ҳаёти ҳавф остида ва ёрдамга мухтож қолган ҳолатда бўлган фуқароларга ёрдам бериш;

- жиноят хақидаги хабарлар, ариза ва шикоятларни, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа, шахс ва жамият ҳавфсизлигига қаратилган ҳавфликлар хақидаги хабарларни рўйхатга олиб, қабул қилиш, ва ўз вақтида қонуний чора қўриш;

- жиноятларни аниқлаш ва очиш;

- жиноят ишларини қўзгатиш, тергов олди ва зарурий тергов ҳаракатларни ўтказиш;

- жиноят содир этган, суд ва терговдан бёкиниб юрган жиноятчиларни қидириш, жазони ижро этилишидан бёкинган шахсларни, бедарак йўқолган ва қонунда кўрсатилган бошқа вазиятлар бўйича қидираётганларни топиш.

Мутлақо кўп ҳолатларда милициянинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришдаги ҳаракатлари бу юридик, ҳуқуқий мақом даражасига эга бўлган ҳолат ҳисобланиб, улар томондан тузилган ҳар қандай долалотномалар, рўйхатга олиш ҳужжатлари тегишли дастлабки статистик ҳисоботлар шаклларида ўз аксини топади ва ҳар бир ҳолат бўйича махсус тайёрланган варақалар ( статистик карточкалар) тўлдирилиб, **Ички ишлар Бошқармаларининг Ахборат Марказларига мужассамлаштирилиш, ҳисобга қуйиш учун юборилади.**

Шулардан фақат бир-нечта статистик ҳисоботни кўриб чиқамиз:

**1)** Ички ишлар идоралари уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида;

**2)** Ички ишлар идоралари жиноятларни тергов қилиш хақида;

**3)** Жиноятларни очишда ишлатилган куч ва маблағлар туғрисида;

**4)** Ички ишлар идоралари томонидан қасддан содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш тўғрисида ;

**5)** Иқтисодий йўналиш бўйича жиноятларни аниқлаш ва фош этиш тўғрисида ;

**6)** Криминал милиция бўлимларини иқтисодий йўналиш бўйича жиноятларни аниқлаш ва фош этиш тўғрисида;

**7)** Жиноятларни аниқлаш ва фош этишда ГАИ ходимларини хиссаси тўғрисида ;

**8)** Суриштирув идоралари фаолияти тўғрисида ;

**9)** Жиноят содир этган, суд ва терговдан бёкиниб юрган жиноятчиларни қидириш, жазони ижро этилишидан бёкинган шахсларни, бедарак йўқолганлар, ноъмалум шахсларни ва шахси аниқланмаган мурдаларни шахсини аниқлаш тўғрисида;

**10)** Ички ишлар идоралари кўз дан кечириш хизматининг Авиа транспортдаги ҳавфсизликни таъминлаш тўғрисида ;

**11)** Милицияни махсус отрядларини иш фаоляти тўғрисида;

**12)** Ички ишлар идоралари томонидан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тўғрисида ;

**13)** Ички ишлар идоралари томонидан вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тўғрисида ;

**14)** Вояга етмаган ҳуқуқбузарларни вақтинчалик ушлаш марказлари иш фаолиятлари тўғрисида ;

**15)** Ички ишлар идоралари томонидан қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган жазога тайишланган шахслар билан ишлаш тўғрисида;

**16)** Экспет-криминалистик бўлимлари иш фаолияти тўғрисида ;

**17)** Лицензия-рухсат бериш иш фаолияти тўғрисида ;

**18)** Ахборот марказлари иш фаолияти тўғрисида .

Ушбу рўйхатни давом этса булар эди, лекин, айтмоқчи бўлган нарса бу Ички ишлар идораларида жуда катта ҳажмда статистик маълумотлар йиғилади, ҳаттоки ортиқча маълумотлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш катта қийинчиликлар туғдирмайди, чунки мавжуд бўлган ҳисобот чегарасидан чиқмаган ҳолда кўриб чиқилади.

Мисол учун милициянинг махсус отрядлари иш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларида, қуйидагилар кўрсатилади:

- ОМОН (отряд милиции особого назначения)нинг шахсан ўзлари томонидан ёки ОМОН билан биргаликда милициянинг жиноят қидирув хизмати, солиқ ва божхона ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар;

-тадбирларга жалб қилинган шахсий таркиб сони;

-тадбир жараёнида ушланган жиноятчиларни сони, улардан олинган ўқ отар қуроллар, гиёхвандлик моддалар ва бошқалар.

Ушбу катта бўлмаган статистик ҳисоботдан эса (бошқа ҳисоботлардаги маълумотлар билан тўлдириладиган бўлса) жойлардаги жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар ва жамоат тартиби сақлаш аҳволини аниқлашда, ўрганишда ва яхшилашда фойдаланса бўлади.

Ички ишлар идоралари томонидан вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини олдини олиш ҳисоботи, вояга етмаган ҳуқуқбузарларни вақтинчалик ушлаш марказлари иш фаолиятлари ҳисоботи,

Ички ишлар идоралари томонидан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш (профилактика) ҳисоботлари ва жиноят содир қилган шахслар тўғрисида ҳисобот, жумладан вояга етмаганлар шахслар томонидан содир қилинган жиноятлар, жиноятларнинг тури, жиноятчиларнинг жинси ва ёши бўйича статистик ҳисоботлар, бошқа жиноят кўринишлари билан биргаликда вояга етмаган шахслар томонидан содир қиладиган жиноятлар ва жиноятчилар тўғрисида тўлиқ маълумот беради. Шу йўналишдаги аниқ статистик таҳлил эса жойларда Ички ишлар идоралари томонидан вояга етмаган шахслар томонидан содир қиладиган қонунбўз арлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича ўтказиладиган профилактик ишлари самарадорлигини оширади.

Вояга етмаган шахслар томонидан содир қиладиган қонунбўз арлик ҳолатларининг олдини олиш муассасаларида рўйхатда турувчи вояга етмаган шахсларнинг 60 тага яқин алоҳида белгилари кўрсатилган бўлади, жумладан, рўйхатда турганларнинг умумий сони, йил давомида уларнинг хатти-ҳаракатлари, яхши хулқи билан рўйхатдан учирилганлар, ҳамда жиноят содир қилганлар ёки махсус ўқув масканларига юборилганлар ва бошқалар. Ёши, маълумоти, нима билан шуғулланиши, ота-онаси, боқувчиси тўғрисида маълумотлар; алоҳида Ички ишлар идораларига қонунбўз арлиги учун олиб келинган вояга етмаганлар бўйича маълумотлар мавжуд бўлади.

Худди шундай, вояга етмаган шахслар томонидан содир қиладиган қонунбўз арлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича ишловчи Ички ишлар идоралари ходимларида қонунбўз арлик содир қилиши мумкин бўлган вояга етмаган, рўйхатда турувчи шахсларга нисбатан амалга оширилган 40 тага яқин ҳар хил таъсир чоралари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлади. Жумладан, улар билан профилактик махсус суҳбатлар ўтказиш, таъсир чораси сифатида ўқиш, яшаш ва иш жойларига тавсияномалар юбориш, ҳолатлар бўйича далолатномалар тузиш, вояга етмаган шахсга нисбатан тузилган ҳужжатларни судга,вояга етмаганлар билан ишловчи комиссияларига юбориш ва хоказолар.

Ҳисоботда айниқса, жиноий гуруҳлар таркибига кирувчи вояга етмаган шахслар билан ишлашга алоҳида эътибор берилади.

Ўтказилаётган профилактик тадбирлар тўғрисида ушбу ҳисоботда ҳеч нарса кўрсатилмайди.

Вояга етмаган қонунбўз арларни жамиятдан вақтинча ажратиб (изоляция) қўйиш марказлари иш натижалари ҳисоботи ҳам тахминан, шу ҳажмда кўриб чиқилади.

Вояга етмаган қонунбўз арлар билан ишловчи милиция иши таҳлили натижасида шу соҳада юз берган жиноятчиликнинг ўсиши ёки пасайиши динамикасини кўрса бўлади, яъни таҳлил қилинаётган ҳудудда вояга етмаган қонунбўз арлар сони, шу ҳудуддаги барча вояга етмаганлар сони ҳамда уларнинг ота-оналарининг борлиги, ота-оналарининг хулқи, ўрта, махсус уқув муаассаларида, болалар уйида, интернатларда, қуллаб қувватлашга ва тарбиясига олган идораларда, таълим идораларида тарбиявий ишларнинг

қандай олиб борилаётгалигини таҳлил қилганда бу соҳадаги камчиликларни ва яхши натижаларга эришиш имкониятларини аниқлаш мумкин бўлади.

Юқорида қайд қилинган мисоллардан шуни кўрса бўладики, статистик ҳолатлар таҳлили Ички ишлар идораларининг барча соҳаларининг тулиқ фоалияти очиб беради.

2. Милиция фоалиятига тўлиқ боха беришда асосий критерия сифатида белгиланадиган вазифалари ҳам мавжуд.

Бу эса шу ҳудуддаги қайд қилинган **жиноятчиликнинг хақиқий ҳолатини ва уларни фош қилиш даражасини кўрсатади.** Қайд қилинган жиноятчиликнинг хақиқий ҳолати ҳудуд бўйича криминал вазиятнинг асосий комплекс кўрсатгичи ҳисобланади. Бу эса ички ишлар идораларидан қуйидаги мажбуриятларни бажаришни талаб қилади:

-жиноят тўғрисидаги хабарларни, аризаларни ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ва рўйхатга олиб қайд қилиш;

-содир қилинган жиноятларни очиш;

-жиноят ишини кўзғатиш, дастлабки суриштирув ва тергов ишларини олиб бориш.

Жиноятчиликка қарши кураш ва назорат жиноят тўғрисидаги хабарларни, аризаларни ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ва текширишдан бошланади. Натижалари бўйича жиноят иши қўзгатилади ёки дастлабки текширув ишлари олиб борилади,агар ҳолат тасдиқланса ўз навбатида жиноят иши қўзгатилади, агар ҳолат тасдиқланмаса жиноят ишини қўзғатиш бекор қилинади.

Жиноят тўғрисида олинган хабарларни, аризаларни ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ва рўйхатга олиб қайд қилиш бу номига қилинадиган ҳолат бўлмасдан, балки Ички ишлар фоалиятининг асосий моҳиятини белгилаб беради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва милиция фоалиятида жиноят тўғрисида олинган хабар, ариза ва бошқа маълумотларни яширмасдан қайд қилиш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Чунки, бу масала ҳалқ, миллат ва давлат ҳавфсизлигини, ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар манфаатини ифода қилади.

Хизмат қилинаётган ҳудудда жиноятни яшириб, умумий жиноятчилик кўрсатгичларни фальсификация қилиш бу хизматга ва ҳалққа хиёнат ҳисобланади, шундай ҳолатлар аниқланганда айбдорларга нисбатан кескин чоралар кўрилади.

3. Милициянинг яна бир мажбуриятларидан бири жиноятларни аниқлашдан иборатдир. Давлатга, давлат ва жамият мулкларига, инсонларнинг шахсига ва соғлига, иқтисодиятга, экологияга, коррупциялашган, резананс берадиган жиноятларга ва бошқа жиноятларга қарши курашда жиноятларни аниқлаш жуда катта эгадир. Ушбу жиноятларнинг аниқланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам статистик ҳисоботларда бевосита ва билвосита қайд қилинади. Статистик

карточкаларда ушбу жиноят қайси хизмат ва ким томондан аниқланганлиги, жиноятнинг қочон, қаерда, ким томонидан содир қилинганлиги, жиноятнинг объекти ва субъеклари, жиноятчининг услуби, қуроли, ашёвий далиллар, етказилган ва ундирилган зарар, жабрланувчилар ( юридик ва жисмоний шахслар) ва бошқа жиноий ҳолатни тўлиқ ифода қилувчи маълумотлар ўз аксини топади.

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг яна бир асосий қўрсатгичларидан бири бу-содир қилинган жиноятни фош қилишдан иборат.

Жиноятнинг фош қилинганлиги тўғрисидаги маълумот тергов якунлари бўйича тўлдириладиган Ф.1.1 статистик карточкада кўрсатилади.

Мавжуд ҳисоботга кўра, фош қилинган жиноятлар сони юзга кўпайтирилиб, тергов қилинаётган жиноят иши сонига бўлинади ва натижада аниқ содир қилинган жиноятнинг очилиш фоизи (%) аниқланди. Жумладан;

$$\% \text{ ҳ} \quad \frac{\text{очилиш сони}}{\text{терговдаги жиноят иши сони.}} \cdot 100$$

Жиноятларни бирлаштирилган, ягона ҳисобга олиш тизими бўйича Инструкция талабларига кўра, қуйидаги ҳолатларда жиноят очилган ёки фош қилинган деб ҳисобланади;

-жиноят содир қилган шахсга нисбатан жиноят иши бўйича айб эълон қилган, прокорор санкцияси билан жиноят иши тасдиқланиб судга кўриб чиқиш учун юборилганда,

-жамият учун унча ҳавфли бўлмаган жиноят содир қилган, лекин, прокурорнинг розилиги билан жиноий жавобгарликка тортилишдан озод қилиб, унга нисбатан жиноят ишини кўзғатиш бекор қилинган ҳолда,

-жиноят содир қилган шахсга нисбатан тўпланган ҳужжатлар терговга оширилмасдан прокурор санкцияси билан судга кўриб чиқиш учун юборилганда,

- Янги юзага келган вазият бўйича, яъни аминистия чиқиши, жиноят иши бўйича белгиланган муддатнинг тугаши ёки жиноятчининг ўлими натижасида жиноят иши бекор қилинганда.

**Қуйидаги ҳолатларда жиноят очилмаган деб ҳисобланади:**

-айбдорнинг терговдан, суддан кочиб юрганда ёки номаълум сабабларга кўра унинг турар жой аниқланмаганда,

-жиноят иши бўйича айбдор деб топилган шахснинг шахси аниқланмаганда.

Худди шундай очилмаган жиноятларга, жиноят қайд қилинган ва кўз ғатилган вақтдан каътий назар статистик ҳисоботга олингандан кейин тўхтатилган барча жиноятлар киради.

**Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фоалиятини ўрганишда тергов иши таҳлили алоҳида ўринда туради**

Тергов тизимига - Ички ишлар идоралари, прокуратура, миллий ҳавфсизлик хизмати, солиқ, божхона ва ҳарбий прокуратура тергов бошқармалари киради.

Юқорида қайд қилинган тергов хизмати ҳар бир жиноят иши натижалари бўйича статистик карточкалар тўлдирадилар ва тергов ишлари бўйича ҳисобот берадилар.Ушбу статистик карточкаларда жиноят ишининг турлари бўйича, суруштирув ва тергов муддатлари, қўшимча тергов бўйича, гумондорни ушлаш, жиноятни бекор қилиш,тугатиш ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Тергов ҳаракатлари фақат қўзгатилган жиноят ишлари бўйича ва Жиноят процессуал Кодекси қонун қоидаларига амал қилган ҳолда амалга оширилиши, сабабли ушбу кўрсатгичларни статистик ҳисоботлардан яширишнинг ҳеч иложи йуқ.

Ахборат марказларида мавжуд бўлган ушбу статистик ҳисоботга қараб, таққослаш ва таҳлил қилиш натижасида шаҳар, туман, вилоят ва ниҳоят, Республика бўйича жиноятларнинг фош қилиниш даражасини ва амалга оширилган тергов ишлари бўйича тўлиқ маълумотни олиш мумкин бўлади.

6. Ҳуқуқ масалалари буйида кундалик статистикада **прокурор фоалияти таҳлили** алоҳида ўрин тутади. Прокурор фоалияти бўйича ҳам ҳар ойда Ахборот Марказига ҳамда бевосита ўзининг юқори ташкилотига давлат статистик ҳисоботи берилади. Ҳисоботда прокуратура қонундида кўрсатилган прокурорнинг барча вазифалари ўз аксини топади. Қуйидаги статистик ҳисоботлардаги ҳолатларга қараб прокурорнинг қонунларнинг ижроси устидан қандай назоротни амалга ошираётганлига боха бериш мумкин бўлади.

-инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги бузилмаётганлиги,

-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг суруштирув ва тергов ҳаракатлари қонун доирасида амал қилинишлиги, (жиноят иши қўзғатилиши асослари, жиноят ишининг тўхтатилиши, бекор қилиниши, тергов ва суриштирув ҳаракатларининг қонуний олиб борилиши,вақтинча гумондорни ушлаш ва хибсга олиш ва хоказо)

- мажбурий равишда қамоқхона ва вақтинча сақлаш хоналарида сақланаётган фукораларни қонунда белгиланган тартибда сақланиши,

- прокурорнинг жиноий, арбитраж ва фуқоралик ишларини судларда кўришда иштироки,

-прокурорнинг корхоналар, тошқилотлар, фуқоралардан келган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши,

-прокурорнинг матбуотда чиқишлари.

7. Ҳуқуқни мухафоза қилиш идораларнинг иш фоалияти самародорлигини ошириш масалаларида ҳам статистик ҳисоботлар таҳлили катта аҳамиятга эга.

Бу эса соҳалар бўйича макаддам қилинган ишларни таҳлил қилганда, суриштирув ва тергов ҳаракатлари амалга оширлаётганда мукаддам шундай ишларни тергов қилишдаги ижобий натижалардан фойдаланиши ва хоказоларни кўриш мумкин.

Худди шундай,хукуни мухафоза қилиш идораларида жорий қилинган бундай статистик ҳисоботнинг мавжудлиги ва ҳолатларнинг қайд қилиниши қилинадиган ишлари режалаштиришда, йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларни такрорланмаслигида, тергов ҳаракатларини қисқа муддатларда тугатишда ва жуда кўп ҳолатларда самарали фойда беради.

## 5. Судланганликни статистик таҳлил қилиш

Суд қарори билан судланганлар, яъни жазо муддатини ўтаганлар ёки жазодан қамалмасдан бошқа жазо чораларини қўллаш орқали ижро қилганлар статистик таҳлили ўз ичига **жиноятчилик ҳолати ва унинг ўсиш ёки пасайиш даражасини ( динамикасини)** олади.

Бу маълумотларни биз терговчи томонидан айб эълон қилингандан ва суд томонидан жазо бергандан кейин умумлаштирилиб, тўлдириладиган статистик карточкалардан оламиз.

Судланганларга нисбатан тўлдирлган статистик карточкаларда қуйидагилар кўрсатилган бўлади;

-жазога тарилган айбланувчилар сони ва уларга белгиланган жазо турлари,

- белгиланган жазонинг ўзига хослиги,-

- оғир турдаги жиноятларга белгиланган жазо,

-соҳалар бўйича судланганлар,

-вояга етмаганлар шахслар томонидан содир қилинган жиноятлар.

Ушбу статистик ҳисоботларда судланганлар тўғрисида 10 мингдан ортиқ ҳар хил маълумотлар бўлиб улар бўйича қилинган таҳлил мамлакат, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бўйича аниқ ҳолатни акс эттиради. Судланганлар бўйича статистик ҳисоботлар бошқа ҳисоботлардан аниқлиги ва ишончлиги билан фарқ қилади.

1. Суд қарори билан жиноят содир қилганлиги учун судланиб жазо тайишланганлар, ҳамда жазо муддатини утиб келганлар - судланганлар дейилади.

Жиноий жавобгарликка тортганлик ва жоза чоралари утганлик бўйича тузилган ҳисоботларда 330 тадан ортиқ ҳуқуқий аҳамиятга молик бўлган фарқловчи маълумотлар мавжуд бўлади. Худди, дастлаб жиноятни қайд қилган даврда кўрсатилгандек, судланганлик гуруҳларга, ЖК нинг моддаларига ва бандларига ажиратилади. Жиноятнинг тўлиқ моддалари ва бандлари билан кўрсатилди.

Масалан: жиноят икки қаторда акс эттирилган, биринчисида -оддий жиноят, иккинчисида эса оғирлаштирадиган ҳолатларда содир этилган жиноят. Онанинг ўз чақалоғини ўлдириши, аффект ҳолатида содир этилган

жиноят, ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чегарасидан четга чиқиб одам ўлдириш, эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлдириш, ўзини –ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва х.

Охирида келтирилганлар ўзида бир бирига тўғри келмайдиган қасддан ва эҳтиётсизликдан қилинган ҳаракатларни бирлаштириб, ҳисобдорликни умумлаштиради.

Керакли маълумотлар Федерация субъектларида судланган шахснинг статистик карточкалари, маълумотлар базасига мурожаат қилиш билан тўлдириш мумкин.

Таҳлил қилинаётган ҳисобот қаторнинг икки ёнида ўзида 100 та белгини мужассам қилиб, ўзида жиноятчиликнинг турли кўринишларини, унинг оғирилик даражаси, айб кўринишлари, судланганлар жинсини акс эттириб, улар графаларда, жиноят жазо ва ундан озод этиш чоралари ҳамда кўринишлари кўрсатилади.(ўлим жазоси, умрбод қамоқ, йиллар бўйича озодликдан маҳрум қилиш - аҳлоқ тузатиш ишлари, муайян фаолият билан шуғулланиш ёки маълум мансабни эгаллашни чеклаш, жарима,шартли судланганлик, амнестия ва бошқа асослар билан жазодан озод қилиш, мулкни мусодара қилиш, мажбурлов ишлари, оқлов, реабелитация ва ошқа ишларни тугатиш,қўшимча жазолар ва бошқалар).

2. Форма 11,12,13 шакллари ҳисоботи асосида айбланувчиларни ўрганиш мумкин.

Айбланувчининг таркиби ва жиноят содир бўлган жой тўғрисидаги ҳисобот ҳажм жиҳатидан каттадир. Унинг иккинчи жадвалида 4300тадан ортиқ белги кузатилади. У Форма 10 ҳисоботи асосида тузилган. 1-жадвалда (демографик белгилар) гуруҳлари, жиноятнинг кўринишлари ва таркиби,ён қаторларида берилган бўлиб, турли белгилар Билан мос келади. Ҳамда айбланувчиларнинг шахсини жинси бўйича, ёши бўйича, фуқаролиги бўйича, яшаш жойи бўйича, мақоми бўйича (қочоқлар, мажбурий кўчманчилар), маълумоти бўйича, машғулот тури бўйича, меҳнат лаёқати ( шунингдек, муайян касбга эга бўлмаган меҳнатга лаёқатлилар), нафақахўрлар ва х.

Иккинчи-жадвалида, (жиноятнинг ҳарактери, унинг рейидивлиги ва такрорийлиги)худи шундай гуруҳлари, ҳаракат турлари ва таркиби, содир этилган жойи ва босқичи, иштирокчиликда содир этилаётган жиноятларда жиноятчиликнинг ҳарактери, субъектнинг алкоголик ёки гиёхвандлик мастлиги, унинг судланганлик сони, жиноятнинг ҳарактери олинги судланганлиги бўйича, олдинги судланганлик бўйича жазони ўташ ва озод қилиш тартиби ва хаказо ҳарактерлари билан таалуқлилиги кузатилади.

Судланганлар ва улар томонидан содир этилган ҳаракатлар ҳарактеристикасининг давоми хўжаликнинг алоҳида соҳаларида судланганлик тўғрисидаги ҳисоботда бўлади (Ф № 11 а), ҳар хил соҳага

таалуқли алоҳида турдаги жиноятлар ( ўғирлик, порахўрлик, товламачилик, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, сохта тадбиркорлик, меҳнат қоидаларини бузиш,транспорт ҳавфсизлиги ва эксплуатацияси ва б.) ва баъзи турдаги субъектлар (бошлиқлар, мансабдор шахслар ва х) таалуқлидир. Хўжалик соҳасининг рўйхати Амалий мавжуд бўлган ҳамма турдаги ишлаб чиқарувчилар, қишлоқ хўжаликлари, транспорт, алоқа, қурилиш, сув ва ўрмон хўжаликлари, молия –кредит уюшмалари, турар жой коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, маданият, таълим, жисмоний тарбия ва спорт, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ораганлар ва судлар ҳам киради.

Вояга етмаганларни содир қилган жиноятлари тўғрисида, айбланувчилар тўғрисида ҳисобот кўпгина юқорида кўрсатилган кўрсаткичларни,вояга етмаган айбланувчилар кўрсаткичлари асосида тўлдириб боради.

3. Асосий амалий ва илмий аҳамиятга эга бўлган мавжуд судланганлик (суд орқали ўтган), ҳисобга олинган жиноятлар тўғрисидаги ва судланганлар тўғрисидаги маълумотлар жиноят содир этган махсус шахслар тўғрисидаги маълумотлар Билан биргаликда солиштирилади. Мисол учун 1996 йилги кўрсаткични олсак . 1996 йилги қонунбузарлар ва судланганларни характерловчи белгилари

Айрим қонунбўз арлар ва судланганлар характерловчи белгиларнинг қарама-қарши қўйилиши шуни кўрсатадики, ажратилган қонунбўз арларнинг тизими 81,6 % ни ташкил қилиб, эркаклар аёлларга нисбатан айбдорликда кўпроқ айбланади, 14-30 ёшдаги шахслар катта ёшдагиларга нисбатан судланганлар тизимида кўпчиликни ташкил этади ва кўпроқ жавобгарликка тортиладилар; мастлик ҳолатида ва бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинадиган жиноятлар белгиланган ҳуқуқбузарликлар ўртасида 10 % кўпроқдир.

## 6. Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятини статистик таҳлил қилиш имкониятлари

Судларнинг фаолияти жиноят, фуқаролик, маъмурий, аналитик ишлар ва бошқаларнинг кўриб чиқилишида намоён бўлади.

1.Жиноят ишлар бўйича судлар фаолияти- судлов фаолиятининг асосий негизидир. Лекин, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, фуқаролик ҳуқуқий фаолиятни катталаштириш ва судларнинг ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш борасида фуқаролик ҳуқуқий ва маъмурий суд иш чиқарилиши, жиноят ҳуқуқий йўналишлар суд ишларида асосийси бўлиб қолади.

Қайта қуриш ва реформалар пайтларида судлар асосли тарзда “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” умумий тушунчадан чиқариб

ташланган.Шунингдек уни жиноятчилик билан кураш муҳитидан ҳам чиқариб ташлашга ҳаракат қилишган.

Судлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимига кира олмайди, улар жиноят ўсишларни олдини олишга жавобгар эмаслар, лекин жиноят судлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида асосий элементлардан ҳисобланади, улар томондан жиноятчиларга чиқарилган айблов ҳукмлари ,жиноятчиликка қарши курашда,энг асосий ва якунловчи босқичини ўзида акс эттиради.

Суднинг айблов ҳукмлари ва жиноят жазоларда ҳеч қандай жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун жиноят ишларни статистик кўрсаткичлар асосида кўриб ўрганиш асосий масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бу иш асосан:

-жиноят ишларни кўрувчи биринчи инстанция судлари ҳисоботларида (Ф № 1),

- қарор ва ҳукмлар ижроси бўйича судлар фаолиятида (Ф № 4),
- жиноят ишларнинг кассацион тартибда кўриб чиқувчи судлар фаолиятида (Ф № 6),
- жазолашни истисно қилувчи кассацион ва назорат тартибида иш кўриш (Ф № 6 а),
- жиноий ишларнинг назорат тартибида кўрилишида ўз аксини топади.

Жиноят ишларни кўрувчи биринчи инстанция судлари ҳисоботларининг қаторнинг иккала бошлари жиноят ишларнинг турли категояларнинг номланиши кўрсатилади. (гуруҳ бўйича,жиноятларнинг турли кўринишлари ва алоҳида таркиблари бўйича), шунингдек баённома тарзида киритилган вояга етмаган шахслар ишлари, битта судья томонидан, профессионал судьялар ва судлар хайъатлари томонидан кўрилган ишлар. Графаларда жиноят ишларнинг ҳисобот давридаги фаолияти ёки кейинги ҳал қилувлар кўрсатилади.

Ишларни ҳал қилиш мавжудлиги бўйича кўриб чиқилиб (айблов ҳукмининг чиқарилиши, ишни тугатиш, ақли норасоларга нисбатан мажбурлов чораларини кўриш), қўшимча терговга ёки судловга юборилади. Кейин эса иш кўриш муддатларининг бузилиши , судлаш, оқланган шахс сони қанча, мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар сонининг қанчалиги, шунингдек хусусий ажрим ва қарорларнинг қанчалиги хақида сўз боради.

Ҳисобот қисмида бўлимларидаги 1,5 ой, 3 ва 6 ойдан кўп вақтда кўриб чиқилган ишлар сони; жиноят ҳуқуқий квалификация ҳаракатлари ўзгарган ишлар; яқин орада 2008 йил 1 январдан бошлаб суд томонидан хибсга олинган ёки хибсдан озод этилган шахслар сони; ҳал қилинган ишларнинг мавжудлигини таҳлил қилиш, шунингдек хусусий ажрим

чиқарилиш асослари, улар бўйича қўлланилган чоралар ва бошқа муҳим маълумотлар кўрсатилади.

Ҳисоботнинг навбатдаги бўлимларида судланганлар таркиби ва жазо чоралари, ўлим жазосини қўллаш, тақдимномаларни кўриш, ариза ва шикоятлар билан бирга 2008 йил 1 январдан бошлаб хибсга олиш шикоятлари, қамоқда ушлаш муддатини ўз айтириш тўғрисидаги тақдимномалар кўрсатиб ўтилади. Жиноят ишлар бўйича судларнинг аналитик фаолияти, умумий судлов амалиётини ўтказиш ва ўтказилган анализ хулосалари бўйича тақдимномаларни чиқариш кабилар ҳам ҳисоботда кўрсатиб ўтилади.Ҳисоботнинг умумий информацион ҳажми 600 дан ортиқ белгилардан иборатдир.

Судлар фаолиятини ўрганишнинг статистик имкониятлари бошқа шакллар ҳисобига кенгайтирилган бўлиши мумкин. Ҳукм ва қарорларнинг ижроси борасидаги судлар ҳисоботида (Ф № 4) ижро варақаси ҳаракати маълумотларини, уларни ижро турлари бўйича тақсимлашни, мулкнинг турли шаклларига нисбатан (давлат, маҳаллий, оммавий, хусусий, шахсий ) моддий зарар миқдорини, даъвони қондириш ва унинг ижроси ҳам келтирилади.

Кассация ва назорат тартибида кўрилган ишлар ҳисоботларига мурожаат қилиш, жазоларни истисно қилувчи ҳолларни ҳисобга олган ҳолда фақатгина жиноят судларининг фаолиятини, миқдор томонларини баҳолабгина қолмай, балки судлов иш кўрилишининг сифатини ҳам баҳолашнинг имкониятларини яратади.

Судларнинг фаолиятини баҳолашда қонуний ва асосли ҳукмларни чиқариш ёки ноқонуний ва асоссиз ҳукмларни чиқариш, судьялар фаолияти квалификацияси, профессионал тайёргарлиги ва хоказоларнинг сифатли муносабатлари асосий ўринни эгаллайди.

Кассация инстанцияси ҳисоботи (Ф № 6) ўзининг асосий жадвалида кассацион тартибда қаноатлантирилган шикоят ва протестлар хулосаларида жиноятларнинг баъзи гуруҳлари ва кўринишлари келтирилган. Бу хулосалар биринчи инстанция судларнинг муҳим хатоси дир.

Ҳисоботда қабул қилинган қарорлар кўрсатилади:

1)бекор қилинган айблов ҳукми бўйича:

- қўшимча терговга юбориш ёки жазони енгиллаштирувчи ҳолат кўринишида ишни судга юбориш ёки бошқа асослар бўйича;
- реабелитация ва бошқа асослар бўйича ишни тугатиш;
- айблов ҳукмини қисман бекор қилиш ёки ишни енгилроқ айбга ўзгартириб, тугатиш;

2) ўзгартирилган айблов ҳукмлари бўйича:

- фаолият квалификациясини камайтиришсиз ёки жазо чораларини камайтириш билан ўзгартириш

- аввалги квалификацион ҳаракатларни ўзгартиришсиз қолдириш билан бошқа ўзгартиришлар киритиш;

3) биринчи инстанция судларининг бекор қилинган оқлов ҳукмлари, шунингдек бекор қилинган ажрим ва фармонлари бўйича:

-реабелитация қилувчи ишларнинг тугатилиши (иш қўзғатишни рад қилиш ) тўғрисида;

-бошқа асослар бўйича ишнинг тугатилиши (иш қўзғатишни рад этиш) тўғрисида;

-ақли норасоларга нисбатан мажбурлов чораларнинг қўлланилиши;

-ишни қўшимча терговга юбориш тўғрисида.

Аналогик позициялар назорат тартибидаги жиноят ишларини кўрувчи судлар ҳисоботида акс эттирилади. (Ф № 8). Фақат бу хатолар: 1) биринчи инстанция судларининг ҳукмлари, ажримлари, ва қарорлари 2) апелляция ва кассация судининг ажримлари 3) олий, вилоят ва уларга тенглаштирилган назорат қарорлари 4) Ўзбекистон Республикасининг Олий суди суд коллегиясининг назорат қарорлари.

2. Судларнинг фуқаролик ишларини кўриб чиқишини статистик ўрганиш асосан фуқаролик ишларни биринчи инстанция судида кўрилиши ҳисоботларига ва судларнинг қарорлари ва ҳал қилув қарорларининг ижроси ишларига асосланади.

1) оила ва нокоҳ муносабатлар: Никоҳни бекор қилиш, вояга етмаган фарзандлари бор бўлган, фарзандсиз ва катта ёшдаги фарзандларига эга бўлган, фарзандларнинг тарбияси учун алимент ундириш, ота оналикни тан олиш, ота- оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш; ва оила никоҳ муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа ишлар;

2) меҳнат масалалари: ишга тиклаш; меҳнатга ҳақ тўлаш; иш ташлашни ноқонуний деб топиш ва етказилган зарарни ундириш хақидаги меҳнат муносабатлари;

3) боқувчисини йўқотганлиги ва қарамоғига олганлик тўғрисидаги даъволар; меҳнат мажбуриятларини бажарганлиги билан;

4) кўчириб юбориш хақида: иш жойи ва яшаш жойидан;

5) табиат муҳофазаси қонунчилигини бўз ганлиги учун зарарни қоплаш даъволари, ерга нисбатан мулкчилик ҳуқуқи бўйича масалалар, ва ер билан боғлиқ бошқа масалалар;

6) масалалар, давлат, маҳалла ва жамоа ташкилотлардан келиб чиқадиган низолар; чет эл фуқароларнинг қўшма корхоналари; хўжалик иштирокидаги, жамоа шерикчилигидаги низолар;

7) акционерларнинг даъво аризалари: мулкни хатлашдан озод қилиш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан зарарни ундириш; ҳуқуқ ва манфаатларни химоя қилиш; қурбонларнинг реабелитациясининг сиёсий репрессиялари ва бошқа даъво ишлари.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи актларни ноқонуний деб тан олиш борасидаги тортишувлар, ўзини-ўзи бошқариш маҳаллий органлари бўйича тортишувлар; мансабдорларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлари; солиқ қонунчилигининг бузилиши;ноқонуний маъмурий ундирилишни жорий қлиш; сайлов қонунчилигининг бузилиши; ва маъмурий муносабатлардан келиб чиқувчи бошқа даъволар.

Асосий ишлаб чиқариш ишларга: оталик фактини белгилаш; юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш; муомала лаёқатини чеклаш; натариал ҳаракатлар устидан шикоятлар ва уларни бажаришни рад этиш; фуқаролик ҳолати далолатномаларига ўзгартириш киритиш ва ҳ.

Турли категорияларидаги фуқаролик, шунингдек жиноят ҳаракатларни кузатиш ҳисобот даврининг охирида ҳам, тугалланмаган ишлар ҳам ҳисобот даврида тушган ишлардан бошланади. Ҳисобот даври давомидаги тугалланган ишлар сони, даъвони қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорларни чиқаришни кўриб чиқиш сони Билан , тугалланган ишлар сони Билан ,кўрилмай қолган даъволар билан бошқа судларга ўтказган ишлар билан белгиланади.Ҳисоботда шунингде, иш кўриш муддатлари, миқдори ундирувга қаратилган суммалар ва давлат даромадига тўланган давлат божи суммалари билан акс эттирилади.

Ҳисобот фуқаролик ишлари бўйича аналитик фаолиятни кузатиш билан, умумий суд амалиётини ўтказиш сони билан ва тақдимнома киритиш билан тугалланади.

Шуни кузатиш мумкинки, фуқаролик ишлари бўйича статистик маълумотлар ҳажми жиноят ишларга қараганда камроқ. Бир тарафдан ,бу етарлича ривожланмаган фуқаролик ҳуқуқий статистика Билан бошқа томондан судларнинг фаолиятини кузатиш учун зарур бўлган кўрсаткичлар объектив камлиги билан боғлиқ.

Фуқаролик жамияти кейинги босқичи ва аҳолининг сиёсий иқтисодий фаоллиги сезиларли даражада суд фаолияти доирасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни кенгайтириб, у статистик кўрсаткичлар,кўпайтириш ва аниқлаштиришга олиб келиши мумкин.

Ҳозирда амалда бўлган статистик асосида оила-никоҳ, меҳнат, уй-жой ва бошқа кўплаб муносабатларни муваффақиятли ўрганиш мумкин. Фуқаролик ҳуқуқий низолар динамикаси ва ҳудудий бўйича кўрсаткичларнинг турли таҳлили фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг у ёки бу доирасининг ижобий ёки салбий тенденцияларда кўрсатиш мумкин. Бу муносабатларни чуқур ўрганиш фуқаролик, фуқаролик процесси, конституциявий, молиявий, банк, меҳнат, уй-жой, ер муносабатларни, мерос, тадбиркорлик, маъмурий, жиноят, жиноят процесси ва бошқа ҳуқуқ тармоқларига мурожаат қилишни талаб қилади.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

## Раҳбарий адабиётлар


1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор риожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.

18. Каримов И.А. Юксак маъанавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятни барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2009 йил 5 декабрь . – Т.: Ўзбекистон, 2009.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойиши. 2009 йил 9 декабрь. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 27 январдаги “Баркамол авлод йили” давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-1271-сон Қарори.
22. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 27 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
23. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
25. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, 2010 йил 7 декабрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

## Асосий адабиёт

**1.** Лунеев В.В. Юридическая статистика. - М.: Юристь, 1999. – 428 с.
**2.** Мадалиев О.М. Суд статистикаси. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДЮИ, 2006.
**3.** Madaliev O.M. Sud statistikasi: O`quv qo`llanma. - T.: TDYI nashriyoti, 2009. – 289 b.
**4.** Эрназаров Ю.К. Тон Л.Г. Судебная статистика (учебно-методический

комплекс). – ТГЮИ. 2008 г.
5. Эрназаров Ю.К., Ачилов С.М., Тон Л.Г. Судебная статистика. Учебное пособие. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2009.
6. Мухаммадиев А.А. Судлар фаолиятини ташкил этиш. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2010. 234 б.

**Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-24-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил. 10-11 сон. 34- модда.
3. Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низом. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 1-2 сон. 7-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 1-2 сон. 7-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, № 24. 194-модда.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Каракетов Ю.М., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминологик чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 1995. – 228 б.
2. Правовая статистика: Учебник. Л.К.Савюк. – М.: Юристъ, 1999. – 592 с.
3. Шмойлова Р.А. Теория статистики. - М.: Финстатинформ. 1999. – 345 с.
4. Интернетдан олинган маълумотлар: http://www.zakon.ru; http://www.narod.ru; http://www.advokat.ru; http://www.msu.ru; http://www.msal.ru; http://kalinovsky.narod.ru

## 9. Дидактик воситалар

- Кодоскоп мосламаси;
- Видео, аудио, DVD ускуналари;
- Компьютер ва мультимедиали воситалар.